

ЁШЛК 10/89



Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий
Комитети ва
Ўзбекистон ССР
Ёзувчилар
уюшмасининг
органи

(94)
Октябрь

Ойлик
адабий-
бадий,
ижтимоий-
сиёсий
журнал

1982 йилдан
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Омон МАТЖОН

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ,
Эркин ВОҲИДОВ,
Хуршид ДАВРОН,
Владимир ЖОНИБЕКОВ,
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,
Ҳамид ИСМОИЛОВ,
Насриддин МУҲАММАДИЕВ
(масъул котиб),
Олим ОТАХОНОВ,
Азим СУЮН,
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,
Нурали ҚОБУЛ,
Абдурашид ҚОДИРОВ,
Усмон ҚУЧҚОР,
Ғаффор ҲОТАМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Тошкент
«Ёш гвардия» нашриёти



Ўзбекистон халқ
ёзувчиси **Мирмуҳсин билан**
суҳбат

Савол: — Домла, ҳозир катта муаммолар ҳақида суҳбатлашиш одат бўлиб қолган. Келинг, биз бошқачароқ бошлайлик. Гўзаллик деганда нималарни ўйлайсиз. У нима: ички туйғу, тарихга ёки инсонга муҳаббатми, ташқи жозибамми, эътиқодми? Гўзаллик ёшга боғлиқ деган гапга қандай қарайсиз?

Жавоб: — Гўзалликни, менимча ҳар ким ҳар хил тушунади. Ниҳоятда нозик, айтилиши вақтда офтоб кўрмаган қиз деҳқон кишилар учун унча гўзал эмас. Улар забардаст ва бақувват, икки ёноғи қип-қизил, дала ишларини боплайдиганларни гўзал дейдилар. Аммо санъатда нозик, сигир соғишни билмаса ҳам талантили, қадду қомати келишган қизларимизни гўзал деймиз. Гап сиртқи кўринишда ҳам эмас, мен ақлли, ўз касбини севадиган, маданиятли қизларимизни гўзал дердим. Бу фазилат камлик қилади, менимча, она ер, она тилини севган, ўз халқи тарихини ўрганишга доимо интиладиган, юрти камоли билан фахр этади-

ган қизлар гўзалдир. Лекин минг афсус, баъзан дала-ларимизда, деҳқон хонадонларидаги кўпгина қиз-жувонларимиз гўзаллигию латофатини заҳрикимё, пахта яккаҳокимлиги ютиб юбормоқда. Бир халқда: хусн оғиздан киради, деган гап бор. Гарчи қўполроқ бўлса ҳам мен бу сўзни тилга олдим. Вақтида овқатланиш, нозу неъмат, вақтида дам олиш гўзалликни мустаҳкамлайди. Ҳатто илгариги замонда қассобнинг қизи барвақт етилади дейиларди. Тезроқ узатишарди...

Гўзаллик ёшга боғлиқ эмас, ўрта яшар бениҳоя гўзал аёлларни кўрганман. Эътиқоду донолик, меҳнатсеварлик фазилати, ўзгаларни ҳурмат этиш, ҳасаддан мутлақо фориғ қалб гўзал ҳисобланади. Олижанобликнинг ўзи гўзалликдир. Такаббурлик, риёкорлик, фақат ўз манфаатини ўйламоқлик — гўзалликка зид!

Савол: — Адиб, унинг шахси ва асари ҳақида ада-

биёт ихлосмандлари кўпроқ мулоҳаза қиладиган бўлиб қолишди. Катта ёшли адибларимизнинг репрессия ва турғунлик йилларидан оқ чиққани камдан-кам экан. Аммо ҳозир кўзи тириклардан бирор-бири лоақал «ўша йиллари гафлат босган экан, халқим энди мени кечирармикин», деган истиҳола билан матбуотда чиқмади, қайтанга ҳар ким ўзини беайб кўрсатаётир. Ўз гуноҳлари учун элга тавба-тазарру қилган мақуб инсонни эл адолат, ҳақиқат олдидан бош эғувчи сифатида ҳурмат қилади. Бу ҳақда Сизнинг ҳам мулоҳазаларингизни билишни истар эдик.

Жавоб: — «Меъмор» романини ёзишда Ғиждувон, Самарқанд, Бухородаги Улуғбек қурдирган мадрасаларда бўлиб, темирчилар билан суҳбатлашдим. Шу пайтда Жомеъ масжиди томидан ўтиб Минораи Калонга чиқдим. Айланма зинапоялардан кўтарилишда туйнуклардан пориллаб каптарлар учиб чиқиб кетди. 950 йил илгари Арслонхон замонида қурилган бу минора ичида, ғиштлар аро ганчхокларда ўша замон меъмор-усталарининг бармоқ излари шундоқ турибди. Ўша панжа изларига панжамни қўйдим.

унинг қадрига етмадик. Айб кўп, «катта ёшлилар», камина ҳам ўзини фаришта санаётгани йўқ, Сталинга бағишлаб ёзилган қанчалаб асарлар мавжуд... Шеър у қасидалар, достону драма, кино, романлардан ташқари Чодак қишлоғимиз тепасидаги баланд тоғда унинг ҳайкали қилинган, юз метрлик нарвонлар тортилган, вертолётлардан чўққига тошлар қўйилган... Дарҳақиқат, катта тоғ Сталин ҳайкали бўлган эди. Исмини билмайман, (фамилияси Петров бўлса керак), «фидокор» ҳайкалтарош неча йил Наманган областига қарашли Чодак қишлоғи тепасидаги тоғда ишлаган бечора. Бунга нима дейсиз? Бир дона гурунчга Сталин тасвири мукамал туширилиб, тилло қутичада Хитойдан Москвага юборилган. У фақат заррабин билан кўриларди. Го Мо Жо, Пабло Неруда, Ромен Роллан, Анри Барбюслар у хусусда бадиий асар ёзган. Уларни «гафлат босган» деб бўладими? Давр шунақа эди, азизим!

Қадимги замонда Шарқда ҳукмдорлар номоз ўқиб, тиловат этиб турган ўз душманлари бошига қилич урмас, зиндонга судрамас эканлар. Ҳатто гуноҳкор-



КЕЛАЖАК УМИДИ

Минора кеча қурилгандек турибди. Шамолу бўронларга, зилзилаю ваболарга, қаҳатчиликларга, босқинчилик урушларига дош бериб, у ҳозир ҳам қад кўтариб турибди. У, Салжуқийлар даврини, Сомонийлар, Қорахитойлар, Мўғулларни кўрди. Ҳатто бошига тулки тумоғи кийган Чингизхонни кўрди, босқинчи унинг тагига келиб, тепасига тикилди, бошидан тумоғи тушиб кетди. Нўғойлар узоқдан от чоптириб келиб, унга найза уришди. Лекин найзаси синиб, ўзи отдан кулади. Минораи Калон амир Темур жаҳонгирни кўрди, Навоийни кўрди, Айнийни кўрди, Файзулла Хўжаевни кўрди... Мустаҳкам, меъморий жиҳатдан мукамал қурилган бу беқиёс ёдгорлик яна минг йил туришига аминман. Яна қанча авлоду даврларни кўради, яхшини ҳам кўради, ёмонни ҳам.

Ёши катта қаламкашларнинг репрессия (қатли ом) ва турғунлик йилларидан «оқ чиққани камдан кам» дейсиз. Бу гап айланиб М. Горькийга ҳам, К. Фединга ҳам тегади. «Социалистик реализм» методини ҳам ўйлаб кўришимиз кераклиги ҳақида гап кетаяпти. А. Фадеев, М. Шолохов... нуқсонлари ҳам айтиляпти. Қайта қуриш, ошкоралик бунга тақозо этиляпти. Солже-ницин буюк адиб дейиляпти. Адолатсизлик бўлгани маълум бўлмоқда. Мен, Абдулла Қодирийни ўзбек адабиётининг чинакам классиги дердим. Эллик йил илгари, яъни адабиётимиз ҳали тетапоялигида, наинки ўзбек адабиёти, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқ... адабиёти тетапоялигида, Тошкент тупроғида «Ўтган кунлар» ва «Меҳрибдан чаён» каби, Бальзак ва Тургенев, Тагор ва Лу Син романлари қаторида турадиган асар дунёга келди. Мухтор Азевов, Берди Қербобоев, Тугалбой Сидқибекоев, Хидир Деряевлар ундан ўргандик дедилар. Вақтида биз

лар масжидга қочиб кириб олса хонақа — олло уйдан олиб чиқиб кетиб бўлмас экан. Садриддин Айний буюк заҳматқаш адибу олим сифатида тинимсиз меҳнат қилди, ўша машъум 37 йилда унга «жадид», «миллатчи» деб айб қўйдилар-у, аммо майда-чуйда гапга аралашмай тинимсиз меҳнат қилиб турганидан уни дастгоҳидан тортиб ололмадилар.

Камина кейинги қирқ йил, кейинроқ турғунлик йилларида ўнга яқин роман, бир неча қисса, кўплаб ҳикоялар, йигирмага яқин дoston ёзиб, ишдан бош кўтармай, шу «давр»ни ўтказибман. Қўлёммадан, «Шарқ юлдузи», «Муштум», «Гулистон» журналлари ишларидан бош кўтармай, устоз Айний услубини маҳкам тутдим. Кўз тикканларнинг кўзини иш билан чалғитдим. Менимча, тўғри қилдим, бир мен ўлганим билан ер тўярмиди! Меҳнат наинки кишини фарқ этади, у ёмон кўзлардан асрайди. Иш билан қаттиқ банд бўлганим туфайли ҳеч ким мени «гипноз» қилолмайди, иш билан банд одамга «гипноз» таъсир қилмайди.

Савол: — Турғунлик йиллари билан бугунги кунни қиёслаб хулоса чиқариш расм бўлди. Бир хил шоирлар бизни у йилларда тўтиқушга айлантириб қўйишган эди деб, «кўринмас машина»ни сўкадилар. Аммо, қизиқки, бир тескари ҳақиқатни тан олмасдан илож йўқ: ўша вақтда ёмон ёзган адиблар ҳозир ҳам бир ишни дўндириб қўймаяптилар. Турғунлик даврида халқ муҳаббатини қозонган ёзувчилар бугун ҳам ҳурматда. Бундан хулоса қилиш мумкинки, давр ўзининг хасу хашакларини пайти келиб элақдан ўтказиб турар экан. Сизнинг «Умид», «Темур Малик» романларингиз китобхонлар томонидан яхши кутиб олинди. Ўзингизга маъқул тушмай қолган

асарларингиз ҳам бўлиши мумкин. Адибнинг позицияси ва давр элаги ҳақида хулосаларингизни айтсангиз.

Жавоб: Ҳа, давр яхши-ёмонни элақдан ўтказади. Бу ҳақиқат. Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»ида юздан ортиқ соҳибқаламлар тилга олинган. Аммо ҳаммалари ҳам бизнинг даврга бўй-басти билан етиб келган эмас. Тўғри, баъзан қатламларда қолиб кетган тенгсиз соҳибқаламлар қанча! Замон Мирхонду Хондамирлари, қилни қирқ ёрувчи алломалар уларни топиб, халқимизга етказгангани ҳам ҳақиқат!

Шу ўринда замонавий бир ривоятни айтгим келади: Икки шоир йўлга чиқиб, каттагина ариқ бўйида тўхташибди, қани ҳатлайлик, дейишибди. Бундай ариқлардан ҳатлаш непачўм дебди бири. Бири ҳатлаб ўтиб кетибдию ижодининг тайини йўқ, катта ғиз иккинчиси чопиб келиб, ариқдан ўтолмай, орқаси билан сув четидаги балчиққа ўтириб қолибди. Шунда у: «Э, ёшлик, ёшлик, ёшликда биз қандоқ эдик...» дебди шеригига. Бир дақиқадан сўнг у пичирлаб: «Ёшликда ҳам расво... эдик» дебди ўзига ўзи кўзини жовдиратиб. Мана бу ҳақиқий тан олиш, бундай «тан олишни» кечирса бўлади.

Кимки сунъий асарни ошначилик йўли билан мақтаб кўкларга кўтармасин, бугун бўлмаса эртага барибир пушаймон бўлади. Сунъий сунъийдир. Китоб ўқиб, китоб ёзадиганлар ҳамма даврда ҳам бўлган. Адабиёт қонуни жуда кескин ва аёвсиз, бугун биз узун қулоқни думидан кўтариб, бу ҳақиқий Қорабайр деганимиз билан эртага у ўз аслига қайтади. «Ўтган кунлар»ни ёмонлаб китоб ёзган, ўзини Белинский атаганлар бўлган, улар батамом унутилган. Ҳозир халқ ўз адибини қатламдан абадул абад тортиб олди, аммо асарлар устидан ҳукм чиқариб келган баъзи акаларни эл танимайди. Қандай яхши давр келдики, аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни айтсанг, бошинг олинмайди.

Сиз, ҳурматли «Ёшлик», «Умид», «Темур Малик» романларингиз китобхонлар томонидан яхши кутиб олинди, «ўзингизга маъқул тушмай қолганлари...», яъни ёмони ҳақида бир нима денг, деган саволни қўясиз. Ўз фарзандларини яхши ва ёмонга ажратган ота яхши ота эмас. Тўғри, фарзандлар ҳар хил, лекин бу гапни ота эмас, бошқалар айтса ҳудоба ҳам ёқади, бандаларига ҳам... Сен ўз асарларингнинг бўлини ўзинг айт демоқлик, тўқсон яшар Ҳабибий домлани профсоюз мажлисига олиб кириб, ўз нуқсонларингизни бўйнингизга олиб гапиринг, демоққа ўхшайди. Шундай воқеа бўлган, «...ўша вақтда ёмон ёзган адиблар ҳозир ҳам бир ишни дўндириб қўймаптилар» деган гап изоҳ талаб этади. «Адиб» ва «шоир» деймиз, бири наср, бири шеърият устасидир. Берилган саволларда фақат «адиб» сўзи юритилади. Менимча, «қалам соҳиби» демоқлик маъқул. Навоий замонида, Хуросонда, аниқроғи, Ҳиротда бозорга кетатуриб, ҳар иккинчи одамга мурожаат этиб, «жаноб, сиз шоир эмасмисиз?» дейилса у «орий»: — «ҳа мен шоирман» деб жавоб берад экан. Шоир бўлмаган подшоҳлар ҳам оз; Ҳусайн Бойқаро, Доро, Фируз, Нодири, Бобур, Шоҳ Исмоил... Сиёсий арбоблар — Карл Маркс, Мао Цзэ Дун, Неру, Андропов... ва бошқалар. Шеъриятнинг бағри ғоятда кенг. Юрагига учқун тушган кимса дастава билан шеърга мурожаат қилади. Қалб дардини шеър билан баён этади, роман билан эмас. Бу гаплар кўп айтилган, такорлай беришга эҳтиёж йўқ.

Ўз адабиётимизга меҳр билан қараш керак, бўш ашъор кўп, аммо қўлига тўқмоқ ушлаб, пойлаб турган баъзи танқидчилар «уриб қолишидан» ўлмай,

ўтиб кетадиган забардаст асарлар ҳам бор, бундай асарларни дўстларим яратган.

«Яхши мисралар устида ҳаяжону хурсандчиликдан кўзимга ёш оламан, гарчи у меники эмас, сафдошимники...» деган эди бир олижаноб шоир. Манманлик, ҳасадгўйлик касали йўқолганда адабиётимиз яна ҳам гуллаб кетган бўларди. Абу Али ибн Сино «агар заҳарли дуду ғубор бўлмаганда инсон минг ёшга кирарди...» деган. Ҳасад — кимёвий заҳардан ҳам ёмондирки, бу ҳамма нарса ни курилади. Ўзбек тилимизга давлат мақоми бериш ҳақида кўпгина қалам соҳиблари курашиб, матонат кўрсатмоқдалар. Алоҳида қайд этаман: яна бу ишда, айниқса, ёш қалам соҳиблари матонат кўрсатмоқдалар. Мен уларни қувватлайман, батамом улар фикридаман. Аммо катта ёшлик сафдошларимизнинг кўпи оғзига талқон солиб ўтиришибди. Бу яхши эмас, буни келажак кечирмайди!

Она тили масаласи жуда муҳим ва ҳаётий гап!

Савол: — Домла, ижодкор ўз халқининг виждони, деган гап бор. Қайта қуриш ана шу виждонларни кўпроқ жунбушга келтирди. Ижодкорлар, гарчи қайта-қайта таъна эшитсалар-да, бироқ ўз ижодларига ўралашиб қолмай, социал-иктисодий, миллий, экологик ва бошқа долзарб муаммоларни кўтариб чиқа бошладилар. Лекин бу масъулият кўпинча ёш ижодкорларнинг зиммасига тушди. Марказий телевидениеда, матбуотда бир неча марта, ҳатто «Огонёк» журналида ҳам ўзбек халқи шаънига мутлақо тўғри келмайдиган, ҳақоратлайдиган мақолалар берилди. Оқсоқол адибларимиз шунда ҳам ўзларини четга олдилар — «босиқлик» қилдилар, айримлари эса ёшларни шошқалоқликда, исёнкорликда айблаб, уларга насихат қила бошладилар. Айтинг-чи, бу узок йиллик тажриба мевасими ёки юракларда қатли ом йилларидан, турғунлик даврларидан қолиб кетган ваҳима шарпасими?

Жавоб: — Бу савол жуда ўринли, саволнинг ўзида жавоби ҳам бор. Мен ёшларни қувватлайман, улар ҳақ ва тўғри иш қилаётирлар. Ақл ёшда эмас, бошда! Ҳамма долзарб масалаларда ёшлар фаол ва кескин. Бу мени хурсанд қилади, қани энди йигирма бир ёшим бўлсаю волидол шимиб ўтирмай кураш баррикадаларида жавлон урсам! Қалблар камина ёшлар сафиди! Тўғри, баъзи оқсоқолларимиз ўша «турғунлик» ва «қатли ом» ваҳшатидан юрак олдириб қўйганликлари аниқ. 37-йил бир бўлди, энди унинг юзи тескари бўлсин!!! Ҳамма халқларда ҳам зиёлилар, «халқнинг қаймоғи» қириб ташланди. Академик Рихард Рихардович Шредернинг дўсти, ўша вақтдаги «Тажриба станцияси»нинг директори, коммунист Собиржон Содиковни қамаб отиб юборишган, у каминанинг тоғаси эди. Ташкилий «эски шаҳар» мавзеининг машҳур ва фаол кишиси эди...

«Огонёк» ва бошқа марказий матбуот саҳифаларида номақбул баъзи мухбирлар халқимизга тухмат гаплар айтиб юборяпти. Мен А. Головкинни Хлестаковга ўхшаган одам деб ўйлаган эдим, йўқ, унинг гаплари жуда заҳарли, уни ҳеч кечириб бўлмайди! Лекин барибир ит ҳуради, карвон ўтаверади. Гапириб, дод деб қолабериш ҳам ожизлик. Курашмоқ керак, хоинларни фош этмоқ керак.

Савол: — Ўзбекистоннинг келажаги... Юрагингиз зирқирамайди, ё умид билан қарайсизми? Нима учун?

Жавоб: — Эл билан ҳаёти боғлиқ инсоннинг эл бошига иш тушса юраги зирқирамаслиги мумкин эмас. Халққа бағишланган бир шеъримда: «Ҳар ўлимда

бир ўламан...» деган эдим. Бултур эски шаҳарда безори афғон савдогар баччалар тўполон кўтариб, Наргиза деган гўдак қизалоқни онаси қўлидан юлиб олиб ўлдиришганида, мен ҳам ўлганман. Бу фожеани ҳеч унутмайман! Фарғонадаги фожеага ҳам бир томонлама қарамаслик керак, иккала халққа ҳам ёмон бўлди...

Ойнинг ярми қоронғу бўлса, ярми ёруғ — келажакка катта умид билан қарайман.

Савол: — Ёшлар ижоди ва хусусан, ёшлар прозаси ҳақида. Нимагадир ҳозирга довр қирқ ёшли прозаикларимиз ҳамон «ёш» лигича қолмоқда. Бунинг сабабини мен, шахсан, улар йирик эпик асарлар ёзмаётганида ва ёки қайсидир сабабларга кўра ёзолмаётганида, деб ўйлайман. Қизиқ, қирқ ёшлилардан кейинги авлод ҳали кўзга ҳам кўрингани йўқ. Бу ҳақда Сиз ҳам хаёл қилишингиз табиий. Авлодлар узилиши дейиш керакми бунинг авлодлар кечикишими — билмадим...

Жавоб: — Ёшлар шеърляти илғор. Лекин шеърлятимиз иттифоқ матбуотида кўринмаётганининг асосий айбори марказий матбуот. Улар назар писанд қилмаяптилар. Ёшлар шеърляти ҳақида менинг фикрим жуда ҳам ижобий. Турғунлик йилларида Москва матбуотида шеърлар, ҳикоялар, китоблар кўп чиқарди. Москвада ва қардош жумҳурияларда санъат ва адабиёт ҳафталиклари бўларди. Бунинг нимаси ёмон! Иккиюзламачи бўлмаслик керак, ҳозир ўз мустақил фикрингизни айтсангиз балога қолмайсангиз! Нега адабий учрашувлар йўқ? Тантанавозликни камроқ қилиб, қардош халқлар билан мулоқот-учрашувлар ўтказишнинг нимаси ёмон? «Огонёк» ва бошқа матбуот органлари ҳадеб уравериши бизни қашқатаёқ қилиб юборди. Пора олмай ўлсинлар, халқни кўйга ўхшатмай ҳам ўлсинлар! Битта порахўрни ушла олиб, бутун бир халқни бадном қилмоқчи бўлганлар янглишишади!

Ҳа, дарҳақиқат, ёш носирлар тилга тушадиган бир яхлит асарлар ёзолмаётирлар. Бу ҳақиқат. Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»ни йигирма икки ёшида ёзган эди. Бунинг қаранг, бу ўзи дохиёна иш-ку! Эллик йил бу асар қатламда ётди дейдилар, йўқ, тупроқда эмас, эллик йил халқимиз юрагида ётди. Халқ энг оғир кунларда ҳам бу асарни юрагида сақлади. Гап ёшда ҳам эмас, келгусида Қодирийчалик адиблар чиқишига умидворман. Албатта, иқтидор қобилятнинг туғмалиги, ёшлиқдан зуваласи пишиқ бўлиши маълум, аммо «шунос» ошналарим билганича Қодирий асарлари устида чуқур илмий ишлар олиб бориб ижод сирларини ёш деб аталувчи укаларимизга кўрсатишлари керак эди. Афсус! «Узилишим», «кечкикишими» дейсиз. Менимча, бунга сабаб — кам ишлаш, кам ўрганиш, илҳомни кутиш, баъзан гапбозлик, тўдабозлик қилиш, ўзини батамом ижодга бағишламаслик, айниёна, бальзакона, қодирийона ишламаслик. Қаламкаш жиловини танқидчи бўлган олмаслиги керак, ҳаммага, биринчи галда халққа камтару камсуқум бўлиш фарз. Аммо баъзи танқидчига нисбатан адиб бошини банд кўтариши, ҳатто менсимаслиги керак, унинг ҳасадгўйлик билан чулдирашларига кўп қуймаслик керак. Ердан эмас, мияни суюлтирадиган «шунос»лар ҳам кам эмас. Келажакка умидворман. Тоғай Муроднинг адабий тили менга ёқарди, яқиндаги бир тасодифий учрашувда роман тугатганини айтди. Хурсанд бўлдим. Бу йигит нега жим бўлиб кетди деб юрардим, йўқ, Оллога минг қатла шукрки, у ижодга шўнғиб кетган экан. Дада-хон Нурий публицистикаси жуда ажойиб. Қани энди

мен ҳам адабиёт фани номзоди бўлсаму шу укаларим ижодини таҳлил қилиб яна ҳам элга танитсам. Сезиб турибман, аммо қўлимдан келмайди, кексалик, вақт йўқ. Бўлмаса бошқа ишларни йиғиштириб қўйиб талантли укаларим ҳақида мақолалар ёзардим. Ахир, бизнинг Езувчилар уюшмасида аъзолигида 39 доктор, 100 дан ортиқ фан номзоди бор, шу азизларим ишсиз қолмасинлар деб ҳам «ҳар ким ўз ишини қилсин» қабилида йўл тутмоқдаман.

Савол: — Сизни ҳам носир, ҳам шоир сифатида яхши биламиз. Бугунги ёшлар ижодида ана шу икки жанр имкониятлари қандай намоён бўлмоқда, бу жанрларнинг истиқболи ҳақида қандай фикрдасиз?

Жавоб: — Икки, уч, ҳатто тўрт-беш жанрда ҳам ишлаш мумкин, бунинг улуғлар исботлаган. Лекин она ер, она тил деганимиздек адибни ушлаб турадиган «умуртқа» жанри ҳам бўлади: ё наср, ё назм. Бу икки жанр «Одам Ато» вақтидан бошлаб яратилган. Бири — она, бири — ота. Кинодраматургия, пьеса, публицистика, болалар адабиёти, либеретто, таржимонлик жанри ва ҳоказо... бари шу онаю отадан ато бўлган. Ҳасанжон ҳам шундан, Ҳусанжон ҳам шундан... Шу икки жанрда усто, яъни қалам соҳиби бўлган киши бошқа жанрларда ҳам ёмон ишламайди. Биронта министр муовинининг на адиб, на шоир бўлмай туриб, ғайрати кўзгаб кетиб яхши кино-сценарий ёзиб ташлашига ишонмайман. Турғунлик даврининг мансабдорларга, наинки асар, ҳатто докторлик диссертациялари ёзиб берадиган одамлари ҳам бўлган. Биз порахўрнинг гирибонидан тутаетиримиз. Мана бунақалар — пул билан «олим» қиладиганнинг гирибонидан ушлашимиз керак. Кимё заҳарлари эмас, чаламуллалар ҳам касалхоналарда хасталарнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Адабиётда ҳам шундай — чаламуллалар талантни бўғиб ўлдирмоқда. Бунга мингларча исбот бори. Тани бошқа дард билмас, мен ёзган асарни мен яхши биламанми, ёки ўзга! Ёш укаларимга «игна билан қудуқ қазимоқ»да куч ва қудрат тилайман.

Савол: — Яна энг эски мавзу — муҳаббатга қайтсак, қайтсак эмас, интилсак...

Жавоб: — «Муҳаббат ул бик эски нарса, Лакин ҳар яш юрак ани янгорта...» деган эди буюк Абдулла Тўқай. Ишқилиб, айланиб турган еримиз тўхтамасин, авлодлар келаверади, кетаверади... Бугун бизга «Эй, турғунлик даврининг кишилари, соқолига тупурадиган исқирт чоллар!» деб ола қараётганлар ҳам қарийди, бизнинг кунимизга тушади, бу муҳаққақ! «Менам эдим сенингдек, сен ҳам бўлдинг менингдек». Келажакда шохдор, ғайринусха ёки электрон кўзалар билан атрофини кўрайдиган, рокка ўйнайдиган, ҳар хил концентратлар ейдиган кишилар пайдо бўлмайди. Бари бир ўзимизга ўхшаган, нон еб, сув ичадиган, инсоний ишларни ўзига ёт кўрмайдиган одамлар бўлади. Бу аниқ! «Йигирма биринчи аср одамлари ундоқ бўлади», деганлар хомхаёллардир. Бизда мелодий йигирманчи аср, ҳижрий 16 аср, Ой календари билан яшайдиган Вьетнам, Кампучия, Тан мамлакатларида бошқача. Нечун йигирманчи асрга ёпишиб олишимиз керак.

Инсон бор экан, муҳаббат ҳам бор, ҳали менинг туғилмаган чевараларимнинг ҳам юрагида бир кунини келиб муҳаббат алангалангани. Изтиробу ёнишлар... Ҳамма-ҳаммаси бўлади. Муҳаббат қуёшимиздек абадийдир, вақти келиб мен ҳам узоқ чевараларим кўзлари билан гўзал юртинми, миллатимни, қуёшимни, шаҳару далаларимни кўраман! Бунга ишонаман!



Йўлдош Эшбек



* * *

Бу хафақон кайфият билан
Ярамайди кўчага чиқмоқ.
Дилни тўлдир хуш ният билан,
Кўз ёшмас, бу ёмғир! Бу чақмоқ!

Бу чақмоқ, чўчима, кулиб чиқ,
Бу туман, балки сўнг ёғар қор.
Кулган барча шодмас, билиб чиқ,
Гарчи кутмас ҳеч қанақа дор.

Энди дор йўқ, бўлса зулфинг бор,
Бўлса бордир нигоҳларда тиш.
Энди осмас одамни бир бор,
Минг бор... кечирилар гуноҳ иш.

Сен ҳақда бемалол ўйлашим,
Ўйда яқин олмоғим гуноҳ.
Сен ҳақда ғамгинроқ куйлашим,
Сен деб бахтли бўлмоғим гуноҳ.

Чунки сен ой каби... йироқсан,
Енгинамдан турсанг ҳам ўтиб.
Билмассан — мен кимман, сен поксан,
Билмассан — мен сени юрибман кутиб.

Бу хафақон кайфият билан
Чиқиб бўлмас кўчага ҳамон.
Сен кулиб чиқ, йўқса мен ҳақда
Ўйлашади жуда ҳам ёмон.

* * *

Қирда туманларда адашган,
Катта умид билан яшаган,
Қорда, совуқларда қақшаган,
Катта умид билан яшаган
Кичик болаларга

Кўзларингда кулган чечаклар

Ҳаёт улашган
Гуриллаган олов,
омон бўл!

Езда тинч меҳнатдан чарчашиб,
Тинчгина ухлашар одамлар.
Сокин ўйларимга ғалаён солиб,
Толиб-толиб,
Беш аср наридан
ғолиб,
Ўн аср наридан
ғолиб,
ғолиб
келаётган
ҳей, улкан Қайғу,
ҳей, одамий Ғам,
Омон бўл сен ҳам!

Ошиқ ривояти

Баҳордан энтиккан саҳролар,
Шиддатли қушларнинг оқими.
Ёйилиб оққан ҳур дарёлар,
Осойиш кунларнинг хотири.
Тоғларда тонглардай кунимиз,
Охулар базмийди нурафшон.
Кўнгиллар қаърида хунимиз —
Ишқимиз, гулимиз заъфарон.
Бугун-да мен сени чорлайман,
Гарчи сен келмассан, қувонч йўқ.
Ва лекин ёнингга бормайман,
Гарчи кенг шаҳарда суянч йўқ.
Бу ҳижрон қалъаси мустаҳкам,
Жаннатий қушларнинг сўзи йўқ.
Гарчи бу дунё ҳам чинакам,
Чинакам дунёнинг ўзи йўқ.
Ўзи йўқ дунёнинг чинакам —
Сўзи йўқ, кўзи йўқ, кўзи йўқ.
Дўстлар бор мустаҳкам, мустаҳкам,
Душман бор, кўринмас, юзи йўқ,
Муштимни қаёққа ураман,
Душманнинг юзи йўқ, юзи йўқ.

Хастанан, телбаман, куламан,
 Дунёнинг ўзи йўқ, ўзи йўқ,
 Кўксимни захларга бераман,
 Оғриқлар, қайғулар — туси йўқ.
 Не учун кўксимни кераман,
 Дунёнинг юзи йўқ, юзи йўқ!
 Кўшиқлар устидан куламан,
 Жинниман, бадтарман, бебошман,
 Қалтираб илтижо қиламан,
 Шаҳар ҳокимаси ҳей, осма!
 Ҳижрон маликаси, тинч кўйгин.
 Кетарман кўшкингни қоралаб,
 Қонхўрсан, ўзингни бир сўйгин,
 Бағрингдан очилсин яралар.
 Алвидо! Алвидо! Дил-дор-а!
 Зиндонга қайтаман, зиндонга!
 Мен сени айтаман... эй, ёр-а!
 Тупурдим бундайин замонга!
 Муносиб олам бор оламда,
 Хаёлда имкон бор, имкон бор.
 Қон бордир ҳамиша аламда—
 Зиндон бор! Зиндон бор! Зиндон бор!
 Баҳордан энтиккан саҳролар,
 Шиддатли қушларнинг оқими,
 Ёйилиб оққан ҳур дарёлар,
 Ҳей, сокин кунларнинг хотири!
 Қаёқдан келдингиз, қаёқдан!
 Зиндонга қайтаман, зиндонга!
 Пўшт-пўшт, кўринмас таёқлар!
 Зиндонга қайтаман, зиндонга!
 Фироқлар! Эргашманг, хайр, хўш!
 Пичоқлар! Йўл беринг! Пўшт-пўшт!
 Қайтаман, мен ёруғ жаҳонга —
 Зиндонга қайтаман, зиндонга!

Меҳр дарёси

Қайлардасан, қайдасан дарё!
 Зубайда Усмонова.

Мен адашиб йўлга чиқибман,
 Йўлга чиқиб адашибман, ё!
 Саробларга бошим эгибман,
 Қайлардасан, қайдасан, дарё?!

Бир чечакман, шабнамларга зор,
 Бир юртдирман, бир мағрур гадо,
 Кўзлар менинг олашимга тор,
 Қайлардасан, қайдасан, дарё?!

Қайда юрсам сени изладим —
 Суҳбатлардан, саломлардан, то
 Майда-майдаларни сизладим,
 Қайлардасан, қайдасан, дарё?!

Сен бор дедим, ичарман тўйиб,
 Хорлар бўлган бошимни қўйиб,
 Зорлар ичса бўлмассан адо,
 Қайлардасан, қайдасан, дарё?!

Фақат сени йўқотмай яшай,
 Кўрмасам-да, эй зилол дунё.
 Молтиб-молтиб ўзимни ташлай,
 Қайлардасан, қайдасан, дарё?!

Сен кимларга ўзингни хорлаб,
 Қай ерларга бўласан фидо.
 Қақраб-қақраб зорлайман чорлаб:
 Қайлардасан, қайдасан, дарё!

Мен турнаман — онасидан ҳам
 Боласидан бир йўла жудо.
 Дилдамисан, эй Наҳри Ҳотам,
 Қайлардасан, қайдасан, дарё?!

Мен ёрилиб ётган ўзанман,
 Инсондирман, жилғадирман ё.
 Фақат меҳринг мендан қизганма,
 Қайлардасан, қайдасан, Дарё?!

* * *

Кўзларингда кулган чечаклар,
 Қувонган қушчалар лабингда,
 Пойингда чайқалган эртақлар
 Оҳ урар, оҳ, менинг қалбимда.

Сен кетиб борасан, кўзингда,
 Сўзингда жаҳонни кулдириб.
 Ва бунда қоласан — ўзимда
 Ўзингни кетасан ўлдириб.

Сен кетиб борасан, ўликлар
 Оҳ уриб қарайди бўйингга.
 Сен кетиб борасан бўлақлаб —
 Бўлақлаб бўйингни ўйимда.

Сен кетиб борасан, тириклар
 Оҳ уриб қарайди ўзингга.
 Сен кетиб борасан, тириклар
 Тирилар югуриб изингдан.

* * *

«Уйдан
 етти қадам
 чиқсанг —
 мусофирсан!»

Кечирилмас етти қадам наридаги хатолар.
 Етти қадам берида сен жиноят қил,
 Хатолар ҳам
 кечирилар
 етти қадам
 берида,
 Нима бўпти,
 Адашиб юрганда
 қитъадай
 кенг мамлакат,
 Етмиш қадам нарида?!

* * *

Кўнгил,
 Кўкка фарёд қилма,
 Барибир етмас.
 Сен ўзи кўк каби
 бағрингга қара,
 Унинг туманлари
 кетарми,
 кетмас.
 Унинг ўртасида
 қуёшми,
 яра?

Уни кулдиrolмас
ҳеч қачон
фарёд!
Унга ҳеч вақт
малҳам
бўлолмас

фиғон!
Уни кўра билгин —
бу ҳам бир ҳаёт.
Уни била билгин,
қуёшми,
алам?..

* * *

Сен ўзи кимдирсан, эй жафокор тош,
Нега кўринмайсан кўзимга бир зум?!
Сабабин айтолсанг, ўзим эгай бош,
Гуноҳим нимадир?
Не учун зуғум?!

Қулоғим шарпангни сезади шундоқ,
Бошим зарбаларинг аро талошдир.
Кўрган уят қилар тортай десам оҳ,
Йиғласам уятдир...
Қоним — кўз ёшим!

Хаёл қатори

Сени ҳатто хаёл қилиш ҳам мушкул,
Орзу қилмоққа-ку, жасорат йўқдур.
Сен гўё юлдузга ўхшаган бир гул,
Сўнгсиз зулматларга қадалгувчи нур!

Мен сенинг зиёнга зор бўлган ғариб,
Гўё сўнгсиз чўлда чекардим ёҳу,
Гувраниб кўзимга кириб келгандир
Ўтлилар қатори... ичи тўла сув!

* * *

Ҳаммангизда виждон йўқ.
Бор! —
деб уни
кўрсатолмайсиз.

Ҳаммангизда виждон бор.
Йўқ
деб бирортангиз айтолмайсиз.
Ҳаммангиз кулиб ўтирибсиз.

Фақат
оғриганда
билинади у.
Кулгу эса таъқиқ этилмас.
Таъқиқ этилади гоҳида кулгу...

* * *

Сенинг нигоҳингда юз очар баҳор,
Уйғондинг. Кўзларинг аста очилди —
Вужудингдан секин эриб тушди қор,
Ифорларинг хона бўйлаб сочилди.

Бўйнимда қўлларинг — икки шўх ирмоқ,
Сирғаниб кўнглимнинг ғуборин ювди.
Бир ажиб ийманиш, бир ажиб титроқ,
Ийманмай ўйланган кунларни қувди.

Бир ажиб ийманиш, бир ажиб титроқ
Ёнади лолалар ёлқини каби.
Кўнгилда товушсиз тотли қалдироқ!
Учқунлар сочади севинчлар лаби.

Дарёлар тошади танзимизда жим,
Майсалар оқади кун чиқар ёққа.
Нигоҳинга синггиб эридим, сўндим,
Излайди вужудим мени титроқда.

Эҳ, сўқир ғамлардан қутилдим тамом,
Сен менинг кўклагим... кўклагим уйимда!
...Негадир қарсиллаб синиб кетди жом —
Васлингни ичардим қониб ўйимда.

Икки кафтим икки тоғдай силкиниб
Бузди хаёлимнинг хуш деворларин.
Лоақал хаёлга қиламан таъзим,
Бир лаҳза аритди ғусса қорларин.

Саодат — Ватан

Қарайман, тисланар маҳкам деворлар,
Тикланиб қарайман шифтлар пастдадир.
Ҳар кеча билдимки, кўпдир беморлар,
Ҳар кеча билдимки, дунё хастадир.

Балки мен адашдим,
Ахир, йўлдаман.
Изим қуюқ туман бағрини тилди.
Балки йўл бошида қайтган йўлчиман,
Билиб адашмадим, адашиб билдим.

Агар алданмаса ноҳақдир одам.
Фақат одамизод сизинга, ҳақдир.
Яшаш — зудлик бақо, абадий мотам,
Абадий эзгулик каби мутлақдир!

Кўшиқ бу руҳ экан — қувонч-нолалар,
Сўз — руҳлар шуқуҳин ташигувчи тан.
Йўллар — бахтга қараб чопган болалар,
Уйғонган оғриқлар — саодат — ватан.

Қаро кечаларни, тунларни ўйган
Кундуздай бағринга давомлар этсам,
Номозшом саждага бошини қўйган
Қуёшдай бағринга сингиблар кетсам!





Гайрат Усмонхўжаев

КОМСОМОЛ ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТМОҚДАМИ?..

20 йилдан буён ВЛКСМ аъзоси, 12 йилдан буён эса комсомол ходими вазифасида ишлаб келаётган бўлсам, ёшларни бугунги кундагидай очиқ фикр алмашишларини, ижтимоий масалаларга актив аралаштиришларини ҳеч қачон кўрмаганман. Бир сўз билан айтганда бугунги ёш авлод, узоқ вақт узлуксиз давом этган лоқайдлик, ғафлат уйқусидан уйғонишди. Бу ҳол кўп қатори мени ҳам қувонтиради. Давримизнинг етук шахсларидан бирининг шундай сўзлари бор: «Бирор янгилик ёки катта ва кескин ўзгаришларни рўёбга чиқариш учун аввало эски ёндашиш ҳамда эскича дунёқарашни, қолаверса эскиликни, албатта, инкор этиш керак. Бу, маълум шахс янгича фикрлай оладиган бўлиши лозим, деганидир».

Бу сўзларни эслашим бежиз эмас. Унча узоқ бўлмаган тарихимиз мобайнида, жумладан турғунлик, деб аталаётган йилларда, ёшларга нисбатан ўта бефарқ, лоқайд муносабатда бўлиб келинди. Ёшлар ўртасида баъзан учраб турадиган эркин фикрлайдиган, янгиликка интиладиганлар эса аёвсиз бюрократик таъқиб остига олинди. Эндигина ўсиб келаётган ниҳолларни эгиш, ҳатто синдириш, баъзан эса нотўғри оқлантириш, айниқса фикрлашни маълум қолипларга солиш, ёшлар маънавиятини хасталикка дучор этди. Комсомолнинг иш услуби, йўналиши чеклаб қўйилди. Ахир, ёшларни тиниқ, беғубор фикр-тақлифларидан ўз ўрнида фойдалана билиш, жамиятнинг раванга учун катта фойда келтириши сир эмас-ку!

Ёшларнинг шижоатли ва жўшқин овози, долғали, дағал овозлар гирдобиди йитди. Бугунги ленинча қарашимиз, ўша даврдаги ёшларни эркин фикрлашдан маҳрум этилиши, тарихимизда ғоятда даҳшатли маънавий жиноят эканлигини исботлаб турибди.

Эндигина дунёқарашни шаклланиб келаётган ёш авлод бюрократияга, порахўрликка, қўшиб ёзишга ва бошқа иллатларга дуч келди. Ёшлар, силласи қуриб уй учун ўн йиллаб навбатда турди. Айниқса, қишлоқдан келган қобилиятли ишчи ёки зиёлилар йиллаб сарсон-саргардон бўлди. Энг фожиялиси, истеъдодли ёшлар бундай иқтисодий қийинчиликлар туфайли, «ҳаёт деганлари шу экан», дея орзу-умидларига мутлақо тескари бўлган касбни, моддий эҳтиёжларини қондириш учун эгаллашга мажбур бўлишди. Бундай ҳол, нафақат ёшларнинг ўзлари учун ташвишли, балки жамият учун ҳам турган-битгани зиён эди.

Комсомол эса, бундай қийинчиликлар ботқоғига кирган ёшларга ўз вақтида ёрдам бера олмади, ёрдам бера олмасди ҳам. Чунки унинг ҳеч қандай моддий-ҳаётий ҳуқуқи йўқ. Комсомол партиянинг итоаткор хизматкорига айланиб қолганди. Ёшлар иттифоқига, бирор бир масалани эркин ҳал этиш ҳуқуқи берилмади. Бу эса турган гапки, комсомолнинг ишончини йўқота бошлади. Ёшлар аста-секин комсомолдан бегоналашди, ўзлари учун тузилган ташкилот — оғир юк бўлиб қолди. Табиийки, ҳал этилмай келинган кўпгина муаммолар ўз-ўзидан норасмий ташкилотларни тузилишига туртки бўлди. Комсомол эса, ёш одамларнинг умумий армиясига айланиб қолди. Менинчм, бугунги кунда ҳам комсомол ёшлар устидан яппа-ҳокимлик қилишни бўйинга олиб, катта хатога йўл қўяпти.

Бугунги куннинг асосий мақсади аниқ ва равшан бўлиши, айниқса, комсомол нима, маъмурият нима, бирлашма нима каби саволларга тўғри жавоб беришимиз керак, маслақдош ёшларнинг йўналишини бирлаштирувчи — норасмий ташкилотлар тўғрисида аниқ хулосага келишимиз керак.

Комсомолнинг асосий негизи саналган — бошланғич комсомол ташкилотининг вазифасини тўғри белгилаб олиш вақти етди. Шу кунгача бу асосий бўғин, комсомолнинг таянчи бўлиш ўрнига фақат аъзолик бадалларини йиғиш билан шугулланиб келди...

Ахир ҳар қандай ташкилотни вужудга келишидан бирор мақсад ва эҳтиёж бўлади. Агар тарихга жиддий назар солсак, комсомолнинг ташкил топиши ҳам, зарурият, яна қайтараман, зарурият туфайли юз берган. Уша вақтда партияга муносиб ўринбосар, ёрдамчилар жуда зарур эди. Комсомол эса илғор фикрли ёшларнинг кенг оммасини ўзига жамлаштирувчи муस्ताқил ижтимоий-сиёсий ташкилот бўлиши лозим эди. 1918 йил 29 октябрда Бутунроссия съездида ана шундай ташкилот тузилиб унга комсомол номи берилди. Орадан 70 йил ўтгандан сўнг эса, ўша комсомол, кишилар юқори мансабга чиқиши учун, пиллапоёга айланди. Комсомолнинг ўзи ёшларнинг ғассол отасига айланди. Энг ачинарлиси шундаки, комсомол юқоридагиларга қуллуқ қилиб, уйдагиларни эсдан чиқариб қўйди.

Комсомол ким? деган савол туғилади. Комсомол бу кечагина гул кўтариб мактаб остонасига қадам қўйган мурғак бола, кечаги талаба, кечаги ишчи ва колхозчи эди. Нега ёшлар, кечагина бундай комсомоллардан ўзларига вакил сайлаб, бугун эса уни танқид қилишмоқда? Менинчм, иқтисоддаги, миллий масаладаги ва бошқа йўналишдаги камчилик, нуқсонлар ошкоралик туфайли юзага чиқди, буни кўрган ёшлар эса норози оҳангда, сабабини, яна ўша ўзлари сайлашган раҳбарлардан сўрашяпти. Утмишда бир киши, нима қилишини билмай, узоқ манзилга отланибди. Яқинлари, унга оқ йўл тилаб, қаёққа кетаётганини сўрашганда, у ўз борар манзили номини айтиб беролмапти. Сўнг, орадан бир неча йил ўтгач, ҳалиги киши, қаердан жўнаган бўлса, яна шу ерга қайтиб келибди. Фақат, у бекор кетган вақти ва мақсадсиз йўл босганига афсусланган экан. Мен кўпроқ, комсомолга аъзо бўлиб, аъзолик бадалини тўлайдиган, аммо шу пулни нима учун тўлаётганини ва бу маблағ қаерга сарфланаётганини билмайдиган ёшлар тўғрисида ўйлайман. Бу жуда ташвишли ҳолдир. Аввало, ҳар қандай ташкилот ягона мақсадлилар бирлашмасидан иборат бўлмоғи зарур. Бунинг учун эса ҳар бир аъзо муस्ताқил фикр эгаси бўлиши керак.

Ҳозир комсомолга муस्ताқиллик нон билан сувдай зарур. Шундоққина қўшни мамлакат Хитойда комсомол ёшларнинг катта сиёсий ташкилоти бор. Бироқ бундан ташқари яна 35 та ёшлар ташкилоти иш олиб боради. Бундай ташкилотларнинг ҳар бирининг аниқ программа ва вазифаси бор. Энг муҳими, ёшлар қайси ташкилотга аъзо бўлишни истасалар, шунга йўл қўйиб берилган. Бизнинг ёшлар эса бундай танлаш ҳуқуқидан маҳрумдир. Бунинг устига комсомол билан рақобатлашадиган ташкилот ҳам йўқ. Ахир, рақобат, қарама-қаршилик тарақ-

қиётнинг асоси эканлиги тарихдан маълум-ку?! Менинча, ёшлар ва бошқарув органлари ўртасидаги муносабатни шундай йўлга тушириш керакки, токи келажак авлод ўзидаги ижодий имкониятларни тўла намоён эта олсин.

Ўтган йили мамлакатимизда ўртача иш ҳақи 220 сўмга етди. Аммо 30 ёшгача бўлган кишилар эса бор-йўғи 140 сўм олади. Ёш ишчиларнинг ўндан бир қисми алоҳида уйга эга, оилали талабаларнинг ярмидан кўпига ётоқхона етмайди. Чехословакияда ёш оилалар уй қуришмоқчи бўлса, давлат чекланмаган муддатда 150 минг крон пулни кредитга беради. Бизда эса алоҳида имтиёзга эга бўлган ёшларга ҳам бундай имконият яратилмаган.

Бундай муаммоларни ҳал этмай туриб бирор бир соҳада ютуққа эришиб бўлмайди. Ёшлар ҳаётидаги социал-иқтисодий масалаларни бартараф этиш учун комсомол ташкилотининг ролини ошириш, унинг тўла мустақиллигини таъминлаш керак. Ҳозирча бу фақат қоғоздан нарига ўтмай келаяпти.

Мени яна бир ҳол жуда кўп ўйлантиради. Инсон ҳаётининг энг беғубор дамларига, юқорида таъкидлаганимиздай, бу ўрта мактабда ўқиб юрган кезлар киради. Комсомол сафига ҳам энг кўп қабул қилинадиган ёшларни мана шу мактаб ўқувчилари ташкил этади. Энди савол туғилади: ўн тўрт баҳорни қаршилаётган ва ҳамон болалигини ташламай, кўчада варрак учириб юрган бола ёшларнинг сиёсий ташкилотига аъзо бўлишга тайёрми? Ёки, аниқроқ айтганда, шу ёшдаги йигит-қизлар, ўзлари босаётган қадамни тўғри белгилай оладиларми? Афсуски, мен «йўқ» деб жавоб бераман. Бизда, албатта, комсомол йўналиши туфайли, ёшларнинг тақдир ва келажакларини олдиндан ҳал этилади, ёшларга комсомол танлаган йўлдан юриш кераклигини, шу энг тўғри йўл, дея уқтирилади. Уларнинг истак-ҳошишлари билан комсомол ҳеч қачон қизиқмайди ва охир-оқибатда, амалдаги, чинакам ленинча комсомол ўрнига илдизсиз дарахтлар пайдо бўлади...

Бугунги қайта қуриш жараёнида комсомол ҳаётида яна бир катта муаммо кўндаланг турибди. Бу муаммо шундан иборатки, давр талабига биноан мустақил миллий регионал ёшлар ташкилоти тузиш ташаббусини қўллашдир. Бу миллий регионал ёшлар ташкилоти марказга бўйсунмаслиги, балки мустақил фаолият кўрсатиб маълум региондаги муаммоларни шу ерда истиқомат қилаётган ёшларнинг куч-қудрати орқали ҳал этиши керак. Бундай сиёсий ташкилотнинг мустақил УСТАВи ва программасини ишлаб чиқишда бевосита ёшларнинг фикр-мулоҳаза, таклифларидан фойдаланиш зарур.

ВЛКСМ МКнинг кейинги пленумларида, МК аъзолари, бизнинг комсомол инқирозга юз тутмоқда, деб ошқора айтишди. Менинча, бу аҳволга, авваламбор бошланғич комсомол ташкилотлари жавоб бериши керак. Чунки, асосий бўғинни бошланғич комсомол ташкилотлари ташкил этади, фақат уларнинг аниқ фикр-мулоҳазаларидан кейингина, комсомол ҳаётида жиддий ўзгариш яшаш мумкин.

Энди партия билан комсомолнинг муштарак келажакига келсак, мен бунга ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Акс ҳолда комсомол, бурунгидай Сибирни ўзлаштириш, БАМни қуриш каби «зарбдор фронт»да жанговар фаолият кўрсатади-ю, аммо маънавий жиҳатдан қашшоқлашади, мустақиллигидан маҳрум бўлади. Шунинг учун ҳар доим комсомолнинг тўла ташкилий мустақиллик ва ташаббускорлик характери сақланиб қолиниши керак. Комсомол ҳаётидаги бузуқ иқлимни тозалаш учун аввало партия билан совет органлари ўртасидаги боғлиқликни оидинлаштириш керак бўлса, иккинчи томондан эса, партия ва совет органларини ёшларга нисбатан, комсомолга нисбатан олиб бораётган сиёсатини илмий асослаб олмоқ даркор. Менинча, комсомолнинг инқирози, бу мавжуд тузумнинг инқирозидир. Бу инқироз эса комсомол партиянинг барча йўналишларини кўчириб олиш билан бир қаторда партия аппаратининг имтиёзларидек, имтиёзга эга эмаслигидадир.

Мен комсомолнинг ташкилий, мустақиллик тарафдориман, партия ва комсомол ўртасидаги муносабатни бузиб кўрсатмоқчи ёки раҳна солмоқчи эмасман. Мен фақат комсомол билан партия ўртасидаги муносабат ўзаро узвий боғлиқлик, соф ленинча таълим асосида бўлишини истайман, холос...



Анна Ахматова



Сайр этаман оқшомги соат

Сифингайман — деразам нури
Рангар нафис, толим-толимдир.
Индамайман эртадан бери,
Юрагим ҳам икки тилимдир.
Обдастамнинг кўкармиш миси,
Унга тушиб рақс этади нур.
Шундай нафис ўйин тушиши,
Қарайману қиламан ҳузур.
У қанчалар маъсум, дилрабо,
Шом сукути қўнаётган чоғ
Ҳашаматли, бўм-бўш уй аро
Уша — олтин байрамим гўё,
Уша эрур менга овуноқ.

1909 йил.

Зангори кеч. Шамол тинди беозор,
Ёруғ нур чорлайди мени уй сари,
Фол очаман: келдимикин азиз ёр,
Хаёлларим сарвари?

Пешайвонда таниш сумбат шарпаси,
Эшитилар элас-элас суҳбат ҳам.
Энтикаман... Бундай сурур нашъаси
Бўлмовди ҳеч насибам.

Ҳаяжон-ла шивирлади тераклар,
Нафис уйқу айлар энди асира.
Қарға рангин олди осмон-фалаклар,
Юлдузлар — рангпар-хира.

Келтиряпман оппоқ чечак — гулдаста,
Соҳир олов, туғён ўтар гулимдан —
Иссиқ кафтим ушлаб, оларкан аста
Журъати йўқ қўлимдан.

1910 йил.

Боғ

Ялтиллер у, ғарчиллар у —
Музга тўлган боғ.
Мендан кетгач ўртанар-у,
Қайтолмас бироқ.

Хира, рангпар қуёш кўкси,
Даричасимон.
Мен биламан: кимнинг акси,
Унда намоён.
Боғда тинчим олишгандир
Бир умрга, о,
Кечаги из кўрингайдир
Юпқа муз аро.
Ухлоқ дала узра хира
Ўлимтик ангор.
Ортада қолган турналарда
Сўнаётир зор.

1911 йил.

Дафн

Қабристондан изларман манзил.
Билармисан, қаер серзиё?
Дала совуқ. Кўкси тош соҳил
Маҳзунликка эшдир доимо.

У бўлса-чи, оромга мойил,
Қуёш нурун мафтуну нечоғ.
Уйимиздай чидамга ноил
Қабри узра қурай хонақоғ.

Эшик бўлар дарчалар аро,
Ичкарида шам ёнади ол.
Гўё шаммас, қисмати қаро
Юрак ёнар лаҳча чўғ мисол.

У — бемор қалб алаҳлар эди,
Тилидайди самовий хилқат,
Лекин роҳиб таънали деди:
«Гуноҳкорлар учунмас жаннат».

Шунда оғриқ бўз этди рангин.
Деди: «Сенга бўламан йўлдош».
Мана, энди иккимиз эркин,
Тўлқин урар пойимизга бош.

1911 йил.

Ўргандим жўнгина, оқил яшашни,
Осмонга боқишни, айлашни тоат,
Лохас қилмоқ учун нокерак ғашни
Узоқ сайр этаман оқшомги соат.

Жарликда шовуллар пайти отқулоқ,
Рябина солланиб тургани маҳал,
Мен шеърлар тўқийман ошуфта, қувноқ,
Фоний ҳаёт ҳақда — фоний ва гўзал.

Сайрдан қайтаман. Мушук сасида
Бирам ёқимтойлик. Суркалар ширин.
Тахта корхонасин минорасида
Кўраман лов ёнган машъала нурун.

Сукунат оромин гоҳида бузар
Томга учиб келиб қичқирган лайлак.
Тақиллатиб қолсанг эшигимни гар,
Ҳатто эшитмасдан қолсам ҳам керак.

1912 йил.

* * *

Божхона бошида ўнгиган байроқ,
Шаҳар узра сариқ қурум кўраман.
Дилни астагина босаркан чарчоқ,
Ухлаш ҳам оғриқли. Гангиб тураман.

Кошки оёғимга туфличам кийиб,
Қизи бўлсам яна денгиз бўйларин.
Бошга соч турмагим тождай қўндириб,
Херсон обидасин минорасига сурур-ҳаяжон-ла
айтсам кўйларим.

Уйим равоғидан боқсам асира.
Бахту шуҳратлардан юрак бошига
Мункиллаш тушишин билмасам сира.

1913 йил.

* * *

Бани нарса ваъда этди, сеники деб у:
Ҳам бажило, червон тусли осмон чеккаси,
Ҳам Рождество олдидаги ёқимли уйқу,
Ҳамда пасха шамолининг сероҳанг саси,
Алвон-алвон новдаларнинг хивичлари ҳам,
Истироҳат боғларининг шалолалари,

Занг қоплаган чўян тўсиқ устига қўнган
Икки катта ниначининг оҳ-нолалари...
Тоғ бағрида иссиқ тошли сўқмоқни босиб
Борарканман ловуллаган куннинг авжида,
Мен ишондим бўлмоғига висоли насиб,
У менга ёр бўлмоғига ишондим жуда.

1916 йил.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА таржималари.





Зоҳир Аълам



Ханжар

Ун етти йилдан буён ёнида олиб юрган ханжарини Жўравой ўттиз саккизга кирганда ўз қўли билан мажақлаб ташлади.

Шунча йил яроғланиб юришига сабаб уч-тўртта одам билан мушталашганию уларнинг қасосидан кўрққани эди, холос. Сабабнинг-ку, аҳмоқона эканлигини ўттиз саккизга кирганда тушунди, аммо ханжарини майдалаб ташлашига бошқа ваз бор эди:

Уларнинг оиласи катта. Шунинг учун отаси «бекордан бекорга урушма» деган гапни ҳар битта боласининг қулоғига пухталаб қўйиб қўйишга фурсати етмаган. Боз устига Жўравой Дюма ва Лондон китоблари таъсирида ўсгани учун бошқаларга нисбатан хийла кўпроқ мушталашганди. Ёшликнинг бу хавфли ўт давридан эсон-омон

ЁШЛИК

Ҳикоялар



ўтганининг ўзи катта омад эканлигини Жўравой анча йилдан сўнг англади. Битта қулоғининг эшитмаслиги, бурнининг икки марта шикастлангани бевош феълига ва қилган ишларига нисбатан жуда арзимас тўлов эканлигини кейин тушунган ва кўп марталаб шукр қилганди.

Шукроналик қилишга қилиб, ҳали яроғини ташламаган ўн етти йил ичида тан жароҳатларидан кўра минг карра оғир зарба олганини билмас, ёнидаги ханжарини онда-сонда ушлаб, миннатдорчилик билан силаб қўярди. Уни мис кундага қўйиб, болғада парчалашига эса ҳали вақт эрта эди...

Қуролланиб юришига асосий сабабчи бўлган мушталашув йигирма бир ёшида, ўзи батамом беайб бўлган шароитда рўй берган. Қаттиқ калтак еган Суннат билан Жалил (отлари кейинроқ маълум бўлганди) уни таниб олишган ва ўзига эшиттириб, «ҳап саними», деб қасдлашиб қўйишганди. Улар ҳам Жўравойга ўхшаб театр-рассомчилик институтида (Жўравой кундузи, у йигитлар эса кечки бўлимда) ўқишарди.

Жанжалга Нафиса деган гўзал бир қиз ўзи хоҳламаган ва алоқаси бўлмаган ҳолда сабабчи эди. Суннат билан Жалил туристларга мўлжалланган амалий санъат намуналари ясаладиган фабрикада ишлашар ва Жўравойдан уч-тўрт ёш каттароқ эдилар.

Шундай тоифа борки, ҳаётда ўрнини топиб, касбини аниқлаб, диплом олиш ниятидагина сиртки ва кечки бўлимга ўқишга киради. Уларнинг маълум қисми учун институтга келиб-кейтиш шунчаки эрмак. Суннат билан Жалил ана шу тоифадан бўлиб, Нафиса эса уларнинг курсдоши эди, холос.

Ёмғир эндигина тинганди. Жўравой Нафиса билан шунчаки гаплашиб турарди. Суннат билан Жалил ширакайф эдилар. Ана шу шира-

Зоҳир Аълам. 1943 йил Тошкентда туғилган. ТошДУнинг журналистика бўлимини тугаллаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Таржима кенгашида хизмат қилади.

кайфликданми бегона одамнинг курсдоши билан очилиб-сочилиб гаплашиб тургани уларга ҳақорат-дек оғир ботди. «Ҳой, сен нега кеккайиб, салом бермайсан?» «Танимаган одамга нега салом беришим керак?» «Мана ёнингдаги қиз салом берди-ку?!» «Ҳа, бу сизлар билан бирга ўқиса керак, таниса керак. Шунинг учун саломлашган».

Хуллас, жанжал ана шундай «фикр алмашувдан» бошланган эди. Аслида Нафиса Жўравойнинг ҳаётида ҳеч қандай из қолдирмаган. Ханжар воқеаси бўлмаганда Нафиса кейинчалик Жўравойнинг эсидан ҳам чиқиб кетган бўлармиди?!.

Жўравой енгил кураш билан шуғулланиб юрар, кўринишдан билинмаса ҳам эпчил, кучли йигит эди. Рақибларини ўшанда у бирон марта ҳам ургани йўқ. Фақат чап бериб турди, холос. Жон-жаҳдлари билан унга ташланаётган Суннат ва Жалил ўз оғирликлари билан гурс-гурс ерга ағнашарди. Бу ҳол ҳар бирида уч-тўрт карра такрорлангач, Суннату Жалил бас келолмасликларини тушундилар. Йиқилиш зарбидан урилган-қирилган башараларининг қонларини артиб, костюмлари лой ҳолда ҳансираб туришган пайтда қўнғироқ чалинди. Ичкаридан одамлар чиқа бошлашди. Жўравой Нафисага «хайр, кечирасиз» деди-ю, секин кета бошлади. Орқасидан «ҳали кўрасан!» мазмунидаги пўписани эшитганида энсаси қотиб қўл силтади.

Эртасига дарсдан чиқиб пайтида Суннат билан Жалил ўн-ўн беш кишилик тўда билан уни кутиб туришган экан. Жўравой шундай бўлишини сезиб, курашчи ўртоқларидан беш-олти кишини айтиб қўйганди. Унинг бу тадориғи қасоснинг олдини олди. Айниқса, юз ўн килолик Шамсининг ҳеч нарса билмагандек осмонга анқайиб тургани қасоскорларга совуқ сувдек таъсир қилди. Муштлашувнинг уч иштирокчиси бир чеккага ўтиб гаплашишди. Бу пайтга келиб иккала томон ҳам сўраб-суриштириб, бир-бирининг ким ва қанақа одамлигини билиб олишганди. «Самбист бўлсанг одамни шунақа аямай урасанми? Уша аҳволимизда бизларни декан кўрди, курсдошлар кўрди. Шармандамиз чиқди». «Мен самбист эмасман. Сенларни битта ҳам урганим йўқ. Фақат қайтариб турдим». «Майли, ҳозир самбистларингни йиғиб келибсан. Лекин билиб қўй, пул бериб бўлса ҳам сени урдираман барибир!» «Кеча урмай хато қилган эканман. Лекин

энди йўлимда учраб, яна хўмрайганингни кўрсам, кечаги хатони бошқа қилмайман!»

Орадаги гап шу билан тугади. Лекин Суннат билан Жалил пулдор болалар эди. Одам ёллаб пойлатишлари мумкин эди. Жўравой ана шу ваздан кўрқиб, орадан бирикки ҳафта ўтгач, ханжар топиб ёнига солиб олди. Шу-шу бирининг ўрнини иккинчиси босиб ўн етти йил давомида учта ханжар унга ҳамишлик ҳамроҳ бўлди. Энг аввалги ханжарни беш-олти йил ёнида олиб юриб қаердадир йўқотди. Иккинчиси эса қўлига тушгандаёқ ёқмаганди. Ярим йилчадан сўнг бошқа — жуда чиройли ханжар ясади-да, аввалгисини кимгадир бериб юборди. Ана шу энг чиройли ва ёқимли учинчи ханжарини у битта ҳам ишлатмай, аниқроғи у билан бирон кишига зарба бермай ўн йилдан ортиқ муддат ёнида олиб юрди. Уйда ҳам, кўчада ҳам, тоғу тошда ҳам. Ҳар доим. Охирида эса бу ханжар мисгарлик болғачаси билан кунданнинг ўртасига тушди. Бу олдинги иккитасининг ҳам тимсолини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, «менинг бошимга ана шу касофат тўфайли балолар тушди», деган қарорга келтирганди.

Суннат билан Жалилдан ташқари ҳам илгарироқ рўй берган муштлашувлардаги сиймолар ҳам уни баъзан хавотирлантирарди. Лекин у хавотирлар болаларча руҳда бўларди. Чунки у муштлашувларда ўзи ёш, рақиблари ёш эди. Бир-бирларини тузуккина таниб ҳам олмагандилар.

Ундан кейин ҳам, институтдаги жанжалдан кейин ҳам бир карра пивхонада, бир марта ресторанда урушгани бор. Аммо булар ҳам мастликда эди. Ишончи комилки, худди Жўравой уларни таниб қолмагандек, маст рақиблари ҳам уни яхши эслаёлмайдилар.

Суннат билан Жалил масаласи бўлакча. Биринчидан, Суннат билан Жалил Жўравойдан уч-тўрт ёш улуғроқ эдилар. Иккинчидан, декан олдида, курсдошлари олдида, Нафиса олдида шарманда бўлгандилар. Энг асосийси эса Жўравойни яхши таниб олиб, ўзига эшиттириб «ҳап, саними!» деб қўйишганди.

Ёнига яроғ тушгач, иккала душманининг ҳам қиёфаси хотирга муҳрланди. Боз устига, аввал ва кейинроқ рўй берган муштлашувлардаги рақибларнинг сиймосини, улардан келиши мумкин бўлган ҳадикларни ёнига тортди. Бу эса ўз навбатида ханжарнинг қимматини

оширдики, у гавдасининг яна бир аъзосидек аҳамият касб этди. Шунинг учун, чўнтакда кичкина буюм ҳам дўппайиб турадиган ёзда уни камарининг остида билинтирмайдиган қилиб қистириб юрар, ҳатто тунлари ёстиғининг остида сақларди.

Энг беозор дала сайлларида ҳам душманларини кўриб қолишдан чўчир, баъзан эса умидвор бўларди. Ҳа-ҳа, баъзан тўқнашувнинг, орачдининг тезроқ рўй беришини истарди. Унинг вужудида иқтидорли рассом билан бирга жон олишу жон бериш жангига тайёр турувчи жангчи ҳам бирга яшай бошлаганди.

Рассомлик дипломи қўлга теккан дастлабки йилларда наشريёт ва журналларда ҳамкорлик қилиб кун кўрар экан, иккита йирик тасвирий сурат ҳам ишлаганди. Биттасига бир ой, иккинчисига бор-йўғи йигирма кун вақт сарфлаган. Кетган ана шу давр ичидагина у ҳақиқий ижодкордек ҳамма нарсани унутиб, бутун дунёдан узилиб яхши яшади. Расмлари ҳам нафис санъат жамоатчилигининг назарига тушди, республика матбуотида, ҳаттоки марказий матбуотда тилга олинди.

Бир куни тирикчилик учун нашриётдан олган рангли китобга ишлаган безакларини топшириб пулини олди.

Бу пайтлар юрагидаги можаро изи хийла хиралашган, ханжар ҳам шунчаки ўргамчик нарсага ўхшаб қолган, қалам ҳақиқа теккан тузуккина пулга боғлиқ режалар ҳам тузиб қўйганди, яъни хотини ва икки боласини очдан ўлмайдиган емак ва киши уялмайдиган кийимга етарли қилиб таъминлаб, бор кучини йирик асарга сарфламоқ эди. Бу масалада хотини билан келишиб ҳам олганди.

Худди шу кунларнинг бирида устахонасидан магазинга бориб нону консерва олиш ниятида чиқди-ю, муюлишда Суннат билан Жалилни уч-тўрт йигитчанинг қуршовида кўриб қолди.

Эҳтимол шу куни уларни учратмаганда, ўйлаб юрган янги асарига магазиндан қайтибоқ уннаб юборган бўларди. Руҳиятидаги керракли оҳангни шу куниеқ топиб олиши мумкин эди.

Лекин, рақибларини кўриб, кайфияти завол топди, ўзи эса кўрқиб кетди. Йўқ, ҳозир кела солиб дўппослашларидан эмас, албатта. У ҳали ҳам ўзини урдириб қўядиган ғўчлигини йўқотмаганди. Кўрқув—устахонасини кўриб қолганларидан, кечаси келиб босқинчилик

қилишларидан, ёки истаган пайтлариди йўлини тўсиб чиқишлари мумкинлигидан туғилган эди.

Устахонаси Руставели кўчасидаги кўп қаватли иморатнинг ертўласига жойлашганди. Деразалари ер сатҳидан пастда эканлиги сабабли ташқаридаги одам яқин келиб икки букилганда ҳам устахонанинг чорagini кўрарди, холос. Жўравойнинг дўстлари кўнғироқ босганларидан кейин энгашиб, ўзларини танитмасалар тиззаларидан юқориси кўринмасди ҳам.

Консерва ва нон олиб қайтаётганда Суннат билан Жалилларнинг ҳали ҳам ўша ерда эканлигини кўрди-да, изини чалғитиш учун ён кўчага бурилмай, тўғри «Океан» магазини томон ўтиб кетди. Тўқимачилар саройи олдидаги боққа кириб анча ўтирди. Сўнг кўчанинг нариги бетидан келиб, душманлари кетганини аниқлагачина устахонасига кирди.

Икки соат олдинги шижоатидан асар қолмаганди. Хаёли бўлинди, шай турган шашти қочди. Бундан хийла жаҳли чиқиб, тамаддини ҳам унутди-да, бурчакда турувчи тошни кўтариб машқ қилди. Сўнг арғамчини олиб терлагунча сакради, бокс қопни тоза қолдан тойгунча муштлади. Ҳансираб мушакларини ушлаб-ушлаб қўяркан, ўзининг ҳамон зўрлигига ишонч ҳосил қилгач, «тўртта бўб келсанг ҳам дабдалангни чиқараман» деб янди-да, душга кириб чиқди.

Кейин ёқимли дангасалик ва чарчоқ кучоғида чой ичаркан, стол устидаги ханжарининг тиғ ва юзларини силар, ора-сира ўнг-сўлга ҳамла қилгандек силкиб, душманларини «даф қилгандек» бўларди.

Катта ният ана шу билан ўтди. Кечга бориб мўйқаламини олганда, хаёлидаги эрталабги тиниқлашиб қолган манзара дарз кетган, терлаган кўзгудек туман босган эди. Узича буни чарчоққа йўйиб, ҳар бир ижодкорнинг дангасалиги тутган пайтда халоскори бўлмиш «эртага қиламан» деган иборадан паноҳ топди.

Масала ханжарда ва унга боғлиқ кечинмаларда эканини у ўшанда хаёлига ҳам келтирмаганди. Уйига жўнашдан олдин ханжарини белига, кўйлак остига билантирмайдиган қилиб қистириб ташқарига чиқди. Ғира-шира қоронғуликда у ёқбу ёғига аланглаб-аланглаб катта кўчага йўл олди. Ёп-ёруғ трамвайга ўтиргандан кейин ҳам қовоғи солиқлигича кетди.

Мана шу кайфият руҳи унда ўн-ўн беш кунларча давом этиб аста-

аста сўна борди. Лекин батамом йўқолмас, Суннат билан Жалил ёки танга майдончасида урушган боланинг қиёфаси аҳён-аҳён кўз ўнгида намоён бўлар ва тезда уларни хаёлидан даф қиларди.

Жўрадан ташқари тенгдошларидан Абдумалик деган курсдоши ҳам катта жанрда асар яратиш қобилиятига эга эканлиги маълум бўлганди. Иккови маълум маънода дўст эдилар. Онда-сонда союзда учрашганларида бирга ўтиришар, санъат масалаларида суҳбатлашишар, ташкилий масалаларни ҳам бирга ғийбат қилишарди. Аммо иччиларида бир-бирига мусобақадош эканликларини ҳам ҳаммиша туйиб туришарди.

Абдумалик тез орада ундан ўзиб кетди. Жўравой иккита йирик манзарани битириб, иккитасини бошлаб қўйганча узоқ вақт «индамай» юрди. Лекин Абдумалик ўнларча асар яратишга эришди.

Сирасини айтганда, рассомлар ҳам бир хунарманддек гап. Буюртма келиб, бозор қаққон бўлиб турса, очилиб кетаверади. Абдумалик бу борада омадлироқ чиқди. Тез орада унинг асарлари Москвадаги санъатшунослар орасида ҳам ростмана оғизга тушди. Тошкентдаги катта концерт залининг фойесини безашдек катта буюртма ҳам унга топширилди. Абдумаликнинг манзаралари жуда яхши чиқди. Жўравой ҳам гарчи ичидан қиринди ўтса-да, тан берди.

Шу аснода Жўравой ҳам ўша пайтда ҳали энди қурилаётган («Ҳамид Олимжон») станциясини безашга буюртма олди. Бу буюртма уни серпул қилишидан ташқари жуда катта имкониятлар яратарди. Чунки Жўравой матодан ташқари кандакорликни ҳам мукамал эгаллаган бўлиб, мисдаги тасвирларни ҳам матодагидек жонли чиқарди. Кандакорлик портретлари, мис кулдон, чойдиш, кашкул ва кичкина буюмлари мутахассислар ичида жуда қадрланар. Ҳиндистонлик бир рассомга бериб юборган мисдаги манзараси эса ўша юртда катта шов-шувга сабаб бўлган, у ҳақда «Ҳиндистон» журналидаги тақриз эса фахрланиб кўрсатадиган нарсаларидан бири эди.

Метро бекатини безайдиган манзаралардан ташқари шарқона шамчироқ услубидаги ёриткичларни ҳам Жўравойнинг ўзи ясамоқни ният қилганди. Меъмор билан лойиҳага нуқта қўйишганда, уни амалга ошириш учун Жўравойнинг ҳали бир йил муҳлати бор эди. Аммо бу йил, жайдари тилда айтса, ундан

эшакдек ишлашни талаб этарди.

Ишнинг бошида, расмларнинг чизгиларини қоралаб, ора-сира чалғиш учун шамдонларни дўқиллатиб ясаб юрган кезларида устахонасига Абдумалик кириб келди. Абдумалик лойиҳани, Жўравойнинг чизгиларини, чала битган битта шамдонни узоқ кўрди-да, шам ва бошқа майда-чуйда мис ҳашамларни армани корчалонларга беришни, ўзи эса фақат девор суратлари устида ишлашни маслаҳат берди. «Бўлмаса улгуролмайсан», деди гапининг охирида.

— Мен станциянинг ҳаммаси ўзимники бўлишини истайман!— деди ғурур билан Жўравой, ичида дўстининг ҳасад туфайли шундай маслаҳат берганини ўйларкан.

— Чалғийсан, чарчайсан, улгуролмай қоласан, — деди афсус билан бош чайқаб Абдумалик. Абдумаликнинг ўшанда чин дилдан гапирганлигини ҳам ханжар кўтариб ўтказган ўн етти йиллик муддатнинг охирида тушунганди. У пайтда эса:

— Чарчамайман. Мен бақувватман. Молдек ишлашим мумкин. Бир йил экан-ку, олти ойда бажариб ташлайман. Калламда ҳаммаси тайёр, — деб жавоб қилганди. Бу гапларни айтаркан, Жўравой аввал кўкрагига, кейин бошига ишонч билан уриб қўйганди.

— Ҳа, сен бақувватсан, — деди ўшанда Абдумалик Жўравойнинг полвансифат келбатига қараб қўйиб. Шу гапларни айтаркан, кўзларидаги куюнчаликни бирдан бефарқлик эгаллаган эди. Чунки, Жўравойга гап таъсир этмаслигини тушунганди.

Шу билан Жўравой ишлай бошлади. Лекин худди ана шу шашт билан ишга киришган кунларидан бирида, куппа-кундузи устахонасидан сал нарироқда бир йигитча уни тўхтатиб чекиш сўради. Бу йигитча ҳўв бир марта кўчасининг оғзида кўплашиб туриб, уни боққа айланиб келишга мажбур қилганлар орасида ҳам бор эди.

— Чекмайман, — деди Жўравой кўполлик билан ва индамай ўтиб кетиш ўрнига «хўш, нима гапинг бор?!» дегандек қаттиқ тикилди. Йигитча ҳам ҳайрон бўлиб, ҳам бир оз қўрққанидан «ҳа бўпти, кечирасиз», деди-ю, нари кетди. Лекин бир оз юргач, ўгирилиб адоват билан бир қараб қўйди.

Кечқурун ғира-шира пайтда Жўравой ишини тамомлаб чиқиб кетаётганда йигитча икки оғайниси билан муюлишда турарди. У яна чекиш сўради...

Атрофда одамлар ғиж-ғиж ўтиб турганлигига қарамай гавжум йўлакнинг ўртасида уч-тўрт минутлик ёқалашув бўлиб ўтди. Орадан озгина вақт ўтган, йигитчалар тарқаб Жўравойнинг ўзи ва унга ҳамдардликда чирқиллаб одамларни ёрдамга чақираётган бир хотин қолди, холос. Жўравой оёқда тик турса ҳам лунжи, кўйлаги қоп-қора қон эди. Тўсатдан ҳали ёқалашув бўлишини кутмаган пайтда тумшугига ён тарафдан кўйилган калла зарбидан бурни мажақланганди. Йигитчаларни уриб, тепиб, бир зумда тўзитди-ю, аммо калла зарбидан бурнидан тўхтамай қон оқар, кўйлагининг олди қоронғида балчиққа ботирилганга ўхшаб турарди. Йигитчалар кўпроқ жароҳатланган бўлса-да, Жўравойнинг аҳволи аянчлироқ кўринарди. Ёнидаги нотаниш куюнчак хотиннинг йигитчаларни чинқариб қарғашини ҳам бу воқеага мудҳиш тус берган. Бири ёрилган афтини, иккинчиси биқинини ушлаб, учинчиси эса чўлоқланганча қочиб қолган йигитчаларни қувлашга-да, шу хотиннинг «Ҳой, кўйинг, ёмондан ҳазар қилинг!» деб ёпишиб олгани йўл бермади.

Жўравой индамай ичкарига — устaxonасига кириб кетди-да, ювиниб кийимини алмаштириб уйига қайтди.

Эртасига кўкарган кўзларини яшириш учун қора кўзойнак тақиб ён-атрофдаги кўчаларни тоза изғиди. Индинига ҳам, ундан кейин ҳам бир ҳафтани шундай изғиш билан ўтказди. Янги рақиблар топилмади.

Бир ҳафтадан кейин, кўкариш тарқаб, шишлар босилгач, бурни битиб қолганлиги маълум бўлди. Жиндек ҳаво ўтарди-ю, у ҳам паровозга ўхшаб вишиллаб овоз чиқарарди. Вишиллашдан ташқари нафаси қониқтирмас эди. Оғзини очиб нафас олганга дўхтиргач борди. Дўхтир рентгенга солди. Операция қилинмаса иложи йўқлиги аниқланди. Бир парча суяк ажралиб ҳаво йўлини тўсиб қўйган экан.

Олган жароҳати ҳам, берган зарбалари ҳам қўшилиб, ўз ишига, ўз қалбига берган ўзининг зарбалари эканини анча вақтлардан кейин тўшунди. Изғиб, ўспиринларни излаб юрган кезларида буни ҳали англамаганди. Ўспиринларнинг топилмагани ҳам унинг фойдаси бўлганлигини; учраганда, уларни майиб қилиб, қасоснинг лаҳзалик мазасини тотиши ҳам ўзига зарар бўлишини, ёнида чирқиллаб ўспиринларни қувлатмаган хотин ундан кўра минг

марта донороқ эканини кейинроқ билди. Ушанда эса хотинни ҳам ичида тоза сўкканди.

Умуман, унинг ўша пайтлардаги ҳамма фикри-зикри хато экан-да, а?

Аммо бу «хулосаи хунаса» унга ўн етти йилда етиб борганди.

Операция ўтди. Юрак озми-кўпми хотиржамлашиб, яна метро бекатини ўйлай оладиган қобилиятга қайтди. Лекин орадаги можаролар ўзи билан бирга уч-тўрт ой вақтни ҳам олиб кетганди.

Ишга киришгандан кейин ҳам охириги муштлашув Жўравойнинг хаёлини бўлар, ўқтин-ўқтин қўлига ханжарни олиб силашга, рақиблар дуч келиш эҳтимолидаги манзараларни ўйлашга мажбур қиларди. Бу эса ўз навбатида узоқ-узоқ бадантарбия қилишга мажбур этарди.

Бадантарбия — дам олиш, ўпка ва юракни меъерга солиш учун мўлжалланган бўлса майли эди-я! Афсус, уники муштлашувни, қасосни мўлжаллаган бадантарбия эди. Бу эса идроку дил қувватини бутунича ва махсус талаб этадиган, алоҳида — бир одамга етарли, оғир вазифа эди. Киши қасос олмақни ёки ундан қутулмоқни ўйлаб юришининг ўзи бир одамга етарли бало эканлигини, бу билан ижод балосини ҳам қўшиб тортиш учун иккита одам талаб этилишини кейин ҳис этди.

«Боғча болаларига ўргатиладиган оддий ҳисоб мантиғи-ку!», деди англаган чоғда. «Боланинг тўртта кубиги бор. Бир жойга тахласа — битта баланд минора ясайди, икки жойга бўлиб тахласа — иккита паст минора».

«Жўнгина ҳисоб-а?! Минг афсус!» «Йиқиладиган жойимни аввал билсам эди, айланиб ўтардим», деган экан биттаси. Жўравой эса йиқиладиган жойини ўзи кўтариб юрган экан.

Хуллас, ўшанда бекатнинг меъмори ҳам, қурувчиларни ҳам, умуман, жамоатчиликни алдади. Вақтни ўтказиб юборди. Бекат санъатдан янроқ корчалонларга топширилиб, ўзбек руҳидан бегона оҳангларда мозаика билан безатилди. Жўравойдан фақат шамдонлар олинди.

Шу ҳам аслида катта мурувват эди. Уни бутунлай қўшмасликка тўла ҳақлари бор эди.

У лабзсиз, ишёқмас одам сифатида танилди. Энг ёмони ўзини йўқотди. Ханжар кўтариб ўтказган умрининг сўнги даврини йилига бир-иккитадан китоб безаш билан ўтказди. Ҳа, дарвоқе, яна беш-ол-

тита дўст ва ёр-биродарининг портретини ишлади, холос.

Ниҳоят, ўттиз саккиз ёшида умри ўтиб кетганини, илк орзулари билан солиштирганда ҳеч балага арзирли иш қилмаганини бирдан кўриб қолди. «Ҳей, менга қара, ахир ёшим ўттиз саккизга бориб қолибди-ку! Қани?» деди у ўзига ўзи, яратмоқчи бўлган асарларини назарда тутиб. Улар йўқ эди.

Даҳшатга тушди. Қайсидир қариядан эшитганда аҳмоқона валақлаш бўлиб туюлган «Умр алдоқчи нараса, бир пастда ўтади-кетди», деган гапнинг нечоғлиқ тўғри эканлигини ваҳималанганча ўйлади.

Мискинлик деган бало баланд қора қаср деворларидек уни ўраб олди. Мискинликнинг деворларида милтиллаб ёниб ўчувчи сонсиз-саносиз катта кўзлари бўлиб, бу кўзлар унинг юрагига тикилар, музлатмоқни ният қиларди. Деворлардан афсонавий шакллардаги пайпаслагичлар ажралиб, худди синмоқчидек кескин-кескин ҳамла қилишар, лекин мақсадлари ҳозирча қўрқитиш эканлигидан, ҳали жанг олдинда эканлигини билганларидан яна деворга кириб кетишарди. Худога шукурки, ҳеч иш қилолмаганлигига ўзини койишдан чалғиса — мискинлик қасри — бари пайпаслагичу кўзу деворлари бирдан учиб-ўчиб йўқ бўларди.

Турган гап, у ўйламасликни, ўзини чалғитиш йўлини танлади. Бу эса, ҳаммиша таъкидланиши лозим бўлган «ўйлама! ўйлама! Чоҳ бор, тушиб кетасан! Чоҳ ўзининг хаёлларингдадир!» деган қарама-қарши фикрнинг ўртасида юриш эди. Ҳа, Жўравой мантиқсизлик қасрига ўралиб қолганди. Яъни, оддийгина яшаши учун ҳаммиша сергак юриши лозим эди.

Сергакликдан азобланарди, лекин уни қўлдан берса баттар азобга қолишини ҳам биларди.

Бир-икки ойдан кейин чарчади-да, режаларининг амалга ошмаганлиги сабабларини барибир ўйлай бошлади. Рўҳану жисман бақувватлиги учунгина чоҳнинг атрофида айланган, аҳён-аҳёнда мўраласа-да, ичига тушиб кетмай ўйлашга қурби етди.

Кечган йилларингни кўз олдинга келтириб, бир тутамгина хулоса чиқариш қанчалик қийин. Кўпчиликнинг «бор-э!» деб ўйламаслиги ҳам баъзан жуда тўғрига ўхшайди. Чуқур ўйламайдиган, ҳаётдан катта даъвоси бўлмаган оддий захматкаш, бола-чакам бор-ку, деб юпанади. Чуқур ўйлайдиган кишига эса «Бошқа ёққа йўл солворган экан-

ман!» деган оддий жумлани баданидан ситиб чиқариб, ўзининг рўпарасига қўйиб унга тик қараш учун қанча асаб қақшови-ю, қанча мардлик керак бўлади. Чиқарган хулосаси айрим эътиқодларни, орттирган нарсаларини улоқтиришни сўрайди.

Баъзан одам йиллар давомида далаҳовлини орзу қилади ва қуради. Ёки уни сотиб олиш учун узоқ вақт пул йиғиб, кўп дарду ҳасрат чекади. Мақсадига эришгандан кейин эса, тўсатдан: «Менга бунинг нима кераги бор эди ўзи?!» деб қолади. Эътиқодни улоқтириш ҳам шунга ўхшайди, ҳа, фақат ўхшайди. Чунки, уй қурган одам уни сотиши, фойда олиши мумкин.

Аммо у-чи?! Абдумалик билан бир соҳада ишлаб, бир йўлдан кетаверган бўлибди-ю, бир вақт қараса — Абдумалик классик даражасига етиб қолибди. Абдумаликнинг қучоғи тўла, Жўравойники эса кўрсатишга арзимайдиган бир тутам! Тўрттагина расм! Тўғри, бу тўрттагинаси — руҳни аниқ тасвирлаш, инсон қамрови жиҳатидан уялтирадиган эмас. Аммо, у ҳамиша одамларнинг кўзидан «шуми, холос?» деган саволни уққандек бўлаверди. Агар бу одамлар санъатдан узоқроқ кимсалар бўлса, уларга ўзи безаган ўттизтача китобини ҳам кўрсатарди. Аммо санъатни тушунадиган одамлар олдида, кўзлардаги «шуми холос?» маъносига айтилмаган саволни уққан пайтда, ўнғайсизланиб қўлига «иш топиб» беролмай қоларди. Гоҳ чўнтагига тикар, гоҳ шимини кўтарар, гоҳ эса ёқасини тўғриларди. Худди ҳамма хатога қўллари айбдордек, худди унинг учун қўллари уялаётгандек бўларди.

Қирққа яқинлашиб, каттароқ санъат асари яратолмаганининг сабабларини, «кубикларини» иккига бўлворган нуқтани ўйлай бошлади. Ўйлай-ўйлай, сабаб ҳам, «нуқта» ҳам ўзимнинг феълимда экан, деган қарорга келди. Қарорга келган заҳоти спорт жиҳозларига қараб қўйди. Уларни ҳам айбдор деб топди. Аниқроғи, улардан урушиш учун фойдаланганлиги, вақтининг эса йигирма яшар йигитлардек чайир сақланиш учун сарфланганлигини тушунди. Ҳали ҳам осмонга сапчишга тайёр гавдаси, уч юз марта сакраганда-да ҳансирамайдиган ўпка, бир маромда урадиган юрак унинг учун мутлақо кераксиз нарса экан. У золим, боқинчи ёки инқилобчи эмас. Рассом учун тананинг бундай сақланиши шарт эмас, деган қарорга келди. Яхшиси, Аб-

думаликка ўхшаб семириб, тарвақайлаб кетаверсин эди-ю, расм чизсин эди. Бу ханжар билан қилган машқлар, ханжарга боғлиқ можароларни ўйлаш уни асосий ишдан чалғитганига амин бўлди. Шунда курсида турган ханжарни жаҳл билан бурчакка отиб юборди.

Бари бекор экан! Қани энди шу ханжарни итқитиб ташлагандек у билан қилган машқларни, унга боғлиқ ўй-хаёлларни ҳам итқитиб ташлаш имкони бўлса! Илгариги юришларингни, гапларингни, ўн етти йил, деган тушунчага жамланган ишларингни барини итқитиб ташласанг-у, вақтининг ўзини қайтариб олсанг.

Такрор-такрор исканжага олувчи шу каби фикрлар ҳужумида анчагина юрди. Бир куни мис кундага болғачани уриб ўйнаб ўтираркан бурчакка улоқтириб юборган ханжарига кўзи тушди. Қандайдир ички ўкирикка ўхшаган овоз чиқариб уни олиб келди-да, кундага қўйиб, парчинлай бошлади. Бир неча сониядан кейин сочилиб ётган учтўрт бўлак темир, синиб ва ялтироқ пластмас парчаларига қараб, ҳозиргина шу нарсалар яхшигина ханжар эди, деб биров айтолмасди.

Бир оз туриб унинг ғазаби бокс қопга йўналиб, худди ўшандай жаҳл билан қопни муштлашга тушди. Қўлқопсиз уравергани учун қўллари шилиниб, қонаб кетди. Энди у тепишга ва калла қўйишга тушди. Ғазаб хуружиди, қопни арғамчидек учирди, яна бир калла қўйганди ўзи учиб кетиб, бетон полга йиқилди. Увиллаганча полни муштлай бошлади.

Батамом мажолсизланиб, ҳансираганча аянчли кўзларини бир нуқтага тикиб, узоқ ётди.

Полдан зах ўтди. Ётиш жонига теғди. Ичидаги ғала-ғовур анча босилди. Шу уч сабаб туфайли Жўравой ўрнидан турди. Оғриқ ва ҳорғинликдан ихраниб-ихраниб ғулхонада ювинди. Сўнг устахонага чиққанда кўзи ханжар қолдиқларига тушиб кўзига ёш келди. Аммо бу ёш ханжарга ачинганидан эмасди.

Дилининг майлига юкуниб, шу дақиқда кимгадир ҳасрат қилишни жуда-жуда истади. Орада ароқ бўлишини ҳам назарда тутарди бу истак. Оғайнилари кўз олдида келтириб, иккитасини танлади. Уларга сим қоқди. Бирида ароғи ҳам, вақти ҳам йўқ экан. Иккинчисининг эса вақти бемалол экану ароғи йўқ экан. «Лекин сенда бўлса бориб ичишворишим мумкин», деб ҳазил билан жавоб берди у, Жў-

равойнинг ҳолидан беҳабар.

— Ресторанга кириб битта олиб кел! — деди Жўравой дўқ ургандек қилиб.

— Қаерга бораман ҳозир? Биласан-ку, қўлга бермайдиган бўлиб кетган.

— Завзалчи?

— Боя суриштиргандим. Бугун смендамас экан. Ҳа, айтмоқчи, Абдумаликда бўлади. Ўзи ичмайди-ю, ғаладониди ҳамиша сақлаб қўяди, жуда турли-туманидан...

Абдумаликда турли-туманидан бўлишини Жўравойнинг ўзи ҳам биларди-ю, бугунги дил изҳорининг шу курсдошига тўкилишни истамасди.

У ичидаги қаршилиқни енгиш учун хийла вақт турди-да, бир томони иложсизлиги учун Абдумаликка сим қоқди. Ҳозир боражагини айтди-да, трубкани қўйиб, зарда билан ғўлдиради: «Сенга йиғламайман барибир».

Жўравой кимгадир ҳасрат қилишини ўйлаганда ҳам, барибир ханжар ва унга боғлиқ кечинмаларни айтмаслигини биларди. Ҳа, дунёнинг ёмонлигидан, ўзининг рўёбга чиқмаганида кимларнидир тўғаноқ бўлганлигидан, шарт-шароитдан ноилиди-ю, чуқур кетмайди барибир. Чуқур кетиш учун ўх-хў, қанча гапириш, қанча нарсани тушунтириш керак! Боз устига ҳали ўзи яхши тушуниб етмаган нарса бўлса.

«Падари лаънат ханжар! Падари лаънат, ўзимнинг феълим!» деб бошлагин-чи? Камида жинни деб, ўйлашади. Ёки нимадандир жаҳли чиқибди деб ҳисоблаб, оддийгина юпатишади. «Йўқ, одам ўзини тушунолмай, бировга тушунтиролмай ўтиб кетаркан. Бунга ўзининг ҳам, эшитадиганининг ҳам фурсати бўлмас экан. Бу нарсанинг ҳеч кимга кераги, ҳеч кимга зарил келгани ҳам йўқ экан!» Катъян шундай!»

Жўравой бутунлай бошқача одам сиёқида кўчага чиққанда нимадандир ҳавфсираётганини, қаеридир бўшга ўхшаб турганини сездди. Лекин дарров тушунди: бўшлиқ юрагининг остида ханжарсиз чиққанидан туғилганди. Худога шукурки, бу бўшлиқ хавотирга эмас, енгилликка тўлар, нафасини ҳам енгиллаштирарди.

Баҳор пайти бўлгани учун ҳаво бирдан совиб кетган экан. Шамол қишдаги заҳрини яқин қўйган жойидан яна олиб чиққанга ўхшарди. Жўравой ёмғирпўшининг ёқаларини кўтариб, шляпасини бостириб кияркан, эски одати бўйича орқа-олдига бир-бир қараб қўйди. Ёп-ёруғ трамвайга чиқиб жойла-

шиб олганда қаршисида мудраб кетаётган кишига кўзи тушиб, аллақайда кўрганини сезди-ю, ортиқча аҳамият бермади. Лекин у киши шундайгина рўпарасида ўтиргани учун беихтиёр кўзи тушаверди. Эллик ёшлар чамасидаги боши бир ёққа эгилиб ухлаётган семиз бу одамнинг оғзи очилиб, лунжлари осилиб кетганди. Онда-сонда семизлигига мос равишда пишиллаб кўярди. Энг камида бешта болани боқиб дардида эртадан кечгача тиним билмайдиган, ўзига қарашни аллақачон йиғиштириб қўйган оталар тоифасидан эканлиги содда-дўлвор юзидан ва башангликдан анча нари турадиган кийимларидан шундайгина билиниб турарди. Жўравой дўстона жилмайиб билан у кишига қараб кетаркан, қаердадир кўрганлигига аниқ амин бўлди. Қаердалигини ўйлаб кетаркан, бирдан юзи қаҳрланди...

Бу одам ўша, ўн саккиз йил бунинг энг катта душмани, юз фоиз бўлмас-да, етмиш фоиз ханжар олиб юришга мажбур қилган Суннат эди. Жўравой ғанимининг юзига тикиларкан, унинг аввал кўрингандек элликда эмас, жуда нари борса қирқ бешга борганини тахминлади. Балки аввалдан танигани учун бунинг аниқлагандир, номаълум.

Жўравойни бу кишининг ўзидан олдин тушадими ё кейинми, кўзини очганда таниб қандай ҳолга тушиши қизиқтирди. Агар бу одам шу ухлашда кетаверса-ю, шундай тумшўғининг олдида бир пайтлари қасос оламан деб қўйган душмани ўтириб кетганини билмас, Жўравойнинг кўнгли яна яримта бўлиб қоларди. Боз устига худди шу бугун ханжарини ташлаган, кўчага бошқа одам бўлиб чиққан куни учрагани қизиқ эди. Тақдирнинг ҳазили худди шунақа бўлса не ажаб.

Орадан яна бир бекат ўтди. Бу йўл Жўравойга жуда узоқ бўлиб кўринди. Чунки уч бекатдан кейин ўзи тушиши керак эди. Жўравой у кишини тиззасидан ушлаб уйғотиб, «ассалому алайкум, тушадиган жойингиздан ўтиб кетманг», дейишдан ўзини аранг тийиб турарди. Агар у уйғонса-ю, яна ғиш-ғиша бошласа, Жўравой олган қасамига ҳам қарамай уни дабдала қилишга тайёр эди.

Лекин тақдир ўз ҳазилини охиригача ўзи етказмоқчи бўлди шекилли. Трамвай қаттиқ тормоз бериб, ҳайдовчининг «Ҳе, шляпангдан ўргилдим! Кўзингга қараб юрмайсанми!» деб бақиргани эшитилди. Мудроқ киши мункиб кетай деган

пайтида уйғониб, Жўравойнинг тиззасидан ушлаб қолгани учунгина йиқилишдан сақланди.

— Кечирасиз, кечирасиз,— деди у Жўравойга.— Бу паразит сал авайлаб ҳайдаса бўлмасмикин-а?

Кейин у ҳам аллақерда кўргандек Жўравойга қараб қўйди. Лекин эслолмади. Эслолмаганини Жўравой аниқ сезди.

У киши яна бир тикилди. Кейин ҳар эҳтимолга қарши, одобсизлик бўлмасин деган нуқтаи назардан сўрашди:

— Яхшимисиз, яхши юрибсизми? Қаердадир кўргандек бўляпман-у, кечирасиз эслолмаяпман.

— Йўқ, биз учрашмаганмиз. Жўравой хахолаб юборишдан ўзини базўр тийиб жавоб берди. — Кечирасиз, одам одамга ўхшайди.

— Ҳа, тўғри,— деди Жўравой лаб-лунжини плашчининг ёқасига яшириб. Шу сонияда у рақибидан ҳам кўра ўзи устидан куларди.

«Нотаниш» киши трамвайнинг бир оз терлаган деразасини артиб, ташқарига мўралади-да, «Хўп, яхши боринг», деганча ўрнидан турди. Зиғирчалик ҳам танимагани, Жўравойнинг қиёфаси бола-чақасининг ташвишлари остида қачонлардир кўмилиб кетгани жуда аниқ эди.

Жўравой букчайганча, иложи борица афтини плашчига яшириб куларди. Силкиниб-силкиниб кетарди кулгидан. Қани энди бир хахолаб юборса-да, воқеани бировга айтиб берса!

Икки бекатдан кейин Жўравой ҳам трамвайдан тушди. Илгари ҳеч сезмаган ёқимли туйғу кучоғида эди. Абдуқодирникига йўл оларкан, «Сенга ҳасрат қилмайман» деган қарорига ҳам путур ета бошлаганди.

Бегона ҳид

Абдуқодир бобо жума намозидан одатидан кўра барвақтроқ қайтди. Қиш намгарчилигидан айниган дарвозанинг шарақлагани ва бобонинг «бисмилло» деб қадам қўйгани эшитилгач, ҳовли тўридаги айвонда зир югуриш бошланди.

Айвонда бобонинг кампири товада қовурилган колбасани набира-ларига едираётганди.

— Ҳай, сен тез бунинг ошхонага обчиқ! Сен тез деразани оч,— деб буюрди кампири иккита набира қизларига. Ўзи эса ҳеч нарса бўлмагандек, кенжатоё Рустамни бағрига олиб чой ичира бошлади.

Бобо ҳовлидаги қуртак ота бошлаган шафтоли новдаларига тикилиб салгина ҳаяллади. Унинг бугун сал мазаси қочиб тургани учун айвонга кирганида набираларнинг жовдираб, маккорона кўз уриштириганини меъёридан баландроқ овозда «ассаломалейкум» дейишганини ҳам пайқамасди. Тўнни кампирига бериб, тўрдаги ўзининг ҳордиқ сўричасига ўтаётгандагина бегона ҳид сезиб ҳавони искалади. Қадди кўтарилди ва тўнни қозикқа илаётган кампирига қаради:

— Бир нарсани ҳиди келяптими?

— Ҳақ, анави болаларга кеча онаси бир консерва олиб келган экан. Шунинг ейишувди,— жавоб қилди кампир невараларига зимдан қараб. — Барвақтроқ қайтибсизми?

— Тобим йўқроқ. Иристойникига худойига этишганди, шунга ҳам чоғим келмади.— Бобо аста диванга чўзилди.— Қанақа консерва экан у?!

Бувисининг имосига шай турган катта набира дарров бир консерва банкасини кампирга, кампир эса уни чолга узатди. Бобо банкани оларкан, бўш қўлининг ишораси билан кўзойнагини сўради. Сўнг энгашиб консерванинг ҳамма ёзувларини синчиклаб ўқишга киришди. Орадаги, сукунатда кенжа Рустамдан бўлак икки қизалоқ ва кампир бир-бирлари билан ҳам жилмайиб, ҳам хавотирланиб кўз уриштиришарди.

Бобо узоқ ўқигандан кейин, консерванинг чўққа эмас мол гўшти эканлигига амин бўлди. Шунда ҳам ёвқараш бир назарини банкадан узмай уни кампирига узатди.

— Ташлавор бунинг, ҳиди қурсин.

Банка яна чолдан кампирга, кампирдан эса яна катта набирага ўтди. Ўн икки ва ўн яшар опа-сингил бобони алдашгандан ҳиринг-ҳиринг кулганча уни ошхонага олиб чиқишди-да, газ устига ҳозиргина қўйиб кетишган колбасани ея бошлади.

Абдуқодир бобо шипга қараганча ётаркан, қазоси етиб қолганини яна ўйлашга тушди. Юрагининг лип-лип уриши, нафас етишмаётганлиги, айниқса, мажолсизланиб бирдан ерга ўтириб олгиси келиши — бунга уни мажбур қиларди.

Ўтган кундан бери аҳвол шу. Ав-

вал бобо, қишда ўлсам керак, деб ҳисоблаганди. Лекин мана, омонсон наврўзга ҳам етиб келди. Эрта-индин оғзи кўкка тегса пешонасига яна бир ёз ёзилган бўлади. Оллоҳга шукр. Шу билан иссиқнинг саратонидан ўтиб олса бас, у ёғига худо пошшо. Аммо, кейинги қишдан ўтмайди. Қиш ҳам тангрининг бир супургисидек гап. Нимажон, касал, ирик-чириклардан бу дунёни тозалайди.

Лекин бобо яна бир ёзу бир қишни шунчаки, «Берса берар, бермаса мен тайёрман», деган қарор орқасидан ўйлар ва Азроилнинг ҳар дақиқада келиб олиб кетиши мумкинлигини сезарди. Бошқа чолларга ўхшаб «яқин қолди» деб гапиравермагани учун ён-веридаги лари уни ҳали бақувват деб ҳисоблашарди.

Тўрт яшар набираси диванга осилиб қиш чолнинг пинжига кирдида, бобонинг эътибори йўқлигидан жуда ҳайрон бўлди.

— Бува, қутингизда битта ҳам қақич қолмадимми? — деб сўради бола.

— Бор, — деди бобо юрагининг қийноғидан сал чалғиганча жилмайиб. — Нима эди?

— Бермийсизми?! — деди бола.

Чол кулди-да, жуда секинлик билан ўрнидан турди, жуда секинлик билан калит топди ва жуда секинлик билан тоқчадаги қутини титкилаб, чиройли қоғозга ўралган сақични олиб набирасига узатди.

Аваллари у ҳар битта қақични икки бўлиб берарди. Ҳозир унга ҳоли йўқ, Лекин чолнинг одатига мослашган жужуқнинг ўзи сақични тишлаб иккига бўлди-да, ярмини қоғози билан бобосига қайтарди:

— Манг, ўраб бекитиб қўйинг. Анавилар кўрмасин, — деди опаларига ишора қилиб.

— Ҳой! — деди чол ташқарида юрган кампирга қарата. — Манавини ол!

Кампир шошиб кирди.

— Манавини об чиқиб кет! — яна қайтарди чол. — Мазам қочаяпти.

Бобонинг гапида «Уладиган бўлсам кўриб-нетиб ўтирмасин», деган мазмун борлигини кампир ҳам сезмади.

Сақични ўзи билганча қутининг тагига яширгач, кампир болани олиб чиқиб кетди. Шипга қараб ётган бобо кўзини юмганча, ўнг тарафга оҳиста ёнбошлади. Ҳали ҳам бироз сақлиниб турган қолбаса исидан димоғини яшириш учун белидаги кўрпани бурнининг устига тортди.

Кечқурун бобо бироз ўзига келди. Қариганда одамнинг ҳамма ҳаракатлари хунуқлашади, атрофдагиларга ёқмай қолади, деб ҳисоблаганидан у овқатини бошқалардан ё илгарироқ ёки кейинроқ ерди. Боз устига набираларини тартибга чақириб ўтиришдан ҳам чарчаганди сўнгги пайтларда.

Бугун дастурхонга ҳаммадан сўнг яқинлашди. Овқатни тугатаётганда ўғли қайтиб кирди-да, хонтахта ёнига ўтириб, индамай спорт газетасини ўқишга киришди. Бобо унинг гапи борлигини тушунди. Ўғлининг оғзидан арақ ва папирос ҳиди келди. Чол кўнгли айниб «иҳ» деб ўзини четроқ олди.

Саккиз фарзанди уй-жой қилиб чиқиб, ёнида қолган кенжа ўғил энг суюқлиси бўлса-да, энг куйдиргани ҳам шу эди. Уртамиёна идорада ўта миёна ходим бўлиб ишлайдиган бу ўғил, чолнинг назаридаги энг куфрона ишни — ароқ ичишни одат қилганди. Ортиқ ичиб, маст-аласт эмаклаб юрмасди-ю, кунда кунора оғзидан ҳид келиб турарди. Ҳамиша пулсиз юрар, қирқ ёшга кирганига қарамай, ҳалигача «ойликдан бераман» деб чолдан пул оларди. Албатта, пулни қайтармас, чол ҳам сўрамасди.

Чолнинг «ҳаммаси шу кенжамга бўла қолсин» дейишини, ўзининг арзанда ва севикли эканлигини ўғил яхши биларди.

Овқатдан сўнг бобо лаб ва қўлини сочиққа артиб фотиҳа тортган заҳоти ўғил газетани шарақ-шуруқ қилиб тахламай ҳам ёнига ташлади.

— Яна ичдингми-а?

— Ҳе-е, биласиз-ку, жиндек-жиндек ўртоқлар билан... — ишшайди ўғил, ўзини ўн беш яшар ўспириндек тутди.

— Шу падари лаънатини тановул қилган одам — одам бўлмайди, билиб қўй. Ман-ку ўтиб кетарман — сан кейин тушунасан.

— Ҳе-е, бобой, шу гапни йигирма йилдан шаққа гапирасиз. Мана юрибман-ку, ўлмай.

— Бунинг ўрнига гўшт олиб кел, болаларининг илгини тўқ қил. Биз шунини ўйлардик...

— Ҳе-е, бола-чақа кунини кўриб кетар. Мана юрибди-ку.

— У падари лаънати одамни ҳафсаласиз қилади, қаритади. Хотининг ёнига қўйгин ўзингни — ер билан осмонча фарқинг бор. Тағин ҳам онанг икковимиз пальтосини обердик. Сен бўлсанг унга қарамайсан. Ичиб келиб хурракни отасан.

Ўғил отасининг бунчалик хабардорлигидан хотинини шикоятландимикан, деб шубҳаланди.

— Хотининг индагани йўқ, ўзим сезаман. Келасан, газет ўқийсан, кейин телевизор кўриб ўтирганинга даёқ кўзинг кета бошлайди.

Чолнинг келини чиройли, оппоқ, кўзга жуда яқин жувон эди. Лекин бобо бундан хурсанд эмасди. Чиройлики ушлаб туриш учун ё зар, ё зўр бўлиш лозимлигини чол кўп кўрган. Ўғлида эса у ҳам, бу ҳам йўқ. Одамнинг одамдан фарқини билганлиги боис ўғлининг дангаса ва хотинга нисбатан беҳафсала кимсага айланганини унинг башарасидан, келинининг кўзларидан, ўтириб туришларидан сезиб олганди. Йўқ, келинини суюқоёқ дейиш хаёлига ҳам келмасди-ю, аммо бундай хотиннинг эри шу кенжа ўғлидақа бўлмаслигини аниқ биларди. Бу сўниқ кўз, бу ароқсиз очилмайдиган хандон билан ўғлининг боши кўргиликлардан чиқмасмикан, деб хавотирланарди.

— Хўш, нима гапинг бор? — сўради чол, яна юраги хилвирагани учун оғзини катта очиб нафас оларкан.

Бобо шундай савол бериши билан кампири ҳам индамай кириб келиб ўтирди. Чол суҳбатга кўплашиб тайёргарлик кўрилганини аниқлади.

— Энди, бобой, — деб гап бошлади ўғли ишшайиб. — Мана, хабарингиз бор, ҳукумат ҳамшираларининг ойлигини ошириб қўйди. Айниқса, кечаси навбатчиликда турса ўттиз фоиз қўшиб бераркан. Ўша эски гап: келинингиз кечаси ишлайман деяпти...

Бобо яна ичида «иҳ» деб, яна оғзи билан чуқур нафас олди. Бесаранжомликдан сочиқни лабига обориб, сўнг яна жойига қўйди. Ўғли давом этди:

— Энди, мана, катта қизи ҳам ўн иккига кирди. Секин-секин мол йиғаман дейди. Нимага кечаси ишлашига розилик бермайсиз, билмайман? Хўп, денг. Мен, ишлайвер десам, отам рози бўлмасалар ишламайман, деяпти.

— Рози бўла қолинг, отаси, — гапга аралашди кампир, ўғли унга бир қараб қўйгач. — Ишласа ишлай қолсин, — деди ишонч билан.

— Ҳамма нарса қиммат бўп кетаяпти. Бизларнинг тўрт кунлигимиз борми-йўқми, ўзи тортсин аравасини...

Кампир чолнинг кўнглидан ўтганларини тушунмасди.

Масала шунда эдики, бобонинг келини маҳалладан бир километрча наридаги стационарда ҳамшира бўлиб ишларди. Стационар ҳам касалхонанинг бир тури эди-ю, фақат

унда сал каттароқ ишда ишлайдиган енгил хасталар даволанардилар. Яъни, ўртача корхоналарнинг директорлари, профессорлар ва баъзи бир «ёш» пенсионерлар профилактикадан ўтиб туришарди. Бундан йигирма йилча бурун, эндигина ишдан қутулиб «ёш» пенсионер бўлган пайтда бобонинг ўзи ҳам ўша жойда бир ой дам олганди. Шунда, кечаси навбатчилик қиладиган бир ҳамширанинг суюқ-оёқлик қилишини ўз кўзи билан кўрганди.

Ушанда Абдуқодир бобо у жувонни ҳам, унга илакишган кишини ҳам койиганда, бу номаъқулчиликни кўриб турган бошқа одамлар бобонинг ёнини олиш ўрнига унга «эси пастдек» қараганлари лол қолдирганди. Ҳеч ким у йигитга қарата: «Ҳой, инсон, бировнинг ҳасмига нега кўз олайтирасан?» ёки жувонга қарата: «Ҳой, сен бировнинг жуфти ҳалолисан, гулдек эринг бор, уни ер қилаётганинг учун кўр бўласан! Бошқа ҳамкасбларингга доғ туширасан!» деб айтмади.

«Хуштор» йигит жанжал кўтарилишидан чўчиб индамади. Ҳа, инсофи келиб, чолни ҳақ деб ўйлаганидан эмас, ишхонасига ва оиласига гап етиб боришидан кўрқди. Жувон ҳам шу. Индамай, гап қайтармай эшитди-ю, кейин хўрлиги келиб йиғлаб юборди. Кўзёшига аралаштириб зил-замбил дарди-ҳасратини тўқди. Эри ҳар куни ичиб, бошқалар билан айш-ишрат қилиб юрармиш. Шунга қасдма-қасдликка у ҳам юра бошлаганмиш. «Туф-э, ҳаммангга» деди ўшанда Абдуқодир бобо ичида.

Мана энди орадан йигирма йил ўтиб, ўзининг келини, суюкли кенжа ўғлининг хотини ҳам қандайдир йигирма-ўттиз сўм учун тунги сменага ишга ўтмоқчи. Илоё, шу ўттиз сўм учун бўлсин-а! Бу ёғда эса кенжа ўғил ичадилар. Кампири

бўлса замон ўзгариб, одамлар ўзгариб кетганини тушунмай, ҳаммани ўзига ўхшаган имонли ва инсофли деб ўйлаб, бу гапга қўшилиб ўтирибди.

— Сен эркаларнинг ишига аралашма, — деди чол хаста овозда.

— Ие, келинимнинг ташвиши-ку!

Чол юзини бужмайтириб бош силкиш билан кампирини тўхтатди. Илгари шашт ва куч-қуввати бўлганда «Тур, чиқиб кет!» деб айтарди. Ҳозир шунга ҳам кучи етмайди.

— Менга қара, — деди ўғлига, — Сани еттита туғишганинг бор. Сен энг кичигисан. Шу саккизта болани бир ўзим зовутда ишлаб боққанман. Яна қанақа замонлар эди?...

Эрка ўғил қўл силкиб аччиқланди:

— Сиз катта ойлик олгансиз. Мана шу боғимиз каттакон эди. Қани ўша боғ? Ҳозир у саккизта кишига участка бўлган. Манда бўлганда манам ишдан кейин тимирскиланиб у бу нарса экиб-тикардим, бола-чақанинг оғзига босардим... Эрка ўғли шундай деб сигарет тутатди. Бобо кафти билан тутун ҳайдади.

— Шу попирисингни ўзига ойига ўн беш сўм кетаркан. Бу дегани бир ойлик нон пули дегани.

— Э, — деди ўғил ва тесқари қараб олди.

Чол қаддини бироз тиклаб, оғзи билан чуқур нафас олди. Юраги баттар увишгани учун овози янада синиқроқ чиқди.

— Эркак киши ароқ ичмай, попирис чекмаса ҳаммасини эплайди...

— Э, бўлди! — деди ўғил. — Барибир ишлайди, билиб қўйинг. Нима! Ҳозир ҳамма тенг ҳуқуқли.

Уғил кескин ўрнидан туриб, чиқиб кета бошлади.

— Мен рози эмасман. Мендан кейин билганингни қиларсан.

Чолнинг бу гапини ўғил ё эшитди, ё эшитмади.

— Бир пиёла совуқ сув бер, — деди чол оғзи билан чуқур-чуқур нафас олиб, кампирига.

— Сизга нима бўлди? Кўйинг, кўп куюнманг, ишласа ишлайвермайдимми?

— Сув бер, дедим сенга.

Кампир чиқиб кетди.

«Ё тавба, буларга нима бўлди ўзи? Хўп, кампир-ку майли, бола наҳотки тушунмаса?!» Чоя ўрнидан жуда бемажоллик билан туриб, ҳордиқ сўрига ўтиб чўзилди.

Кампир пиёлада сув олиб кирди. Чол уни олиб ярмини ичди-да, пиёлани қайтараркан аста шивирлади: «Одамнинг қолган-қутганини бола адо қиларкан». Бу гапни у ўзи учун айтганди, кампири ҳам эшитди. Чолини юпатиб, устига кўрпасини тортаркан унинг кўзларида ёш ҳалқаланганини кўрди.

— Майли, чиқа қол, — деди чол.

Кампир ўғлига отасининг хафа бўлганини айтиш учун чиқиб кетди. Чол чуқур хўрсинди.


Орадан ярим соат ўтиб кампир кирганда чолнинг танаси совий бошлаганди. Боягина дардманд меҳрибон жовдираган кўзлари шипдан ўтиб осмонга тикилган, ундан оққан тўрт томчи ёш эса бир текисда иккитадан бўлиниб яноқларида ва соқолида қотганди.

Чолни эртасига пешинда кўтаришди. Тумонат одам йиғилди. Бел боғлаб олдинда кетаётганлар ҳам йигирма чоғлига етарди. Уларнинг орасида ҳаммадан энг кўп бўзлагани кенжа ўғил эди.

...Кечга томон кенжа келин, дарвозадан чиқиб муюлишдаги ахлат яшикка чанг босган консерва банқасини ирганибгина итқитди-да, кўчани тўлдириб, тунги сменага йўлга тушди.



Оллоёр



Қайтар бўлди юртига аскар.
Шукр, шукр...
Тўрт мучаси соғ.
Сўнгги хатни ёзди хориждан:
«Оз вақт қолди,
Мен қайтаман,
Кут!»
Кунлар ойлар қадар чўзилди,
Таранглашди риштаи сабр.
Қандайин туш кўрмасин,
барин
«Уйга йўл», деб айлади таъбир.
Энг сўнгги кун келди.
Энг сўнгги
лаҳзага ҳам келди соғ етиб.
Ҳозир жўнар...
Лекин негадир
қўзғолмасди жойидан этик.
Бунча оғир,
бўлмайди узиб:
Михландими заминга ёки?
Кўйвормасди ҳеч уни ўзга —
Юртнинг қонга қоришган хоки.
Куч-қуввати йўқолди қайга?
Кўздан ёши тирқираб оқди.
Наҳот кўтаролмас
икки йил
ўзи топтаб юрган тупроқни.
— Имиллама,
— Кетгинг йўқми ё?
Ҳазиллашиб ундан кулдилар.
Лекин
кўзда ёшини кўриб,
унга ёрдам бермоқ бўлдилар.
Топмадилар уриниб чора.
Кетмоқ эса мумкинмас ташлаб.
Бошлар тамом қотган лаҳзада
унинг ўзи қолди сўз бошлаб:

Девги номини
ўзингдан дарсдан

— Энди менга бошқа илож йўқ.
Ўзим — маҳкум, ўзим — қозиман.
Менга раҳм қилди шунча ўқ.
Оёғимни...
кесинг, розиман.
Дараларни кезган оч-юпун
Еллар қилич каби эсдилар.
Унга тўзим тилашиб,
икки
оёғини шартта кесдилар.
...Жони омон қолди, ҳар қалай,
Эъозлайди тинчлик тотини.
Унинг ёғоч оёғин силаб,
«душман ўқин» қарғар хотини.

Сендан менга қолмас кўп нарса.
Қолари ҳам шунчаки ул-бул:
Севги номи ўйилган харсанг
ва пойида бир кафтгина кул.
Мендан сенга қолмас кўп нарса:
(хоҳла унут, хоҳла — ёдда тут),
икки кафтдан чиқмаган қарсак
ва ўзини оқлаган хом сут.

Қора ўзак

Боягина кўкка бўйлаган,
шамолларни тутган бағрида —
дарахт бир силкиниб қулади —
ер қаърига кетди овози...
Ҳали совуб улгуролмаган,
арра билан узилган жонни —
силлиқ кунда сиртин силайман,
неча ёшда бўлса?.. ўйлайман.
Мана ҳалқа, мана бошқаси,
йигирма уч ҳалқа барчаси.
Менга тенгдош дарахтга қараб
кўзим тинар. Недан? Билмайман.
Худди денгиз тўлқинларидай
ҳаракатга келар ҳалқалар
ва барчаси интилар ўша —
қора ўзак — илк баҳорига...
Қора ўзак — илк баҳор ёди!
Қора ўзак — илк қор нафаси!
Қора ўзак дунёга илк бор
Назар солган дарахт қароғи
Қора ўзак сари интилган
тўлқинларга тушиб қолганча
қичқираман: чўкяпман, ёрдам!..
Ёрдам беринг, чўкяпман мен...

Фарида Қорақулова



1959 йилда туғилган. Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтини тугаллаган. Шеър ва ҳикоялари республика матбуотида эълон қилинган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Тунги ҳодиса

Пенсияга чиққанидан бери бекорчиликка ҳеч ўрганолмай, қийналиб юрган Неъматуллин устига-устак уйқусизлик дардига ҳам мубтало бўлди. Ёз кунлари ҳам бир нави эди; айвондан бўм-бўш кўчаларга, кўкда бетартиб сочилиб ётган юлдузларга тикилиб, бир амаллаб тонг оттирарди. Сал совуқ тушди дегунча, жонини эговлайдиган бод касали туфайли айвонга ҳам чиқолмай қоларди. Мана, бугун ҳам қария тунни қандай оқартиришни билмай, дам ташқаридаги хазонларнинг шамолда шитирлашини тинглайди, дам деразадан қоронғи кўчага мўралайди. Ёлғизликдан кенг хонага сиғмай, юраги сиқилди. Девордаги осма соатга қаради. Эндигина иккидан ошибди. Чой қайнатиб ичиш мақсадида ошхонага ўтди. Шошмасдан човгумни сувга тўлдирди-да, газ плитасига қўйди. Олов ёқиш учун қўлига гугуртни олди-ю, шу оннинг ўзида фикридан қайтиб, яна жойига ташлади. Ёлғиз чой ҳам ичолмасди у. «Чой баттар уйқуни қочиради», деди ўзига ўзи. Қариянинг ёдига шу тобда бирданига узоқ шаҳарда яшайдиган қизини кўриб келиш учун кетган кампири тушди. «Борма деганимга қулоқ солмай жўнаган эди, хануз дараги йўқ, — ёзғирди у қайсар кампиридан, — қариган чоғингда тинчгина уйда ўтирмайсанми. Қизинг

соғинса сени келиб кўрсин... Ишқилиб эсон-омон келса бўлгани». Чол қўлларини орқасига қилганича хонанинг у бошидан бу бошига юрар ва лаблари пичирлар, ўзи билан ўзи гаплашарди. Шу пайт ташқаридаги йўлакдан кимнингдир қадам товуши эшитилди. Чолнинг эшитиш қобилияти ҳали яхши эди. Қолаверса, биринчи қаватдаги зинадан тепага кўтарилаётган кимса, қанчалик эҳтиёткорлик билан чиқишга ҳаракат қилмасин, қадам товушлари тун сукунатида одатдагидан ўн барабар қаттиқроқ эшитиларди. Нима қилишини билмай зеркиб ўтирган қария илдам бориб, эшикка қулоқ тутди. Унинг хаёлига шу заҳоти лоп этиб участка инспекторининг ўтган кунги илтимоси тушди. «...Сиздан



Саргузашт қисса

илтимос, отахон, — деган эди у, — қаршингиздаги кўшинингиз Шарипова Фотиманинг квартирасидан кўз-қулоқ бўлиб турсангиз. Мабодо унинг уйига бирор кимса келгудек бўлса ёки уни сўроқласа, дарров менга хабар қилинг». Фотиманинг бахтсиз ҳодисага йўлиқиб, вафот этганидан қаттиқ азият чеккан чол ўзига билдирилган бундай ишончдан хурсанд бўлди ва унинг илтимосини жон-жон деб қабул қилди. Шу сабабли Неъматуллин ўзининг одатдаги кундузги сайрларини ҳам қисқарттирди. Энди у фақат уй атрофидагина оёғининг чигалини ёзиш учун айланиб келар, шунда ҳам дақиқа сайин кўшни квартирадан хабар олиб турарди. Қария эшикка ўрнатилган кичкина ойнадан ташқарига қараганича, қадам товуши эгасининг яқин келишини пойлаб турди. Ниҳоят, зинапояда бошига кенг соябонли шляпа кийган новча аёлнинг гавдаси кўринди ва у тўппа-тўғри қаршидаги квартиранинг эшиги ёнига келиб тўхтади. Чол қанчалик уринмасин, унинг юзини яхши кўролмади. «Ёпирай, — ўйлади у аёлга қайта-қайта тикилганича, — орқасидан бўй-басти худди Фотиманинг ўзи-я. Агар унинг ўлганини билмаганимда, бу аёл Фотима деб қасам ичишим ҳам мумкин эди. Ҳойнаҳой, Фотиманинг ҳеч гапдан хабари йўқ таниш-билишларидан бирортаси бўлса керак». Хаёлида бундан ўзга фикр бўлмаган Неъматуллин аёлнинг кимлигини сўраш ва уни Фотиманинг фожиасидан хабардор қилиш учун шошиб эшикни очди. Эшикнинг тўсатдан зарб билан очилгани-

дан чўчиб тушган номаълум аёл жонҳолатда чол томонга ўгирилиб қаради. Остонадан ҳали бир қадам ҳатлаб ўтишга улгурмаган Ҳеъматуллин аёлнинг таниш юзини кўрди-ю, оғзини очганча турган жойида қотиб қолди. Унинг қаршисида кўрққаниданми ёки талмовсираниданми кўзларини катта-катта очганича Фотима турарди. Уша — етти кун аввал вафот этган, Ҳеъматуллин кампири билан таъзиясида иштирок этган Фотима... Улар бир-бирларига тикилиб қолишди. Чол эс-ҳушини йиғиштириб олгунча бўлмай, Фотима ўқдек учиб пахта тушиб кетди ва кўздан ғойиб бўлди. Кўча эшигининг тарақлаб очилиб ёпилиши ҳам ҳангу манг бўлиб қолган чолни ўзига келтиролмади. Ҳозиргина ўзини ҳайратга солиб кетган аёлнинг Фотима эканлигига унинг ишончи комил эди. Ҳар хил соҳаларда ишлаган қария инс-жинсларга ишонмас, ҳаётда қутилмаган ҳодисалар рўй бериши мумкинлигини кўп марта кўрган эди. У фақат бир нарсага — Фотиманинг нега бунчалик ундан кўрқиб кетганига ажабланарди. «Бир оғиз ҳам гапирмай, қочиб кетди. Ҳа, ҳа, қочиб кетди. Бу ерда қандайдир сир бор. Демак, участка инспектори бежиз кўшни уйдан кўз-қулоқ бўлиб туришни илтимос қилмаган». Чол шундай деганича шоша-пиша таниш телефон номерини тера бошлади.

Фожа

Уткир Ҳусанович уйқусизликдан қизарган кўзларини ишқаб соатига қаради. Олтидан қирқ минут ўтибди. Демак, навбатчилик ҳам тугаб қолибди. Навбатчиликни топширган, уйга бориб мириқиб ухлайди. Э, ухлаш қаёқда. Музаффарга бир ойдан бери ҳайвонот боғига борамиз деб ваъда беради. Алдагани бола яхши дейишадими-ю, лекин болани алдаб бўлмайди. Бугун дам олиш кун, ваъдасининг устидан чиқиши керак. Пўлатов ўғлининг қувончдан урралаб қийқиришини кўз олдига келтирди-ю, ўзи ҳам беихтиёр жилмайди. У оёғининг чигилини ёзиш учун ўрнидан туриб, узоқ керишди. «Марказ — 3»даги майда безориликни ҳисобга олмаганда, унинг навбатчилигида айтарли бирор ҳодиса содир бўлмади. «Майда безорилик, — ўйлади у, — меҳрибон ота-онанинг эркатой ўғли бир қарасанг қўшни болакайни кўрқитиб, унинг чақасини-тортиб олади. Яна бир қарасанг, унга дакки берган инвалидининг деразасига тош отиб синдиради. Сал улғайгач эса спиртли ичимлик сотмагани учун савдо ходимини ҳақорат қилади. Майда безориликнинг бир учи мана шундай шўхликлардан бошланади. Лекин кейинги учи-чи? Кейинги учи қаерга бориб, нима билан тугар экан...» Унинг хаёлини рациянинг кўнғироғи бўлди. «Мен — бешинчи, — эфирдан ҳаяжонли овоз эшитилди. — ...Мен — бешинчи. Энгельс кўчасининг «Универсам» бекатидан уч метр нарида номаълум аёл мурдаси топилди. Гувонинг айтишича, қандайдир енгил машина уриб, тўхтамай ўтиб кетган...» «Эшитдим. Опергруппани кутинг...» Пўлатов оғир хўрсинди.

Улар бахтсиз ҳодиса рўй берган жойга етиб борганда, у ерда жамоат жам эди. Тонг бўлишига қарамай, шаррос ёғаётган ёмғир туфайли атроф ҳали нимқоронғу. Пўлатов машинадан тушар экан, ёмғир томчилари очiq ёқасидан кириб, этини жунжиқтирди. Шундагина у шошилишда ёмғирпўшни киймаганини эслади. Прокуратура терговчиси унга пешвоз чиқди:

— Илтимос, иложи борича тезроқ протокол тузиб прокуратурага юборинг.

Пўлатов боши билан маъқул ишорасини қилди. Унинг кўзи манглай суюги мажмақланган, ёмғир ювган оппоқ

юзидан ва очiq қолган ўнг кўзидан даҳшат қотиб қолган мурдага тушди. Мурданинг тўзғиган қалин қоп-қора сочлари ва узун, чиройли нозик бармоқлари унинг жуда ёш — нари борса 25-26 ёшлардаги аёл эканлигидан далолат беради. Пўлатов ёмғирда ивиб, лойга қоришиб ётган бу аёлга қараб, ичида прокуратура терговчисининг фикрини яна бир бор маъқуллади. Машина устига ўрнатилган прожектор ёруғида икки милиция ходими шоссе билан бекат ораллиғини ўлчар, таниш инспектор криминалист ерга ётгудек бўлиб машина изини текширар, новча сураткаш чигирткадай дам у ёққа, дам бу ёққа сакраганича, тинмай фотоаппаратини чиққиллатарди. Мурда қошида чўккалаган врач Пўлатовга қарамай мурожаат қилди:

Касалхонага шошилишнинг ҳожати йўқ. Жони узилганига 10—15 дақиқа бўлган.

Сўнг у кўлига тасодифан тушиб қолган-у, лекин унча кизиғи бўлмаган буюмни кўздан кечириётгандек, мурданинг жароҳатини текшира бошлади. Пўлатов қаердан-дир пайдо бўлган синиқ кутига ўтирди. Гавдаси билан тиззасидаги қоғозни иложи борича ёмғирдан тўсганча, атрофдаги одамларни ҳам, тобора авж олаётган ёмғирни ҳам сезмаган ҳолда ёза бошлади.

Дўстлари йиғилишганда ундан жиноятчиларни қандай қилиб ушлайсан, қизиқ-қизиқ воқеаларни гапириб берсан-чи, деб сўрашади. У гапириб беради. Уқиган китобларидаги олди-қочди воқеаларга ўзидан қўшиб, кулгили қилиб гапириб беради. Негадир ана шу пайтларда ўзига ҳам иши айнан шундай енгил-елпи, фақат қаҳрамонликлардан иборатдай туюлади. Лекин ҳозиргина ўхшаш фожа манзарасини қизиқ-қизиқ қилиб гапириб беришга мажболи етмасди. Буларни у юрагининг бир четида оғир тошдек кўтариб юрарди. Баъзида дезарли ҳар кунни дуч келадиган разолатлардан чарчаб ўйга толарди. Яна йигирма йил, ўттиз йил, борингки, бир умр ёвузликка қарши курашади. Лекин унинг уруғини батамом қуритиб бўлармиди! Бирини тугатсанг, ўрнига бошқаси чиқиб туради. Барибир ундан ҳеч ким миннатдор бўлмайди, ҳайкал ҳам қўйишмайди. Хаёлидан шу фикрлар ўтар экан, юрагининг бир бурчагида нимадир ғимирлаб қўйганини, унга на шухрату на ҳайкал кераклигини, шундан бошқача яшай олмаслигини ҳис қиларди.

Икки соатлардан кейин Пўлатов бошқарма бошлиғининг кабинетига ўтирарди. Ута камгап, ўта талабчан полковник унинг ахборотини бошдан-оёқ индамай эшитди. Фақатгина у кетар чоғида: «Яхши, ишга киришинг», деди. Бу икки оғиз сўз замирида икки маъно — янги ишда муваффақият тилаш ва талабчанлик яширин эди. Опергруппа йиғилгандан сўнг Уткир Ҳусанович шароит билан қисқача таништириб, иш планини ўртага ташлади: — Жабрланувчи унинг ёнидан чиққан паспортига кўра 19... туғилган Шарипова Фотима. 198... йил 20 сентябрь эрталаб соат 5.30 да номаълум машина босиб, тўхтамай ўтиб кетган. Марҳуманинг сумкасида 3 килою 600 грамм миқдордаги номаълум модда топилди. Безуглов бу моддани судэкспертизага шахсан олиб бориб, унинг қандай моддалигини аниқлайди. Қанча тез аниқланса, шунча яхши. ГАИ билан, Славик, сен алоқа боғлайсан, чунки бу ишда тажрибанг бор. Асосий эътиборни кўпроқ жиноят содир бўлган районга қарат. Агар судэкспертиза бизнинг тахминимизни тасдиқласа, демак, иш жиддий. Бажарилган ишлар юзасидан ҳар кунни ахборот берилиши шарт.

Табиийки, марҳуманинг шахсини аниқлаш вазифаси билан бирга, қидирувнинг бутун йўналиши ва масъулияти Пўлатовнинг зиммасида эди. Лекин у яқинда

ишга келган қидирув ишида тажрибасиз сержантни рағбатлантириш, масъулиятни ҳамма билан баравар ҳис қилиши учун унинг ҳам номини қидирув назорати группасига тиркаб қўйди.

Бахтсизликми ёки қотиллик?

Инсон ҳаётида шундай онлар бўладики, ўзинг танлаган, неча йиллардан бери келаётган йўлда босган қандаминг ҳеч унмайди. Қанча ҳаракат қилма, куйиб-ёнма, олға кетолмайсан. Худди сени бир жойга михлаб қўйишгандай... Ва қанчалик аччиқ ҳақиқат бўлмасин, бир кун тан оласанки, бу йўл сеники эмас. Ўзинг сезмаган ҳолда, ўткинчи ҳавас билан тушиб қолгансан бу йўлга. Шунда кимнингдир бир оғиз сўзи билан, қачонлардир қалбингда туғилгану ҳозир мудраб ётган ҳисга бўйсуниб, кеч бўлса ҳам бошқа — ўз йўлингга ўтасан. Албатта қарама-қарши фикрларни, иккиланишларни энгиш осон эмас. Бир оз ҳадик, хавотир билан ўтасан. Утасан-у шу ондаёқ шунча йил бошқа йўлда ўтган вақтингга, самарасиз кетган меҳнатингга ачинасан. Сен фақат шу йўлдагина ўзингнинг ҳаётдаги ўрнингни англайсан ва ҳаётда мавжудлигингни бошқаларга ҳам англата оласан...

Институтда ўқиб юрган кезлари тренерлари Ўткирни истеъдодли спортчи деб санашар ва унинг истиқболлини спортда кўришарди. Шунинг учун ҳам у ўқишни битиргач, кўп ўйлаб ўтирмай, спорт билан астойдил шуғулланишга қарор қилди. Аввалига тренерларнинг умидини етарли даражада оқлашга муваффақ ҳам бўлди. Кейинчалик эса... Қанча тер тўкиб, ҳолсизликдан ерга йиқилгудек машқ қилмасин, республика миқёсидаги спорт мастерлигидан нари ўтолмади. Бу эса уни қаноатлантирмасди. Инсоннинг бир жойда қотиб қолишини у даҳшат деб биларди. Ўткирни ички ишлар бўлимига ишга таклиф қилишганда, у энг аввал тренеридан маслаҳат сўради. Бир қанча шогирдларини катта спортга йўллаган тренер ортиқча мулозаматсиз: «Ким билсин, балки шундй қилганинг маъқулдир», деди. Ушанда унинг сўзлари Ўткирга бироз оғир ботганди...

Бўлимда янги пайдо бўлган 194 рақамли иш папкаси кундан-кунга қалинлашиб борарди. Бошқарма бошлигининг топшириғига биноан бу иш ўта диққат билан махфий равишда олиб бориляпти. Марҳуманинг шахси аниқланиб, маълумотлар бирин-кетин кўпайган сари масала янада чуқурлашиб, калаванинг учи кўринай демасди. Бугун папкадан яна бир парча қоғоз — муҳим ҳужжат жой олди. Бу суд экспертизасининг хулосаси, яъни бундан икки кун аввал бўлимининг юборган саволига ёзма жавоб эди. Унда жабрланувчи Шарипова Фотиманинг сумкасидан топилган 3 килою 600 грамм модданинг наркотик модда эканлиги тасдиқланди. Яна бу наркотик модданинг сунъий йўл билан тажрибали кўл орқали тайёрланганлиги қайд этилганди. Ўткир Ҳусанович темир сандиқдан 194 рақамли папкани олиб, ҳужжатларни яна бир бор кўздан кечирди. Биринчи бетга ёпиштирилган расмдан кўзлари катта-катта кўхликкина қиз жиддий қараб турарди. «Фотима Шарипова. 1960 йилда туғилган. Маълумоти олий. Ҳеч қаерда ишламайди. 1983 йилда Камолиддин Наврўзовга турмушга чиққан. Битта фарзандлари бор — Шарипова Умида, 1984 йилда туғилган. Ҳозир бирга яшашмайди. 1986 йилда қонуний равишда ажралишган. ...Камолиддин Наврўзов. 1960 йилда туғилган. Маълумоти

ўрта. Тошкент қурилиш трестига қарашли ётоқхонада яшайди... Нима учун ажралишган, аниқлаш керак. Пўлатов ҳаёлида иш режасини туза бошлади. Шарипова кимлар билан алоқада бўлган? Унинг доирасидаги одамлар ким?... —

— Гувоҳ Шмакин келди, кираверсинми? — сўради эшикни очиб навбатчи сержант. Пўлатов олдидаги қоғозларни йиғиштириб темир сандиққа солди. Тўғрида қария узун, қоқсуяқ қўлларини тиззасига қўйганича, қаддини кериб ўтирарди.

— Уша кун мен тунги навбатчиликда эдим.

— Илтимос, бир бошдан, батафсил гапиринг, — деди Пўлатов иложли борича мулоимлик билан. — Қаерда? Қачон? Қайси вақтда?

Қария ўнғайсизланди ва қайтадан гапини давом эттирди:

— 20 сентябрь кун универмагда тунги сменада қорувулликда эдим. Соат чамаси беш яримлар эди. Магазин атрофини айланиб юргандим. Хуллас, икки аёл орқадаги уйлар томондан чиқиб келишди. Ёнгинамдан ўтиб, бекат тарафга қараб юришди. Лекин бекатга яқинлашганда, аёллар тўхтаб, ниманидир узоқ гаплашишди. Уларнинг гўнғир-гўнғир овози менга эшитилиб турса-да, нима тўғрида гаплашишаётганликларини англай олмадим. Лекин гап оҳангидан пайқашимча, улардан бири иккинчисига ниманидир қизғин уқтирар эди. Сўнг бир аёл магазин орқасига — қоронғуликка ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Иккинчи аёл эса бекатга келиб, йўл ёқалаб у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Кўп ўтмай бекатга қандайдир автобус келиб тўхтади. Лекин аёл автобусга ўтирмади. Шу орада унинг орқасидан қандайдир енгил машина шувиллаганича келиб, аёлни уриб кетса бўладики... Ноинсоф тўхтамади ҳам.

— Демак, сизнингча машина аёлни атайлаб уриб кетди? — сўради Пўлатов.

— Йўқ, мен сизга тушунтиролмадим шекилли. Атайлаб уриб кетди деганим йўқ. Менимча, ҳайдовчи маст бўлса керак, чунки олди-ортига қарамай, катта тезликда келаётган эди. Ҳатто аёлни урганидан кейин ҳам тезликни пасайтирмади. Яна ким билади. Лекин аёл йўлдан анча берида эди.

— Балки ҳайдовчи аёлнинг жабрланганини кўрмай қолгандир? Сиз нима деб ўйлайсиз?

— Нега кўрмас экан? Бекат атрофи ёруғ эди. Ўн-ўн икки қадам наридан мен ҳаммасини яққол кўриб турган бўлсам-у, у кўрмаслиги ҳеч мумкин эмас. Қолаверса, машина аёлни уриб юборганда, у жон ҳолатда қаттиқ қичқириб юборди. Ҳозиргача кўлоғим остида жаранглаб турибди. Шошганимдан машина номерига ҳам қарамай, телефон будкасига қараб югурибман.

Иккиси ҳам жим қолишди. Анчадан кейин чол, «бўлди, бор гап шу», деди.

— Тимофей Николаевич, энди малол келмаса, айтинг-чи, сиз ҳар доим ҳам мана шундай ҳар бир одамни диққат билан кузатиб юрасизми?

— Нима десам экан? Уша кун дам олиш кун эди. Бунинг устига ёмғир. Одатда бундай пайтларда, бу йўлакча камқатнов бўлади. Шунданми, ё зерикиб ўтирганданми, ишқилиб...

Пўлатов стол тортмасидан расм олиб унга узатди:

— Мана бу аёлга олдин ҳеч кўзингиз тушганми?

— Йўқ, кўрмаганман, — деди қария расмга астойдил тикилиб. — Ким бу? Уша аёлми?

Пўлатовдан тасдиқ ишорасини олгач, қария «эссиз, эссиз» дегандек бошини чайқади.

— Шундай ёш аёл-а! Уша кун соябон тутгани учунми, унинг юзини кўролмаган эдим.

— Раҳмат сизга, Тимофей Иванович, — деди Пўла-

тов, — сиз бу бахтсиз ҳодисани ўз кўзи билан кўрган ягона гувоҳсиз. Мана қоғоз, қалам. Айтган гапларингизнинг ҳаммасини батафсил ёзиб беринг.

Чол чиқиб кетгач, Ўткир Ҳусанович хаёлидан: «Нима бу — бахтсизликми ёки атайлаб уюштирилган қотилликми?» — деган хаёл ўтди. Иккинчи аёл кимнидир тоқатсизланиб кутаётганда шундай ҳолатда бўлади. Демак, у кимнидир кутган. Кимни? Пўлатовнинг хаёлида чарх ўраётган ҳамма саволларнинг ечими иккинчи аёлга бориб тақалаверди. У олдидаги қоғозга ёзилган «Бахтсизликми ёки қотиллик» деган ёзувнинг устига чизик тортди. Бир оз ўйланиб ўтиргач, хаёлида пайдо бўлган янги саволни беихтиёр қоғозга туширди: «Иккинчи аёл ким?»

Тушунтириш хати

Мен Фотима Шарипова билан 1982 йил апрель ойида танишганман. Ушанда поездда Андижондан Тошкентга қайтаётган эдим. Кузатишга чиққан биродарларим билан хайрлашиб, купега кирганимда, деразадан ташқарига қараб хаёл суриб ўтирган қизни кўрдим. Анчадан бери шу ерда шекилли; илгакда энгил қора пальто осиглиқ, устки тахтада чоғроқина йўл сумкаси турарди. Қиз мен томонга бепарво кўз қирини ташлагач, тагин ташқарига тикилди. Поезд жойидан кўзгалгандан сўнг, аввалига унча қовушмаган суҳбатимиз юришиб кетди. У менга ўзини илмий текшириш институтининг ходими деб таништирди. Гап орасида шунчаки сўраётгандек, менинг кимлигим билан қизиқди. Мен ўзимни таништирганимдан сўнг шу нарсани сезгандек бўлдим: Фотиманинг менга беписанд боқаётган нигоҳида қизиқишга ўхшаган бир нима йилт этгандек бўлди. У жуда гўзал эди. Лекин аксари гўзал қизлардан фарқли ўлароқ, жуда сермулоҳаза ва ақлли кўринарди. Менинг назаримда Фотима суҳбатга эҳтиёткорлик билан ёндашар, кўпроқ менинг ҳақимда сўраб-суриштирарди... Икки кундан кейин биз у билан келишилган жойда учрашдик. Фотима менинг кўнглимни «жиз» эттирган биринчи қиз эди. Унинг жозибаси ва ширин сўзлари мени ўзига ром қилди. Бизнинг биргаликдаги ҳаётимизнинг дастлабки кунлари ширин туш каби ўтди. Фотима менга жуда меҳрибон эди. Мен учун ҳам, ўзи учун ҳам пулни аямай совураб ва ҳеч қачон менинг моянам билан қизиқмасди. Табиийки, мен бундан хурсанд эдим, унинг ҳисобсиз харажатларига қаердан пул келаятганлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасдим. Менга фақат бир нарсаси — Фотиманинг тез-тез командировкага боравериши ёқмасди. Лекин мен норозилик билдиришга ожиз эдим. Бунинг сабаби унга бўлган муҳаббатимми ёки қўлимдаги у совға қилган машина калитими, ҳануз билолмайман. Қизимиз Умида туғилгандан кейин мен, энди Фотима оиласига ва фарзандига боғланиб қолади, деб ўйлагандим. Кўп ўтмай бу хаёлим пучга чиқди. Бора-бора Фотиманинг менга бўлган меҳр-муҳаббатидан асар ҳам қолмади. Бизнинг самимий муносабатимиз тобора дарз кета бошлади. У энди оилага ҳам, Умидага ҳам бутунлай эътиборсиз эди. Баъзида ишдан ярим кечаси қайтар, баъзида эса командировкага кетяпман деганича беш-олти кунлаб йўқ бўлиб кетарди. Кейинчалик эса у ҳатто қаерга кетаётганлигини ҳам менга айтиб ўтирмайдиган бўлди. Хотиним учун мен уйдаги жонсиз бир буюм эдим, холос. Мен эса унга ва Умидага қаттиқ меҳр қўйганлигимдан, ҳаммасига чидар, тўғрироғи, норозилигимни на сўзда, на

хатти-ҳаракатимда баён қилишга журъатим етарди. Кунларнинг бирида Фотима уйга қаторасига тўрт кун келмади. Мен уни навбатдаги командировкага кетган деб ўйлаб, унча хавотирланмаган бўлсам ҳам, Умиданинг аясини кўмсаб йиғлашадан безиб, тўғри унинг ишонасига бордим (Фотима менга унинг иш жойига боришимни қатъий тақиқлаган эди). Мақсадим Фотиманинг қачон командировкадан қайтишини билиш эди, холос. Лекин у ерда менга бундай одам уларда умуман ишламаслигини айтишди. Қутилмаган бу янгилик мен учун оғир зарба бўлди. Юрагим ғаш бўлиб қайтдим. Уша куни кечқурун Фотиманинг ўзи уйга кириб келди. Мен ундан ҳеч нарсадан хабарсиз кишидек сўрадим:

— Командировкадаминг? Айтиб кетсанг бўларди, хавотирландим.

— Тўсатдан жўнашга тўғри келиб қолди, айтишга улгурмадим, — деди у бамайлихотир.

— Сен фалон жойда ишлайсан-а? — сўрадим яна. Фотима саволимга жавоб бермай, менга савол назари билан қаради. Мен ҳам индамай, жавоб кутганимча унга тикилиб туравердим.

— Хўш, — деди у охири чидай олмай, — нимага буни сўраб қолдинг?

— Гап шундаки, у ерда сени ҳеч ким танимас экан. Кадрлар бўлимида сенинг у ерда ишламаслигингни айтишди.

Фотима мен кутгандек бу хабардан довдираб қолмади, лекин эътироз ҳам билдирмади. Орага жимлик чўкди. Мен атайлаб бир сўз демас, унинг жавобини кутардим. Ниҳоят, у тилга кирди:

— Менинг орқамдан айғоқчилик қилиб юрганминдинг?! — деди туюқиб. — Ким сенга ҳуқуқ берди мени тергашга? Сен ким эдингки, мен сенга ҳисобот берсам!

Мен ундан ҳар қандай гапни кутсам ҳам, бундай жавобни кутмаган эдим. Шу сабабдан миямга қон қуйилиб, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Аёл зотига қўл кўтариш энг паст одамнинг иши деб ҳисобласам-да, ҳозир унга бир шапалоқ туширишдан ўзимни зўрға тийиб қолдим.

— Мен сенинг эрингман, — дея олдим, холос.

— Сен-а? — Фотима менга қўлини бигиз қилганича қаҳ-қаҳ отиб асабий кулди. Сўнг нимадандир жиркангандек, ижирганиб яна саволини такрорлади: — Сен-а? Унинг таҳқирловчи кулгиси бир бўлди-ю, саволи бир бўлди. Мен қандай қилиб унинг юзига тарсаки тортиб юборганимни билмай қолдим. Мендан буни кутмаган Фотиманинг ранги оппоқ оқариб кетди. У ғазабдан дир-дир титраётган қўлларини белига тираб, менга нафрат тўла кўзларини ўқдек қадади:

— Йўқ, сен менинг эрим эмассан, — деди у заҳар томаётган сўзларини чертиб-чертиб. — Сен фақатгина шу ролни бажариб келаятган артистсан, холос. Агар сенда эрлик ҳуқуқи бўлганида эди, менинг нима иш қилишим ва қаерларда юришимни олдинроқ сўраб-суриштирган бўлардинг. Агар сенда ҳамият бўлганда эди, ниманинг ҳисобига бойваччалардек яшаётганлигинг билан қизиқардинг. Агар сен...

Мен унинг ўткир пичоқдек юрагимни аёвсиз тилимлаётган сўзларини охиригача эшитолмадим. Уят ва аламдан ўзимни қўярга жой тополмай, жонҳолатда эшикка отилдим. Мен анча пайтгача ўзимга келолмай юрдим. Ҳамон қулоғим остида жаранглаб турган ҳақоратомуз сўзларни бир пайтлар мени ёш боладай ардоқлаган, тилидан бол томган Фотима айтганига ҳеч ишона олмасдим. Кунлар ўтган сайин ўзимни кимнингдир

елкамни босиб турган бесўнақай қўлидан халос бўлгандай ҳис қила бошладим. Аини пайтда ҳаётимда ниманидир умрбод йўқотгандек эдим... Ушандан кейин биз Фотима билан қайта учрашмадик.

Тушунтириш хатини ўз қўлим билан
ёздим.

Камолиддин Наврўзов.

Фотима тирик

Пенсияга яқинлашиб қолган прокуратура терговчиси Пўлатовнинг таклифини жон деб қабул қилди. У жамоат транспортида юриб, гувоҳлардан далил йиғишдан кўра шинам кабинетида ўтириб, қоғоз титишни афзал кўрарди. Пўлатов эса, аксинча, гувоҳларнинг кўрсатмаси билангина қаноатланиб қолмай, уларнинг аҳволи руҳиясини ўрганишни ёқтирарди...

Пўлатов руҳан эзилган, ғам-аламдан қадди букилган, муштипар онани кўраман деб ўйлаган ва йўл-йўлакай ўзини бу учрашувга чоғлаб келган эди. Аксинча, дарвозани эгнига қора кўйлак кийган, бошига қора рўмол ўраган, лекин кўриниши тетик, кўзларида ёш тугул намдан асар йўқ таннознамо аёл очди. Унинг эгнидаги азадор либоси қиёфасига ҳеч ўтиришмас эди. Аёл Пўлатовни истар-истамас ичкарига таклиф қилди. Хонада қандайдир расмли журнални варақлаб ўтирган уч ёшлардаги қизалоқ аёлнинг ёнига келиб, унга суйқалди. Унинг жовдираб турган қоп-қора кўзлари Пўлатовга танишдек туюлди. Аёл олдидаги қизалоқнинг сочларини силаган кўйи, унинг сўз бошлашини кутиб, жим ўтирарди. Пўлатов тўғридан-тўғри мақсадга кўчиб қўя қолди:

— Ҳозир сизни безовта қилиш ноқулай. Лекин бошқа иложимиз йўқ. Қизингиз тўғрисидаги бир-икки саволга жавоб бера оласизми?

У атайлаб қизалоқнинг диққатини тортмаслик учун, номини атамай қизингиз деди. Аёл боши билан розилик аломатини бергач, сўради:

— Қизингиз бу ерга, сизнинг олдингизга тез-тез келиб турармиди?

Аёл қошларини чимирди. Сўнг енгил хўрсиниб:

— Ҳар куни бўлмаса ҳам, ҳафта ора хабар олиб турарди. Ишхонасидан вақт-бевақт командировкага юборишарди. Шу сабабли вақти ҳам кўп бўлавермасди-ю, лекин келган заҳоти қизини кўриб кетарди, — деди.

— Сиз унинг иш жойини ёки бирга ишлайдиган танишларидан бирортасини биласизми?

Аёл бош чайқади:

— Қайсидир илмий текшириш институтида ишлайман, дерди ўзи. Унинг ишини барибир тушунмаганим учун, кўп қизиқмаганман. Қолаверса, тирикчилик билан андармон бўлиб... Бирга ишлайдиган ҳамкасбларини қаёқдан ҳам танирдим. Ҳатто маъракасига ҳам ҳеч бири кўнгил сўраб келмади.

Аёл жим қолди. Пўлатов унга ҳозир бор ҳақиқатни — қизи ҳеч қаерда ишламаганлигини, у бекорга ўзи танимаган одамлардан гина қилаётганлигини айтиш яна бир оғир зарба бўлади, деб ўйлади. Майли, онаизор бор ҳақиқатни ҳозирча билмагани маъқул.

— Куёвингиз ҳақида фикрингиз қандай? Улар нимага ажралишган? Қизингиз билан ораларидан бирор бир жиддий келишмовчилик ўтганми?

— Куёвим айтарли ёмон одам эмасди. Мўмин-қобилгина. Лекин ёшларнинг ишига тушуниб бўладими? Ораларидан нима гап ўтган, менинг хабарим йўқ. Ажралишганларини ҳам анчадан кейин — командировкага кетганимда қарайдиган одам йўқ деб, менга қизини олиб келиб ташлаганидан кейингина билдим. Фотима

ерга тегаётганида ҳам, эрдан ажрашганда ҳам мендан маслаҳат сўрамаган.

Пўлатов аёлнинг кейинги жумласида норозилик аралаш ўқинч, қандайдир сирли дард борлигини сезди. У кетар чоғида тушунибми, тушунмайми суҳбатга жимгина кулоқ солиб ўтирган қизалоққа қандайдир илиқ сўз айтгиси, уни эркалагиси келди. Лекин нима десин? Беғемот дунёдаги энг кучли, энг беозор ҳайвон десинми? Бунинг ҳозир қизалоққа ҳеч бир қизиғи йўқ. Қизалоқнинг юрагидаги соғинч, болаларга хос бўлмаган нимаданандир хавотирланиш ҳисси унинг юз-кўзларида ҳам аксланиб турарди. Қизалоқ уларга эргашиб эшикка йўналган эди ҳамки, бувисининг қаҳрли нигоҳи унинг шаштини қайтарди. Пўлатов ҳовлига чиқишганларида аёлнинг нимадир демоқчилигини, лекин айтишга иккиланаётганлигини сезди. «Яхшиси, ўзи бошлагани маъқул, — хаёлидан ўтказди у, — агар сўраса, аксинча, дилидаги гапи тилига чиқмаслиги мумкин. Пўлатов атайлаб гапни у ёққа, бу ёққа буриб, кетишни пайсалга сола бошлади, лекин аёл ҳам кўнглини ёра қолай демасди. «Ҳозир айтишга журъат қилолмаса, кейин ҳеч қачон айтмайди».

— Менга бир нима демоқчимисиз? — сўради Пўлатов.

— Йўқ, йўқ, шунчаки, — аёлнинг негадир тили тутилди. У Пўлатовнинг ўзига синовчан тикилиб турган нигоҳидан кўзини олиб қочиб, ерга тикилди. У нимаданандир қаттиқ ҳаяжонга тушган эди. Салдан кейин ҳаяжонини босиб олди-да, паст, лекин қатъий оҳангда деди:

— Менинг қизим Фотима ўлмаган. У тирик. Юрагим сезиб турибди. У қаердадир юрибди...

Пўлатов аёлдан ҳамма гапни кутса ҳам бундай дейишини кутмаган эди. Унга бу гап ёзнинг тиниқ осмонида чақнаган чақин билан баробар эди. Лекин кўп ўтмай унинг юзидаги ҳайрат ачинаш аломати билан алмашди. Ундаги ўзгаришни пайқаган аёл, дона-дона қилиб яна қайтарди:

— Фотима тирик. Ўлган у эмас, бошқа.

— Албатта, мен сизни тушуниб турибман. Кулфат... Лекин нимага асосланиб, Фотима ўлган эмас, деярсиз? Ахир ўзингиз уни касалхонадан олиб келдингиз. Ўзингиз уни...

— Ҳа, уни ўзим кўрдим, — аёл у айтолмаган гапни давом эттирди, — касалхонада кўрганимда мен уни Фотима деб ўйлагандим. Чунки у пайтда ғамдан эс-ҳушимни йўқотиб қўйгандим. Бундан ташқари, улар шу қадар ўхшашки, ҳатто мен ҳам уларни дарров ажрата олмадим. Унинг Фотима эмаслигини кейин — мурдани чўмилтираётгандагина билиб қолдим. Лекин унда кеч бўлган эди. Ахир биз бир бечоранинг жасадини қайтадан кўчага чиқариб ташлай олмадик-ку! Қолаверса, уни одамлардек ювиб-тараб, жанозаси билан кўмиб, савоб иш қилдик.

Пўлатов қаршисида бир сўзли, зукко ва қатъиятли аёл турганлигини билди. Ва шундагина у ичида, аёлнинг сўзлари ҳақ бўлиши мумкинлигини ва бу ҳақиқатни тўла аниқлаб олмай орган ходимлари шошмашошарлик қилганини тан олди. Шундай бўлса ҳам кўнглида илиниб турган шубҳани узил-кесил бир ёқлик қилиш учун сўради:

— Фақатгина сиз шундай деб ўйлаясизми ёки Фотиманинг бошқа қариндошлари ҳамми?

— Фотиманинг мендан бошқа яқин одами ҳам, қариндоши ҳам йўқ.

— Айтган гапингизни бирор-бир далил билан олмасизми?

— Далилми? — деди аёл, — Фотиманинг чап курагида бармоқдек туғма холи бор. Бошқалар нима деб ўйла-

са ўйлайверсин. Мен аниқ биламан, Фотима тирик, ўлган у эмас. Ушанда — касалхонадаёқ, жасаднинг қўлларини кўриб, кўнглимда шубҳа йилт этгандек бўлган эди-я. Менинг қизимнинг қўллари умрида супурги ушламаган оқ билакларникидақа нозик эмас. Лекин у пайтда кутилмаган фалокатдан ақлимни йўқотиб, довдираб қолган эдим... Мана энди аниқ биламан, ўлган менинг Фотимам эмас. У тирик. Лекин қани у? Менинг қизим қаерда? — Аёл уввос тортиб йиғлай бошлади. Ҳалидан бери айвонда буларга қараб турган қизча югуриб келиб, бувисининг тиззасини қучганича унинг йиғисига қўшилди. Аёл бир қўли билан қизалоқнинг бошидан силаганича, йиғи аралаш деди: — Қани у? Нима бўлди унга? Уни қидириб топинглар, топинг уни... Бўлмаса у ҳам бирор фалокатга учраши аниқ. Унда мен бу тирик етимчани қандай қилиб боқаман? Ёлғиз бошим билан битта етимчани ардоқлаб нима каромат кўрдим-ки... — Аёл охириги жумлани айтишга айтиб, нимадандир чўчигандек бирданига жим қолди. Шоша-пиша кўз ёшларини артиб, Пўлатовга қаради. Аёлдаги ўзгаришни сезса-да, Пўлатов унча аҳамият бермади. Уни ҳозиргина эшитган янгилик қизиқтирарди. Аёлни тинчлантириб, кўчага чиққанда ҳам унинг хаёлидан «Фотима тирик, ўлган у эмас» деган гап кетмасди. 194 ш шаҳифаси кўпайган сари калаванинг учи кўриная демас, аксинча, чигаллашиб борарди.

Музикачи қиз қидирилмоқда

Эшик очилиб, Безугловнинг дароз гавдаси кўринди. У ҳорғин, аммо мовий кўзлари мамнун кулиб турарди. У қаршидаги стулга оғир чўқди-да, кулимсираганича индамай ўтираверди. Пўлатов унинг қувноқ кайфиятидан сездики, бирорта «янгилик»ни қўлга киритган.

— Қани, гапир, — деди сабри чидамай Пўлатов, — икки кундан бери қорангни кўрсатмайсан. Айбингни нима билан ювмоқчисан?

Володя папкасидан фотосурат олиб, унга узатди. — Фотима Шарипова-ку, — деди Пўлатов ҳеч нарсага тушунмай, дам суратга, дам унга қараганича.

— Қизиғи шундаки, у эмас, — деди Володя жиддий. — Бу аёл махсус музика мактабининг ўқитувчиси Ноила Сафоева. Кеча унинг яқинларидан милицияга ариза тушган. 19 сентябрь куни эрталаб ишга кетганича, уйига қайтиб келмабди. 19 сентябрь куни! — таъкидлади у яна тантанавор. Иккаласи бир-бирига маънодор тикилиб қолишди. Ҳар иккисининг ҳам кўнглидан бир гап кечди. Пўлатовнинг қўлидаги суратдаги қиз Фотима Шарипованинг айнан ўзи, агар Безугловнинг ахбороти бўлмаса, Пўлатов уни Фотима Шарипова деб ўйлаши тайин эди. — Музика ўқитувчиси дегин, — деди у ва куни кечагина медресадэкспертзанинг врачни билан бўлиб ўтган суҳбатни эслади... Пўлатов Фотима Шарипованинг онасининг ҳузуридан чиқиб, тўғри касалхонага борди. Қовоқларини кўм-кўк кўзларига мос рангда бўяган семиз аёл гавдасига ярашмаган чақонлик билан ўрнидан туриб, уни хушнуд кутиб олди.

— Уртоқ майор, — деди у чиройли жилмайиб кўришаркан, — бизга яна қандай иш олиб келдингиз?

— Иш нимаси, Галина Борисовна, шунчаки эски ҳамкасбларни бир кўриб ўтай дедим.

— Сизга ёлғон ярашмас экан, — деди бош врач, — қани гапиринг, қулоғим сизда. — Пўлатов ҳам шу гапни кутиб тургандай дарҳол муддаога кўчди:

— 20 сентябрь куни фожиага учраган аёл эсингиздами?

— Албатта эсимда. Бўлмасам-чи, ўша куни отпускамдан кейинги биринчи иш куним эди. Демак, музикачи қизингизнинг қотили ҳали ҳам топилмабди-да?

— Музика-чи? — ҳайрон бўлди Пўлатов, — Фотима Шариповами? Йўқ, Галина Борисовна, афсуски унинг касби бошқа, музикачи эмас.

— Мен бўлсам уни музикачи бўлса керак, деб ўйлагандим. Унинг чиройли, узун-узун бармоқлари ҳануз кўз олдимда, — деди бош врач хўрсиниб ва беихтиёр ўз бармоқларига кўз ташлади, — мен бундай чиройли қўллар фақат музикачиларда бўлади деб ўйлардим.

Пўлатов аёлларнинг ташқи кўринишига эътибор қилмасди. У учратган, у билган аёллар, у учун гувоҳ, жабрдийда, жиноятчи ва милиция ходимлари эдилар, холос. Ҳозир у қаршисида ўтирган аёлнинг синчковлигига астойдил ҳаваси келди ва ўзидаги бу камчилигини тузатса, унинг касбида нақадар асқотишини ҳис қилди.

— Сизнинг гапингизни эшитиб, ишим ўнгидан келадиган бўлди, деб севиняпман. Чунки мени қизиқтираётган масала сизнинг хотираңгизга ҳам боғлиқ. Сиздан илтимос, яхшилаб эслаб кўринг, Шариповани медицина кўригидан ўтказишгаётганда, унинг баданида бирорта туғма белги йўқмиди? Масалан, хол?

— Нимасини эслаб кўраман, — деди врач кўзларини катта-катта очиб, — унинг баданида ҳеч қандай белги йўқ эди, албатта. Агар бор бўлганда экспертиза кўригига ёзилган бўлмасмиди? Мен сизга айтсам, ҳатто унинг бўйнидан пастки аъзоларининг бирор жойи тирналмаганидан ҳайратлангандим...

— Музика ўқитувчиси йўқолган дегин, — яна такрорлади Пўлатов бармоқлари билан столни чертиб. — Яхши, унда биз Фотима Шариповани қидирамиз. Ноила Сафоева орқали, тушундингми? — Сўнг бирдан кўтаринки руҳда деди, — Қани, Володя, иккинчи топшириқ нима бўлди?

— Бир бошдан гапирайми ёки энг муҳиминими?

— Бир бошдан, энг муҳимини.

— 20 сентябрь куни эрталаб соат 6.20 да Куйбишев шоссесига ГАИ ходими томонидан йўл қондасини бузганлиги учун қизил рангдаги энгил машина тўхтатилган. Инспектор кўнгилчанлик қилиб, унинг ҳужжатларини ҳам текширмай, оғзаки огоҳлантириш билан чекланган. Ҳатто машинанинг номерига ҳам қарамабди, каллава-рам. Охириги номери 21 эди дейди, холос. Энди энг муҳимини эшитинг, — деди Безуглов жиддий, — қизил рангли 12—21 номерли «Жигули» худди ўша вақт атрофида, аниқроғи 6.30да яна бошқа инспектор томонидан катта тезлиги учун тўхтатилган. Инспекторнинг диққатини ҳайдовчининг хушёр бўла туриб, нотабий хатти-ҳаракатлар қилиши тортган. Ҳайдовчи эса жарима тўлаб, ўзининг паршонлигига уйидаги арзимас кўнглисизликни рўқач қилган.

— Машина эгасининг исм-шарифини аниқладингми?

— Бўлмасам-чи. Машина Соҳиб Жумаевга қарашли экан, буни инспекторнинг жарима талонидан аниқладим.

— Кечиктирмай унинг машинасининг изидан нусха олиш керак.

— Мен ҳам шундай қилмоқчи эдим, ўша заҳотиёқ. Лекин... у машина Соҳиб Жумаевга қарашли эмас экан.

— Қанақасига уники эмас? Илтимос, тушунтириброқ гапир.

— Соҳиб Жумаевнинг ҳеч қандай машинаси йўқ ва бўлмаган ҳам. Мана масала қаерда.

— Бу жуда соз, — деди Пўлатов, — демак қотил

анчайин маст безори эмас. У бу ишга пухта ўйлаб киришган. Унинг сохта ҳужжатлари шундан далолат бериб турибди. Лекин биз учун қизил рангдаги 12—21 номерли машинани топиш қийин иш эмас. Энди сен бошқа нарсаани аниқла: Соҳиб Жумаев паспортини йўқотган бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, қачон ва қаерда? Тамом.

...Улар иккинчи қаватга кўтарилиб, эшиги муҳрланган квартира ёнида тўхташди. Участка инспектори ёнидан калит олиб эшикни очди. Ичкарига киришгач, ўпкаси тўлиб турган аёл кўз ёшларини тия олмади. Пўлатов келаётгандаёқ шу нарсадан хавотирланиб турган эди. У йиғлаётган аёлнинг кўнглини обдан бўшатиб олишини кутди. Анчадан кейин, аёл тинчлангач, ундан сўради:

— Қизингизнинг ҳамма буюмларини танийсизми? Аёлдан жавоб бўлмади.

— Шошилмасдан уйни бир бошдан қараб чиқинг. Фотиманинг ҳамма кийимлари жойидами? Балки буюмларининг ичидан бирортаси олингандир?

Аёл кийим-кечаклар бетартиб сочилган хона ўртасида гангигандек сўппайиб турарди. Пўлатовнинг ишораси билан уни уйда ёлғиз қолдиришиб, ташқарига чиқишди.

— Сержант, ҳеч қандай янгилик йўқми? — сўради у участка инспекторидан. Унинг нимани назарда тутаятганлигини англаган сержант:

— Айтарли муҳим гап йўқ. Лекин...— деди чайнаиб,— эътиборга арзийдими йўқми?..

— Нима гап, айтаверинг,— бетоқатланди Пўлатов унинг иккиларинишдан ранжиб.— Бизнинг ишда эътиборсиз қолдириладиган ҳеч нарса бўлмаслиги керак.

— Утган кунни тунги соат 2.00 атрофида қандайдир аёл шу квартиранинг эшигига келиб, яна орқасига қайтиб кетганмиш. Унинг қадам товушларини эшитиб, кўшни квартирада шовчи Неъматуллин эшигини очиб қараса... гўё Фотима Шариповани кўрибди. Чолнинг таъкидлашича, Фотима уйига кирмоқчи экан-у, лекин уни кўриб кўрққанидан қочиб кетганмиш. Мен Неъматуллиндан, сиз уйда кўп вақт бўласиз, Шарипованинг уйига биров келса ёки уни сўраса, тезда менга хабар қилинг, деб илтимос қилгандим. Шунинг учун у менга ўша заҳотиёқ телефон қилиб, хабар берди. Мен унга, «сизга шундай кўринган бўлса керак», дедим. Лекин чол «ўша аёл Фотима эди», деб ўз сўзидан қолмаяпти.

— Нега сиз менга бу ҳақда ўша заҳотиёқ хабар бермадингиз?

— Мен чол қариб, сал мияси айниб қолган деб ўйлаб, аҳамиятсиз гап билан сизни безовта қилишни лозим кўрмадим.

Пўлатов ортиқча гап энди бефойдалигини билиб, унга бошқа ҳеч сўз демади. Бу ишга алоқаси йўқ пенсионер чол бу воқеани назардан қочирмай, милиция ходимига хабар берса-ю, у эса аҳамиятсиз деб қўл силтаса. У милиция ва медицина соҳасига тасодифан тушиб қолганларга тоқат қилолмасди...

Улар ичкарига киришганда, хонада бетартиб сочилган буюмлар йиғиштирилган, хона ўртасидаги стол устида аёлларнинг устки ёмғирпўши ва кичкинагина сумкаси ётарди. Кўринишидан кимдир уларни атайлаб қолдиргандек эди. Пўлатов аёлга савол назари билан қаради. Стол ёнида қўлларини иягига тираб ўтирган аёл синиқ товуш билан деди:

— Сафарга чиққанида оладиган кичикроқ чамадони бўларди, ўша йўқ. Кейин бир икки қимматбаҳо кўйлақлари ва тақинчоқлари ҳам йўқ.

— Фотиманинг жамғарма пуллари бормиди? Сиз билармидингиз қаерда сақлашини?

— Мен унинг пули билан ҳеч вақт қизиқмаганман.

Мана бу кийимлар уники эмас, лекин кимникилигини ҳам билмайман.— Аёл стол устидаги буюмларни оҳиста улар томон суриб қўйди. Мирвалиев столга яқин келиб, ёмғирпўшини қўлига олди. Унинг чўнтагидан тутилган рўмолча, автобус билетларини олиб стол устига қўйди. Кейин қора сумкасини очиб, унинг ичигада бор нарсаи стол устига ағдарди: аллақандай дафтарлар, музика нотаси, атир-упа ва паспорт. Мирвалиев паспортни очиб ўқиб кўргач, уни Пўлатовга узатди. Паспорт Ноила Сафоева номига берилганди.

— Ноила Сафоева деган қизни танийсизми? — сўради Пўлатов аёлдан.


— Ноила? — қайтарди аёл, сўнг бошини чайқади,— Йўқ. Фотиманинг бундай дугонаси борлигини ҳеч эшитмаганман. Йўқ, йўқ, унинг бундай дугонаси йўқ эди.

— Ҳеч қаерда эшитмаганмисиз бу исми?

Аёл қатъий рад жавобини бергач, бошқа саволга ҳожат қолмади. Улар уйдан фақатгина ёмғирпўш ва қора сумкани олиб, эшикни қайта муҳрлашди.

Меҳмондорчиликда

Светофор чироқлари каби гоҳ у рангда, гоҳ бу рангда ўчиб ёнаётган нурлар ғира-шира ёритган кенг хонанинг ҳавоси нафис атир, ўткир ичимликлар ва чет эл музикасининг оҳангига мос тебранётган сармаст гавдалардан таралаётган тер ҳидига қоришиб кетган. Завқ-шавқдан юзлари қизариб рақс тушаётганлар, бир чеккада тўп бўлишиб, дақиқа сайин гуррос кулги кўтараётган тўда ҳозир буни сезадиган ҳолатда эмас. Уз таъбири билан айтганда «йилда бир марта кўрадиган» дўстлари даврасида кўзлари хушнуд чақнаган Зухра ёшгина йигитнинг аскиясига ҳаммадан ҳам баланд жарангдор товуш билан қотиб-қотиб куларди. Унинг баҳри-дилини очадиган бундай меҳмондорчиликларни Пўлатов унча хушламас, шу сабабли уларнинг ўртасида баъзан «жиддий тўқнашувлар» бўлиб турарди. Кунни кеча, у ишдан келган заҳоти унга эртага қадрдон дугонаси фан кандидати унвонини нишонлашини, бориш албатта шартлигини айтди. Ва бу галги «тўқнашув» Зухранинг фойдасига ҳал бўлди. Уларни гул-гул очилган фан кандидати ва унинг эри — икки юзи қип-қизил, қисиқ кўзлари ўйнаб турадиган, аллақайси универмагнинг директори тилла тишларини яттиллаб кулганча қучоқ очиб кутиб олди. Бахтиёр эр-хотин Пўлатов билан танишганларидан хурсандлигини қайта-қайта таъкидлашганича, уларни ичкарига бошлашди. Шу пайт Уткир Ҳусанович тоқат қилолмайдиган ва хавотирланиб турган воқеа рўй берди. Бақалоқ директор меҳмонларга унинг исм-шарифига унвонини ҳам қўшиб, тантана билан таништирди. Эрининг феълени билгани учун Зухра унга қараб гуноҳкорона кулимсиради. Меҳмондорчилик давомида мезбон унга гирдикапалак бўлиб, мулозаматни ҳадидан ошириб юборди. Қуюқ мулозаматнинг тагида қандайдир таъма яширинганлигини пайқабган Уткир Ҳусанович тезроқ бу ердан кетиш тараддудига тушиб қолди. Лекин Зухранинг кайфиятини бузгиси келмай, секин ўрнидан туриб, қўшни хонага ўтди. Бу ерда уч-тўрт киши давра қуриб ўтиришарди. Ёш бўлишга қарамай, сочларига оқ оралаган олифта йигит ниманидир берилиб ҳикоя қиларди. Уткир Ҳусанович киргач, йигит негадир гапидан тўхтаб жим қолди. Диванда ўтирганлар сурилиб унга жой беришди. Бироз ўнғайсиз жимликдан сўнг, суҳбатдошларининг кутқуси билан йигит яна ҳикоясини келган жойидан давом эттирди: «...Унинг кўзлари қонга тўлган, баҳайбат гавдасида аранг илиниб турган кўйлаги тилка-пора. Ҳар замонда қўлидаги катта



Расмни Н. Акрмов ишлаган.

пичоқ билан ҳавони сермаганича, ёввойи товушда бўқириб қўяди, денг. Кўчада қимир этган жон қолмади. Ҳатто ит ва мушуклар ҳам қўрққанларидан ин-инларига кириб кетган. Шунда шу маҳаллада яшайдиган бир қария уйдан чиқиб, ҳалиги телбанинг олдига оёқлари боғланган хўросни ташлади-да, дарров орқасига қайтди. У бўлса хўросни кўрган заҳоти унга оч бўридай ташланиб, пичоқ билан калласини бир сермашда танасидан узиб ташлади. Қоп-қора қон бирпасда унинг яланғоч қорнини, қўлларини бўяб ташлади. Ишонасизми, ўша заҳоти унинг телбалиги тарқаб, ерга ҳолсиз ўтириб қолди. Бир оз ўтиргач, қўлидаги қон юқи пичоғини отиб юборди. Сўнг гўё ҳеч нарса бўлмагандек ўрнидан туриб уйига қараб кетди. Йигит ўз ҳикоясидан ўзи мамнун, кулимсираганича ҳаммага бир-бир қараб олгач, «ана сизга психология», деди бошини лиқиллатиб. Унинг ҳикоясидан кўра кейинги сўзига қизиққан Пўлатов унинг нима демоқчилигини тушунмай, йигитга қаради. Сухбатдоши Пўлатовга изоҳ берди:

— Ўша телба киши қассоб бўлган. Юраги касаллиги учун уч-тўрт йилдан буён ишни йиғиштириб қўйган экан. Юрак бақувват бўлмаса қассобчилик қилиш қийин-да, ака. Айтишларига қараганда, баъзи бир қассоблар ҳунари билан шуғулланмай қўйишганда, касбларини қўмсаб, эс-ҳушларидан айрилиб қолишар эмиш. Ана шундай пайтда то бирор жониворни сўйиб, қон кўрмагунча тузалишмас экан.

— Буни касб касаллиги дейишади,— деди зиёлинамо киши, ҳар қандай касалликни даволашда халқ табобатига суяниш керак, унда ҳикмат кўп. Сиз айтган ҳалиги усул ҳам халқ табобатининг бир кўринишидир. Сиз милицияда ишлайсиз-а,— сўради у Пўлатовга ўгирилиб. Сўнг унинг жавобини ҳам кутмай деди: — Фалон йили «Қора гуруҳ» номи билан гиёвандлар тўдаси ҳақида фельетон босилиб чиққан эди. Шундан бери матбуотда бу темада бошқа хабар ўқимадим. Агар сир бўлмаса, айтинг-чи, бундай тўдалар ҳозир ҳам борми? Уларга қарши қандай иш олиб бориляпти?

Бошқалар ҳам Пўлатовга қарашди. Пўлатов бундай саволни кутмаган бўлса-да, у учун бунга жавоб бериш қийин иш эмасди. У «Қора гуруҳ» тўдаси ҳақида эшитган, у ишга келган биринчи йили бу тўданинг тугатилганини билса-да, бу иш билан шу пайтгача жиддий танишиб чиқмаганидан ажабланди. Пўлатов энди жавоб беришга шайланган эди ҳамки, хонага тўсатдан бақалоқ мезбон кириб, суҳбатнинг белига тепди. У сертакаллуфлик билан қолган меҳмонлардан узр сўраб, Пўлатовнинг қўлтиғидан олганича четга бошлади. Унинг бир нима демоқчилигини сезган Пўлатовнинг хаёлидан: «Қуюқ мулозаматнинг остида маддалаб ётган таъманинг бунчалик шошилич юзага чиқишига қараганда, мезбоннинг масаласи жиддий кўринади», деган фикр ўтди. Лекин магазин директори гапни жуда узоқдан бшлади. У «бор бўлса кўролмайдиган, йўқ бўлса беролмайдиган» ичи қоралардан нолиб, асл мақсадга ҳеч кўча қолмасди.

— Мендан нима истайсиз,— деди тоқати тоқ бўлган Пўлатов,— тортинмасдан айтаверинг.

Мезбоннинг узундан узун баёнидан шу нарса маълум бўлдики, унинг қўл остидаги универмагда тафтиш кетяпти. Тафтиш комиссияси ҳар йилгидек «гапга кўнади-ганлар»дан эмас. Мезбон Пўлатовнинг хизмат жойи тафтишчиларниқидан бошқа қаватда, лекин биноси бир эканлигини яхши билади. Шу сабабли, ундан илтимоси шуки, Пўлатов уни тафтиш комиссиясининг ходимлари билан таништириб қўйса, бос. Бор гап шу.

— Ойлик маошингиз қанча,— сўради Пўлатов ва мезбоннинг ҳайратомуз башарасига парво қилмай, давом

этди: — Бу маош билан машина ва дача олиш учун неча йил ишлаш керак? Балоғатга етмаган ўғил номига қурилган участка учун-чи? ОБХСС ходимлари билан «тил топишгунга» қадар шуларнинг харажатини ҳисоблаб туринг. Хайр, саломат бўлинг...

Уйга етгунча Зўҳранинг чеҳраси очилмади. Меҳмоннавоз мезбон билан бўлаётган суҳбатнинг ярмисидан у пайдо бўлиб қолган ва суҳбатнинг нима ҳақида кетаётганлигини дарров англаган эди. Ҳозир у Пўлатовга ҳам таъна қилмас, дугонасининг эрини ҳам айбламас, яққас озиб-ёзиб бир марта меҳмондорчиликка борганлиги учун ўзидан ёзғириб қўярдн. Пўлатовнинг хаёли эса тамоман бошқа нарса — ҳалигина эшитган «Қора гуруҳ» тўдаси билан банд, у меҳмондорчиликни ҳам, мезбонни ҳам бутунлай унутган эди. «Эртагаёқ «Қора гуруҳ»нинг иши билан танишиб чиқиш керак» деган қарорга келди у. Балки ҳамкасбларининг тажрибаси унинг қўлидаги тобора чувалашиб кетаётган ишда асқотиб қолар.

Қирол ўлди. Яшасин қирол!

«...Ажойиб кунларнинг бирида Тошкент рэкетчиларининг босси, ўзини Ўзбекистон пойтахтининг ҳурматли кишиларидан бири деб ҳисобловчи Ҳарик Каграманян, кечки овқат учун севимли ресторани томон йўл олди. Уни ресторан директоридан тортиб бузуқ аёлларгача танирдн. У автомобиль эшигини очиб, ташқарига чиқиши билан шахсий соқчилари ўраб олди. Аммо барибир у ўша куни ўзи севган ресторанда овқатлана олмади. Ёнидан ўтиб кетаётган машина ойнасидан чиқиб турган милтиқ Ҳарик ҳаётига сўнги нуқта қўйди. Аммо ўша кеч қаердадир мафиянинг янги босси ўз ғалабасини нишонлади, қирол ўлди, яшасин қирол!».

«Огонёк» журналининг 1988 йил 19-сонидан.

Уларни сочлари оппоқ, қарилиқданми ёки заифликданми оёқларини зўрға судраб босаётган кампир букчайганича ичкарига бошлади. Унинг қотиб қолган бир бурда юзидан на савол, на ажабланиш аломати бор эди. Гўё бу дунёнинг ишидан қўлини ювиб, қўлтиғига ургандай. Ич-ичига ботиб кетган кўм-кўк сўнги кўзлари кишига маъносиз боқади. Қоқсуяк гавдасидаги ранги униқиб кетган кўйлагининг этагини ҳилпиратганича бир сўз демай йўл бошлаб кетаётган бу кампир ҳозиргина ўзи чиққан тобутига яна қайта кириш учун кетаётган тирик мурдага ўхшарди. Улар зах ҳиди анқиб турган қоронғи даҳлиздан ўтиб ичкари уйга киришди. Хона деворларига ёпиштирилган гулқоғоз ифлос, сарғайиб кетган, унда бунда йиртиқ бўлаклари осилиб ётарди. Бир кўзига фанер қоқилган кичкина деразага парда тутилмагани учун хона анча ёруғ. Уйнинг бор-йўқ бисоти иккита эски стул ва столдан иборат. Стол устида қотган нон бурдалари аралаш ампуланинг синиқ парчалари, шприц ва яна аллақандай асбоблар уюлган. Хона бурчагидаги синиқ курсига қўйилган яп-янги япон магнитофони хона ва жиҳозларга ҳеч мос тушмасди. Бу хонанинг соҳиби — сариқ сочлари ҳурпайган 16—17 ёшлардаги ўспирин йиғма каравотда тошдай қотиб ухларди. Унинг уйқусини на бегона кишиларнинг қадами, на ярим бузуқ эшикнинг ёғирлаши бузолди. Пўлатов энгашиб ерда ётган кийимлари орасидан қора рангли курткани олди. Куртканинг чап енгида билинар-билинимас қон доғлари қотиб қолганди. Ёш болалардай беозор уйқудаги ўспиринни уйғотиш қийин бўлмади... У бир нимадан ҳуржкандек сапчиб кетди. Қаршидаги нотаниш одамларга кўзи тушган заҳоти бўшашиб қайта ўзини ўринга ташлади.

— Қани бўл, кийин,— деди Мирвалиев,— шунча ухлаганинг етар!

Усмир бошини кўтариб, қаддини ростлади. Ерда ётган кийимларини олди-ю, лекин кийиш ўрнига қайта ерга отди. Сўнг қўлларини мушт қилганича, бир бурчакда индамай ўтирган кампирга қараб қичқирди:

— Нега мени уйғотмадинг? Ҳеч кимга эшикни очма демаганмидим сенга? Эҳ сен, қари алвасти...— Усмир қўлга тушишининг асосий сабабчиси онасидай, қўйиб берса уни ўлгудай дўппослаб, хумордан чиққудек эди. Кампир эса унинг аламли қичқириғига ҳам, ўзига ўқдек қадалган кўзларга ҳам парво қилмади. Фақат улар уйдан чиқиб кетишаётганларидагина илк бор тилга кирди. У ўғлини вайрона кулбасида сўнгги бор кўраётганлигини сезгандек:

— Виталий,— дея секингина шивирлади. Унинг мана шу бир оғиз сўзида гина, эркалаш, видолашув, ғам ва фарёд оҳанги мужассам эди. Асов тойдай пишқириб турган Виталий ҳам бирданига сеҳрлангандек юввош тортиб, бошини қуйи солди.

— Хўш, кейин-чи? — сўради Пўлатов тўхтаёзган суҳбатни улаб,— кейин машина эгасини нима қилдиларинг?

— Кейин унинг оғзига латта тиқиб, қўл-оёғини боғлашди. Аввалига уни тирикчиликка каналга ташламоқчи бўлишган эди. Лекин лўли, «бўлмайди, тонг яқинлашиб қолди. Уни қўтқариб қолишлари мумкин», деб ёнидан пичоғини олди...

— Кейин?

— Машина эгаси қўл-оёғи боғлиқ бўлса ҳам жон-жаҳди билан қаршилик қиларди. Шунда Карим унинг бошини оёғи билан босиб турди. Лўли эса унинг кўкрагига уч-тўрт марта пичоқ санчди. «Жони итанидан ҳам қаттиқ экан, юраги ҳали ҳам уриб турибди-я», деди у кулиб ва пичоғини Каримга узатди: «Қани сен мўлжалга уроласанми?» Карим ундан пичоқни олиб, машина эгасининг чап кўкрагига санчди-да, «тамом» деди негадир ҳансираб. Биз ҳаммамиз унинг устидан кулишдик.

— Лўлининг асл исм-шарифи нима?

— Мен қаердан билай. Улар бир бировини исми билан эмас, лақаби билан аташади. Бу одат тусига кириб қолгани учун, ҳеч қизиқмаганман. Менимча, уларнинг ўзлари ҳам бир-бирларининг ҳақиқий исмларини биллешмайди.

— Улар деганинг ким? Шерикларингми?

— ...

— Машина қисмларини кимга сотдиларинг?

— Бозорда савдо қилаётган одам харидорнинг кимлигини сўрармиди? — деди Виталий Пўлатовнинг соддалигидан кулиб.— Ундан кейин, қисмларни мен эмас, Мўйлов билан Лўлининг ўзлари тинчитади. Бу уларнинг вазифаси. Уларнинг ўз клиентлари бор, барча молларни кўтарасига олишади. Кейин эса икки баравар қимматига тунги бозорда пуллашади.

«Тунги бозор» дейсанми? Қаерда бўлади у? Сен у ерда бўлганмисан?

— Бўлмасам-чи. Ҳар ойнинг биринчи душанбасида бўлади. Лекин бегоналар у ерга етиб боришолмайди...

— Гапингга қараганда сенларнинг бошлиқларинг лўли, шундайми?

— Йўқ, у эмас. Унинг тепасида ҳам бошлиқ бор. Лекин мен уни танимайман. Мен фақат лўлининг топшириғини бажараман.

— Лўлини қаердан танийсан? Сени у билан кимдир таништирганми?

— Э, бунинг тарихи узун. Биз Каримнинг танишини кига видеофильм кўришга борардик. Уша ерда лўли билан танишиб қолдик. У бизни наша билан сийлади. Бора-бора биз у ерга фильм кўриш учун эмас, кайф қилиш

учун борадиган бўлдик. Лекин лўли энди бизга нашани текинга эмас, пулга сотадиган бўлди. Кейинчалик бошқа наркотик дорилардан ҳам татиб кўришга тўғри келди. Уларнинг кайфи нашаникига қараганда ўткир, Декин пули ҳам қиммат. Шу сабабли мен ҳам, Карим ҳам лўлидан анча пул қарздор бўлиб қолдик. Қарзимиз эвазига унинг баъзи бир топшириқларини бажаришдан ўзга иложимиз йўқ эди...

— Карим ҳам лақаби ёки асл исмими?

Виталий даҳшат тўла кўзларини Пўлатовга тикиб, жим қолди. Сўнг ярим кўрқув, ярим ҳайрат аралаш сўради:

— Нима, сиз ҳали Каримни танимайсизми? Демак, сиз ҳали уларнинг ҳеч бирини қўлга туширмаган экансиз-да. Мен бўлсам, Карим мени сотган деб, ҳаммасини гапириб ўтирибман-а. Биласизми, бунинг учун мени нима қилишади? Йўқ, билмайсиз? Билмайсиз! Мен аҳмоқ... Нима қилиб қўйдим...

— Узингни босиб ол,— деди совуққонлик билан Пўлатов,— ҳеч ким сени алдагани йўқ. Улар ҳам бугуннинг ўзидаёқ қўлга тушишади. Сенинг биринчи бўлиб қўлга олинишининг сабабини айтишим мумкин. Уша сен билан Карим алдаб, шаҳарнинг четига олиб чиққан машина эгаси — сени ўқитган ўқитувчинг. У сени таниган, лекин сен уни танимагансан. Таниганимда ҳам сенга фарқи йўқ эди. Лўли айтгандек дарҳақиқат унинг юраги бақувват экан... Энди сен яна бошқа қилган «қаҳрамонлик»ларингни ҳам эслаб кўр. Бу фақат сенинг фойданг учун керак.

Океонологларнинг аниқлашича, Атлантида океанининг тубида фақат майда жониворлар билан озиқланадиган йиртқич ўсимлик мавжуд экан. У жуда гўзал кўринишга эга бўлиб, ўзидан хушбўй ҳид таратар экан. Содда балиқчалар унинг гўзаллигига мафтун бўлиб, унга яқинлашганларида, қонхўр ўсимлик гулбарглари билан ўлжасини ўраб олиб домига тортар экан. Ўткир Ҳусанович ҳар гал кўзлари ҳиссиз, баданлари игнадан илматешик нашавандларни ва «текин бойлик» жилосидан кўзлари қамашган нафс қурбонларини кўрганда, эсига океонологларнинг кашфиёти тушади. Уларнинг баъзилари бошда оқибатини ўйлаб ўтирмай, кимларгадир кўр-кўрона эргашиб ёки қандайдир тасодиф туфайли «қонхўр гул»нинг домига тушадилар. Баъзилар эса онгли равишда қадам қўядилар... Лекин ҳар иккала тоифа ҳам кўп ҳолларда ўз хатоларини жуда кеч — жиноятлари очилгандан кейингина тан оладилар.

Сабоҳат Сафоева

Исм шарифи биринчи бор эшитгандаёқ таниш туюлса-да, балки фамилиядошдир деб унча аҳамият бермагани учун, Пўлатов кабинетида севимли санъаткори билан учрашишни хаёлига ҳам келтирмаганди. Республикаида машҳур санъаткор унинг барча саволларига сипо, айни пайтда самимий, чин дилдан жавоб берарди. Ноиланинг болалигидан, музикага қизиқишидан бошланиб, унинг танишларига ва кимлар билан яқин муносабатда бўлганлигига келиб тақалган суҳбатдан маълум бўлдики, Ноила ҳамма билан тезда тил топишиб кетадиган, қувноқ қиз. Унинг бирга ўқиган ва бирга ишлайдиган танишлари жуда кўп. Шунга қарамай, Сабоҳат Сафоева қизининг кўпчилик дугоналари, ҳатто уларнинг ота-оналаригача яхши танийди. Лекин Фотиманинг номини биринчи бор эшитиб туриши экан.

— Мен ҳозир сизга баъзи бир буюмларни кўрсатаман. Бу буюмлар Ноилага қарашли бўлган тақдирда ҳам, ҳозирча ҳеч нарсани ҳал қилмайди,— деди Пўлатов. Лекин унинг огоҳлантиришига қарамай, қизининг

плаш ва сумкасини кўргач, Сабоҳат Сафоеванинг ранги оппоқ оқариб кетди. У кўрқув ва хавотир тўла кўзларини Пўлатовга тикиб:

— Буларни қаердан олдингиз? — деди деярли шивирлаб.— Яширмай айтаверинг, унга бирор нарса бўлди-ми?

— Ҳозирча биз ҳам ҳеч нарса билмаймиз,— деди Пўлатов очикчасига,— бу буюмлар қўлимизга тасодифан тушиб қолди. Аниқроғи, Фотима Шарипованинг уйдан топилди.

Сабоҳат Сафоева ниманидир сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Унинг нима демоқчилигини англаган Пўлатов ҳозиржавоблик билан гапини давом эттирди: — Афсуски, Фотима Шарипова ҳам ҳозир қидириляпти, у ҳам сирли равишда ғойиб бўлган.— Сўнг стол тортмасидан расм олиб, аёлга узатди,— мана бу расмдаги қизга ҳеч кўзингиз тушганми?

Аёл ундан расмни олиб, узоқ тикилди. Сўнг ниманидир эслагандек, беихтиёр кўллари билан пешонасини ишқалади. Унинг юзида қандайдир сирли ўзгариш пайдо бўлди. Табиийки, бу ҳол Пўлатовнинг назаридан четда қолмади. Сабоҳат Сафоева билинар-билимас титраётган кўллари билан расмни унга қайтарар экан, «йўк, ҳеч қаерда кўрмаганман», деди.

— Сиз унинг Ноилага жуда ҳам ўхшашлигидан таажубланмаяпсизми? — сўради Пўлатов.

— Ҳа, ҳа, тўғри. Улар бир-бирига анча ўхшаш эканлар,— шоша-пиша унинг гапини маъқуллади аёл.

— Ноиланинг дараги кўп жиҳатдан Фотима Шариповага ҳам боғлиқ,— таъкидлади яна Пўлатов.— Улар таниш бўлишлари керак. Акс ҳолда, Ноиланинг буюмлари Фотима Шарипованинг квартирасидан топилмаган бўларди. Илтимос яна бир бор яхшилаб эслаб кўринг, Ноиладан ёки унинг танишлари орасида бирор кимсadan Фотима Шарипованинг номини эшитмаганмисиз?

Пўлатовнинг таъкиди аёлга таъсир қилмасдан қолмади. У сумкасидан рўмолча олиб, юзидаги терни шошмасдан артди. Сўнг бир қарорга келгандек хўрсиниб Пўлатовга тикилди: — Шарипова,— такоррлади у.— Ҳа, эшитганман бу номни. Бунга анча бўлди...

Ҳа бу анча олис хотира эди. Уша кезлари Соҳиба илк муваффақиятлар қанотида учиб юрар, гулдурос олқишлар янграган сахнадан тушгиси келмас эди. Табиийки, бундай онларда киши назарида дунё фақат қувончу бахтга тўла, ҳаёт фақат гўзалликлардан иборатдек туюлади. Фарзанд масаласи Соҳибанинг турмуш ўртоғини ва онасини қанчалик кўп ташвишлантирса, у бу масалага шунчалик бепарво қарар, бу ҳақда гап кетса, «ҳали улгураман, ёшман-ку», дерди ҳазилга олиб. Кейинчалик эса қадди-қомати бузилишидан ва бирикети кўтарилиб бораётган муваффақият зинаполярида боланинг халақит беришидан кўрқди. Шундай ажойиб, ширин кунларнинг бирида у қабулида бир неча бор бўлгани, ўз касбига уста генетикологнинг навбатдаги операцияси унга жуда қимматга тушди. Бир ўлимдан қолган Соҳибага врач энди ҳеч қачон она бўлмаглигини айтганда, унинг юраги зирқираб кетди. Шундагина у тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганини, бу хато уни умрининг охиригача таъқиб қилишини англади. Бора-бора уни яна бир нарса хавотирга сола бошлади: Соҳиба турмуш ўртоғининг ўзига бўлган садоқатини билса ҳам, унинг гўдак овозини эшитганда бир энтиқиб қўйишидан, бир кун эмас, бир кун фарзанд муҳаббати аёл муҳаббатидан устун келишидан кўрқарди. Ўйлай-ўйлай бир қарорга келган Соҳиба эрига бола асраб олиш истагини шама қилганда, у худди шу гапни кутиб юргандай, бу фикрга қувона-қувона рози бўлди. Истаклари бир жойдан чиққанига хурсанд эр-хотин эртаси-

гаёқ болалар уйи томон йўл олишди. Болалар уйига етгач, Соҳибанинг аввалги қувонч ва ҳаяжонидан асар ҳам қолмади. Катта майдонда қий-чув солганича ўйнаб юрган ҳар хил ёшдаги болаларнинг олдида у негадир ўзини гуноҳкордек ҳис қиларди. Назарида уларнинг бирини олса, қолганлари мунғайиб, кўнгли ўксиб қоладигандек, уларнинг бари қаторлашиб, кўзларини жовдиратганича, «қани қайси биримизни танлар экан», деб унга тикилиб тургандек. Устига-устак болалар уйининг директори — малласоч, ёши анчага бориб қолган аёл — уларнинг ташрифига кўп ҳам рўйхуш бермагандек бўлди. Директор анча пайтгача уларни кабинетда кутдириб қўйди. У ёшгина тарбиячи билан биргаликда, 5—6 ёшлардаги қизчани эркалаганича, унга ниманидир зўр бериб уқтирарди. Қизча болаларга хос қайсарлик билан бошнини экканича жим турар, унинг сукутида, бутун хатти-ҳаракатида нимагадир қарши сўзсиз исён бор эди. Бирмунча вақтдан кейин тарбиячи қизалоқнинг кўлидан етаклаб, йўл-йўлакай унга ниманидир ваъда қилганича олиб чиқиб кетди. Директор эр-хотиннинг ёнига келиб ўтираркан, куттириб қўйгани учун уэр сўрагандек уларга изоҳ берди:

— Ота-онаси бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлишган. Келганига бир ҳафтадан ошибди ҳамки, ҳануз бу ерга ўрганолмаяпти.— Сўнг Соҳибага қараб, хўрсинганича қўшиб қўйди: — Албатта, ота-она меҳрини ҳеч нарса босолмайди...

Лекин кичкина Зухра янги ота-онасига ҳайрон қоларли даражада тез кўникиб кетди. Соҳиба эса қизининг болалик хотирасидан бахтсиз кунларни бутунлай ўчириш, унга яна болалик қувончини қайтариш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Бунинг учун у энг аввало нафақат қизалоқнинг фамилиясини, ҳатто исминини ҳам ўзгартирди. Зухра Шарипова Ноила Сафоева бўлган ҳам, Сабоҳатнинг кўнгли тинчимади. Назарида унинг бахтига кимдир чанг солаётгандек, кунлар ўтган сайин тобора юрагининг бир парчасига айланиб бораётган қизини кимдир тортиб оладигандек эди. Ноилага ҳеч ким унинг ўтмишини ёдига солмаслиги учун Сафоевлар оиласи бошқа шаҳарга кўчиб ўтишди-ю, Сабоҳатнинг кўнгли жойига тушди.

«Қора гуруҳ»

Пўлатов архивда кечгача қолиб кетди. «Қора гуруҳ»нинг иш папкаси у ўйлаганидан кўра ҳам салмоқли экан. Бу гуруҳни тугатиш учун орган ходимлари бежиз анча-мунча тер тўкишмаган экан. Унинг ҳаракат доираси республика миқёсидан четга чиқиб, қўшни республикаларгача бориб етган экан. Агар бу гуруҳнинг фаолияти ўз пайтида тугатилмаганда, ким билсин, яна қанча кишиларнинг умрига завоқ бўларди. Унинг энг хатарли томони яна шунда эдики, бу гуруҳ аъзоларининг ўзигина нашаванд бўлиб қолмай, уни тайёрлаб бошқаларни ҳам заҳарлаб келган. «Қора гуруҳ» тугатилганлиги муносабати билан бошқарма министрлик томонидан тақдирланган. Пўлатов ҳар бир варақ, ҳар бир ҳужжатни диққат билан кўздан кечири бошлади. «Сўроқ протоколлари... Гувоҳлар... Суд қарори». Ва бирдан унинг эътиборини судэкспертисининг таниш муҳри босилган қоғоз тортди. «Тўхта, тўхта,— ҳаяжоннинг зўридан у ўрнидан туриб кетди,— ахир бу судэкспертисининг наркотик модда анализи хулосаси билан унинг қўлидаги хулоса бир хил-ку! Бу хулосада ҳам худди ундагидек наркотик модданинг номаълум препарат орқали кимёвий билимга эга, тажрибали шахс орқали тайёрланганлиги ва унинг таркиби, миқдори кўрсатил-

ганди. Пўлатов иш тажрибаси орқали билардики, наркотик модда тайёрлайдиган жиноятчиларнинг ҳар бири уни турли қолипда, ўз билганича тайёрлар, шунинг учун унинг таркиби ва миқдори турли хил бўларди. Демак Шарипова — Сафоевнинг сумкасидан чиққан наркотик модда билан «Қора гуруҳ» тўдасидан топилган наркотик моддани бир киши тайёрлаган». Пўлатов ёмби топгандек севиниб кетди. Бу ҳулоса у учун жуда муҳим маълумот эди. Бошқарма бошлиғи ҳам унинг фикрини тўла қувватлади:

— Менинг бундан олдинроқ хабарим бор. Агар яқин орада бу иш билан танишиш фикри ўзининг хаёлига келмаганда, ўзим сенга таклиф қилмоқчи эдим. Энди яқинроқ кел.— У сейфдан қўлбола харита олиб, стол устига ёйди.— Бу харитада Андижон областининг схемаси туширилган. Сен мана бу қизил нуқталарга аҳамият бер. Узинг танишиб чиққан «Қора гуруҳ»нинг фаолият маркази айнан шу ерда бўлган. Бу районнинг иқлими гиёванд ўсимликларнинг яшаш шароитига мос. Энг муҳими шуки, биз худди шу атрофда номаълум шахсларнинг шубҳали кўланкаси пайдо бўлганлиги ҳақида маълумот олдик. Сенинг қўлингдаги маҳсулот ҳам айнан шу ерда етиштирилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Пўлатов бошлиқ ҳузуридан кўтаринки руҳда чиқди. Назарида туман аста-секин тарқаб, нимадир ойдинлашаётгандек эди... 12—21 номерли қизил «Жигули» пойтахтнинг серкатнов кўчаларидан ўқдек учиб бормоқда. Машинада фақат бир киши — ҳайдовчи. У манзилига етиб келгач, машинадан тушди-ю, ҳеч қаёққа қарамай, 44-уйга кириб кетди. Тахминан ўн-ўн беш дақиқа кейин у уйдан чиқиб, машинасига ўтирди... Икки кун ичида Сафоевнинг уйига Жавлон Бегматов олти маротаба келиб кетди. «Унинг орқасидан кузатув давом эттирилсин». Бошқарма ййғилиши шу қарорга келди. Бу гал Пўлатов уни огоҳлантириб ҳам ўтирмасдан тўғри Соҳиба Сафоевнинг ишхонасига борди.

— Жавлон менинг жияним,— деди унинг саволига Сафоева,— Ноиланинг бедарак гойиб бўлганидан мендан ҳам кўра у кўпроқ азият чекапти. Улар ёшлиқдан бирга ўсишган. Қолаверса, уларнинг бир-бирига кўнгли ҳам бор...

— Бу ҳақда уларнинг ўзлари сизга айтишганмиди? — Йўқ, албатта. Лекин улар бунга айтишмасе ҳам, ўзим сезиб юрардим. Мен бунга қандай қарардим? Саволингиз қизиқ. Ахир уларнинг ҳар иккиси ҳам менга бегона эмас. Бири — фарзандим, бири — жигарим.

— Яна битта, энг охири савол. Жавлон Ноиланинг йўқолганини қачон билди? Унга бу хабарни сиз айтдингизми?

— Нима, сиз Жавлондан... Нега у ҳақда суриштиряпсиз? Наҳотки, сиз ундан шубҳаланаётган бўлсангиз? — Сафоева ҳаво етишмаётгандек, чуқур нафас олди. Пўлатовнинг эътирозидан кейин кўнгли жойига тушиб деди: — Унга бу хабарни мен ўзим айтдим. Мен, Ноила балки унинг уйидадир, деб ўйлагандим. Олдинига Жавлон: «Бирорта дугонасиникига кетгандир. Келиб қолади», деб мени юпатди. Кейинчалик... Айниқса, Ноиланинг сумкаси билан плаши топилганини эшитганидан кейин... бечора ҳушидан кетиб ййқилаёзди.

— Соҳиба Сафоевна, сиздан илтимос, ҳозирги ўрта-мизда бўлиб ўтган суҳбатни жиянингизга айтманг. Сўз берасизми?

— Яхши, унга ҳеч нима демайман бу тўғрида. Ўзи шундоқ ҳам жуда қийналиб юрибди...

«Жавлон Бегматов. 1957 йилда туғилган. Маълумоти — тугалланмаган олий. Ўқув комбинатида ярим ставкада мастер бўлиб ишлайди. Уйланмаган. Отаси Мавлон Бегматов...» Пўлатовнинг бу галги тахмини ҳам тўғри чиқди. Бегматовнинг номини илк бор эшитгандаёқ, бу тахмин унинг хаёлида пайдо бўлган эди. Демак, Жавлон Бегматов — «Қора гуруҳ»нинг асосий иштирокчиси, ҳозир жазо муддатини ўтаётган Мавлон Бегматовнинг ўғли. Экспертиза 20 сентябрда рўй берган фожиа сабабчиси — орган ходимлари қидираётган машина изи билан Жавлон Бегматов машинасининг изи бир хил эканлигини тасдиқлади. Шундан кейин Фотима Шарипова билан Ноила Сафоевани боғлаб турган ип Жавлон Бегматов эканлигига шубҳа қолмади. Орган ходимларига Бегматовнинг яширинмай, очикчасига бемалол юриши ёқмас эди. Бегматовнинг шериклари ё унинг орқасидан қўйилган кузатувни сезиб қолишган, ёки бошқа бир нимадан чўчиб қолган бўлишса керак, у билан алоқани узиб қўйишди. Кузатувдан бошқа натижа чиқмаслигини сезишгач, бошқармадан устма-уст Бегматовни дарҳол қўлга олиш тўғрисида талаб қила бошлашди. Рухсат олингач, икки кишидан иборат опергруппа йўлга чиқди. Улар тўққизинчи қаватдаги эшик кўнғироғини узоқ босишди. «Наҳотки уйда ҳеч ким йўқ бўлса?..» Ҳар қандай ишни ўз пайтида бажаришга одатланган Пўлатов орқага натижасиз қайтгиси келмади. Ичкаридан жавоб бўлмаса ҳам, бу ердан кетолмай, эшик кўнғироғини яна устма-уст узоқ босиб турди. Жимжитлик. У эшикка яқин келиб, ичкарига қулоқ тутгач, бирдан сергак тортиди. Димоғига эшик туркишидан билинар-билинемас сизиб чиқаётган ёқимсиз ҳид урилди.

— Сен ҳеч нарсани сезмаяпсанми? — сўради Мирвалиевдан.

— Ичкарида нимадир куйяпти шекилли,— деди у ҳам эшикка бурнини тутиб.

— Ҳар ҳолда у ерда қўймоқ пиширишмаётган бўлса керак,— деди Пўлатов.— Тезда қўшнилardan икки кишини гувоҳликка таклиф қил. Эшикни бузиш керак. Ҳар бир минут ғанимат...

У юзига гуп этиб урилган ўткир газ ҳидидан боши айланиб, кўнгли беҳузур бўлса-да, ичкарига отилди. Газ плитасини бекитгач, тезда ҳамма дераза ойналарини очиб юборди. Хонага кузнинг изғирин шамоли ёпирилиб кирди. Шундан кейингина улар каравотда беҳуш ётган одамга эътибор беришди. Уни дарҳол дераза ёнига яқинроқ келтиришиб, сунъий нафас олдиришди. Бир неча минутлик массаждан кейин, унинг кўкарган лаблари қимирлаб, юзиде ҳаёт аломати зуҳур этди. Бу орада етиб келган участка инспектори протокол тузиб, гувоҳларга қўл қўйдириб олди. Пўлатов Жавлон Бегматовнинг чўнтагидан топилган Соҳиб Жумаев номига ёзилган паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва қандайдиги хатни кўздан кечираар экан, у кўзини очиб, атрофидаги одамларга туш кўраётгандек меровлянинг қаради. Пўлатов хатни ўқишда давом этди. «...Ортиқ мени алдашга, мендан яширишга ҳаракат қилма. Мен ҳаммасини биламан. Холаваччанг Ноила билан муносабатинг, сен айтгандек, фақат қариндошлик муносабатинга эмаслигини, у билан қачон, қаерда учрашганларингни ва ҳатто сенинг унга шивирлаб айтган ҳар бир сўзинггача биламан. Бу сени кўп ҳам ажаблантирмасе керак. Зеро, сен Фотиманинг нималарга қодир эканлигини бошқалардан кўра яхши-

роқ биласан. Демак, сен ўша қиз туфайли ҳар хил баҳоналарни рўқач қилиб, мен билан учрашишдан қочиб юрган экансан-да. Наҳот, менинг яхшиликларимни унутган бўлсанг. Қутурган бўрилардек эс-ҳушидан айрилган гиёвандлар сени «тан олишлари»га менинг ёрдамим орқали эришдинг, мен орқали улар сенга бўйсунса ҳам, ҳануз уларнинг олдида кўрқувдан зир титрайсан. Эсингдами, шеф арзимаган хатоинг учун сени йўқотмоқчи бўлганида, мен сени кафиликка олиб, ҳаётингни сақлаб қолган эдим. Энди сен қандайдир қиз туфайли мендан юз ўгирмоқчисан. Бу хиёнатинг учун сендан қаттиқ ўч олишим мумкин. Шефнинг ўнг қўли эканлигимни унутма. Агар истасам, Ноилага сенинг кимлигингни ва асл касбингни айтаман. Бечора қиз, сен унга тақдим қилаётган қимматбаҳо совғалар қаердан келаётганини билса не ҳолга тушади? Мен истаган куннинг ўзидаёқ у қиздан ном-нишон ҳам қолмайди. Шефнинг югурдаклари бундай ишга жуда уста. Лекин, ҳар ҳолда, сен буни истамасанг керак. Ақлингни йиғиштириб, менга қулоқ сол. Сен меникисан. Тамом. Меники эдинг, бундан кейин ҳам меники бўлиб қоласан. Чунки мен шунга истаيمان, демак шундай бўлиши керак. Эртага, эртанинг ўзидаёқ холаваччанга мени севишингни ва менга уйланишингни айтасан. Ва Ноилани бутунлай унутасан! Мен эса сенинг хиёнатингни унутаман. Яна аввалгидек сенинг энг яқин дўстинг бўлиб қоламан. Йўқса бир бегуноҳ қизнинг ҳаётига мен эмас, сен зомин бўласан...»

Қил устидаги ҳаёт

У тўрт томони ҳудудсиз қумли жазирамада ёлғиз санқиб юрарди. Ташналиқдан тили танглайига ёпишиб, обдон ҳолдан тойди. «Сув! Сув!» деб шивирлади у сўнги кучини йиғиб, лекин овози заифлигидан ўзига ҳам эшитилмади. Шу пайт унинг олдида Фотима пайдо бўлди. У қўлидаги сув тўла косани Жавлонга узатди:

— Мана сув. Ол, ич.

Жавлон шошиб косага қўлларини узатди-ю, шу заҳоти дарров тортиб олди. Жом тўла сув эмас, қоп-қора қон эди.

— Ол, ич. Ичақол, дарров чанқоғингни қондиради,— уни тинмай қистарди Фотима.

— Нима, мени майна қиялпанми? Бу сув эмас, қон-ку! — аччиғи чиқиб бақирди Жавлон.

— Бу Ноиланинг қони. Атайлаб сенга олиб келдим. Тезроқ ичақол, ахир сен ташнасан-ку,— Фотима унга косани янада яқин келтирди. Жавлонни даҳшат босди, нафаси бўғилди. У жонҳолатда Фотиманинг қўлларини ўзидан нари итара бошлади.

— Йўқ. Ичмайман, керак эмас. Керак эмас! — Жавлон бақирарди-ю, лекин овози чиқмас, оғзини қуруқликда қолган балиқдай каппа-каппа очарди.

— Мен ичасан дедимми, ичасан. Менинг айтганим бўлади. Ичмаганинга қўймайман,— Фотиманинг ғазабдан жазаваси тутиб, косадаги қонни унинг юзига сешиб юборди. Жавлоннинг юзи, қўллари ва бутун уст-боши қонга бўялди. Қўзларини қон тўсиб, бутун борлиқ қоронғу зулмат қўйнида қолди. У ҳеч нарсани кўролмас, қаёққа қадам босишини билмас, баданига чип ёпишган қоп-қора қондан ғашланиб, баттар юраги сиқиларди. Жон талвасасида қолган ушбу пайтда қаердандир узоқдан онасининг майин, эркаловчи овози эшитилди. Онаси уни чорларди:

— Болажоним! Қийналиб кетдинг-ку. Кел ёнимга. Ўзим сени ювинтириб қўяй. Гўдаклик чоғингдагидек оппоққина бўласан. Ёнимга кел. Келақол!

Онасининг овози унга куч бағишлади. У ҳеч нарсани кўрмас ҳам, онасининг овози келган томонни тусмоллаб пайпаслаганича олдинга юра бошлади. Бирданига кўзига жуда-жуда олисдан игнанинг кўзидек ёруғлик кўринди. У севиниб кетди. Ўша заҳотиёқ қонни ҳам, ташналигини ҳам унутиб ёруғликка қараб кетди. Ўпкаси оғзига тикилиб, чарчоқдан йиқилиб қолаёзса ҳам югураверди. У узоқ, назарида, ойлаб, йиллаб югурди. Ва ниҳоят, ёруғликка чиқди-ю, бирданига уфурган ҳаётбахш, мусаффо ҳаводан, кўзини қамаштир-тирган нурдан гангиб қолди. Ўзини кўм-кўк майсазор бағрига ташлади. Тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олган сайин тобора енгил тортиб, кўнгли ором оларди.

— Ўзингизга келдингизми? Мени эшитяпсизми? — Жавлон бошида турган одамларни кўриб ҳайрон бўлди. Овоз яна такрорлангач, атрофга аланглаб, яна бир қанча бегона одамларни кўрди. «Булар ким? Қаердан келиб қолишди? Унинг ўзи қаерда ётибди?» Нотаниш кимса унга сув тутди. Жавлон ҳамон ҳеч нарсага тушунмаган бўлса ҳам, унинг қўлидан сув тўла идишни олиб, ютақиб ичди. Муздек сувдан кўнгли равшан тортди. Шундагина унинг эсига бирдан Фотима тушди.

— Қани у,— сўради Жавлон,— Фотима қани?

Пўлатов унинг ўзига кела бошлаганини англагач, унга воқеани қисқача тушунтирди:

— Агар яна бир неча дақиқа кечикканимизда, нафақат сиз, бутун уйда яшовчилар жабр кўрарди,— деди. Шундагина Жавлоннинг хотирасига бўлиб ўтган воқеалар қўйилиб кела бошлади. Унинг кўз олдида Ноиланинг чеҳраси гавдаланди. Аста секин унинг ўрнида Фотима пайдо бўлди... Жавлон азоб чекаётган кишидек инграб юборди-да, қўлини силтади:

— Энди менга барибир... Ҳаммасига мен, фақат мен айбдорман. Мана мени жазоланг. Агар мен кўрқоқлик қилмаганимда, Ноила ўлмаган бўларди. Уни мен ўзим...

— Ҳамма гапни кейин, бўлимга борганда айтасиз,— унинг гапини бўлди Пўлатов,— ҳозир сизга медицина ёрдами зарур.

— Айтаман, бор гапнинг ҳаммасини айтаман,— деди Жавлон медицина ёрдамини узил-кесил рад қиларкан...

Фотима

Бугун яна у Ноиланинг уйдан умидсизланиб чиқди. Холаси ҳануз Ноиладан ҳеч бир дарак йўқлигини айтгач, Жавлоннинг бутун дунёси қоронғу бўлди. Ноиланинг кутилмаганда изсиз ғойиб бўлганлигига унинг ҳеч бир ақли бовар қилмасди. У кечаси ҳам, кундузи ҳам фақат Ноила ҳақида ўйлар, кейинги кунларда юз бераётган воқеалардан ақли озиб қолаёзган эди. Агар Ноила ўз ихтиёри билан бирор ёққа кетгудек бўлса, албатта ё мени, ё онасини хабардор қилган бўларди. Агар Жавлон Фотимани ўша куни «бир ёқлик қилмаганида» Ноиланинг йўқолганини, албатта, ундан гумон қилган бўларди. Ахир Жавлон уни — Ноилани деб шундай мудҳиш ишга қўл урди. Бундан у сира ҳам ачинмайди. Барибир у — маккор Фотима Ноилани тинч қўймасди. Чунки Жавлон Фотиманинг ҳар қандай тубанликдан қайтмаслигини яхши биларди. Шунинг учун Жавлон унинг хатини ўқиғач, бунга яна бир карра амин бўлди-ю, кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Бугун Жавлонни бир нарса — Ноиланинг вуюмлари Фотиманинг уйдан топилганлиги қаттиқ хавотирга солиб қўйди. Бу хабарни Соҳиба опасидан эшитгач, юраги шувиллаб кетди. Ахир улар — Ноила билан Фотима бир-бирини танимайди,

Ноиланинг буюмлари қандай қилиб уникидан топилиши мумкин. Жавлон биладики, у истаса-истамаса хаёлига қора булутдек бостириб келаётган кўрқинчли шубҳалар тўғри чиққудек бўлса, унинг юраги бу қайғуга дош беролмайди... Бу фақат гумон. Унинг фикрича, бундай бўлиши мумкин эмас. Жавлон уйига етгунча йўл-йўлакай ўзини шунга ишонтира бошлади. Умидсизлик, даҳшатли шубҳа ва кейинги кунларда рўй бераётган кўнгилисиз воқеалардан қаттиқ чарчади. Унинг боши тинмай ғувилларди. Жавлон ҳозир ҳеч нарса ни ўйлагиси келмас, бир оз бўлса-да бу мудҳиш ўйлардан холи қолишни истарди. Қанийди ҳозир қаттиқ ухласа-ю, уйқудан уйғонганида бу воқеаларнинг ҳаммаси тушида содир бўлган бўлса.

Жавлон уйга киргач, кийимини ҳам ечмай ўзини каравотга ташлашга чоғланди... кўққисдан тошдек қотиб қолди. «Тушимми ё ўнгимми? Жинни бўлиб қолдимми»,— ўйлади у кўзларини юмиб очаркан. Уриндиқда оёқларини чалиштирганича Фотима ястаниб ўтирарди. Фотима эса, тўғрироғи, Фотиманинг арвоҳи устма-уст ҳузур қилиб чекаётган сигарет тутунини унга қараб пуркаганича, илжайиб ўтирарди. Жавлон шу турганича қанча турди, билмайди. Ниҳоят, арвоҳ сигарет қолдигини шундоққина оёғи остига ташлаб, ўрнидан турди ва худди тирик одамлардек тилга кирди:

— Берухсат уйингга бостириб кирганимдан хафа бўлмайсан. Бир пайтлар ўзинг уйингнинг калитини менга бериб қўйган эдинг. Йўл-йўлакай омонатингни ташлаб ўтай дедим.— У шундай деганича қўлида айлантириб ўйнаётган калитни Жавлонга тутди. Шундагина Жавлон қаршида Фотиманинг арвоҳи эмас, ўта маккор, ўта каззоб Фотиманинг ўзи турганлигига ишонч ҳосил қилди. Лекин ҳануз гагга тили айланмаётган Жавлон ҳайратини яширолмай базўр дудуқланди:

— Сен... Қаердан келиб қолдинг? Ахир мен сени... Фотима унинг гапини эшитиб, хандон отиб кулди. Унинг кулгиси жуда совуқ, ёқимсиз, айни пайтда нимаси биландир кўрққулик эди. У Жавлонга таниш, қаҳр аралаш жарангдор овоз билан узоқ кулди. Сўнг ўзини қайта ўриндиққа ташлаб, киноя билан деди:

— Ахир мени ўлдирган эдинг-ку, шундайми? Энди эса ҳайрон бўлиб турибсан, арвоҳни кўриб тургандай.— Фотима шундай деди-ю, бирдан ҳурпайиб, қаҳрли кўзларини Жавлонга тикди: — Сен мени ўлдирмоқчи бўлдинг-а? — У саволини такрорлаганича, ғазабига чидаёлмаётган қоплондек у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Бир оздан сўнг, яна ғалаба наъшасидан сузилаётган хумор кўзларини бир оз қисиб, кулимсираганича гапида давом этди: — Мен хиёнатинг учун сендан қасос олмақчи эдим. Менинг ўчимни ўзингдан олдинг. Мени ўлдирмоқчи эдинг, лекин менинг ўрнимга ўз қўлинг билан суюқлинг Ноилани ўлдирдинг. Мен унга сенинг жиноятчилигингни, қандай ишлар билан шуғулланаётганлигингни айтган эдим, сўзимга ишонмади. Исбот қидириб мен билан келди... Сен эса яна менга бу ишда ҳалақит бердинг.

Жавлоннинг бошига кимдир гурзи билан ургандек, кўз олди қоронғилашиб кетди. Мана у — кечаги кундан бери хаёлига яқин йўлатмаётган шубҳа, у тан олишдан кўрқиб юрган даҳшатли ҳақиқат. Жавлон йиқиляётганини сезиб, деворга суюяганича ерга ўтириб қолди. У энди Фотиманинг нима деяётганлигини ҳам яхши англамас эди. Фотима эса... Қасос ўзи кутганидан ҳам аъло чиққанидан мамнун Фотима унинг бу ҳолидан завқланарди. У саховат билан деди:

— Мен сенинг бу галги хиёнатингни ҳам кечиришим мумкин эди. Лекин сен нафақат менга, балки топширилган вазифани бажармай, гуруҳимизнинг ишига ҳам

панд бердинг. Шу сабабли ишимизни тўхтатиб туришга тўғри келди. Одамларимиз эса хатар остида қолишди. Гуруҳ сенинг бу қилмишингни кечиролмайди. Мана унинг қарори.— У Жавлоннинг олдида катта қора ҳарфлар билан «ўлим» деб ёзилиб, тагига таниш муҳр туширилган бир парча қоғозни ташлади. Жавлон қоғозга кўз қирини ташлади. Ҳозир унга ҳамма нарса барибир, ҳатто ўз тақдирига ҳам бефарқ эди. Кутилмаганда Жавлон бир қарорга келгандай, ўрнидан сапчиб турди. Ва худди телбалардек Фотимага ташланди-да, унинг бўйнидан бор кучи билан бўға бошлади:

— Мен барибир сени ўлдираман, қонхўр. Ноила учун сендан ўч олмасдан қўймайман!

Кўққис бу ҳужумдан Фотима эсанкираб, ўзини ҳимоя қилишга ҳам улгуролмай қолди. У хириллар, кўзлари қинидан чиққудек тобора улканлашиб борарди. Шу пайт орқадан кимнингдир бакуват қўллари Жавлоннинг қўлларини қаттиқ қайирди. Жавлон жонхололда қўлларини бўшатишга ҳаракат қилар экан, Гунгни кўриб, юраги шувиллаб кетди. Ёвузлиги билан машҳур бу соқов олдида гуруҳнинг барча кишилари титраб турарди. Гунг одатдагидек осойишта, ҳеч бир ортиқча уринишсиз, Жавлонга маъносиз кўзларини тикканича уни ёш боладай кўтариб, бурчакка итқитди. Жавлон боши билан деворга урилди. У ҳали ўзини ўнглагунча бўлмай, бошига кетма-кет тушган кучли зарбдан кўзларида учқун чақнади-ю, ҳушидан кета бошлади...

...Жавлон ҳикоясини тугатди. У кўп қон йўқотгани учун юзида ранг қолмаган, зўрға оёқда турарди. Шунга қарамай, «Мен уларнинг қаердалигини биламан. Мени қўйиб юборинг, улардан барчаси учун ўзим ўч оламан», дерди яккаш. Лекин Жавлон қанчалик қаршилик қилмасин, соғлиги жуда ёмон бўлганлиги учун уни махсус касалхонага олиб боришга қарор қилишди.

— Яхши,— деди Пўлатов унинг кўнглидан кечаётган ҳисни англаб,— бизга сизнинг ёрдамингиз керак. Шерикларингизни қўлга олишда кўрсатадиган ҳар қандай ёрдамингиз жиноятингизни юмшатади. Бу имкониятни қўлдан бой берманг. Ҳозир эса сизга медицина ёрдами зарур. Қолган гапларни эртага гаплашамиз.

Жавлон унинг гапига мажолсиз қўл силтади. Жавлонни касалхонада қолдиришгач, Пўлатов уйига кетди. Шу кеча у анчадан бери биринчи бор хотиржам ухлади. Чунки ишнинг асосий риштаси қўлда, қолган қисми қисқа кун ичида ҳал бўлишига унинг ишончи комил эди.

Бегматов қани?

Эрталаб уни уйқудан телефоннинг устма-уст чўзиқ кўнғироғи уйғотиб юборди. Кутганидек, трубкадан навбатчининг овози эшитилди:

— Уртоқ майор, ҳозиргина касалхонадан кўнғироқ қилишди. Бегматов йўқ, ғойиб бўлибди.

— Нимага ғойиб бўлади? Қандай қилиб?..

Пўлатов кўп ўтмай касалхонага етиб келди.

— ...Бегматовнинг палатадан ғойиб бўлганини қачон ва қандай вазиятда билдингиз? — сўради Пўлатов навбатчи ҳамширадан.

— Янглишмасам, соат учлар чамаси эди. Бемор Бегматов ётган палатадан ниманингдир тарақлагани эшитилди. Бу нарсага кўп ҳам аҳамият бермасам-да, хабар олиш учун энди ўша томонга кетаётгандим, бирданига телефон жиринглаб қолди. Регистратурадан бўлимимизга оғир бемор келтирилганини хабар қилишди... У билан чалғиб, Бегматовдан хабар олиш бутунлай ёдимдан кўтарилибди. Эрталаб укол қилиш учун

кирганимда Бегматов жойида йўқ, дераза ланг очик экан. Беморнинг тўртинчи қаватдан тушиб қочиб кетишига ақлим бовар қилмагани учун, аввалига ҳеч қаяққа хабар қилмасдан, ўзимиз касалхона ичидан уни қидириб кўрдик...

— Нима учун сиз, «Бегматов қочиб кетган», деган фикрдасиз? Балки уни ўғирлаб кетишгандир? Дейлик, тўртинчи қават деразасидан ичкарига кириб, кимдир беморни мажбуран олиб кетган... Унинг бу саволига навбатчи сержант ҳам, врач ҳам жавоб беришолмади. Пўлатов регистратурадан соат учда касалхонага бемор келтирилганини аниқлади. Демак, худди ўша вақтда Бегматов касалхонадан сирли тарзда ғойиб бўлган. «Наҳотки, Бегматов ҳеч бир «из» қолдирмаган бўлса,— ўйларди у,— агар шундай бўлган тақдирда, бу — унинг тажрибаси зўр шерикларининг иши. Агарда у ўзи қочиб кетган бўлса, албатта бирор из қолдирган бўлиши керак».

— Хўш, бундан буёнги ҳаракат планини тузиб олайлик,— деди Пўлатов навбатдаги йиғилишда.— Бошқармадан иш натижасини талаб қилишяпти. Бизга ёрдамга кўшимча штат юборишмоқчи, уларга бу ҳақда бизнинг аниқ фикримиз керак. Менимча, бундан буён биздан бир иш чиқишига кўзлари етмаяпти чоғи. Лекин ҳозирча ишни кўлимиздан олишмадим, демак, ўзимиздан батамом умидларини ҳам узмишгани йўқ. Қани, сизлар нима дейсизлар? Бошқарма таклифини қабул қиламизми?

— Ҳеч қандай ёрдамнинг ҳожати йўқ,— биринчи бўлиб қўл силтади Безуглов.— Биз бу ерда қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ-ку!

— Қўл қовуштириб-ку ўтирганимиз йўқ. Лекин буни амалда исботлай олмасак, нима фойда? Лейтенант, балки сен бирор-бир хушхабар топгандирсан Бегматовнинг уруғ-аймоғлари орасидан?

— Бегматовнинг таниш-билишларию қариндош уруғларининг ҳаммасини «сув қилиб ичиб юбордим». Ҳатто ўзимнинг қариндошларимни ҳам уникачилик яхши билмасам керак,— деди Мирвалиев.— Менимча, Бегматовнинг алоқасини энди четдан қидирган маъқул.

— Фикринг тўғри,— деди унга жавобан Ўткир Ҳусанович.— Одатда жиноятчилар шериклари билан алоқасини ҳеч кимга билдирмасликка ҳаракат қилишади. Тасодифан дуч келиб қолгудек бўлишса ҳам, ўзларини бир-бирларини танимагандек тутишади. Бу эса бизнинг ишимизни янада чигаллаштиради.

— Менда бир фикр пайдо бўлди,— деди Безуглов уларга яқинроқ сурилиб.— Бегматов касалхонадан тунги соат учда қочган, шундайми? Касалхона қаерда? Шаҳарнинг четида. Ахир у борадиган жойига яёв кетмагандир?

— Хўш, нима қилибди? Яёв кетмаган бўлса бордир. Балки уни ташқарида машина кутиб тургандир?

— Ким кутиб туради уни? Касалхонага биздан кейин унинг олдига ҳеч ким келмаган бўлса? Унинг ўзи ҳам бировга хабар беришга улгурмаган.— Пўлатов ичидан унинг фикрини уққандек бўлди; лекин гапини бўлмади. Ҳамманинг диққати Безугловга қадалди.— Менинг таклифим шу,— давом этди Безуглов.— Шаҳардаги ҳамма таксопаркка бир-бир кириб, ўша куни навбатчиликда бўлган ҳайдовчилар билан гаплашиш керак. Балки улардан бирортаси шу районда касалхона кийимидаги йўловчига хизмат кўрсатгандир. Касалхона кийимидаги йўловчи ҳар вақт ҳам таксига ўтиравермайди, шунинг учун уларни эслаб қолиш қийин эмас.

— Нега энди Бегматов айнан таксига ўтириб кетган деб ўйлайсан? Ахир кўчада бошқа машиналар озми?

— Ўзинг ўйлаб кўр. Агарда Бегматов яёв кетмаган

деб фараз қиладиган бўлсак, уни ҳеч ким ташқарида машинада кутиб турмаганлигига шубҳа йўқ бўлса, фақат таксида кетган бўлиши мумкин. Чунки соат тўнги уч-уч яримларда жамоат транспорти қатнови тўхтади, шахсий машиналар ҳам деярли бўлмайди. Шунинг учун унинг таксидан фойдаланганлиги мантиққа яқинроқ.

Уртага жимлик чўкди. Ҳамма Володянинг фикрини ўзича ўлчамоқда, ҳамма «ҳеч бир натижа чиқмасачи», деган хавотирда эди. Пўлатов эса коллективнинг фикрини кутмоқда. У ходимларининг фикри билан ҳисоблашибгина қолмай, улар билан фахрланарди ҳам. Уларнинг ҳар қайсиси алоҳида фазилатга эга, ҳақиқий оператив ходимлар. Уртадаги сукутни биринчи бўлиб, одатдагидек, Мирвалиев бузди.

— Менимча, Володянинг фикрида жон бор. Албатта шундай катта шаҳарда такси ҳайдовчилари билан суҳбатлашиб чиқиш кўп вақт олади. Лекин бизда бундан бошқа жўяли фикр йўқ. Шахсан мен бу таклифни қувватлайман.

— Бўлмаса, Безугловнинг таклифини овозга кўямиз,— деди Пўлатов.— Ҳамма бир овоздан қўшилди. Яхши, мен ҳам розиман. Энди бу ишни кимга топширсак экан?

— Ўзимга топширинг, Ўткир Ҳусанович. Бу таклифни ўзим ўртага ташладимми, ўзим бажараман. Бунинг устига, қачонлардир мен ҳам такси ҳайдаганман. Қўш тилини қўш билади, дейишади.

— Ўзингга топшириш мумкин, бу қийин эмас. Лекин кўп вақт бермаймиз. Бор-йўғи бир кеча-кундуз муддат. Шу муддатда иш натижасини менга айтасан.

Пўлатов муваффақиятнинг бунчалик тез қўлга киритилишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Безуглов топган такси ҳайдовчиси Бегматовнинг расмини танидигина эмас, ўша тунда уни элтиб қўйган кўча ва уйгача кўрсатиб берди.

— Нега янглишар эканман,— деди у берилган саволга жавобан,— бутун сменам давомида нечта йўловчига хизмат қилган бўлсам, кимни қаерга элтиб қўйганман, ҳаммасини аниқ айтиб бера оламан. Биз ҳайдовчиларнинг хотирамиз мустаҳкам бўлади. Айниқса, ўша йигитни жуда яхши эслаб қолганман.

— Нега айниқса ўша йигитни деяписиз? У нимаси биландир бошқа йўловчилардан ажралиб турармиди?

— Нимаси билан бўларди,— кулди ҳайдовчи,— ёнида бир тийин пули бўлмаса-ю яна таксига ўтирса. Тағин борадиган манзили ҳам шаҳарнинг у четида экан. Ҳа майли, касалхонадан келаётган экан, деб индадими, бўлмаса-ку.. Инсофи борга ўхшайди, барибир қўярда-қўймай соатини ташлаб кетди. Агар ўша йигитни топсаларинг айтинлар, келиб соатини олиб кетсин, ахир мен кассага пул ўрнига соат топширмайман-ку.

Пўлатов ўша кунидек ҳайдовчи кўрсатган жойга келиб, уй эгалари ҳақида керакли маълумотга эга бўлди. Уйни атрофлича текшириб чиққач, кузатиш учун одам қўйди. Кузатишдан маълум бўлдики, уй бўм-бўш, у ерда ҳозир ҳеч ким яшамаётган экан. Кейин у участка инспектори билан боғланиб, уни вазият билан қисқача таништирди.

— Бир ой олдин Илёсов Муҳаммад устидан қўшниларидан шикоят тушганди,— деди участка инспектори — ёш сержант унга икки варақ қоғоз узатаркан.— Унинг ҳовлисидан жуда бадбўй ҳид тарқалиб, қўшнилари безовта қилаётганлиги ҳақида. Ҳовлисида итми, мушукми ўлган шекилли. Лекин мен текширгани борганимда, ҳид анча пасайган экан, унча сезилмади. У ёқ-буёқни қараб, ҳиднинг сабабини тополмадим. Хотини эса, қўшнилариининг айтишича, касалхонада эмиш.

Пўлатовни бу маълумотлар жуда қизиқтирган бўлсада, сиртдан хотиржам эди. У ҳозироқ Илёсовнинг уйини

тексириш истагини зўрға босиб, қўлидаги шикоятга кўз югуртирди. Шикоятда айнан ҳозир эшитган гаплари ёзилган: Илёсов Муҳаммаднинг уйида ҳеч ким яшамайди. Бир неча ҳафтадан бери у ердан тарқалаётган ёмон ҳид тобора кучайиб, қўшнилари безовта қиляпти. Уй эгасининг йўқлиги сабабли, қўшнилари ҳовлига кириб, бирор чора кўришга журъат қилишолмайди, чунки уй эгаси Илёсов Муҳаммад ўта кўрс, жанжалкаш одам.

— Ҳовли эгасини топишга ҳаракат қилмадингизми? Балки унда иш жойидан суриштириш керакмиди?

— Илёсов Муҳаммад илгари корандачилик билан шуғулланарди. Охири пайтларда иш жойининг тайини йўқ,— деди сержант негадир қизаринқираб. Мен уни ишга жойлашган, дея бир неча бор огоҳлантирганман.

— Хўп, раҳмат,— деди Пўлатов ўрнидан тураркан.— Бугунча шу маълумотларга қаноат қилиб тураман. Эртага биргаликда Илёсовнинг уйига борсак. Қани кўрайлик-чи, қандай ит ёки мушук тарқатаётган экан бадбўй хидни. Икковлашиб кирсак, зора топилса.

Прокурордан Илёсовнинг уйини текшириш учун санкция олиш осон бўлмади. Эҳтиёткор прокурор шошма-шошарликни ёқтирмас, қўлидаги муҳрни жуда авайларди. Охири Пўлатовнинг мантиқли далиллари унинг иккиланишини енгди. Лекин Илёсов қўшнилариининг гувоҳликка ўтиши бундан ҳам ошиб тушди. Бир қўшнис иёлфон гапираётганлиги шундоққина сезилиб турса-да, совуққина қилиб касаллигини рўкач қилди. Бошқа қўшнис Илёсовнинг уйига гувоҳ тариқасида киришдан очикдан-очик бош тортди: — Мен,— деди у ярим ҳазил, ярим чин,— шернинг уясига кирсам кирарман-у, лекин унинг уйига икки дунёда ҳам кирмасман. Бултур қишда итим ҳовлисига киргани учун Мамот уни отиб ўлдирган. Энди ўзим кириб, бошимни балога қўяйми? Қолган икки қўшнис иккилана-иккилана рози бўлишди. Қачонлардир дабдаба билан қурилган икки табақали нақшинкор дарвозадан ичкарига киришди. Неча ойдан бери супурги тегмаган эгасиз ҳовли ифлос, ҳувиллаб ётгани учунми, киши кўзига совуқ кўринар, нохуш таассурот қолдирарди. Ҳовли четига гир айлана қилиб экилган гуллар сувсизликдан фўнчалаган бўйи қовжираб қолган. Ёввойи ўтлар ҳатто йўлаккача босиб кетибди. «Ҳай, ҳай,— бош чайқади мўйсафид қўшни кира солиб бетартиб осилган ишқомга қараб,— жонивор тоза ҳосил боғлабди-ю, қаровсиз қолибди-да.» Кирганларнинг ҳаммаси ишқомга қаради. Пўлатовнинг кўзлари бу пайтда тепада эмас, оёғи остида эди. Унинг диққатини ерда ётган бир парча йўл-йўл гулли латта тортди. Унинг секингина эгилиб, латтани олиб, чўнтагига солганини ҳеч ким сезмай ҳам қолди. Сўнг у ҳовлининг у ер-бу ерига палапартиш, лекин қалингина сепилган оқиш дорига ишора қилиб: — Кимдир ҳамор сепиб қўйибди-ку,— деди ҳеч нарсадан хабари йўқ кишидек.— Ҳойнаҳой, уй эгаси сепиб кетган бўлса керак.

— Аллазамондан бери у уйига келмаяпти,— деди ҳалиги мўйсафид.— Бу менинг неварамнинг иши. Утган куни қоронғида девордан ошиб тушиб, сепиб чиққан. Бўлмаса жа одам чидаб бўлмай қолган эди хидга.

— Шундай экан, тўғри эшикдан кириб сепса ҳам бўлаверарди,— деди Пўлатов.— Бунинг ҳеч айби йўқ-ку, эгаси келганда тушунтириб берардинглар.

— Эҳ, сиз уни ҳали билмайсиз-да,— кулди қария,— у билан беш йилдан бери девор-дуармиён қўшни бўлсам, унинг биров билан одамлардек муомала қилганини билмайман. Болалар кўчадан ҳовлисига сал яқинроқ ўтиб қолишса ҳам итдек қутуриб кетади. Мана шунақа бадфўел одам у.

Пўлатовга Илёсовнинг қандай одамлигини билиб олиши учун шу таърифнинг ўзи кифоя, ортиқча сўровга

ҳожат қолмаган эди. У диққат билан ертўлани, томни қараб чиқди. У бошқалар сезмаган, аҳамият бермаган майда-чуйдаларни ҳам эътибордан қолдирмасликка уринарди. Шу пайт катта ёнғоқ дарахтининг тагида ғужфон ўйнаётган пашшалар унинг диққатини тортди, ўша томон юрди. Бу ерга етганда қўшни боланинг дориси тугаб қолган шекилли, оқиш дори изи сезилмасди. Пашшалар уймалашаётган жойи чети иккита тахта билан ёпилган кичикроқ чуқурча экан. Пўлатов энгашиб чуқурча ичига қаради: лой қатлами аралаш қоғиб қолган кўпик ва мағзава ҳидига қараганда кир ўра бўлса керак, буниси аниқ. Лекин ўтириб қолган юпқа лой қатлами остида яна нимадир борга ўхшайди. У кўп ўйлаб ўтирмасдан, ҳамон ёнидаги одамлардан ниманидир сўраб-суриштириб юрган лейтенантни чақириб:

— Узунроқ таёқ керак,— деди,— ошхонага ўтинг, ўша ерда кўзим тушгандай бўлганди.

Сўнг у келтирган таёқ билан чуқурчани ўта эҳтиёткорлик билан бир-икки ковлағач, қаддини ростлаб оғир тин олди. Унинг кўзларида ким турган синчковлик ўрнини, ҳорғинлик, айна пайтда кимгадир ачиниш ифодаси эгаллади.

— Худди тахмин қилганимдек,— деди ҳеч нарсага тушунмай унга қараб турган лейтенантга.— Кеча участка инспекторининг кабинетигадаёқ хаёлимга келган бу фикр. Энди гувоҳларга жавоб бериб юборинг, уларнинг бу ерда қиладиган ишлари қолмади. Умуман, бизнинг ишимиз ҳам тугади ҳисоб.

Аввалига ҳеч нарсага тушунмай ҳайрон бўлиб турган лейтенант нима гаплигини фаҳмлагандан сўнг, бошини қашиганча ҳуштак қалиб юборди. Пўлатов экспертизага шахсини аниқлаш учун Илёсов Муҳаммаднинг уйи ҳовлисидаги кир ўрадан топилган мурдага қўшиб унинг ҳовлисида топган яна бир парча латтани ҳам юборди.

Сўнгги бекат

Пойтахт темир йўл вокзали одатдагидек гавжум. Бу ерда ўзига хос — сершовқин ҳаёт қайнайди. Тирикчилик дардида қоп орқалаган деҳқонлар, қаёққадир шошсаётган ёш-яланг ва юк тўла аравачасини итариб, пўшт-пўштлаётган киракашлар бу ҳаётнинг ажралмас, табиий қисми. Перрон четигадаги ўриндиқларда ўтирган йўловчилар куз қуёшининг илиқ нурларида тобланганича мудрашади. Четроқда чиройли лўли қиз кимнидир аврайди: унга бахт эшигини ланг очиб бермоқчи. Қаердандир дикторнинг янгроқ овози эшитилади: «Диққат! Диққат! Андижон — Тошкент поезди олтинчи йўлдан қабул қилинади». Анчадан бери бу хабарни кутаётган йўловчилар ва кимнидир орзиқи кутаётганлар жонланиб қолишди. Вокзалнинг бошида қатор тизилишиб турган машиналар орасидаги қора ранг «Волга»нинг эгаси машинадан тушди. У қўлида ўйнаётган қора кўзойнагини таққач, папирос тутатди. Сўнг турган жойидан ҳозиргина келиб тўхтаган поезд томон тикилди. Шу пайт тўсатдан пайдо бўлган машина унинг шундоқ ёнгинасига келиб тўхтади. Қора кўзойнакли киши ўгирилиб қарашга улгурмай, машинадан икки киши яшин тезлигида тушиб, унинг икки қўлигидан тутди. Улар қора кўзойнакли кишига нимадир дейишди ва шу онда унинг ранги қув ўчиб кетди. Улар биргаликда машинага ўтиришди ва қандай тез пайдо бўлишган бўлса, шундай тез кўздан ғойиб бўлишди. Уларнинг орқасидан қора рангли «Волга» ҳам йўлга тушди. Машинани фақат энди бошқа киши бошқариб борарди. Бу орада олтинчи йўлга келиб тўхтаган поезддан тушаётган йўловчилар сони сйрақлашиб қолди. Энг сўнггида ўртароқдаги вагондан 25—26

ёшлардаги аёл тушди. У одам тўдасини ёриб, холироқ жойга чиққач, ён атрофига қараб олди-да, такси майдончаси томон юрди. Аёлнинг эғнидаги қимматбаҳо кийимлар ва бармоқларига дидсизлик билан қатор тақилган узукларни кўриб, уни қайсидир савдо ходимига ўхшатасиз. Аёл йўл четида қатор турган машиналарга диққат билан кўз ташлади. Излаган нарсасини кўрмагач, ҳафсаласи пир бўлгандек бўлди. У яна бир бор теварак атрофга кўз ташлагач, бирдан шошиб, йўловчи кутиб турган бўш таксига бориб ўтирди... Бўлимга етиб келишгач, Фотима овози борича бақириб, бу ерга мажбуран келтиришгани учун норозилик билдира бошлади. У ҳеч нарсани эшитишни истамас, ҳеч нарсани тан олмас, яқкаш шаллақилик қиларди. У чемоданини очишдан бош тортган, ундан калитни талаб қилишди.

— Ҳаққингиз йўқ,— деди бунга жавобан Фотима,— ҳеч қандай асосиз менинг чемоданимни очишга ҳаққингиз йўқ. Бу — зўравонлик. Мен устингиздан арз қиламан.

Мирвалиев қўлидаги асбоб билан унинг чемоданини осонгина очди ва уни Фотима томон суриб қўйди-да, сўради:

— Бу нима?

Чемоданча эндиликда орган ходимларига таниш бўлиб қолган, кичик-кичик пакетларга жойланган тўқ қўнғир рангдаги модда билан лиқ тўла эди. Ҳамманинг ўзига тикилганини кўргач, Фотима бирдан жимиб қолди. У энди гўё тўсатдан тилдан қолгандек, берилган саволларга ҳам жавоб бермасди.

— Бекорга овора бўласиз,— деди Пўлатовнинг навбатдаги саволига жавобан,— мен барибир сизларга ҳеч нимани айтмайман.

— Истамасангиз, майли, гапирманг,— деди Пўлатов,— лекин бизда сизнинг устингиздан Ноила Сафоевнинг қотили сифатида жиноий иш қўзғатишимиз учун далиллар етарли.

— Уни мен ўлдирганим йўқ,— тўсатдан қичқириб юборди Фотима,— мен ўлдирганим йўқ. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз.

— Тўғри, уни айнан сиз ўлдирганингиз йўқ. Сизнинг шерикларингиз, аниқроғи шеригингиз ўлдирган. Сиз эса мана шу қотилликка бевосита алоқадорсиз. Уйингиздан Ноиланинг кийимлари топилганлигини қандай изоҳлайсиз?

— Мен бундай одамни танимайман,— Фотима яна ҳурпайиб олди.— Сиз айтаётган буюмлар қотилликка алоқадор эканлигимга далил бўла олмайди. Буни ҳали исботлаш керак.

— Исботми? 20 сентябрь тонгида, яъни Ноила Сафоевнинг ўлимидан сал олдин сизни у билан кўришган. Бундан ташқари, сизнинг синглингиз Зухра Шарипова, ҳозирги исми шарифи билан айтганда Ноила Сафоева тўғрисида ўз қўлингиз билан Жавлон Бегматовга ёзган хатингиз...

— Нима? Нима дедингиз,— унинг сўзини бўлди Фотима.— Менинг синглим?..

— Ҳа, сизнинг синглингиз Шарипова Зухра — ўша Ноила Сафоевадир.

— У қанақасига менинг синглим бўлиши мумкин?

Нега энди у Зухра бўларкан? — Фотима ҳайрат ва даҳшатдан катта-катта очилган кўзларини Пўлатовга тикди. Пўлатов атайлаб унинг саволига жавоб бермади. У ўзи айтган сўзларнинг таъсири обдан юзага чиқишини кутарди. Орага чўккан жимликни Фотима бузди:

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Ёлғон гапиряпсиз! Ёлғон!

— Ёлғон гапиришга ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Афсуски, бунинг ҳаммаси бор ҳақиқат.— Пўлатов шундай дея ўзи ўтирган стол тортмасидан икки варақ қоғоз олиб унга узатди: — Мана бу холангиз Қумри Эргашеванинг синглингиз Зухра Шарипованинг 1965 йилда 134-болалар уйига топширганлиги ҳақидаги хати. Холангизнинг дастхатини танисангиз керак. Буни эса Соҳиба Сафоеванинг худди шу йили Зухра Шариповани фарзандликка олганлиги ва унга Ноила Сафоева деган исм-шариф берилганлиги тўғрисида. Буларнинг барчасидан холангизнинг хабари бор ва бунга унинг ўзи ёзма равишда розилик берган.

Фотима унинг қўлидан қоғозни олишга иккиланиб турди. У қўрқарди. Ҳозиргина эшитган сўзларининг даҳшатли ҳақиқатга айланишидан қўрқарди. Ниҳоят, у титроқ қўллари билан ҳар иккала хатни олиб, ўқимоққа тутинди. У хатни қайта-қайта ўқиб чиқди. Ҳар ўқиғанида ўз кўзларига ишонмаётгандек, бир оз эсанкираб турар, сўнг яна қайта ўқишга тутинарди... Ниҳоят, у бошини кўтарди. Нажот излаётгандек, дам Пўлатовга, дам атрофга бир-бир қаради. Сўнг яна қўлидаги хатга кўз ташлади. Лекин бу гал ўқимади...

— Ҳа, айтгандай,— деди Пўлатов,— мана бу расмдаги қизчаларни танияпсизми? Бу эгизаклар — сиз билан Зухра.

Фотима расмдаги бир-бирига жуда ўхшаш, тўрт-беш ёшлардаги қизалоқларга тикилиб қолди. Худди шу расмнинг бу нусхаси унинг альбомуни сақланар, Фотима уни кўз қорачиғидай авайлаб келарди... Фотима ақлдан озгандек тўсатдан қаттиқ фарёд урди. Унинг фарёди қўрқинчли эди. Орқама-орқа унинг кўксидан яна бир оғриқ ва аламга тўла нидо отилиб чиқди-ю, юзини совуқ деворга босганича ўксиб-ўксиб йиғлашга тушди. Унинг аччиқ кўз ёшлари ҳар қандай одамга таъсир қилмасдан қолмасди. Бирпас олдин шаддодлик қилаётган, ўз манфаати учун ҳар қандай тубанликдан тап тортмайдиган ёвуз қалбли бу гўзал аёл шу онда кўксидан армон тўла, эзгин аёлга айланган эди: — Билардим, унинг дунёда борлигини сезардим. Қанчалар интиқ эдим ёлғизгина жигаримни бир кўришга. Уни изламоқчи бўлганимда, холам Зухра ўлиб қолган, деб мени алдади. Э, худо, бунчалар бағритош бўлмаса у хотин... — Фотиманинг ёшдан хираланган кўзлари олдида болалигидан сақланиб қолган ягона хотира гавдаланди. ...Деворлари нураб битаёзган пахса девор... Барглари тўкилиб кетган яланғоч дарахт. Хазонлар сочилган ерсупада сочлари патак қизча... Қизча худди катталардек тиззалаб ўтирганича, куйиниб йиғлайди. Йиғи аралаш супа четида омонатгина ўтирган аёлга ёлворади:

— Холажон, Зухрани олиб келинг. Жон хола, қайтариб олиб келинг Зухрани...





Муаллиф ўз асари ҳақида

Альбер Камюнинг «Ўлат» ва Гарсиа Маркеснинг «Офат палласи» романлари вабо ҳақида. Ҳар икки асарда бу дарди бедавонинг тарқалгани ҳақида каламушлар хабарлайди. Лекин иккала асардаги эпидемия хусусияти турлича. Камюда уч ғоявий-тасвирий план: кураш олиб борилаётган ҳақиқий ўлат эпидемияси; тарихий даражадаги ўлат — фашизм заҳари рамзи; ниҳоят, метафизик жиҳатдан — бутун олам ғанимлиги ва турмуш бемаънилигининг рамзи сифатида талқин этилади. Гарсиа Маркесда бу тарздаги эпидемия йўқ. Каламушлар — кенг кўламлиликка даъвогарлик қилмайдиган билвосита ва айрим бир ҳодиса аҳамиятига молик бўлган рамзийлик касб этади.

Мен бу билан Маркес ва Камю асарларини таҳлил қилмоқчи ё бўлмаса шу асарлар таъсирида қўлимга қалам олдим демоқчи эмасман! Мен фақат Октябрь инқилобидан йигирма йил кейин мамлакатимизда юз берган ўлат эпидемияси бошида каламушдан фарқли ўлароқ каламуш терисидан уст-бош кийган каламушнусха кимсалар турганини айтиб ўтмоқчиман, холос. Мен фақат мамлакатимизда қарийб олтмиш йил мобайнида олиб борилаётган сталинча иш услуби, сталинча хунрезлик [1937] одамларимизнинг нафақат жисмини, балки уларнинг руҳиятини, маънавиятини мисоли ўлатдек заҳарлаб, катта-кичик хиёнатларга бошлади, охир-пировардида биз ишонган, биз порлоқ келажагини башорат қилган жамият ўз аъзолари билан бирга патарат топа бошлади, демоқчиман. Бу вабодан омон қолганлар борми! — деган савол туғилади. Ҳа, бор! Булар имон-эътиқодларида собит қолган — хиёнат жари ёқасидан олисда турган, унга яқинлашишга ҳазар қилган одамлар. Қўрқоқлиги ёхуд табиатидаги бўлак қусурлари оқибатида катта-кичик хиёнатларга қўл урган кимсаларни эса ана шу вабога чалинганлар деб ҳисоблайман. Ва уларни на бугунги тиббиёт муолажаси, на бугунги покланиш даври таълим-тарбияси тузата олади.

Мен асарда хиёнатнинг катта-кичиги йўқ, у киши қалбини бир хилда жароҳатлайди деган ғояни ва бошқа баъзи қарашларимни илгари суришга интилдим. Бу юмушни қай даражада уддалолганимнинг баҳосини бериш эса, Сиз, азиз журналхонларга ҳавола.



Аббос Сандов.

1956 йилда Тошкентда туғилган. 1979 йили Тошкент Давлат дорилфунунининг филология бўлимини тугатган. Ҳозир «Еш гвардия» нашриётида муҳаррир

бўлиб ишлайди. «Юлдуз ойга яқин» ҳамда «Хончорбоғликлар» насрий китобларининг муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

Аббос Саидов

Райҳон иси Тутган ҳовли

Қисса



Мен синуқ, кўнглум синуқ, сабрим ўйи худ ерга паст,
Билмагай ҳолим шикастин кўрмаган мунча шикаст.

АЛИШЕР НАВОИЙ

АВЛИЕ:

— Бари бир, жаннат эзгуликнинг ва жаҳаннам ёвуз-
ликнинг макони бўлиши керак!..

ИБЛИС:

— Сенинг ақлинг талаби билан олам биносининг
қонунини ўрнатиб бўлармиди! Шубҳасиз, ёвузликнинг
оллоҳ учун аҳамияти йўқ, зеро ер юзига аллақачон
унинг уруғи сочиб бўлинган!..

«Авлиёлар ҳақида ривоятлар»дан.

Йигирма тўрт йил кейин

У қабристон дарвозасидан ичкарига кириши билан
тўғрига — икки тарафига қатор тераклар ўтқазилган
асфальт йўл адоғидаги янги шийпонга кўзи тушди.
«Хўп яхши иш бўпти-да! Янгисини қуриб кў-ўп савобли
иш қилишипти. Бурунгиси босиб тушай деб қолувди.
Одам чиқиб ўтиришгаям чўчиб турарди», деб муҳокама
юритди, сўнг эса йўлнинг икки тарафидаги қабрларга
кўз югуртди. Қабрларнинг тили йўқ эди, қабрлар сукат
сақлаб ётарди. У шийпонга ёхуд ана шу безабон, беадад
қабрларга томон олиб борадиган йўл билан юрмай,
беш-ўн қадамдан сўнг сўлга бурилди — Далавой гўр-
ковнинг ҳовлиси шу ёқда эди!

То ҳовлига довор чўзилган, шифил-шифил узумини
кўтаролмай эгилиб тушган ёғоч сўри тагидаги чорси
ғишт ётқизилган торгина йўлка билан пастак шамшод
эшик қаршисига келди-да, зулфинини қоқди. Хаёлидан
шу дамда: «Бу кичиккина эшикдан Далавой қандай
қилиб сиғаркин?», деган ўй ўтди, ана шундай ўй ўтиши
ҳамоно Эшик нима бўпти, марҳумлар учун қазиган
гўрининг ичига бемалол кириб-чиқиб юради-ку, деб му-
лоҳазаланди, гўрковнинг исмини айтиб чақирди.

Ҳовлида ит воуллади, занжирини судраб остонага
довур ириллаб келди. Кўп ҳам ўтмай, айвоннинг эшиги
тарақлаб очилиб, кимдир ҳовлиқиб оёғига бир нима ил-
ди-да, уни судраб шувёққа ошиқди. Шамшод эшик очил-
либ, бўсағада ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги ориқ-
қина, захил юзидан сил ёхуд бўлак бир оғир дардни
бошидан кечираётгани сезилиб турган Далавойга ўх-
шаш бўйчан бола кўринди.

У чолга салом берди. Орқасида туриб нотаниш одам-
га қараб ҳуришини қўймаётган сариқ лайчани койиб
хайдади.

Аппон чол боланинг саломига алик олди. Алик олиш
бараварида: «Гўрковнинг қайси бир қизи, янглишма-
сам, тўнғичи эди шекилли, шунинг боши жуда каттали-
гини, одамлар унинг бошига сув йиғилган дейишларини
билардим. Бу ўғлиям нотавон кўринади», деб фикр қил-
ди, ортидан Далавойнинг ўзи бунақамас-ку: хўкизни
урса кулатадиган сиёқи бор. Нега энди болалари бундай
касалвон бўлиб туғилди экан, деб сўзланди, кейин ана
шу мазмундаги ўй кўнглидан кечганини тезда фаромуш
қилиб, ундан сўради:

— Даданг борми? Далавой уйдаими?..

— Бостирмага ўтвоқинг, амаки. Ушаёқда сигирга қа-
рашаяпти, — бола ёшига номувофиқ ингичка, паст овоз-
да ҳовли орқасига ишора қилди, кейин яна оёғи тагига
келиб олиб ириллай бошлаган итининг қорнига қараб
тепди. Ит ангиллаганча занжирини судраб, думини оёқ-
лари орасига суқиб нари кетди.

Аппон чол итга «зўрдан-зўр чиқса, зўр жимиб қолади экан» қабалида қараб қўйиб, бола кўрсатган томонга ўтди.

Ховлининг орқасида таппи қуритиб қўйилган майдон. Майдоннинг этагига қатор қилиб япасқи шотутлар экилган. Уларнинг орқасида дўмпайган-дўмпайган уч-тўртта қабр — Далавойнинг яқинлариники бўлса керак, одатдаги гўрлардан узунроқ ва каттароқ, силлиқ қилиб сувалган. Қабрлар устига ва ён-атрофига тўкилган тутларни чуғурчуқлар чуғурлашиб, бир-биридан қизғаниб чўқилаб ейиш билан овора. Ундан нарида, томига сандал курси, машина баллони, хашак-хушак уйиб ташланган бостирма. Уша ёқдан самолёт тезак аралаш мол шиптирининг қўланса, товукхонанинг ёқимсиз бадбўй ҳидини димоққа олиб келиб урди. Гўрков билан хотини жайдари зотидан бўлган катта қора сигирнинг атрофида куймаланиб, унинг елинига нимадир юборишаётган эди. Бостирма адоғидаги олд тарафига сим тўр тутилган товукхона бўм-бўш. Ҳар тарафга тарқаб ризқ-рўзини териб юрган оқ, сариқ, қора товуклардан икки-учтаси сигир охури тағидаги юзароқ қўтига уйиб ташланган тарвуз палласи, қовун пўчоқлари, шунга ўхшаш сабзавот чиқитларини титиш билан машғул.

Аппон чол йўлка охирига бориб, бир текисда экилган белбаравар атиргуллар орасидан ўтди. Гул танасидаги тиканлар қўйлак-шимидан кириб қўлининг, оёғининг бир-икки ерини тирнади. У эътибор бермади, эътибор бермади эмас, хаёли жойида эмаслиги сабаб сезмади. Кўпдан бери сув оқмайдирган, қақраб ётган ариқдан ҳатлаб, бостирмага рўпара — ковак бўлиб кетган танаси қулочга сиғмайдиган қари тол тағига етганда тўхтади.

Гўрков ҳам, хотини ҳам бегона киши тўғриларига келиб туриб олганини сезишмади. Улар, бетоқатланиб, яғринига ёпишишини қўймаётган итпашшани думи билан уриб, дам бир оёғини, дам иккинчисини кўтаравериб ишга халал бераётган говмишни тинчлантиришга уринишарди.

Аппон чол ўзининг хуфиёна келганига ўнғайсизланди. Эр-хотин тағин бўлак хаёлларга бориб ўтиришмасин деб томоқ қириб йўталиб қўйди.

— Ҳорманглар-ов, Далавой! Ҳа, ука, тинчликми? — дея ҳол сўраган киши бўлди.

Далавой гўрков тол танасига қўлини қўйиб турган Аппон чолни кўрди-ю, унинг бу ерга қай маҳалда келиб қолганидан ажабсинди. Қовоғи очилиб, тўгаракка мойил қонталаш юзи хиёл ёришди.

— Ассалому алайкум, Аппон ака. Келинг, келинг, — деди, қўлидаги узун дори юборгични хотинига тутқизиб, ўрнидан кўзғалди.

Гўрковнинг хотини ҳам Аппон чолга салом берди. У қирқ беш билан элликлар миёнасидаги юзи чўзиқ, рангпар, кўзи қисқиб бўлган чувалчангдай чуваккина аёлнинг саломига алик олар экан, хаёлан мана бу мазмунда сўзланди: «Унинг учун болалари касалвон кўринишаркан-да! Далавойнинг аёли «пуф» деса учиб кетадиган, рамақижон экан!» Шундан сўнг гўрковга юзланиб: — Ишингни қилвол, Далавой, мен шошаётганим йўқ, — деди.

Гўрков тақир бошидаги, ажин босган ботиқ пешонасидаги майда тер томчиларини йўғон бармоқлари билан сидириб, ерга силкиди, қўлини қўлтиғи ва елкаси терлайверганидан шўралаб оқариб кетган энги химарифлиқ кўйлагига арди, бостирма устунидаги миҳга илиб қўйган маргилони дўпписини олиб бошига кийди. Ҳали ҳам бетоқатланишда давом этаётган говмишга ичи ачиётганини бош тебратиш орқали маълум қилар экан:

— Иккинчи марта бир ерга ўйлашиб борадиган бўп-

сан, Қумри, — деди. Хотинига бу мазмундаги гапи ёқманганини, у қисқа, сийрак қошларини чимириб ер остидан унга ғилайланиб қараб қўйганини кўргач эса, тағин ҳам баландроқ, зардали овозда: — Бари бир бугун сут ололмайсан — қон соғаверасан. Шунинг учун, айтганимни қил-да, бор, яхшиси ҳув орқадаги ялангликка обориб боғла! — деб буйруқ берди, кейин Аппон чолнинг ёнига келиб у билан кўришди.

Қумрига эрининг бегона одам олдида уни силтаб ташлаши айил ботса-да, чурқ этмади, унинг амрига итоат этиб, сигирнинг олд оёғи тағида қолган арқонни тортиб чиқарди-да, учини қоқиқдан ечишга киришди.

Аппон чол сигирга бир кор-ҳол юз берганини туйди.

— Ҳа, нима бўлди, Далавой? — деб сўради.

Гўрков сигирнинг узун арқонидан ушлаб толнинг нариги тарафидан олиб ўтаётган хотинига димоқ қилгандай энсаси қотиб боқди. Буни Қумри ҳам сездди. Эрининг авзойи бузилганини кўриб, товукникига ўхшаш ингичка бўйинини қисқиб елкаси орасига олди. Юрайми-юрмайми қабалида оёқларини зўрға кўтариб ташлаётган говмишнинг арқонидан икки-уч бор силтаб тортиди, у ҳадеганда измига бўйсунавермагач, қўлидаги тол хивич билан боши аралаш гарданига туширди. Говмиш ундан норозиланганини билдириб, қабристонни бошига кўтаргудай бўлиб «мў-мў»лади, лекин қадамини тезлатмади, лапанлаган кўйи оғзидан сўлагини оқизиб судралиб кетаверди.

— Сигирни еди булар. Ҳа, ҳа, еди, — гўрков белидаги қизил лас қийиқни ечди, юз-қўлини яна бир сидра артди, Аппон чол гапингга тушунмадим йўсинида ажабсиниб нигоҳ қадаб турганини кўргач эса: — Кўз — тошни ёрар деганларича бор экан, ака. Сигирни икки кун Бўривойнинг хотини соғувди, керосинчи Бўривой-чи, мана буёқдаги қўшним, — деб қабристоннинг ён томонидаги, дарвозаси рўпарасида шотиси баайни замбаракка ўхшаб осмонга қаратиб қўйилган арава турган ҳовлига ишора қилди. — Келинингиз беш-олти кун бурун опасиникига тўйга кетувди, жиянини узатиб, шунинг хотинига ишонибди денг, қизиталоқнинг кўзи бор экан-да! Битта эмчагининг ич томонида без пайдо бўлиб фасод бойлабди. Лаънатини кўрсангиз худди томир дейсиз: икки тарафга тарвақайлаган. Шу йирингни тортиб олиб, мой юбораётгандим. Жонивор ёмон азоб чекяпти ўзиям. «Бунақа челақлаб сут берадиган говмишни энди кўришим», деган гапни қилган экан Қумрига, — ғижинган кўйи қўшиб қўйди у. — Берса нима — дунё берармиди — икки челақка яқин сут беради-да бор-йўғи! Болаларнинг ризқини... Шуни отибди-да мочағар...

Аппон чол гўрковнинг хотинини йигирма-ўттиз чоғли қабр ортидаги сайҳон ерда уйилиб ётган пичан ғармига томон судрай бошлаган говмишдан нигоҳини узмай туриб:

— Тумор-пумор осиб қўймаган экансизлар-да, Далавой, — деди.

— Бўйнида калишминан пошна бўлгучи эди, этикнинг пошнаси, — жавоб қилди гўрков, хотинининг измига юрмаётган сигирдан норозиланганини сездириб бош чайқаб қўйди. — Хотин содда-да, ҳалиги келиннинг кўнглига бўлак нарсалар келиб ўтирмасин тағин деб ечиб қўйган экан. Мени биласиз, Аппон ака, молга қарашни хуш кўрмайман, хуш кўрмайман десам ёлғон бўлар, қўлимдан келмайди, иннайкейин, бу жониворам фақат Қумриндан сўзига киради — тили бир икковининг...

— Ҳа, қийин бўпти жониворга, — қиров оралаган чўққи соқолининг учини силади Аппон чол. Унинг кўркам, нурли юзида, катта-катта ботиқ қўйкўзларида куйинганликка монанд ифода қалқидиким, бундан ҳо-

зирги гапни шунчаки эмас, юракдан чиқариб айтаётганини пайқаш қийин эмасди.

— Дарвоқе, нега бу ерда турибмиз? Қани юринг ичкарига!..— деб ҳовлиси томон бошлади Далавой гўрков.

Аппон чол уни йўлдан тўхтатди. Йўғон, бақувват билагидан тутиб қатъий эътироз билдирди:

— Йўқ, йўқ, бошқа пайт!..

— Бўлмаса шийпонга ўтайлик. Янги шийпонни кўрдийизми? — сўради гўрков қабристон миёнасидаги садага ишора қилиб.

— Дарвозадан кириб келаётганимда кўзим тушди, Далавой. Аммо-лекигин кў-ўп савобли иш қипсан-да! Барака топ, ука. Юртнинг дуосини оладиган бўлсан..

— Чой дамлаб элиб қўйинглар девдим болаларга. Хойнаҳой, обориб қўйишгандир, аччиқ фамил чой..

Аппон чол индамади. Атрофдаги кўҳна-янги, паст-баланд, сағанали-сағанасиз, панжарали-панжарасиз, мақбарали-мақбарасиз қабрларга ўйчан, айни пайда маъюс, ўзини ҳам ўлим кутаётган, ҳаётининг поёни кўриниб қолганини қалбан чуқур англаб етган одамларга хос тарзда кўз югуртириб чиқди-да:

— Бир маслаҳатли иш бор эди, Далавой,— деди. Унинг овози илгаригидай залварли эмасди, овозининг пугури кетган, овози шикаста, дардли эди.

Гўрков Аппон чолни анчадан буён билгани боис, уни бундай тушкун кайфиятда илк бор кўриши эди, шунинг учун ҳам таажжубланди.

— Хўш, хўш,— деди у, унинг олдига ҳам маслаҳат сўраб келадиغانлар бор эканидан бир ҳисобда ичдан мамнунлик ҳис этди.— Қандай маслаҳатли иш экан?..

Аппон чол пича тек қолди. Қулт этиб ютиниб қўйди-да:

— Бизнинг хилхона қаерда эканини биласан-а, ука? —деб сўради.

Далавой гўрков Аппон чол хилхонасини суриштириб қолганига бошида ҳайрон бўлди, аммо кейин: «Ё мени синаш учун бу гапни айтяптими?» деб фикр ҳам қилди. Унинг жавобини кутаётган Аппон чолнинг кўнглига бўлак нарсалар келмасин учун кулиб қўйди. Кулгиси тагида истеҳзо йўқ эканини билдириш мазмунида изоҳ берди:

— Билмасам нега гўрков бўп юриппан, ака!..

— Яхши, яхши...— Аппон чолнинг хаёлидан шу он: «Нима, Далавой чиранаяптими?» деган ўй ўтди, бироқ гўрковнинг ташқи киёфасида мазкур мулоҳазасига асос берадиган бирон белгини кўрмади, шу ваядан ҳам ҳалиги ўринсиз саволидан ўпкалади. «Аммо-лекин ўзининг саволингга ярашиқ жавоб олдинг, Аппон», деди ичида, сўнгра гўрковга юзланиб: — Бўлмаса юр, ўша ёқда айтаман,— деди.

Далавой гўрковни хаёл ўлгур ҳар ёққа олиб кетаверди. Яқинларининг қабрига яшириб қўйган нарсаси бормикин, мени ўша ёққа опкетяпти, деган номақбул ўйгача боришига тўғри келди. Аппон чол гўрков билан олдинма-кейин одимларкан, унинг кўнглидан қандай ўйлар кечаётганини тахминан чамалади. Улар ҳар турли қабрлар орасидаги ўт босган, ёлғизоёқ йўл билан қари сада тагига етиб келдилар. Саданинг қуюқ шохлари ўнг ёнидаги шийпонни ҳам соя қилиб турарди. Гўрков сада ва шийпон оралигидан шалдираб оқаётган чуқур ариқ лабига чўнкайиб юз-йўлини ювишга киришди. Аппон чол аввалгисининг ўрнида қад ростлаган янги шийпонга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Тўрдаги бир учи ёнган бўйра устига тўшалган эски йўл-йўл кўрпачага, шапарак ёстиқча кўз қирини югуртириб: «Ҳа, баракалла!» деди, шийпонни қурган устанинг иши маъқул тушганини, Далавойдан мамнун бўлганини бош силкиш ҳамда самимий

табассум билан сездирди. Йўғон, сертомир гарданини қийиққа артаётган гўрков айбдорларча кўзларини жавдиратиб: «Болалар, чойни нутишибди-ку, Аппон ака», деди. Ҳамроҳидан: «Шунгаям ташвиш чекаясанми?» деган гапни эшитгач эса, «Нимаям қилардик, қани кетдик бўлмаса», деб, ариқдан ҳатлади-да, шийпоннинг орқасига ўтди. Аппон чол унга эргашди. Кўп ҳам юрмай, ўннга бурилдилар. Олдиларини кесиб ўтиб, чилонжий-данинг тагидаги ковакка кириб кетган юмронқозиқ диққатларини ўзига жалб этди: бир-бирларига кулимсираб қараб олдилар-да, икки тарафи бошдан-оёқ гўрлар билан тўлган торгина қиялама йўл билан пастликка, қабристоннинг кунботарига йўналдилар.

Ярим йўлга етганда Аппон чол тўхтади. Шу дамда унинг ранги ўзгарди — дам қизарди, дам гезарди. Чўзинчоқ ва тўгарак миёнасидаги қоратўри юзида ғазаб ўти алангаланди. Йўқ, мазкур ифода қандай тез фурсатда пайдо бўлган бўлса, худди шундай тезда йўқолди. Буни ҳатто гўрков ҳам илғаб улгурмади. Урнини ўкинч аломати эгаллади. Унинг тўхтаганига ва ёввойи дўлана тагидаги сағанаси қора мармардан ишланган ва сатҳига марҳумнинг сурати туширилган, қаровсизликдан анча чўкиб, атрофини ўт-ўлан босиб кетган қабрга термулиб қолганига эътиборини қаратган гўрковга юзланиб:

— Содир аканики. Дадам раҳматлининг ошнаси эди,— деди, «ошнаси эди» сўзини аччиқ киноя билан айтиди, аммо гўрков буни тўғри тушунди. Унинг тўғри тушунганидан Аппон чол бир ҳисобда севинди ҳам, негаки у гапни кўпам чуватишни хоҳламаётганди. Шунинг учун энди киноя билан эмас, анча жиддий, жиддийдан ҳам кўра, ҳеч бир мазмунни бермайдиган қуруқ оҳангда сўзида давом этди: — Дадам раҳматлидан анча кейин ўлди бу киши...— у сағанадаги ёзувга тикилган кўйи хийла тек қолди. Ҳеч қутилмаганда, инон-ихтиёрига қарши ўлароқ мана бу жумлани қўшимча қилди:— Абдаз ҳам мендан кейин узилади...

Далавой гўрковни унинг сўнги гапи ўйлатиб қўйди, ўйлатиб қўйибгина қолмай ажаблантирди. Аппон чол унинг ҳайрат бармоғини тишлагудай бўлиб анграйиб қараб турганини кўргач эса: «Қани, кетдик!» деди-да, жойидан жилди. Гўрков «ҳеч нимани тушунмадим» йўсинида елка қисди, сағанадаги суратга назар солди-да, сўл оёғини бир тарафга ташлаб унга эргашди.

Улар қабристоннинг кунботар қисмига етиб келдилар. Қор-ёмғирда нурайверганидан туянинг ўрқачига ўхшаб паст-баланд бўлиб қолган узун гувалак девор анча олисда эса-да, унинг ортидан оқиб ўтадиган сойнинг салқини шу ерга ҳам етиб келганини ҳар икковлари ҳис қилдилар. Адил тераклар, қайрағочлар, акасларда туриб сайраётган майна, ҳакка, чуғурчук, чумчуқлар қабристоннинг оромини бузар ва бу билан гўё унинг ғалати, ёқимсиз сукунатига халал бераётгандай бўлардилар. Ҳар қалай, Аппон чол учун ҳам, Далавой гўрков учун ҳам шундай туюлганини уларнинг тепага — дарахтларга алланечук қизиқсиниб қараб олганликларидан сезиш мумкин эди.

Аппон чол бедана юриш қилиб гўрковнинг олдига ўтиб олиб, йўл бошлади. Таниш ва нотаниш одамларнинг гўрлари ёнидан ўтиб, қабристоннинг этак томониغا тобора яқинлашдилар. Аппон чол фақирона сағанасига «Норхол Суюнбой қизи» деб ёзиб қўйилган ва шу йилнинг кўкламида дунёдан кўз юмгани қайд этилган қабр тепасида тўхтади. «Наҳотки Шокирнинг биринчи хотини бўлса? Наҳотки ўша?! Унинг исми Норхол эмасди шекилли? Йўқ, Норхол эди! Ҳа, ҳа, Норхол!.. Отасининг исмиям Суюнбой эди, Суюнбой мироб! Булар асли чувалачилик эди...»

Унинг қабр тепасида ўй суриб қолганини кўрган Далавой гўрков сўради:

— Танишингиз эдими, Аппон ака?..

— Ҳа, ҳа, танишга ўхшаяпти,— серажин кенг манг-лайнни, томирлари бўртиб чиққан чаккасини қашиди Аппон чол.— Шокир деган ошнам бор, хончорбоғлик, шунинг биринчи хотинининг исмиям Нурхол эди, отасини Суюнбой мироб дейишарди! Чувалачилик эди булар асли...

— Қаерданлигини билмайман-у, Аппон ака, аммо бу бечорани мошина уриб кетган деб эшитиб эдим,— деди Далавой гўрков.— Мошинанинг тагида қолиб ўлган экан раҳматли.

— Ҳа, ёмон бўпти. Жуда ёмон бўпти.

Улар бирин-сирин йўлга тушдилар. Аппон чол шу лаҳзада ўзининг бутун ташвишларини фаромуш қилган, фикри-зикрини ҳалиги гўр банд этганди. Ҳақиқатда у ўша Нурхолники бўлса, ўша Нурхолники эканига эса шубҳа қилмаётганди, албатта унинг ўлиmidан Шокир баззоз хабар топган бўлишини ва бу машъум воқеа ошнасига таъсир кўрсатмай қолмаслигини тасаввур қилди-ю, шунча пайтдан бери унинг ҳолидан хабар олмаганига афсусланди.

У хилхонасига қандай қилиб етиб кеганини сезмади.

Бу ердан на фақат сувнинг салқини келар, балки унинг шовқини ҳам яққол эшитилиб турарди.

— Бизникилар жуда баҳаво жойда ётишибди-да, Далавой,— деди Аппон чол анча жимликдан сўнг, отабоболарига ҳавас қилгандай оҳангда.

Далавой гўрков мийиғида кулди.

— Улгандан кейин баҳаво жойда ётдинг нимаю бошқа ерда ётдинг нима!..

Аппон чолга гўрковнинг мана шу гапи ёқмади, аммо ёқмаганини айтмади, фақатгина нигоҳи орқали сездириб қўя қолди.

У офтобда қовжираб, сарғайиб кетган ёвшан, бурган, янтоқ, қоқиўт, қичитқига ўхшаш ўт-ўланларни босгани сайин уларнинг орасидан оқ чивинлар, майда сариқ, қора чигиртлик учиб чиқар, сакраб бошқа ерга кўнарди.

Улар тўрт тарафи катта панжара билан ўралган ва атрофига атиргул, гулсапсар, наъматаклар ўтқазилган тўртта катта ва яна битта кичиккина қабр тепасига келишди.

— Бизнинг ота-боболар сағанани ёқтиришмаган. Ётганимизда елкамизга юк бўлмасин дейишган. Йўқса, сағанана ўрнатишга қурбим етадику-я, Далавой! — тушунтирди Аппон чол, хаёлидан эса: «Бу билан нима демоқчисан? Узингни оқламоқчи бўляпсанми ёки мақтаняпсанми?!» деб муҳокама юритди, муҳокама юритдию Йўқ, йўқ, бундай демоқчимасдим... бундай ўй миямга Содир аканинг гўри устидаги фалон пуллик сағананага кўзим тушганда келди шекилли, шунга қора мармар қўйишибди-ю, аммо Аппон ака ўз отасига оддий тош-нияма раво кўрмабди-да, бошқа ақинлари майли энди, деган ўй Далавойнинг кўнглидан ўтган бўлиши мумкин, деб тахмин қилганим учунам унга шундай деб юбордим, деди, яна ортидан, Авваламбор тахминингни ўзи ноўрин, тахминингни дастмоя қип олиб ҳалиги гапни гапиршинг унданам ноўрин-да, мусулмоннинг иши эмас, деб хулосаланди, хулосаланиши ҳамон юқоридаги номатлуб сўзларидан изза тортиди.

— Тўғри айтасиз,— унинг ноқулай вазиятга тушганини англади гўрков.— Лойминан сомон бериб яхшилаб суваб турилса бўлди-да, Аппон ака. Манави панжара бўлмаса майли эди.

Аппон чол бетидеги бир парча мармар лавҳага бу ерда ётган марҳум ва марҳумаларнинг исми-шарифи, туғилган ва вафот этган йиллари қайд этилган панжара-

нинг эшикчасини очди. Аввал у, ортидан гўрков ичкарига кирди.

— Анови ерда отамлар ётибдилар, Далавой,— у хижолатпазликни тезда унутиб, тўрдаги қабрни қўли билан кўрсатди.— Отамларни билмасанг керак. У кишини дадан раҳматли яхши билардилар, аммо-лекин бошқача одам эдилар. Уларнинг аёллари, яъни биби-миз, Комолон дарвозадаги Хўжа Аламбардорга кўмилганлар. Ёлғиз қолмасинлар деб онамиз раҳмат-линиям биби-мизнинг ёнларига қўйганмиз. Отамнинг ёнларидаги гўр амакимизники, мановида опоқимиз ётибдилар. Уларнинг ёнларида ожизалари дафн этилган. Бунисини биласан— падари бузрукворимизники... — у юқори-қуйи дўмпайган тўрт қабрдан берироқда— беш-ўн йил бурун ўтқазилган бодом тагидаги қабрга ишора қилди.— Дадамни сен ўзинг ерга қўювдинг, эслайсанми? — деб сўради, гўрков «ҳа» деган маънода бош тебратиб қўйгач эса: — Ушанда чиллақдай йигит эдинг, Далавой, эндигина даданнинг фотиҳаларини олиб иш бошловдинг,— деди, ёш гўрковнинг отасини ерга қўяётгандаги қаққон ҳаракати кўз олдида тажассумланди. «Бу йигит намунча шошмаса? Ё дадамни лаҳадга жойлаб чиқиш унинг учун шарафми? Худди ҳавасга кўмаётгандек тупроқ тортади-я!» мазмунида хаёл қилгани худди кечагидай ёдида, кейин, ўша пайтда бундай ўй на фақат унинг, бошқа бировнинг ҳам дилдан ўтиши табиийдек кўрингани важи ўзини койиб ўтирмади, «чиллақдай йигит эдинг» деган сўзлари йўлатиб қўйган Далавой гўрковга: — Мана шу ер, ука, яна бир қабр учун жуда боп экан-да, а? — дея, отасининг оёқ тарафидаги бўш жойни назарда тутди. Гўрковнинг «ана шунинг учун бошлаб келганимизни сезувдим» йўсинида кулимсираб, дўрдоқ лабини тишлаб бош силкитганини кўргач эса, анча ўнғайсизланди, уни чалғитишга ошиқиб: — Қани, манов ерга ўтирайлик-чи, тиловат қилволайлик аввал,— деб, ён тарафдаги, панжарага тақаб ишланган, уч-тўрт қишга мўлжалланган ўриндиққа бориб омонатгина ўтирди.

Далавой гўрков оёғини баҳона қилиб унинг рўпарасига— ҳалиги бўш ерга кетини қўйди. Аппон чол қуръон тиловат қилди. Гўрков унинг тиловатига сомэ эканини билдириб, бўйин эгиб, юзига фотиҳа тортиш тадорикини кўриб ўтирди. Аппон чол ўқиган қуръонини ота-боболари, яқинлари, таниш-нотанишнинг руҳига бағишлади. Гўрков ҳам унинг тилагига қўшилишди.

Орага жимлик чўкди. Жимликни Аппон чол бузди.

— Тунов кун де, Далавой, дадам раҳматлини туш кўрсам-да! Ғалати туш,— кулимсиди у, кулгиси зўрма-зўраки чиқди, ана шу зўракиликни унинг ўзиям ҳис этди.— Ҳовлимизга киргансан-а, Далавой? Кирган бўлсанг, сўри тагида супа бор, эслайсанми, ҳовли тўрида. Шу супада ўтирганмишлар. Дадам раҳматли ёшликларига жуда чиройли киши эдилар: тик қомат, қоматларига мутаносиб кенг елка, тўгарак юз, қирра бурун, қуюқ қора соч, қора қош... хуллас, янаям чиройли бўп кетганмишлар. Сочлари қиртишланиб олинган, бурни-лари остидаги мош-гуруч мўйловларини кичиккина чўққи соқоллари эътибор билан қайчиланган... Энгилларида тоза қаламидан ёзлик қўйлақ-иштон, елкаларига, тер артарга шекилли, оқ лас қийиқ ташлаб қўйганлар. Лекин бошларида қора баҳмал дўппи дегин. Дадам қора баҳмал дўппи кийганларини ҳечам эслолмайман, фақат, меникига ўхшаган кўк,— бошини ушлаб қўйди у,— ё бўлмаса яшилани киярдилар. Оёқларида кавуш ўрнида пучуқ калишмиш. Ўзлари ниманидир ўйлармидилар ё хомуш кўринармидилар, шу ҳечам фарқлаёлмаяпман-да! Ғалати манзара, Далавой. Тўғриларига— пойгакка кўрпача солдириб, мени ўтирғиздилар. Маслаҳатли иш

бор, дедилар. Нима иш экан десам, менинг ёнимга ўтгин, дейдилар. Сезяпсанми, Далавой, дадам мени шу ерга чақиряптилар...

Гўрков Аппон чолнинг сўзларини диққат билан эшитди. Юз-кўзларини деярли ўзгартириб содир бўлмади. Аппон чол «Гўрков нима деркин» қабилда оғзига тикилди. Далавой унинг юзидаги маънони уққани боис:

— Қўйинг-е, ака, ҳали кўп йил яшайсиз! Улик кўрса тирик кўради деган гаплар бор-ку ахир! — деб таъбирлади.

— Йўқ, Далавой, дадам мени чақирдилар, қўлимга сув қўйиб турасан, дедилар. Қизиқ, у киши бизникига от миниб келдилар-а, бедав от. Уям супа атрофида ўйноқлаб юрувди... Лекин, Далавой, беш-ўн кун бурун ғалати ҳодисанинг гувоҳи бўлувдим. Дадам раҳматлидан анча китоблар қолган. Шу китоблар сақланадиган уйга арвоҳ капалак кеп ёпишиб олганди, уй деворигада, осифлиқ турган Қуръон тагига. Жуда чиройли арвоҳ капалак... Супа атрофида айланиб юрган бедавда ўшанинг қаноти бормиш-да!..

— Тушда одамзодга нималар кўринмайди дейсиз?! — гўрков унга далда беришга берди-ю, бироқ ҳикоясидан ўзи ҳам ғайриихтиёрий равишда сесканиб кетиб, баданида чумоли ўрмалагандай бўлди. Аппон чолнинг сўзларида жон бордай эди. Шу баробарида чол ҳали тетикдай, ҳали уни ажал ўз домига тортишига эртадай туюлаверди. Унга, Аппон чол, нохуш тушидан кейин ваҳима гирдобига ўралашиб қолгандай кўринса-да, унинг бу нарсаларни ўта хотиржамлик билан сўзлаётганидан ажабсинди. Шу боис: «Аппон аканинг бу қўйга тушишида бўлак бир сир бўлиши керак», деган хулосага келди.

— Шундайликка шундайку-я, Далавой, лекин... лекин... — Аппон чол жим қолди, дилидагини тилига кўчирмади, аммо дадасидан эшитган юқоридагига ўхшаш воқеани қисқача баён қилди: — Дадам раҳматлиям қазо қилмасларидан бурун тушларида отамни кўрганаканлар, — деди у, сўнгра тўрдаги қабрга шама қилди. — Атҳамбой отам кириб чиққанаканлар тушларига...

— Ундай дейдиган бўлсак, Аппон ака, менам неча марталаб отамни, онамни, таниш-нотанишларни кўриб чиқаман. Мана шу қўлларим билан кўмилган нечта одамлар кириб чиқади тушларимга! — дея йўғон-йўғон бармоқларининг икки-учтасида тирноғи кўчган, қадоқ босган рапиддадек кенг кафтини у ён-бу ён айлантирди.

— Сеники бўлак гап, Далавой. Сен касбинг тақозосидан кўриб чиқсанг ажаб эмас, илло меники бошқача... — Аппон чол ўлимини нега бунчалар ишонч билан башорат қилаётганининг асосий сабабини айтмоққа тараддуланди-ю, лекин ўзини базўр тўхтатиб улгурди. Гўрковга бу гапим ҳам эриш туюлади, деб фикр қилди.

Далавой гўрков ортиқ уни юпатиб ўтирмади. Истеҳзоли кулиб қўя қолди.

Аппон чол ҳам ҳадеганда бир хил сўз билан гўрковнинг жиғига тегаверишини бас қилиб, уни хилхонасига бошлаб келишдан мақсадини ошкор этди:

— Мана шу ерга бир гўр қазиб қўйсанг, Далавой!..

Далавой гўрков ажабланмади. Зеро, чолнинг гапни айлантиравериши охир-оқибат шу юмушни гарданига юклаш билан яқунланишини яхши сезганди. Шунинг учун ҳам бўртиқ ёноқли қонталаш юзини бош ҳамда шаҳодат бармоқлари билан пайпаслаган қўйи пича тек қотди. Охири мана бу баҳонани дастак қилиб боқди:

— Тирик одамга гўр қазиб мумкинмас-да, Аппон ака. У илгарилари эди.

— Нега мумкин эмас?

— Қонун йўл қўймайди.

Гўрковнинг қонунни пешлаши унинг касб-корига

ярашмади. Гўрковнинг қонунни пешлаши Аппон чолга айил ботди.

— Менга қонунни пешлама, ука!..

Далавой гўрков унинг жаҳли чиқа бошлаганини сезди, шунинг учун ҳам сал пастдан келиб тушунтирди:

— Улганлик ҳақида дўхтирдан, ЗАГСдан қоғоз керак бўлади.

— Мачиткўчадаги Соҳиб Содиқзода қайси дўхтирдан қоғоз опкепти, а Далавой? Уям бундан ўн йиллар бурун қазиттириб қўйганди. Мана ўзи ҳалиям ҳаёт.

— Унинг йўриғи бўлак. У ҳукуматнинг одами, Аппон ака.

— Ҳа, рост, тўғри айтасан, — анчайин тушкун кайфиятда унинг сўзларини маъқуллади Аппон чол. — Биз ҳукуматга ўғаймиз — у, гўрков отасининг қамалиб чиққанини назарда тутмаётганига, буни шунчаки бир айтиб қўйганига имони комил эса-да, ичдан зил кетаверди, кўнглининг бир чети ғашланиб, Далавой шунгаям шама қияпти, деб муҳокама юритишгача бориб етди. Шундан сўнг, Ғалаба байрами арафасида урушда яраланганлардан бир қанчасини район ҳарбий комиссариютига чақиртишганини, Чуқурсойдан у билан Абдулазиз ҳам шулар орасида бўлганини, ҳаммалари иккинчи қаватдаги энсиз йўлакда турнақатор тизилишиб турганларида каттасининг хонасидан узун рўйхат билан қайтиб чиққан малла лейтенант бошқаларни бирин-бирин ичкарига таклиф этганинию навбат Аппон чолга етганида қўлидаги қоғозга қараб ўйга толганини ва ниҳоят: «Сизни эса, Атҳамбоев Аппон, майор Қаҳрамонов бошқа куни чақиртирадилар», деб муҳал жавоб қилганини, ортидан кўнгил кўтарарга бўлса керак, «Ҳа, ҳа, яна битта группамиз бор, мукофотланадиган, шулар билан чақирамиз», деб қўшиб қўйганини; у, яъни Аппон чол ерга кириб кетгудай аҳволга тушиб хижолатланганини, шу баробарида қайтиб ичкарига йўналган лейтенантга томон норозиланиб қараб қўйиб: «Авваллари ҳеч йўқла-масдилар-ку! Нега шу сафар чақиртириш зарур бўп қолдикин буларга?!» деб ажабланганини, сўнг эса, уруш йилларида ҳам у кўп маротаба мукофотга тақдим этилганини-ю, бироқ ҳужжатлари юқоридан қайтиб келаверганини ўйлаганини, мазкур ўйи таъсирида: «Бир пайтлар «халқ душмани» қилинган одамнинг ўғлига ҳукумат орден берармиди?!» мазмунида ҳукм чиқариб уйига қайтганини хотирлади. Кейин, анчагача, ўша куни ўзини кўрмаган, аммо бир марта турқи-тароватини кўриб қўйишни орзу қилган майор Қаҳрамоновнинг қилиғини эслаб сиқилиб юрди, охир-пировардида: «Урушда ҳалол курашиб келганимни булар билмаса худо билади-ку!» деб ўзига-ўзи тасалли берди, тасалли беришга берди-ю, лекин Абдулазизнинг, сенинг ошанганман деб юрган Абдулазизнинг, у билан кўп жангларда бирга бўлган, неча ўлимга рўпара келган, уруш тугагач юртга бирга қайтган Абдулазизнинг Ғалаба куни телевизорга чиқиб айтган гапини сира унутмади, унутолмайди ҳам...

— Сиз айтаётган Соҳиб Содиқзода, Аппон ака, Чигатойдаги мазорга қазиттирган-ку?!

— Нима, бизнинг Ибройим ота мазори — мазор эмасми, Далавой? — жавоб қилди Аппон чол, гўрковнинг баҳонасига у қадар аҳамият бермагандай овозда. Хаёлини боз Абдулазиз банд этаверди. «Аппон телевизор кўрмайди деб ўйлаган шекилли», деб муҳокама юритди, муҳокама юритдию Бутун юртга қараб туриб ёлғон сўзлади-я!.. Ахир, ўшанда, Минск яқинида, Молдахматни, Сакенни у эмас, Шокир икковимиз судраб опчиқувдик-ку! Қолаверса, у хушсиз эди. Унинг ўзиниям медресачистга Шокир элтиб қўвувди шекилли. Яна ҳеч андиша қилмай: «Ошнам Аппон Атҳамбоевни опичиб

медсанчаствга элтиб кўйдим», деди, ҳеч бир мулоҳазасиз, ҳеч бир хижолатланмай шундай деди-я! Тагин нима деди? Тагин бир ўзим учта «тил» ушлаб частга опкелдим, дейдими? Ахир бир ўзи учта «тил» ушлоларканми? Нима, душманни аҳмоқ деб ўйлаётими? Учтаси унга ўзини ушлатиб кўярканми?! Оғир яраланиб ётганлариниям «тил» ўрнида қабул қиляптими?! Уларнинг нимаси «тил» бўлсин?! Ойнаи жаҳондан туриб одамларни ўз гапига ишонтирмоқчи бўлди-я!.., деб ичида сўзланди, вужуди ўртангандан-ўртанди. Қирқ учинчи йилда Матвеевка яқинида қуршовда қолишганини хотирлади. Уларнинг полклари ўттиз тўққизинчи армияга бориб қўшилганди. Мақсад қуршовни ёриб чиқиш эди, лекин бу осон иш эмасди, устига-устак ёз охираб, кузнинг рутубатли кунлари бошланганди, ёмғир кетидан-ёмғир уриб беришини кўймасди. Беш-ўн чоғли одам азоб-уқубатларга бардош беролмай ўзини отиб кўйишгача бориб етганди. Яна бир неча йигит терлама билан оғриган, бутун бошли полкдан бор-йўғи қирққа яқин жангчи қолганди холос. «Қуршовдан қандай бўлмасин чиқиб кетиш илинжида ўн кунлар ўрмонда санқигандик, оч-яланғоч», деди у, кейин очликка ҳам чидолмай ўзларини нобуд қилганларни эслашга тутинди. «Ахир, ўшанда, Абдаз ҳам кўлига отганди-ку, ўзини-ўзи яримта қилиб, шу йўл орқали урушдан омон-эсон қутулиб кетмоқчи бўлмаганмиди? Яхшиям ўшанда Молдахмат кўпларнинг жонига ора кирди. Қаердандир ориқ бир отни топиб келиб сўйди, йўқса, дуч келган дарахт пўстини шилиб еявериб, дуч келган ўт-ўланни чайнайвериби йигитларнинг оғзини чақа босиб кетувди, қанчасининг ошқозони ишдан чиқувди...»

Далавой гўрков Аппон чол қаерда эканини фаромуш қилиб хаёллар дарёсига шўнғиб кетганини кўрди-ю, томоқ қириб йўталиб қўйди.

Аппон чол ёнида одам бор эканини, қабристонда ўтирганини унутаёзганидан қаттиқ ноқулайлик ҳис этди. Узоқ хўрсинди.

— Менинг гапим ерда қолмасди, Далавой. Кўплар кулоқ соларди менга. — Унинг сўзлаш тарзидан гўрковдан ранжиётгани яққол сезилиб турарди.

— ...

— Кампирнинг бир ўзига қийин бўлади. Куёвлар, бари бир, ўғил ўрнида ўтмас экан, ука.

Аппон чолнинг зорлангандай оҳангда сўзлаши гўрковга ғалати таъсир этди. Кўнгли юмшаб, катта пучуқ бурнининг учи ачишди.

У пича ўйламосираб турди-да:

— Нимаям дердим, майли. Карнайчидан «пуп» дегандай гап-ку-я! — деди.

— Шундай қилгин, Далавой, — гўрковни кўндиролганидан кўнгли ўрнига тушди Аппон чолнинг. — Мана шу ердан қазигин, хўпми? Кенгроқ қип қазми — ёнбошлаб ҳам ётиш имкони бўлсин!..

Гўрков кулиб юборди. Бир томондан шу дамда Аппон чолнинг кўнглига ҳазил қилиш сиққанидан кулса, иккинчи томондан унга, яъни гўрковга қаттиқ гап айтиб юборгани важи шу мазмундаги ҳазилни атайдан кўшиб қўйганини фаҳмлагани учун кулди.

— Гуласан-а, Далавой? Бир кулгили гап айтиб берайми? — деди Аппон чол, ўзи эса кулмади, ташқи авзойи ҳозиргига нисбатан янаям аянчли тусга кирди. — Хабаринг бор, ука, унча-бунча бедана боқиб юраман, — у аслида «бедана уриштириб юраман» демоқчи бўлганди, шундай демай юқоридаги жумла билан кифояланди, — беданани шунчаки эрмакка боқаман, Далавой, — у бу сўзларни ҳам бўлакча ифодалади, зотан «бедана уриштирган бўлсам шунчаки эрмакка уриштирганман» дейишни кўнглига тукканди, — ундан бойишни сира

ўйламаганман, — у «уни уриштириб бойишни сира ўйламаганман» дейишни мўлжаллаганди, лекин нима учун ўзи ўйлагандай эмас, сал бошқача сўзлаганига ҳайрон қолди, дарвоқе, гўрков, ўзининг бедана уриштиришини мансаб деб билипти Аппон чол, деб ўйла-маслиги учун ҳам шу йўсинда таъбирлай бошлаганди: — Худо ҳаққи, қизиққанам учун боқаман, қизиққанам учун уриштириб тураман, — у руст сўзлаганидан сўнггина хийла енгил тортди. — Бир кунни Абдаз ҳовлимизга кеп қолди, ошнам Абдаз, — у шундай дегани учун ўздан ижирганди, негаки Абдулазиз қирғин-барот уруш воқеаларини ёлғон сўзлаб ошначилиklarини оёқости қилганди. — У нима дейди дегин? Сенинг сариғинг билан уриштирадиган бир туллагим бор, дейди. Менда бир ғалати бедана бор, сариқ бедана. Кўкбел атрофидаги козоқнинг даласидан тутиб келганман, ўтган кўкламда. Беданамисан бедана ўзиям, кураги ерга тегмаган, — ўзининг ўхшатишидан кулимсиди Аппон чол. — Шунимни енгди унинг туллагим, — бу сафар юзида истехзоланишга монанд белги қалқиди, — уни қара, Далавой, у юртга Аппоннинг сариғини макиён билан енгдим деб ёлғон тарқатибди. Топган гапини қара! Юртам содда экан — алдам сўзларига инонганлар бўлди. Лекин, Далавой, ўзинг тананга ўйла, ҳеч замонда макиён уришарканми? Аслида Анормат бор-ку, — деб қабристондан ярим, бир чақиримча нарида қад ростлаган тепаликка томон қараб олди, — эски тегирмоннинг ўрнини сим тортиб ўраб олган Анормат, шу Абдазга куёв бўлади. Ҳа, ҳа, ҳайрон бўлма, Абдазнинг эрдан қайтиб келган синглизис Салтанатга уйланган. Хабаринг бор, неча йилдан бери Анормат сўққабош эди. Абдаз ўртада туриб синглизисни оверди, тўрт-беш йил бурун... Ана шу Анорматнинг туллагим билан енгган экан... Қаердан билдингиз дейсанми? Бағиш айтди. Болаларни алдаб лойхуштак сотиб юрадиган Бағиш лўли. Хотинини Салтанат чақирган экан, билмадим фол очиргани шекилли, шунда Абдаз билан Анорматнинг суҳбати кулоғига чалиниб қопти. Уни оқизмай-томизмай эрига кеп айтибди. Бағиш ғойибдан худонинг ўзи етказди-ку, деган бўлса керак-да, эшакаравасига ўтириб, ҳовлиқиб Абдазникига кепти. «Бу шумликларингни Аппон акага айтиб бераман!», деган гап билан уни тоза кўрқитибди. Абдазнинг ўтакаси ёрилаёзибди. Пора бериш эвазига шу воқеани сир сақлашга Бағишни кўндирибди. Лўлининг мақсади шу экан-да аслида! Боя айтдим-ку ахир, худо ғойибдан етказди, деб суянганини... Буёғини эшит энди. Абдаз ваъдасида турмай, эрта кел, индин кел, деб Бағиш шўринг курғурни тоза сарсон қипти. Ваъдасидан эса дарак йўқмиш. Охири нима қипти дегин? Охири уйдан ўттизта ёғ шиша кўтариб чиқибди, шара-барачи шу билан алданар деб ўйлаб. Бағишники тутиб кетиб дино... «Менданам ўтиб тушган қурумсоқ экансиз, суф сизга-е!», деб, ёғ шишаларни унинг ўзига отиб урибди Бунименга унинг ўзи келиб айтиб берди, — у «Бағиш келиб менга гуллади» дейишни ўзига муносиб билмади яна ижирғангандай қиёфага кирди. — Обба шайтон дей! — деди, бу сўзни жуда аччиқ киноя билан айтди аммо бу киноясини ҳам гўрков англолмади, уни юқоридаги сўзлар ўйлатиб қўйганди. Аппон чол унинг англолмай қолганидан бу гал ҳам севинди, зеро, ошнасини мазах қиляпти Аппон ака, деб ўйлаши мумкин эди-ди Далавой гўрков. — Макиён билан енгдим деб уйдирми гап тарқатибди-я, калтафаҳм, — у бу жумлани енгини койигандай тарзда талаффуз этди. Ичида эса: «Аппонни медсанчаствга елкамда опичиб обордим», деб обрў орт ўтирмоқчи бўлдимми? Ҳа, ҳа!.. «Беданасини макиён билан енгдим!» деб юрт ўртасида обрўсизлантиргандай бир гап-да! Хўжаали — алихўжа... Лекин нима учун қариганди

да бу ишни қияпти? Ё умр бўйи шундай иш қип келгану мен сезмаганмикиман? Наҳотки шундай бўлса?.. Ўзимнинг дардим ўзимга етарди-ку!..», деб мулоҳазаланди, кейин гўрковга қаради. Далавой айни дамда Аппон чолдан бир нарсани сўрагани-ю, аммо Аппон чол ҳам ўз навбатида нимани сўраганини пайқолмагани. Шу вайдан «саволингни қайтар» мазмунида гўрковга нигоҳ қадади.

— Нега бу ишни қилдйкин, Абдаз ака? — сўради Далавой гўрков, Аппон чолнинг ҳалиги Содир ота деганнинг қабри тепасида туриб айтган ушбу сўзларини эслади: «Абдаз ҳам мендан кейин узилади!» Мазкур жумла билан юқоридаги гаплари орасида қандайдир боғлиқлик кўрди, аммо бу боғлиқлик у қадар эътибор берарли туюлмади, шунинг учун ҳам унга диққатини қаратганини тезда фаромуш қилди.

— Ҳайронман, — Аппон чол ўзининг ҳайрон эмаслигини айтишни лозим топмади. Сўнгра қўшиб қўйди: — Ҳазиллашгиси келгандир-да!..

Далавой гўрков «бу баҳонамас-да энди» дегандай унга боқди.

— Обба Абдаз ака-е! Хўп ғалати иш қипти-ку, а? — деди.

— Ғалати иш, ғалати! — унинг гапини маъқуллади Аппон чол. — Ғалати бўлмаса сўзлаб ўтирармидим, — у анчагача жим қолди, кейин тиззасига шаппатилаб урди. Бу ҳаракати орқали «қани, турамизми?» ишорасини қилган бўлди.

— Менам тиловат қиворай, — деди Далавой гўрков.

— Яхши бўларди, — севиниб кетди Аппон чол, юзига фотиҳа тортиш тадорикини кўриб қўлларини жуфтлади. Гўрков қуръон ўқиди. Уни марҳумлар руҳига бағишлади. Бу сафар Аппон чол унга соме эди.

Ҳадемай улар шийпон рўпарасидаги асфальт йўлга чиқиб бордилар.

Аппон чол бир нарса эсига тушгандай кўйи:

— Айтмоқчи, Далавой, — дея ёзлик кулранг халатининг киссасига қўл суқди. Чарм ҳамёнини чиқариб ичидан иккита йигирма бешталик суғуриб олди. Уни гўрковга тутди: — Мановини опқўй, ука..

Далавой гўрков аввал пулга, ундан эса Аппон чолга ола қараш қилди. Қўлини итариб ташлади.

Аппон чол «Далавой эллик сўмни назарига илмади» деб ўйлаб:

— Нима, камми? — деб юборди.

Гўрков бароқ қошларини чимирди. Қонталаш бети янаям қизарди.

Аппон чол ноқулай аҳволда қолди. Ўзининг паст кетганидан азият чекди.

— Ҳай, майли, эртага хабар оламан-ку! — деди, хаёлан эса: «Ана ўшанда берсам хафа бўлмайди, ҳозир пул чиқариб чакки иш қилдим», деб фикр юритди. Пулни қайтариб ҳамёнига солди. Бошқа киссасидан носқовоғини олди. Бир чимдим носни бурушиқ кафтига тўқди-да, уни тилининг тагига отди. Гўрковга «чекасанми» дегандай илтифот билан носқовоғини тутди, у: «Йўқ, нос чекмайман», дегач эса, «илгарилари чекардинг-ку» қабелида таажжубини ифодалаб, кўз, қош, лабини қимирлатди, носқовоғини киссасига қайтарди.

Улар қабристон дарвозасидан ташқарига чиқдилар.

Аппон чол юпқа ва қалин оралиғидаги қурушиқ лабини чўчқайтирди.

— Мен буёқдан кетаман, — деб пастликдаги овлоқ йўлга ишора қилди.

— Текис йўл қолиб-а? — ҳайрон бўлди гўрков.

— Анорматдан нос олволмоқчийдим, — жавоб қилди Аппон чол, оғзидан нос араш сўлак отилди.

— Ҳа, ундай бўлса шўёқ яқин.

Аппон чол гўрков билан хайрлашди-да, сўлга бурилди. Йигирма-ўттиз қадам наридаги тош зина билан пастликка тушиб кетди.

Гўрков ҳам узоқ турмади, Аппон чол зинага етар-етмас ортига қайтди.

Пастликдаги камқатнов, тор, ўнқир-чўнқир кўча қабристоннинг орқасига — сойнинг йўлига олиб чиқарди. Сой билан қабристон оралиғида бир арава сифарли йўл бор. Бу йўлнинг бир боши сой биқинидаги ташландиқ қамишзорга, иккинчи боши эса тепаликнинг ортидаги руҳий касалликлар шифохонасига олиб борарди. Аппон чол ана шу йўлга чиқиб олди. Чуқурсойнинг бу этаги одамлар эътиборидан четда бўлгани боис қабристоннинг гувалак девори нураб ётар, ҳатто толзорга яқин бир жойи шу қадар ўйилиб тушгандики, у ердан бемалол ичкарига сакраб тушиш мумкин эди. Аппон чол толзорга етганда бундан ўн кунлар бурунги бир воқеа ёдига тушди. Ўшанда у самовардан кеч чиққан, йўл-йўлакай Анорматникидан нос олиб, шу овлоқ кўча билан уйига қайтаётганди. Қатор толлар савлат тўкиб турган ерга келганда, қабристон ичида, деворга яқин ерда эркак одамнинг дўриллоқ овозио унга жавобан аёл кишининг ҳиринг-ҳиринг кулгиси қулоғига чалинди. Кейин, бирдан, овоз ҳам, кулги ҳам таққа тўхтади. Улар биров толзор яқинидан ўтиб кетаётганини сезгандилар. Бу биров — Аппон чолнинг юраги товонига тушиб кетгандай бўлди. Негаки, у эркакнинг овозини таниганди. Овоз Бўривойники эди. Аёлнинг кулгисини эса, нима учундир, Салтанатникига ўхшатди. Аммо, кейин, кўз билан кўриб, қўл билан ушлолмагани сабаб, бировга тўхмат қилаётгандай бўлиб туюлаверди. Шу вайдан ўз мулоҳазасидан изза тортиб, нохуш воқеани фаромуш қилишга уринди. Мана ҳозир ярмига довуру нураб тушган девор ёнидан ўтар экан, боз ўша кунги воқеа хаёлини банд этди. Аёлнинг кулгисини яна Салтанатникига ўхшатаверди. «Қўй-э! Бу бемаъни хаёлни каллангдан чиқариб ташла! Анормат ҳаммани қўйиб хотинини кечқурун кўчага чиқарарканми? Келиб-келиб Бўривой билан дон олиштириб қўярканми?!» деб муҳокама юритди, кейин қабристондан оқиб чиқиб, толзор орқали унинг орқасидаги кичиккина сайхон ерга ўтадиган ариқдан ҳатлаб, сой ёқалаб ярим чақиримча юрди. Сўлга бурилиб, ёлғизоёқ йўл билан Анорматникига тушиб бормоқни кўзлаб турганди, ўнг томондан йигирма-ўттиз метр наридаги, бир ёни сойга туташган яғриндор ясси тепаликка кўзи тушди. Давангидай бир яланғоч болани елкасига миндириб олган Тилла ана шу тепаликка қараб кўтарилаётганди. Аппон чол уни қишин-ёзин эгнидан тушмайдиган солдатча кўйлагидан, бошидаги тус дўпписидан таниб қолди. Пастда ўтлаб юрган тўриқ от эса узун арқонини суриб сойга томон эниб кетди.

Аппон чол ўша ёққа юрди.

Тилла тепаликнинг ярмига ҳам етмади, бола елкасидан ағдарилиб, иккови олдинма-кетин пастга қараб думалади. Тилла тўриқнинг арқони боғланган харсангга келиб ўрилишига оз қолди — яхшики оёғини тошга тираб улгурди. Унинг устидан қулаган бола эса, Аппон чол тўхтаган ерга довуру умбалоқ ошиб келди-да, сапчи ўрнидан туриб кетди. Утакаси ёрилиб, ғазаб билан Тиллага қаради-ю, бироқ қаердандир пайдо бўлган бегона мўсафид олдида ўзини тутиб қолди. Офтобда тобланаверганидан янада қорайиб, пўст ташлаган елкасининг лат еган-емаганини қараб, қўли билан пайпаслади.

Аппон чол тўриқни таниганидан бола Бўривойнинг ўғли эканини дарров англади.



Расмни Х. Лутфуллаев ишлаган.

У ўн уч-ўн тўрт ёшлар атрофидаги бу қорамғиз боладан аччиқланди ва аччиқланганини очиқ-ойдин ифшо этди:

— Бу нима қилиқ, болам? Ахир, акангни майиб қип қўясан-ку!.. Иннайкейин, ўзингнинг ҳам у ер-бу еринг шикаст еса нима бўларди?!

Рўпарасидаги қария бир девонани «аканг» дейиши болага ёқмагани шундоққина ташқи авзойидан кўриниб турарди. Унинг отасиникига ўхшаш самимийликдан йироқ бўлган қоп-қора, чўзиқ, гўштсиз юзида, одамга такаббуруна боқувчи қаттиқ кўзларида истехзоланишга монанд кулги ўйнади.

— Бу — нега энди менга ака бўларкан? Бу — «айши» Тилла-ку! — деб, Тилланинг «мана шу» деган сўзни «айши» йўсинида бузиб талаффуз этишига ва такрор-такрор ишлатаверишига ишора қилди. Сўнгра оқсоқланиб келаётган Тиллага юзланиб: — Ҳа, от миниш қалай бўларкан? — деб кесатиб, боз уни мазах қилди.

Аппон чолнинг Тиллага ичи ачиди. Унинг айбдорларча тавозеланиб берган саломига алиқ олди. Рапидадек кенг, бақувват, қорайиб кетган кўзларини қисиб қўйиб:

— Болам, бунақада майиб бўп қоласан-ку! — деди, унинг болаларча соддалигини йўқотмаган оқ-сарикқа мойил эса-да, айни лаҳзада олма янглиғ қизарган нурли юзига, катта-катта зоғча кўзларига анча тикилиб турди, сўнг қўшимча қилди: — Шу давангидай болани ўша тепаликка опчиқмоқчи бўлдингми, а?..

Болага Аппон чолнинг сўнгги гапи айил ботди. У кўзларини бакрайтириб, зардали овозда деди:

— Мен Тиллангизни тепаликка опчиқасан деб зўрлабманми?! Ҳа отинга минай деб ҳеч ҳол-жонимга қўймади, эвазига сени тепаликка опичиб опчиқаман, деди, а, шундайми? Шу гапни гапирдингми, Тилла?..

— Айши тўриқ опчиқади-ку, Ота! Айши Арслонни опчиқади-ку!.. — дея боланинг ёнини олгандай тарзда куйиниб сўзлади Тилла, сойдан боз кўтармай сув ичаётган отга ҳавас билан термулди. Унинг кулча юзига муқојасалаганда бироз катта бўлган ялпоқ бурнининг учи ва қизларникига ўхшаш чиройли кўзлари қизарган, бунинг натижасида болгиси бошқача кўринаётган: — А, Арслон? — деб куллага мурожат қилди у. — Айши тўриқ сени неча марта ҳув ўша тепаликка опчиқади-ку, а?..

— Тўриқ билан сен баравармисан? Отга ўзингни тенглаштиряпсанми?!

Исми Арслон бўлган бу бола яна Тиллани иҳонат қилди. У Аппон чолга юзланиб:

— Агар Тилла арақ ичиб олганида, албатта, тўриқча ўхшаб мени айши тепаликка опчиққан бўларди. Тўғрими гапим, Тилла? Ҳа сафар икки марта опчиққандинг-ку, а? — у Тилланинг жавобини кутиб тиржайди.

Аппон чолга муштай боланинг ўзидан ўн ёшлар чамаси катта бўлган йигитни ҳалидан буёқ сенсираши, сенсираши ҳам майли, устидан кулиб, отга миндириш бадалига ўзи устига миниб олиб, тепаликка чиқишга мажбур этиши, қаттиқ таъсир кўрсатди: қоратўридан келган серажин, серсоқол юзи тундлашиб, ўйчанликка мойил қўйқўзларига ғам чўкди. Илло бу нуроний юзда боладан нафратланишга ёинки уни лаънатлашга монанд аломат кўринмади, фақат унга ҳам ўз навбатида ачингандай бўлиб: «Ё тавба, отаси Бўрига ўхшаб буям бўри бўпти-ку!» — деб қўйди холос.

Тилла жуда катта гуноҳ иш қилиб қўйганига иқрор бўлгандай бош эгди. Шунинг баробарида Арслонга ер остидан ўқрайиб, муштини кўрсатди.

— Ахир, бир марта тавбангга таянувдинг-ку, ўғлим? Тагин ичишни бошлабсан-да! — ундан ўпқаланди Аппон чол.

Тилланинг нурли юзи қайғуга ботди, кенг манглайида

икки қатор ажин пайдо бўлди, анча ўйга чўмди. Йўқ, бир пайт, бу номақбул ишга ўз ихтиёри билан эмас, ўзга одамнинг қистови орқасида қўл урганини асослайдиган омилни топди шекилли, ҳовлиққан куйи ўзини оқлашга тушди:

— Айши нарсани олмасдим, Ота, — у арақни назарда тутиб томоғига чертди, — айши нарсани Иқболхоннинг дадаси қуйиб бергани учун олдим!..

— Уларникида нима қип юрибсан?

Тилла Аппон чолдан ҳам, ёнидаги Арслондан ҳам бир нарсани яширган бўлиб, эркаланиб кулимсиди:

— Анормат тоғамдан сўради. Кейин опкетди.

— Ким опкетди? Нимани сўради?

— Абдаз амаки кеп опкетди. Бир тўнка бор, шуни қазиб берасан, — деди.

Аппон чол Тилланинг оғзидан Абдулазизнинг исмини эшитиши заҳоти тепа сочи тикка бўлиб кетаёзди. Ҳазини қўярга жой тополмади — тутадан-тутади:

— Нима, индамай қазийвердингми?..

— Ҳа, Ота, бирпасда қазиб ташладим, — оғиз кўпиртириб мақтанди Тилла, кейин бир нарса эсига тушиб қолган, бир нарсасини йўқотган одамдай атрофга олазарак боқди. Йўқ, бир маҳал, наридаги қовжироқ ўтлар устида ётган жигарранг халтасини кўриб, кўнгли ўрнига тушди.

— Ҳазини ўғиллари қазийёлмасаканми? Давангидай-давангидай ўғиллари бор-ку, шулар қайда экан?!

Анчадан буён уларнинг ўртасига қўшилмай турган бола Аппон чол «давангидай» сифатини бошқаларга ҳам тақанидан ижирғаниб, айни пайтда гап қистириш мавриди етганини ҳис этиб, орага суқулди:

— Уларга Тиллага ўхшаган қип-қизили керак-да! Ярим пиёла арақ қуйиб берса, битта эмас, ўнта тўнкани индамай қазийверади, — дея хахолаб кулди у. Бу гапидан сўнг Тилланинг авзойи ўзгариб, ўзини қўярга жой тополмай қолганини ва белидаги солдатча қайишни ечишга тутинганини кўриб, ҳозир у мени уриб юборади, деган мулоҳазага борди-да, пастга — оти эниб кетган сойга томон қочиш қилди.

Тилла ҳақиқатан ҳам унинг «қип-қизил» деб масхара-лашидан ғазабланганди. У, Арслоннинг, сувга калла ташлашга қулай бўлсин учун шу ерлик болалар томонидан қирғоққа олиб тушиб қўйилган эски чўян печь турган ерга қараб югураётганини кўрди-ю, қўлидаги қайишнў ҳавода ўйнатиб, унинг ортидан қувди.

Аппон чолга ҳам Арслоннинг гапи таъсир этмай қолмади. У Абдулазизнинг бетига қарамасликини кўнглига тукқанди, йўқ, унинг бир бечорага арақ қуйиб бергани, боз устига, бор-йўқ ёғини олиб ишлатгани ёмон алам қилиб, Тилла қувиб кетган беандиша боланинг ортидан қараб қоларкан, вужудида ўжар либ истак жўш урди. «Ҳозир бораман-да: «Нега Тиллага ўхшаган бир бечорага оғир иш қилдирдиларинг? Нега унга арақ қуйиб бердиларинг?!», дейман, Абдазниям, ўғли Азизниям додини бериб келаман!» деб хулосаланди, сўнг Анорматдан нос харид қилишни ҳам унутиб, Абдулазизникига қараб жўнади.

У гузарга етганда ўнгдаги кўчага бурилди. Кўп ҳам юрмай боз ўннга бурилди. Бу кўча аввалгисига қараганда анча кенг бўлиб, юрт бошида турган нуфузли одамлар истиқомат қилиши билан, болалар боғчаси ва ўрта мактабнинг жойлашиши билан Чуқурсойда бошқа кўчаларга нисбатан кўзга ташланарлиси ва гавжуми эди. У йўлнинг сўл бетидан оқиб ўтадиган катта ариқда ҳалиҳануз ўзининг камтар хизматини ўтаётган ва кўчага ўзгача бир ҳусн бериб турган чархпалакнинг гириллаб айланишини, кўвачаларидан новга тўкилиб, орқадаги боғча гулзорига оқиб кираётган сувни кузатиб келаёт-

ганди, мактабдан анча берида, эшиги тагида Абдулазизнинг ўзи шўёққа аланг-жаланг бўлиб қараб турганини кўрди. Нима учундир унинг олдига боришни, у билан сўрашишни истамай қолди. Абдулазизнинг муғамбирона кулгиси, ҳеч бир андишага бормаи гапирган ёлғон сўзлари, ёқимсиз, сур башараси шу дамда кўз ўнгида тажассумланган ва кўнглига туккан истакни бажаришига йўл бермайдигандай бўлиб кўрингани важи ана шу ҳолатга тушганди. У йўлгага ўтиб тўхтади. Орқамга қайтиб кетсаммикин, деган мулоҳазагача борди. Яна Тилланинг болаларча содда юзи, оғир меҳнат орқасида қорайиб кетган кўллари кўз олдидан ўтди, ундан кейин ҳалиги Арслонинг: «Бу аҳмоққа ярим пиёла арақ қуйиб берса, битта эмас, ўнта тўнкани индамай қовлайверади», деган қочиримини эслади, вужудини тарк этган ўжар истак боз хуруж қилишда бошлади. Абдулазизнинг ёнига боришни, унинг шаънига аччиқ-тиззиқ гаплар айтиб бир аламдан тарқаб олишни кўзда тутиб, яна йўлга тушди.

Беҳи танасига қўлини тираб, ҳадеб гузарнинг йўлига бетоқатланиб қараб қўяётган Абдулазиз тор йўлқадан шўёққа келаятган Аппон чолни кўрди-ю, унинг истиқболига пешвоз чиққан бўлиб, бир-икки қадам олдинга жилди.

— Э-э, бормисан, ошна?! Сеням кўрадиган кун бор экан-ку! — дея Аппон чолдан қаттиқ гиналанган бўлди.

Аппон чол унинг сохта, зўраки такаллуфидан ғазабланди. Ўзи истамаган бир тарзда Абдулазизнинг қўлини қисиб қўйди. У ҳали ҳам, бу ерга келиб тўғри иш қилмадим, деб мулоҳазаланишда давом этарди.

Абдулазиз Аппон чолнинг нега қовоғи осилиб кетганини ўзича фаҳмлади, аммо сир бой бермади.

— Қани, ҳовлига кирамиз, — деб уни ичкарига таклиф қилди, боз гузарнинг йўлига аланг-жаланг боқди, кейин у бировни кутаётганини пайқаган Аппон чолга юзланиб: — Бир меҳмон келиши керак эди, Азизнинг ошнасиди. Дарвоқе, уни сенам танисанг керак, — деди, анча мулоҳазадан сўнг ҳозирги сўзларини тутатган бўлиб: — Сенгаям керак бўладиган одам деганим, — деб қўйди.

Аппон чол Абдулазизнинг сўнги гапидан тагин тутадди. Унинг бу ҳолатини бужур юзи бужмайиб, қиров оралаган қуюқ қошлари учганидан ҳам билиш мумкин эди.

— Йўқ, сенинг уйинга кирмайман, — терс овозда жавоб қайтарди Аппон чол. Унинг сўзлаш оҳангида «қўқон манзиратнинг ҳожати йўқ» деган мазмун ҳам бор эдиким, буни Абдулазиз балодай пайқади. Аппон чол бу ердан анча наридаги, кўкат девор тагидаги ариқнинг кўздан йироқроқ ерига ташлаб қўйилган, янги қовлаб олинган тўнкага ишора қилиб: — Ҳув анувни кимга қазиттирдинг? — деб сўради, унинг суриштириш тарзидан бу ерга ана шу тўнкани ким қовлаганини билиш учун келгани аён эди.

Абдулазизга ошнасининг «сенинг уйинга кирмайман» деган гапи айил ботганди. Ўз навбатида унинг ҳам нурсиз юзи, нурсиз юзига ярашиқ чоғир кўзлари олайди. У Аппон чолга «қирмасанг кириқсиз ўт» қабилида боқди, аммо тезда бу қиёфасини ўзгартирди, керифлик катакларидан сон-саноксиз оқ-қора туклар чиқиб ётган қийғир бурнини тортиди-да, Аппон чолнинг асабига тегиш учун атайин орденли кўкрагини ғоз керди ва қўли билан унинг ёнини қиртиллатиб қашлади. Бу қилиғи билан гўё «биялпман, сенга менинг орден олганим ёқмаяпти» деган мазмунни ифодалаган бўлди.

— Сенга нима учун керак бўп қолди тўнкани кимга қовлатганим? — кулимсиди Абдулазиз, бу кулгиси

орқали саволни ҳазил тариқасида берганини намойиш этди.

— Керак бўлгани учун келдим!..

— Бўлмаса келмасдинг-а? — Абдулазиз гина-кудурат қилишга тушган эди, рўпарада «Жигули» тормоз берди-ю, гапи чала қолди.

Машинадан биринчи бўлиб Абдулазизнинг тўнғич ўғли Азиз, ундан кейин рулда ўтирган ҳарбий кийимдаги киши тушди.

Аппон чол уни қаердадир илгари ҳам кўргандай эди: ҳа, ҳа, бу япалоқ юзни, бу уккиннига ўхшаб олазарак боқувчи кўзларни илгари ҳам қаердадир учратган, аммо қаерда экан!?

Қирқ беш билим элликлар миёнасидаги тўладан келган, баланд бўй, тикандай қуюқ қора сочларини орқага тараган майор машинасининг эшикларини қулфлади. Ҳар эҳтимолга қарши қабзаларини тортиб кўрди.

Абдулазиз чаққонлик билан Аппон чолнинг олдига ўтиб, унинг истиқболига пешвоз турди.

Аппон чол Абдулазиз ўғли қатори йигитнинг олдида ўзини тутабилмай типирчилаб қолганидан ижирғанди.

Фалокат босиб бу ерга келганидан ўзини-ўзи койиди.

Азиз Аппон чолга салом бериб, ёнидаги ҳамроҳига уни таништирган бўлди:

— Бу киши Аппон ака бўладилар. Дадамизнинг эски қадрдонларидан.

Аппон чол шу дамда Тилланинг «арақни Иқболхоннинг дадаси қуйиб бергани учун олдим» деган сўзларини эслади, эсладию Азизга энаси қотиб боқди.

— Ассаломалайкум, — деб у билан шошилиб сўрашди майор, сўнг тезда нигоҳини бўлак тарафга олиб қочди. Азиз унинг ўзини Аппон чолга таништиришига йўл қўймади, диққатини беҳи дарахти торганини намойиш этиб, гапни ўша ёққа бурди: — Аммо-лекин беҳи экиб яхши қипсизлар-да! Жуда хосияти дарахт дейишади!..

Аппон чол майор ундан ўзини олиб қочишга тиришяётганини сезиб, у билан янаям қизиқиб қолди.

— Қобилжон, бизга орден топширган кунингиз ёдингиздами? — кутилмаганда майордан сўраб қолди Абдулазиз.

Майор ичдан зил кетди, аммо бу ҳолатини сиртига чиқармай:

— Ҳўш, ҳўш, — дея тор пешанасини тириштирди.

— Ўшанда Аппонни «сизни бошқа куни чақиртирамиз» деб қайтариб юборганди ўринбосарингиз. Кейин чақиртирмадинглар шекилли, а Аппон?..

Абдулазизнинг мақсади аён эди: у майорга бу гапни эслатиб қўйиб Аппон чолнинг олдида ўзини яхши қилиб кўрсатмоқчи бўлаётганди.

Аппон чол ана шуни фаҳмлагани учун унга жавоб қайтармади, аксинча, «бирова сендан шуни сўрадимиз?» қабилида Абдулазизга ола қаради.

Майор ўйга толгандай пешанасини қашиди. Ердан бошини кўтармай:

— Бўлди, бўлди, — деди, гавдасига мутаносиб катта, япалоқ юзида киши дафъатан англаб олиши мушкул бўлган ғалати ўзгариш қалқиди. У ана шу ўзгаришни бу ердагиларга сездирмасликка ошиқиб: — Бу отанинг ҳужжатлари юқоридан қайтганди. Ҳужжатларида чатоқ ери борийди шекилли, — деб жавоб қилди, шу бара-варида Аппон чолга ер остидан ўғринча қараб олди.

— Ҳа, бир пайтлар дадамиз қораланганлар. Чатоқ ери шу бўлса керак, — деди Аппон чол, шу аснода юраги орзиқиб кетди. Бу одам машинасидан тушганда уни қаердадир илгари ҳам кўргандай туюлаверганди, Абдулазизнинг «Қобилжон»идан сўнг эса бу исм унга яқин бир танишини эсга солаверганди-ю, аммо ўша таниши

ким эканини ўйлаб тополмай гаранг бўлаётганди, йўқ, майорнинг оғзидан «бу отанинг ҳужжатларида чатоқ ери бор эди» мазмундаги гапни эшитдию: «Наҳотки бу ҳали қабрини кўрганим Содир аканинг невараси бўлса?!» деган ўй хаёлидан бир онда ўтди. Қаҳрамоновнинг юқоридаги сўзларни ўз инон-ихтиёрига қарши ўлароқ айтиб юборганини ва айтиб юборганидан афсусланаётганини ҳис этиб, унинг безовта кўзларига, бесаранжом хатти-ҳаракатларига боқаркан: «Ҳа, ҳа, бу ўша, даданнинг қирқлари куни уйимизга келиб мени «Москвич»ида олиб кетган Қобилнинг ўзгинаси! У мени таниган экан, нуқул юзини олиб қочишга уринаверди!», деб муҳокама юритди, муҳокама юритдию Бундан чиқди, мукофот топшириш куни мени атайдан қайтарган экан-да! У Содир аканинг неварасилигини билиб қолишимдан қўрққани учун қайтарган бўлади-да!, деб хулоса чиқарди, яна кетидан Ё тавба, ўша куни уйга қайтаётиб, бу зотнинг турқи-тароватини бир марта кўришни орзу қилувдинг, орзунгни ушалганини-чи!, деб сўзланиб, ҳайрат бармоғини тишлагудай бўлиб турганди ҳам, Азиз унга нимадир деди-ю, фикри бўлинди-қолди. Азиз меҳмонининг қўлтиғидан олиб, ичкарига бошлаб кириб кетди.

Абдулазиз майор Қаҳрамоновнинг сўнгги сўзлари таъсирида Аппон чолнинг ранги ўзгариб, юзидаги ажинлари янаям қуюқлашганини, бунинг устига, хаёллар дарёсига фарқ кетганини қаттиқ хафаланиш аломатига йўйди-да, унинг кўнглини овлашга тутиниб:

— Қани юр, Аппон, бизам кирайлик, — деди, ўғли Азизга тақдидан ошнасининг қўлтиғидан олди.

Аппон чол Абдулазизнинг қлиғидан ижирғанди. Унинг қўлини силтаб ташлади-да, ҳайҳайига ҳам қулоқ солмай, йўлка билан тўғрига юриб кетди...

ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛ АВВАЛ

Аппон тушга яқин ҳовлига кириб келди. Ҳовли жимжит, фақат сатҳида насибасини териб юрган мусичаларнинг қуқусию чумчуқларнинг чуғур-чуғуригина жимжитликни бузарди.

Аппон сўри тагидаги супада ёнбошлаб олиб хаёл сураётган отасини кўрди. Негадир отаси кўзига илгаригига қараганда анча ўзини олдириб қўйгандек кўринди. Ёнида — янги бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, эскирмаган беқасам кўрпачада икки-учта китоб очиқ ҳолда ётарди. (Отаси китоб мутолаасини азалдан яхши кўрар, айниқса, Навоий, Фузулий, Бедил, Қодирларни эски ўзбек тилида жуда равон, ўзгача бир оҳангда ўқирди. Аппонга ҳам болалигида «Алломиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Зевархон»лардан ёд айтиб бериб уни лол қолдирса, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раънолар муҳаббатини таъсири тасвирловчи китобларни ўқиб бергач, ўзи ҳам сел бўлиб ўтирарди). Кичикойиси эса кўринмади. (Кичикой Аямбой аканинг кейинги оиласи. Аппоннинг онаси вафотидан сўнг у ана шу аёлга уйланган — бунга беш-олти йил бўлганди холос!)

Аппон супага яқин келиб, отасига салом берди. Чарм халтадаги майда-чўйдани супанинг бир четига қўйди.

Аямбой ака ўғли томон ўгирилди. Тўгаракка мойил юзида, ўйчан боқувчи катта-катта қора кўзларида сезилар-сезилмас хурсандчилик аломати қалқигандек эди. У ўғлининг саломига алик олди-да, ўрнидан туриб ўтирди. Аппон у билан қўл бериб ҳам сўрашди.

— Кел, ўғлим, кел Аппон. Ҳозир сени ўйлаётувдим. Утган ҳафта келмади, мана бу ҳафтаям тугаяпти-дараги

йўқ, бир нима бўлганга ўхшайди буларга, деб хавотир об турувдим, — деди Аямбой ака.

Аппон аввалги ҳафтада келолмаганининг сабабини айтди:

— Утган ҳафтада, дада, келинингизни Чортоққа ташлаб келдим. Санаторийга.

— Ҳа, тинчликми? — бир қалқиб тушди Аямбой ака. — Уша эски дарди-да! Тағин оёқ оғриғиси хуруж қип қолса денг. Ишхонадан йўлланма бериб қолишувди, ташлаб келақолдим.

Аямбой ака пича ўйга ботди. Атрофи батартиб қиртишланган мошгуруч чўққисоқолини сийпалаб қўйди.

— Ҳимм, чакки бўпти-ку!.. Қизларинг-чи? Дилором, Дилбарларни опкемабсан-да! — деди.

— Уларни биласиз-ку, сизга ўхшаб китобдан бош кўтаришмайди.

Аямбой акани ўғлининг гапи ўйлатиб қўйди, ўйлатиб қўйгандан ҳам бурун хомушлантирди. У паст, юмшоқ овозда:

— Майли, болам, майли. Илмда хосият кўп. Илл ўрганса кам бўлмайди, — деди.

Аппон аввалги сафар келганида отасини бундай паришонҳол ва ғамга ботган кўйи учратмаганди. Кичикойиси кўринмагани учун уларнинг ўртасида бирор гап ўтдимикин, деган номақбул хаёлгача борди.

Ўз навбатида у ҳам отасига:

— Ҳа, тинчликми, дада? Бирор қор-қол юз бермадимми? — деди, хавотир аралаш ён-атрофига аланг-жалаңг боқди.

Аямбой ака чуқур хўрсинди. Хўрсиниғи ниҳоятда дардчил эди. Хўрсиниғидан нимадандир қаттиқ ранжиётганини сезиш қийин эганди.

— Тинчлик. — У ҳовли этагидаги пастак ҳужрага қаради. — Кичикой, ҳой Кичикой! — деб хотинини чақирди, ўша ёқдан «ҳозир!» деган ингичка овоз эшитилгач, кўнгли хиёл ўрнига тушди чоғи, Аппонга юзланиб: — Сузмага кириб кетганди, ўзи сузма бўп қолдимиз депман, — дея кулимсираб қўйди.

Отаси хотинини чақирганидан сўнггина Аппоннинг кўнгли ўрнига тушди.

Бир маҳал ҳужрадан кичикойиси чиқиб келди. Унинг исми жисмига монанд — жуссаси кичик, қотмагина, ҳаракатлари ўзининг олтмишга яқинлашган ёшига нисбатан чақон, боз устига очиқ табиат, хушфеъллигидан шаҳодат берувчи истарали юзидаги қуюқ ажинларни, қора гулли крепдешин рўмоли четидан чиқиб турган кумуш сочларини ҳисобга олмаганда ҳали унга бу ёшни беришга анча барвақтдай кўринарди.

У Аппонни кўриши замони ўзининг юриш аҳволидан ийманиб, бошидаги рўмолини қайта ўраб, эгнидаги, яғасқи ва жиккак гавдасига муқоясалаганда номутаносиб — кенг, узун батист кўйлагининг у ер-бу еридаги чанг-чунгни қоққан бўлди-да, қадамини илдамлатди.

— Намунча қолиб кетмасанг ҳужрада? Ўзинг сузма бўп кетдингми депман! — дея кесатиқ аралаш ҳазиллашди Аямбой ака.

— Сичқон болалаб, қопларни тешиб ташлабди. Шуни тозаладим. Уни хумга, мош билан гуручни пақирларга ағдардим. Учта қопқон бор эди, ҳужранинг бурчак-бурчагига қўйиб чиқяпман, — деб чолига қилган ишининг ҳисоботини берди Кичикой кампир.

— Ҳа, тузук, — дея мамнун бўлди Аямбой ака.

Кичикой кампир заранг қосадаги сузмани эрининг олдига қўйди-да, ўрнидан кўзғалиб унга салом берган Аппоннинг елкасига қоқаркан: — Келинг Аппонбой, келинг. Эсонмисиз? Сорахон, Дилором қиз, Дилбар қизлар опоқми? Нега уларни опкелмадингиз? — деб сўроқ-истак қилди.

— Соранинг тоби бўлмади, опа. Йўқса, ҳаммамиз ўтган ҳафтада келардик.

— Худо сақласин, худо сақласин! Нега ундай бўлди? — хавотирланди Кичикой кампир, кейин эрига кўз қирини ташлаб деди: — Сизга айтмабмидим, буларга бир нарса бўлган-ов, деб. Мана ўша гапим тўғри чиқди!..

— Яна оёқ оғриғиси тутиб қолди. Утган жумада Чортоққа ташлаб келдим. Ўша ерда бу касални балчиқминан доволайдиган санаторий бор экан. Шунга обориб қўйдим.

— Олдини олганинглар яхши бўпти, — Кичикой кампирнинг юз-кўзида келинига ачиниш ифодаси қалқиди. — Ҳа, дарвоқе, қизларни опкевермабсиз-да! Бир-икки кун ҳарна дам опкетишарди! Бу кишиям соғингандилар!..

— Улар уй пойлаб қолишди, — кулимсиди Аппон, сўнг кичикойисидан ҳол-аҳвол сўради: — Узингиз саломатмисиз, чарчамай юрибсизми? Уёқ уйдагилар яхшими?...

Кичикой кампир унинг ҳар бир сўроғига «худога шукур» деб жавоб қилиб турди.

Орага Аямбой ака қўшилиб:

— Чарчаб нима — кетмон чоптиряпманми? — деди, унинг бу сўзини ҳазил ўрнида ҳам, чин деб ҳам тушуниш мумкин эди.

Кичикой кампир буни чин мазмунида қабул этди. Шу вайдан ҳам чолига норозиланиб, «менингдек хотинни билмасангиз...» қабилида бош чайқаб, қош чимириб қаради. Яна тезда ўзини қўлга олди-да:

— Қани, дадаси, фотиҳа ўқиб юборинг, — дея қўларини жуфтлади.

Аямбой ака кампирининг хўмрайишида ёмон ният кўрмагани боис ўғлига қараб қисқа кулиб қўйди-да, унга итоат этиб фотиҳа ўқиди.

Кичикой кампир дастурхон тузаш учун ўрнидан кўзгалди.

Аппон уни тўхтатишга тутиниб:

— Нима, мен меҳмонмидим, опа? — деди.

Аямбой ака ҳам ўғлининг гапини маъқуллади:

— Аппон тўғри айтяпти. Мева-чевангни кўй-да, у олиб келган манови қизилуруғни сўя қол. Кейин бирор-та овқатга унналарсан.

— Мен ўзим сўя қолай, опа, — деди Аппон кекса одамни уринтиришни истамай.

— Сиз чарчаб келгансиз, Аппонбой. Ҳозир бирпасда сўйиб келаман. — Кичикой кампир шундай деди-да, халта ва қовунни кўтариб ўчоқбошига томон юрди.

— Бўкадан олдим. Дори емаган деб мактади деҳқон.

— Сенга дори солдим дейдими деҳқон, — ўғлининг соддалигига кулди Аямбой ака, кейин унинг кўнгли чўкмасин учун: — Ҳай, майли, еб кўрайлик, биламиз дори еган-емаганини, — деб қўшиб қўйди.

Аппон кийим алмаштириб чиқиш учун отасидан ижозат сўради.

— Майли, бор, ечиниб чиқ. Менам унгача пешинимни ўқиб олай. Кейин бафуржа гаплашармиз.

Аямбой ака ҳам ўрнидан кўзгалди. Супадан тушатириб гандираклар кетди. Бахтига Аппон ёнида эди, йўғон, бақувват қўллари билан унинг тирсагидан ушлаб қолди. Аямбой ака гандираклар кетганидан ўнғайсизланди, ҳовлини кесиб ўтган ариқ лабидаги обдастани бориб олиб, таҳоратхонага йўналди.

Аппон отасининг боз гандираклар кетишидан чўчиб уни кузатиб турди. Аввалги сафар келганида отаси анча тетик, қарилликни бўйнига олишни истамагандек тутарди ўзини, сўзлари ҳам шунга яраша дадил эди, икки гап-

нинг бирида ҳазил қилиб набираларини кулдиришини қўймасди. Йўқ, бугун у бошқача эди. Кўп эмас, бирор ўн кун ичида у ўзини жудаям олдириб қўйганига Аппон таажжубланди. У отаси ҳожатхона эшигини беркитгандан кейингина ташқаридан киришда ҳовлининг ўнг ва сўл ёнига бурунги шаҳар уйлари намунасида бир даҳлиз, икки хонадан иборат қилиб қурилган иморатнинг чап қўлдагисига йўналди, зеро бу уй ҳали отаси қамалмасидан бурун унга атаб солинган бўлиб, оиласи билан шаҳарга тушганларида шу уйга қўнишар, рўпарадаги уй эса отаси ва кичикойисига тегишли бўлиб, кейинча унинг қаторига яна алоҳида бир хонали мўъжазгина уй ҳам қурилган эдики, бунда отасининг китоблари, унинг қамоқда эканида йўллаган ва унга хотини, ўғли томонидан йўлланган мактублар, оилавий ва турли одамлар билан тушган суратлари сақланар; отаси кўпинча ана шу китоблар мутолааси ёхуд Қуръоннинг ўзи севган сураларини қайта кўриб чиқиш учун бу ерга кирар, яна ёлғизликни қўмсаб қолганида ённки куз ва қишнинг узун кечаларида руҳиятида маъюсиятга, ғамга мойиллик сезганида ҳам уни шу уйда дерза қаршида ҳовлига қараб хаёл суриб ўтирган ҳолда кўриш мумкин эди.

Аппон ярим соатлар ўтар-ўтмас уйдан қайтиб чиқди.

Унинг бирмунча қолиб кетганининг сабаби пича ётиб дам олгани бўлди. У ҳовлига қайтиб чиққанида отаси яна жойига келиб ўтирган, Кичикой кампир ўз айтганидан қолмай, дастурхон тузаб, устини турли ноз-неъматларга тўлдириб ташлаган, яна ўртага хитойи лаганда қизилуруғ қовунни ҳам сўйиб келтириб қўйганди.

Аппон супадан сал наридаги ариқ лабига чўнқайди-да, яхшилаб ювинди. Уйдан кўтариб чиққан сочиқлардан бирига юз-қўлларини, иккинчисига эса оёқларини артди. Сочикларни уйи рўпарасидаги сўри поясига қоқиб қўйилган михга илди, кейин супага келиб, отасига салом бериб, ундан пастроққа — ён томонига чиқиб чордана қуриб ўтирди.

— Осмонга тағин одам учирганини эшитдингизми, дада? — деб сўради отасидан, бир тилим қовундан олди. — Олдинги сафар Гагарин дегани чиққанди, бу гал Титов дегани чиққанмиш.

— Шундай бўптимиш. — Аямбой ака бу хабарни жуда ҳиссиз, совуққонлик билан қабул этди. — Ҳаммаёқда шов-шув. Тунов куни учибди экан. Қумлоқдаги сартарошхонада соч-соқол олдираётсам тўғридаги аптеки сен айтган гапни топиб чиқди. Бизникилар Американи доғда қолдирди, дейди, иккинчи одамни осмонга опчиқиб улاردан ўзиб кетди, дейди.

Аппон отасини тағин хаёллар ўз оғушига ола бошлаганига ҳайрон бўлди. Бу ҳолни бир томондан унинг қариллигига йўйса, иккинчи томондан бундай қўйга тушишига бўлак бир сабаб бордай туюлаверди.

Йўқ, отасининг ўзи гап бошлаб қолди-ю, у сал бўлса-да тинчланди.

— Энди ўғлим, — деб салмоқланди Аямбой ака, — энди Аппон, менам қариб қолдим. Бугун раҳматли дадам тушимга кириб чиқибдилар...

Аппон отасини охиригача эшитмади — гап қўшди: — Ундай деманг, дада. Кўз тегмасин, ҳали бақувватсиз. Нега ундай дейсиз?

Аямбой ака ўғли сўзини бўлганидан ранжиди.

— Ота бир нарса деяётганида тек ўтириб эшитадилар одатда, дарров оғзига урмайдилар, — деди, Аппоннинг ёш боладай лаб тишлаб қизаринқираганини кўргач эса, ўзининг даққисидан ўзи ўнғайсизланди, сал юмшаб сўзида давом этди: — Раҳматли дадам кириб келганмишлар. Боя сен қандай кириб келган бўлсанг, уларам шундай кириб келганмишлар... Энгилларида

қайтарма ёқали антиқа олмон камзули, камзул устидан банорас тўн кийиб олганлар, бошларида симоби салла, оёқда ғарчли кавушмиш... кўлларида отам раҳматлидан қолган ирғай ҳасса дегин, худди мен сенинг ойингга уйланганимда қанчалар суюниб, пўримнамо ясениб тўйга айтган бўлсалар, тушимдаям шундай ясениб олганмишлар... Сени тўйга опкетгани келдим, дейдилару ўзлари қуюқ қора соқолларини силаб кулаверадилар... Жуда ёқимли эди кулгилари. Эсингда бўлса, сенинг суннат тўйингда эди шекилли, Кўктеракдан қўй опкелувдилар-ку, аравакаш бизникини тополмай сарсон бўла-бўла охири уйига опкетиб қолувди; эртасига ҳалиги қўйни уникидан боласи билан етаклаб келувдилар. Ушанда ўзларининг қип келган ишларини менга гапириб бераётиб ана шундай беғубор кулиб эдилар — битта қўйга бориб, иккитасини етаклаб келганларидан-да! Тушимдаям ўшанга ўхшаб хахалаб куладилар!..

Шу маҳал Кичикой кампир Аппон олиб келган ҳусайнидан ювиб, ликопга солиб дастурхонга келтириб қўйди. Уям ота-боланинг мусоҳабасига аралашди:

— Мен айтдим бу кишига: ўлик кўрсангиз — тирик кўрасиз, дедим! Мана гапим тўғри чиқдими? Аппонбой кириб келдилар!

Аппон ҳам кичикойисининг гапини тасдиқлади:

— Ҳа, опам тўғри айтибдилар! Мана мен кириб келдим-ку! Шунинг учун Атҳамбой отам тушингизга киргандирлар!..

Аямбой ака уларнинг кўнгил кўтарар гапларидан истеҳзоланиб кулиб:

— Жуда калта ўйлайсизлар-да, икковинг, — деди.

Аппон отасининг ўлимдан сўз очишига бобосини туш кўргани эмас, бошқа сабаб борлигини пайқаб, унга синовчан тикилди: тўгаракка мойил қоратўри юзидаги тарам-тарам ажинлари янада бўртиб, чуқур, одамга жиддий боқувчи ва хиёл ўйчан кўзларида кимдандир, нимадандир норозиланишга ёхуд у билан бўлак бир нохуш ҳодиса юз берганини акс эттирувчи ифода яққол кўзга ташланиб турардиким, буни Аппон бошидаёқ фаҳмлаганди.

Аямбой ака ўғлининг бу қадар синовчан разм солаётганидан ноқулайлик ҳис этди.

— Қани, узумдан ол. Бу жаннатнинг мевасини «ноне ангур» деб нонга тенглаштирган эканлар ҳазрат Навоий, — дея уни чалғитган бўлди-да, кичикроқ бошини қўлига олди, сўнг эса бир карж қовунни ҳалидан бўёқ эрмак қилаётган кампирига юзланиб: — Сен, Кичикой, бирор суюқ овқатнинг кетига тушсанг бўлармиди, — деди.

Кичикой кампир чолига қараб кулиб қўйди-да:

— Учоққа олов ёқиб юборганим ҳув боёвди-ку! Аппонбой маставани яхши кўрганлари учун шунга уннай қолдим, — деди.

Аппон кичикойиси унинг маставани яхши кўришини билганиданми ёки отасидан бемаслаҳат ўзича ана шу овқатнинг тадорикига тушганиданми, ишқилиб, кампирнинг ўзича ҳал қилиб юборганидан қисқагина кулди.

Кичикой кампир ёғи ёниб кетишини баҳона қилиб ўрнидан қўзғалди.

У кетганидан сўнг Аямбой ака боз ўлимдан сўз очди:

— Энди, Аппон, энди менинг беш кунлигим борми-йўқми...

— Нега ундай дейсиз, дада?

— Энди айтаман-да! — чуқур хўрсиниб олди Аямбой ака, у ниманидир яшираётганини, ниманидир ўғлига айтолмаётганини хатти-ҳаракатлари ҳам ифшо этарди. — Аппон, сенам уйга қайтсанг аини муддао бўлармиди?

— Уч-тўрт йил чидашга тўғри келади, дада. Уч-тўрт

йилдан кейин қариллик нафақасига чиқаман. Эллик бешдан чиқаради бизларни.

— Ҳа-а, шундайми? — ажаблангандай тарзда бош чайқади Аямбой ака, ўғлининг Тошкентдай шахри азим қолиб, бундай чекка бир ерга ишга кетишида ўзини айбдор санагани учун деди: — Ҳалиги ишлар бўлмаганда, болам, сенам Бекободга бориб овораи сарсон бўп юрмасдинг. Иссиқ ўрнингни совутмай, бола-чақанг билан яшаб, ишлаб юрардинг!..

— Насиба ўша ерларда экан, — Аппон отасига «бунда сизнинг ҳеч ҳам айбингиз йўқ» дегандай боқди. Йўғон, бақувват бармоқлари билан мартен печлари ёнида тураверганидан қорайиб кетган гўштор юзини силаб қўйди. — Узимнинг ҳам етти ухлаб тушимга кирмагани, пўлат эритувчи бўп кетишлик.

— Қийин бўлди сенга, ўғлим. Манови ишлар бўлмаганида, сенам ўқиб, бирор илмнинг эгаси бўлардинг.

— Уша, сизни олиб кетишгандан сўнг мениям ўқидан четлаштиришди. Четлаштиришди эмас, рабфакдан кетишимга мажбур этишди. Ҳар чеккадан қўл ниқтаб кўрсатадиган, ўзларини мендан нари оладиган бўлиб қолишди. Ҳатто менга ўзини яқин тутиб юрган ошналари ҳам шу ишни қилишди, дада...

Аямбой ака бошини эгди, янаям хомуш тортди. Чуқур хўрсинди.

— Ҳа, шундай экан. Бошингга мусибат тушганда кўп-кўп думини қуруққа олиб қочаркан.

— Икки-уч йил ёмон қийналдик, дада, — юқоридаги сўзида давом этди Аппон, шу бараварида овози титраб кетди, зеро, илгарилари отаси билан бу мавзуда суҳбат қурмаган, отаси ҳам ўтган кунларини эслаб бировга бир оғиз сўз демаган, бутун дарди ичида, машъум кунлар хотираси ўзи билан эди. Аппон у билан юрак ютиб гаплашаётганига ҳайрон қолди, сўнг эса, деворнинг ҳам қулоғи бор қабилида ён-атрофга кўз югуртирди, овозини бир баҳя пасайтириб деди: — Ойим раҳматли ана шу хўрликларга чидолмадилар, эрта кетдилар.

— Ойингдан айрилганимни билганман, Аппон. Уша кун ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди. Тайгада даррах кесиб юриб чошгоҳ пайтида кўзим кетиб ухлаб қопман. Тушимга ойинг кирди, тўйимиз, тўйдан аввалги кунлар кирди. Тепамда қайнатам ва қайнанам раҳматлилар туришибди. Мен ҳа-ҳу дегунча уч-тўрт саржин ўтинни ёриб ташлабман. Улар «ҳа, баракалла, баракалла кувё», дейишармиш. Кейин, Ойдиннинг оппоқ чимилдикқа опкириб кетдим. Ҳа, ўғлим, сенга ғалати кўринаётгандир, уни кўтариб опкириб кетдим... Шунда... қайтиб кўтариб чиқдим у ғалати ҳидлар, йўқ, ғалати эмас, муаттар ҳам эмас, ишқилиб, жуда хушбўй-да, тўхта-тўхта-чи, райҳонни хидлаганинда ё бўлмаса чакканга таққаннингда димофингни қитиқлаб ажиб бир ҳис уйғотиб юборари-ку танангда, сезганмисан, худди ана шундай ҳидлар тутиб кетган ва бу ҳидлар бутун вужудимизга сингиб бораётгандай туюлган; болариларнинг ёқимли ғинғиллаб, олма, ўрик, шафтоли, яна кўплаб мевали даррахларни гулбаргларига қўниб юришлари кишига фараҳ бағишлайдиган жаннат боғига кириб қопмиз. Ойдин оқ ҳарир қўйлақда, бошига чамбаракка ўхшатиб толбаргак тақиб олган, менам оқ қўйлақдаман, атроф ҳам оқликка ўралган, ёлғиз осмонгина нилий рангда... — Аямбой ака буларни сўзларкан, руҳланиб кетди, руҳланиб кетди дейиш нотабиийдир эҳтимол, илҳом билан сўзлади дейиш лозимдир, шундай дейиш жоиз бўлар, лекин бу оний кайфияти ўрнини яна тезда маъюслик, ғам-ғуссага мойил бир ҳолат эгаллади. — Нимаям бўлиб, шайтон йўлдан оздирибми, боғ адоғидаги жарликка тушмоқ истабмиз. Шунда ойинг қўлимдан тушиб кетди-да! «Оҳ» дедим, жаннат боғи ўрнини жаҳаннам эгаллади, тева-

рак-атроф қоп-қоронғу, ўзим ҳам қора кийимдаман, фақат жарликка қулаётган Ойдингина ўша-ўша — келинлик либосида, юзида ҳеч қандай қўрқув аломати йўқ, қўллари мен томон талпинади, холос... — Аямбой ака хийла тек қолди, томоғи қақраб кетди чоғи, пиёласининг тағидаги бир қултум чайни ичиб юборди, кейин сўзини ниҳоясига етказди: — Ўша алпозда чўчиб уйғондим — дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетди, юрагим кўкрак қафасимдан чиқиб кетгудай бўлаёзди. Нима қилишимни, бошимни қайси тошга уришни билмай тўрт томонга зир югураман, югураману хўнғ-хўнғ йиғлайман!.. Ойингдан айрилганимни, Ойдиндан айрилганимни ўшанда сезгандим ўғлим! Ўшанда бошимга яна бир оғир мусибат тушганини, бу мусибат айрилиқ мусибати эканини чуқур ҳис этгандим... юрак-юракдан ҳис этгандим...

Шундан сўнг орага ноқулай жимлик чўкди. На Аямбой ака, ва на Аппон бу жимликни бузолди. Ҳар иккиси ҳам биринчи бўлиб сўз бошлашга ботинолмади ўтирдилар.

Анчадан сўнг Аппон сўзлашга журъат этди:

— Уруш бошланмаганида билмадим ҳолим нима кечарди, дада. Уруш бошландию ҳамма ўзиминан ўзи овора бўп қолди. Менам фронтга жўнавордим. Урушдан кейин эса Бекободга кетдим... Яхшиям Содир ака бор экан, босмаҳонада сиз билан бирга ишлаган Содир ака, шу одам ҳолимиздан хабар олиб турди, укасига кўшиб мени металлургия заводига ишга жўнатди.

Аямбой ака ўғлидан «яхшиям Содир ака бор экан, шу ҳолимиздан хабар олиб турди» деган сўзларни эшитдию туси ўзгарди, вужуди қалтираб кетгандай бўлди, буни Аппонга сездирмасликка қанча уринмасин — удаллаёлмади, қўлидаги чинни пиёлани тушириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Аппон сўнги гапидан кейин отасининг бундай галати, ночор аҳволга тушганига таажубланди. «Дадам билан Содир аканинг ораларидан бирор гап ўтдикикин?» деган ўй кўнглидан кечди, кўнглидан кечдию Йўғ-э, бундай бўлиши мумкин эмас! Неча йиллик ошна-ку иккови!.. Устига устак, ойимнинг ўлигини кўмишда Содир аканинг ҳаммадан кўп ёрдами теккан, бизнинг энг оғир кунларимизда шу одам жонимизга ора кирган, қолаверса, менинг ҳам йўламни топиб кетишимда унинг ҳиссаси бўлса, қандай гап ўтиши мумкин ораларидан? — деб сўзланди.

У отасидан бунчалар ночор аҳволга тушиши боисини сўрашга тараддуллангани, кичикойиси иккита косада суюқ оши олиб келдию гапирмоқчи бўлган сўзи оғзида қолди.

Аямбой ака «мен ҳозир» деди-да, супадан пастга тушиб, уй томон йўналди. Анчадан кейин кампир билан бирга қайтди. Ундан «Валерьянка» ҳиди анқийганини ўғли сезди. Аямбой ака Аппон бўлак хаёлларга бормасин учун: «Бари ўша ернинг асорати», деди, ортиқ бу мавзуга қайтмади.

Аппон шошилмасдан маставасини ичар, аҳён-аҳён еростидан отасига кўз қирини ташлаб қўяр, аммо бир оғиз сўз айтишга на у ва на кичикойиси ботинолмасди...

У шу куни юрак ютиб отасидан бундай афтодаҳол аҳволга тушиши сабабини сўролмади. Эртаси куни аср ва шом асносида отаси ёлғиз ўзи ўтирган уйга кирди. Аямбой ака чиройли безаклардаги араб алифбосида босилган қизил муқовали қалин китобни қўлига олиб мутолаа қилиб ўтирган эди.

У ўғли Аппон кириб келганини кўриб, ёнидан жой кўрсатди.

— Болам, ойинг икковинг бу китобларни асраб қолиб кўй-ўп савобли иш қилгансизлар-да, — деб жавондаги

олтмиш-етмиш чоғли катта-катта, қалин-қалин китобларга ишора қилди, сўнг эса қўлидаги китобни аяб-авайлаб унга тутқазди: — Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»си. Хўп ажойиб асар-да ўғлим. Навоий бувамирлар бу кишини ўз устозларидек кўриб «Сохири ҳинд», яъниким «Ҳинд сеҳргари» деган эканлар...

Аппон китобни варақларкан, отасидан:

— Нима, бу одам ҳинд шоирими? — деб сўради.

— Йўқ, бу буюк зотнинг ота-бувалари ўзимизнинг шахрисабзлик туркийлардан эканлар. Фалакнинг гардиши билан тирикчилик важими ё бўлак бир сабабдан оталари Ҳиндистонга кўчиб борарканлар-да, ўша ерда бир ҳинд қизига уйланарканлар. Буни Абдулла ака раҳматли айтиб бергандилар.

— Қайси Абдулла ака?

— Отабек ва Кумушбибининг китобини ёзган ўзимизнинг дарвозалик ёзувчи-да! — деб изоҳ берди Аямбой ака, кейин у қадар қалин бўлмаган учта китобни қўлига олди. Китоблар муқовасидаги рангли расмлардан бирида ойнинг устида Кумуш ўтирар, Отабек булутлар орасидан от чоптириб келмоқда эди; иккинчисида Тошкент кўрғони. Сипоҳлар тасвири ва ниҳоят учинчи китобда Кумуш қабри тепасида Отабек бўйин эгиб турганини кўриш мумкин эди. Араб имлосида чоп этилган бу китоблар саҳифалари сарғайиб кетган эса-да, ҳеч бир ерига шикаст етмаган, унга ўқувчиси ўзгача меҳрда муомалада бўлгани яққол кўзга ташланиб турарди.

Аямбой ака бироздан сўнг улардан бирини ўғлига узатди.

Аппон Деҳлавийнинг «Хамса»сини отасига қайтариб берди-да, у узатган китобни қўлига олди. Биринчи саҳифасини очди. Эски ўзбек тилидаги дастхатга кўзи тушиб, уни овоз чиқариб ўқиди:

— «Ушбу Отабек ва Кумушбиби қиссасининг китоб ҳолида дунё юзини кўриб, эл-юрт қўлига етиб боришида ўзининг камтарин, аини чоқда улкан меҳнатини аямаган кўп ва хўб солиҳу салоҳиятли матбаачи биродарим Аямбой Атҳамбой ўғлига узоқ умр, эсон-омонлиқ истаб ҳамда умрим поёнига қадар миннатдорлик билдириб қоламан. Абдулла Қодирий (Жулқунбой)дан деб билинг. 1928 йил, имзо».

— Ўзбекнинг катта ёзувчиси эди-да, раҳматлик...

— У киши қанақа эдилар?

— Ҳусн мазмунидами, ақлдами?

— Ташқи кўринишдан?

— Ташқи кўринишдан мен билан сенга ўхшаган қоратўридан келган эдилар. Урта бўйли, елкадор эдилар. Кичикина мўйловли, думалоққа мойил юзларининг чапидами ё ўнгида ўн тийинлик тангадек чандиқ бор эди, ияклари ўртасида эса чуқурча... Ҳамма гап кўзларида эди ўғлим. Кўзлари ўткир эди, кўзлари узоқни кўрарди, зулукдай қора кўзларида хосият кўп эди. Буни ўшанда Порсиям сезганди...

— Қайси Порсини айтаяпсиз? Порси ўғриними?..

— Ҳа. Йигирма олтами, йигирма еттинчи йиллар миёнаси эди шекилли. «Гап» ердик. Менинг навбатим етганида у кишиниям таклиф этдик. Шундай катта ёзувчи келмасалар керак деб ўйловдим, йўқ, келдилар. Ушанда Порси икковлари мана бу мазмунда мубоҳаса қип қолгандилар. «Порси, ўғрилики ташласанг сен ҳақингда китоб ёзаман», дегандилар анча гурунглашиб ўтиришгач у киши. Порсиям жуда гапга чечан одам эди. У нима деди дегин? У: «Абдулла, сен ёзувчиликни ташласанг, менам ўғриликини йиғиштираман!» деса бўлади-ми! Абдулла ака кулиб қўйдилар-да: «Менинг ёзувчилигим ўзбекка керак-да! Халқ китобларимни ўқиб маънавий озиқа олади, ҳаёт ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради!» деган бир гапни қилдилар. Порси бу сўзларигаям

жавоб топиб берди: «Менинг ўғрилигим ҳам халққа керак-да, Жулқун Муштум! Мен бу ишни қилмасам халқнинг қорнини ким тўйғазади, у оч қолади-ку!» Абдулла ака жилмайдилар, кейин, «Оқ пошшонинг даври ўтди, ҳокимиятга Шўро келди, бундан буёқ ҳеч ким оч қолмайди», дедилар, у эса: «Шўронинг ўзи бир аҳволда-ку, у бутун халқни боқоларканми?! Қўй, ошна, менинг касбимга аралашма!» деганди ўшанда. Сенга айтсам, Аппон, Порсининг антиқа одати бор эди. У битта-яримта бойникини ўмардим, албатта, бир ҳафта-ўн кун ўтгач, шаҳарнинг оч-яланғочларига ош тортарди, лекин зинҳор-базинҳор авомга озор етказмасди, ўзи бойликка ҳирс қўймагани учун бор-йўғини ундан аямасди... Порси билан Абдулла ака ўртасида ана шу мазмундаги мунозара бўлиб ўтганди. «Бари бир сен ҳақингда китоб ёзаман», деб қатъий бир тўхтама келгандилар у киши — ниятлари рўёбга ошмади — ниятлари ўзлари билан кетди раҳматлининг... Менинг китобга ўчроқлигимни билганлари важи «гап»га келганларида мана шу «Хамса»ни тортиқ қилдилар.

Аямбой ака шуларни ўғлига ҳикоя қилиб бераркан, деразаси олдидаги баргидан кўра ҳосили кўп бўлган зарғалдоқ шафтолига тикилиб қолди. Узоқ тикилди. Шу пайт қизғиш-сарғимтир бўлиб пишган шафтолилардан иккитаси кетма-кет «тап» этиб ерга тушди-да, пачақ ҳам бўлмай саккиз рақами ҳосил қилиб ёнма-ён туриб қолди. Аямбой ака ерда ётган ана шу бир жуфт шафтолига ҳавас ва ҳайрат билан нигоҳ қадаб турганди ҳамки, ланг очик ҳолдаги деразадан хонага эндигина учирма бўлган қалдирғоч боласи учиб кирди-да, «қирс-қирс» деган товуш чиқариб анчагача шифтга яқин ерда айланиб юрди. Қалдирғоч чиқиб кетмаган ҳам эдики, энгил шабада эсиб, дераза рўпарасига экилган оқ-қора, сада, ҳожи, ош райҳонларнинг хушбўй, одамни маст қилувчи исини димоққа олиб келиб урди.

Аппон бугун ҳам отасидан сўрамоққа ниятланган нарсасини сўролмади. Отаси ҳаётидаги ширин воқеаларни хотирлаётганини кўриб, унинг кайфиятини бузишни истамасди, боз устига, мана бу бетакрор гўзал манзара ўзига ҳам таъсир этиб, руҳиятида ёқимли ҳисларни қўзғатганди. У отаси билан пича бирга бўлди-да, «мен ҳозир келаман» деб ташқарига чиқиб кетди.

Эртасига, якшанба куни, Бекободга қайтаётганида юрак ютиб ушбун сўради:

— Дада, келган куним сўролмадим, кеча мавриди эмасди, нимадандир қаттиқ ранжиган кўринасизми?..

Аямбой ака бир нуқтага тикилган кўйи хийла индамай турди, охири муҳмал жавоб қайтарди:

— Узим, шундай...

Аппон отасининг жавобидан қониқмади, боз қистокқа олишини қўймади:


— Йўк, дада, сиз ниманидир мендан яширяпсиз?! — Кейинги беш-олти кун ичида шунақа бўп қолдилар!

— Аппоннинг мулоҳазасига қўшилди Кичикой кампир. — Утган якшанбада тўйда эдим, кичик тоғам ўғил уйлантирдилар, сизлар келмадинглар, Аппонбой, сизларниям тайинлаб кетишувди. Тўйдан сешанба куни қайтдим. Шундан бери фалати бўп қолдилар. А, тўғрими? Тўғри айтяпманми?! — Кўп алжима, Кичикой, — дея уни жеркиб берди Аямбой ака. — Сен қаердан билақолдинг беш-олти кун ичида шунақа бўп қолганимни?

— Тўйга борганингизда бунақа эмасдингиз-да! Сизни уйга кузатиб қўяётганимдаям туппа-тузук эдингиз!..

Аямбой ака кампирига ола қаради — иложи борича сир бой бермасликка тиришди.

Аппон отаси кичикойисига дакки берганига хижолат



чекди. Зероки, отасини биринчи бўлиб у сўроққа тутган, калтак эса Кичикой кампирнинг бошида синганди.

Кўча эшикка етар-етмас у кичикойисига юзланиб: — Айтмоқчи, опа, халтани оберсангиз бўларди. Йўлдан қизларга майда-чуйда олволмоқчийдим, — деди. Кичикой кампир «эсим курсин» қабилада бошини ушлади-да, қўлидаги шафтоли тўлғазилган қоғоз халтани Аппонга тутқизиб:

— Бунни қаранг, Аппонбой, қаричиликни қаранг, — дея ҳовлиқиб қазноқ томон югурди.

Аямбой ака кампирнинг ортиндан узоқ қараб қолди. Ўғлига ўгирилиб:

— Болам, сендан иккита илтимосим бор. Биттаси, бошқа нарсаларни эҳтиёт қилмасанг ҳам хув анув уйдаги китобларимни кўз қорачиғидай асра! Утмишимиздан узилиб қолганмиз, қачондир албатта қайтиш бўлади, ўшанда ўзбекнинг бирор корига яраб қолар! Иккинчиси, менга бир нарса бўлгудай бўлса Кичикойни хафа қилманглар. Майли, буям бировнинг фарзанди, буям мени деб беш-олти йил умрини шу даргоҳда ўтказди. Ўз онангдай кўринглар, кам бўлмайсизлар, — деб насиҳат қилди.

Аппон отаси ҳалитдан рози-ризалик бошлаб юборганини кўриб ранжиса-да, бунни ташқи белгиларда ифшо этмади.

— Қўйинг дада, шундан бошқа мавзуда гаплашайлик. Ҳали кўп йиллар яшайсиз, бунақа гапни унутинг, — дейиш билан кифояланди, холос.

Аямбой ака ўғлига ўтингандай бир оҳангда мурожаат этиб:

— Аппон, ўғлим, кетмасанг бўлармиди, Тошкентга қайтсанглар бўлармиди. Бу ердаям сенга мос ишлар топиларди. Чироғим ўчмаса дегандим, — деди.

Аппон отаси билан сўнги бор суҳбатлашаётганини билмаганди. У отасининг башоратини шунчаки қариллик васвасаси ўрнида қабул этганди. Отаси бу сўзларни бе-корга айтмаётганини, у ўзининг паймонаси тўлиб, дорилфанодан дорилбақога ўтиш муддати етганини дилдан чуқур англаб етгани важи ҳам ўлиб-тирилиб Аппонни олиб қолмоққа уринаётганини билганде-ку, уни ташлаб кетмасди-я!..

Ҳафтанинг пайшанба кунини, ярим кечада, эшигини биров тақиллатди.

Аппон ҳали ҳовлига тушиб улгурмасидан отаси ёдига тушди. Ёдига тушибгина қолмай, у билан бир кол-қол юз берганини пайқади. Юраги ғашлангандан-ғашланди. Ана шундай руҳий ҳолатда эшик тамбасини юқорига кўтарди.

Остонада кичикойиси томондан тоғанинг ўғли турарди.

— Дадамга бир нарса бўлдими?! — ҳовлиқиб сўради Аппон, тоғанинг ўғли сўз бошлаб улгурмасидан. У фақат ерга қараб «қандай гап бошлайман» қабилада мўйловини силаб-сыйпаб қўяётганди.

Тоғанинг ўғли миқ этмади, фақат «ҳа» ишорасини қилиб бош тебратди.

Аппон қандай қилиб уйга кириб кетганини, қандай қилиб қизларини уйғотганинию қандай қилиб улар билан машинага чиққанини билмади. Фақат ярим йўлга етганда, чап оёғининг тўпиғини нимадир чақди шекилли, ўша ерини қўли билан қашиб туриб, шу оёғига пайпоқ кийишни фаромуш қилганинигина сезди, холос...

Аямбой аканинг қирқи кунини бемаврид қор тушди. Унинг «қор ёғди»си ҳам «қирқ ушатди»сига қўшиб юборилди.

Маросим ўтказиб бўлингач, кечга томон, Аппон китоблар турадиган мўъжаз хонадаги танчага белига до-

вур кириб олиб, отаси унга кўрсатган Дехлавийнинг «Хамса»сини варақлаб ўтириб, у тағига чизиб қўйган мана бу сатрларга кўзи тушди:

**Жонига тиғ урса жафокаш замон,
Шоҳ худони қадр қилмоғи лозим,
Бунни аввалги бурч билмоғи лозим.
Ҳар шодлик, ҳар ғамда, ҳар бир аламда,
Худо мададкор деб билсин оламда.
Забардаст зўрликдан қолмағай нишон.
Агар кичик бир ўқ тегса дафъатан,
У ўқ отганданмас, ўқ юборгандан...**

«Агар кичик бир ўқ тегса дафъатан, У ўқ отганданмас, ўқ юборгандан!» деб сўнги икки мисрани ўйчанлик билан қайта такрорлади. Шу дамда, нима учундир, отаси унга айтишни истамаган сир баайни шу сатрларга яширингандай бўлиб туюлаверди. «Уша кунини дадам ана шу мисраларни ўқиётгандилар шекилли, — деди ўзига-ўзи. — Лекин нега у киши бунни менга ўқиб бермадилар? Нега?!» Мазкур жумбоқ уни қийнагандан-қийнади. Аппон отасининг мана шу ерда, дераза олдида ўтирганди-ки, уни кўчага доғур кузатиб чиққандаги кайфиятини хотирлади. Кўнгли боз бузилиб, ўзи сезмаган ҳолда кўзларига ёш қўйилиб келди. Кўзёшларини кўйлагининг ёқасига арди-да, китобни ёпиб ўрнидан кўзгалди, уни эҳтиётлик билан жавондаги бошқа китоблар орасига терди. Оливай суратлар сақланадиган альбомдан отасининг аристонлик йилларида тушган бир-иккита суратини топиб, уни яна ёдга олиб турганди, хотини Сора эшикдан мўралаб, уни бир йигит истаб келганини дараклади.

Аппон бошига отаси бир пайтлар Оренбургдан харид қилиб олиб келган сувсар телпакни, елкасига унинг сариқ почапўстинини илиб, ташқарига йўналди.

Эшик тағида ориқдан келган новча бир йигит дам бир оёғини, дам иккинчисини кўтариб дийдираб турарди. Куя еган қоракўл ёқали эски драп пальтоси гавдасига муқоясалаганда анча калта кўринар, япалоқ юзида ва укки кўзларида бесаранжомланишгами ёинки бир нимадан ташвишланишгами монанд ифода акс этарди.

Аппон у билан сўрашди. Йигит кўзига иссиқ кўринди. «Бу йигитни қаерда кўрган эканман?» деб эслагга уринаётганди, йигит унинг кўнглидан кечаётган ўйни сезгандек йўсинда:

— Мен Содир аканинг неваралариман, қорақамишлик Содир наборшиқнинг, — дея ўзини таништирди.

Аппон нима сабабдан бу йигит кўзига иссиқ кўринганини филҳол пайқади. Ҳақиқатда унинг қаерларидир Содир акага ўхшаб кетарди.

— Э-э, шундайми? Собиржоннинг ўғлимисиз? Бекобда ишлаб қайтган Собиржоннинг-да, а?!

— Йўқ, Собир ака тоғам бўладилар. Мен катта қизларининг ўғлиман, Ҳабиба опанинг. — Йигитнинг овози дўрилдоқ, овозида одамлар билан муомалада йўқ эканини ифшо этувчи бир қўполлик ҳукмрон эди.

Аппон иссиқ уйдан чиқиб келгани учун икки бети қизариб, олов янглиғ ёнаётганди, йўқ, шу дамда совуқ юзини чимчилаб ўтдию қалтираб кетди. Бунни Содир аканинг невараси пайқаганидан эса ноқулайлик ҳис этди. У йигитнинг қўлтиғидан олиб:

— Қани, қани, нега остонада туриппиз? Уйга кирайлик! — деб ичкарига таклиф этди.

— Йўқ, йўқ, бошқа сафар! — унамади йигит, унинг одамни ўзидан нари итарувчи гўштсиз юзидаги бояги ташвишли ифода йўқолмаган, билъакс у янада чуқурлашганди.

— Совуқда туриб нима қиламиз. Ичкарига кириб

гаплашайлик, — деди Аппон. — Овқат ҳам, чой ҳам тайёр эди.

Иигит йилпоқ юзини бужмайтириб қисқагина илжайди-да, вақти зиқ эканини баҳона қилди. Сўнгра бу ерга келишдан мақсадини айтди:

— Сизни бувам йўқловдилар. Шунинг учун келувдим. Қандай қилиб бўлмасин топиб кел, зарур ишим бор, дедилар.

Аппоннинг юраги ғалати уриб кетди. Боз устига, бошига биров гурзи билан туширгандай кўз олди қоронғилашиб, майда живир-живир ҳалқачалар пайдо бўлди. Эшик кесакисига қўлини тираб улгурди. Нега бундай кўйга тушганининг сабабини англаб етолмади. Сал ўзига келгач, шоша-пиша йигитни сўроқлади:

— Ҳа, айтганча, Содир акам соғ-саломатмилар? Яхши юриптиларми?..

Иигит филҳол жавоб қайтармади. Юзидаги безовта-ланишга монанд аломат тагин ҳам қуюқлашиб, укки кўзларига қўрқув ёйилгандек бўлди. Мана шу туришининг ўзиёқ бобосининг аҳволи яхши эмаслигидан шаҳодат берарди.

— Бувам, бир ойдан ошди, ётиб қолганлар, — деди у, бу хабарни дараклаётганида овози титраб чиқди.

Аппон отасининг на жанозасига ва на фотиҳасига Содир аканинг келмаганига таажжубланганди, «Наҳотки эшитмаган бўлса?! Наҳотки бир келиб фотиҳа ўқиб кетишга эринган бўлса Содир ака?!» деб мулоҳаза юритганди. Йўқ, набирасидан мана бу хабарни эшитишга ўзининг ўша ўйидан изза тортди, устига-устига, унга бир пайтлар яхшилик қилган одамнинг ҳолидан хабар ололмагани, унинг бетоб ётганидан беҳабар қолгани учун ёнидаги йигит олдида ўзини айбдор санади. «Мен ҳозир», деди-да, ичкарига кириб кетди. Уйдагиларга Содир аканикига кетаётганини айтиб чиқиб, ўзини Қобил деб таништирган йигитнинг зулукранг «Москвич»ига ўтирди...

Аппон Содир ака ётган уйга кириб борганида бемор тўрда — ерга солинган тўшакда ҳолсиз ётарди. У озиб-тўзиган, шунга яраша сўпоқ юзининг ажинлари чуқурлашиб икки ёноғидаги суяклар олдинга бўртиган, қисик кўзлари тагин ҳам қисилиб, ич-ичига тушиб кетган, бу кўзлар нуроний ёхуд беозор мўйсафидларникига ўхшамас, аксинча, улар одамга ўкрайиб қараётганга ўхшар, ўсиқ мошгуруч қошлари эса, юқорига қайрилиб уни жуда серзарда қилиб кўрсатар, яна, тан-жони соғ одамларга ҳасад ўтида боқаётгандек, уларга «сенлар юрибсанлар, мен эса мана бундай дарди бедавога чалиниб ётибман» деяётгандек бир мазмунни берарди. Унинг сал олдинга туртиб чиққан ва миёнасида пичоқ тилгандай ингичка, чуқур тиртиғи бўлган торгина ияги билинар-билинимас титрашда давом этар, ётиш аҳволининг ўзидан умри тугаганини ҳис этган ва ана шу ҳисдан қаттиқ изтироб чекаётган, изтироб деса унчалик тўғри келмас, изтиробдан ҳам кўра, қаттиқ қўрқувдан талвасага тушган одамнинг афт-ангорини эслатувчи ифода зухур этганди...

Аппон Содир аканинг бундай афтода ва айни пайтда кишини у ҳақда нохуш хаёллаб суришга мажбур этувчи бир авзода ётганини кўрди-ю, унга ичи ачиди. Беморнинг қошига келиб салом берди, ҳол-аҳволини сўраган киши бўлди.

Содир ака Аппонни кўриб бирдан сесканиб кетди. Юзидаги бояги қўрқув янаям жиддийлашди. У дам Аппонга, дам унинг энгил-бошига олазарак боқди. У шу аснода Аппонни эмас, Аямбойни кўриб тургандай эди. Яна Аппонга тикилди, энди тепасида ошнаси эмас, унинг ўғли турганига амин бўлди, чоғи, кўнгли сал

ўрнига тушиб, жуда паст ва гуноҳқорона овозда:

— Манови ерга ўтир, Аппон, — деб рўпарасидаги кўрпачага ишора қилди, сўнг уни бошлаб келган набирасига мурожаат этиб: — Бизни холи қолдир, Қобил. Аппонга айтадирган гапларим бор, — деди.

Набира итоаткорлик билан бош силкиди-да, уларни ёлғиз ташлаб чиқиб кетди.

Аппон чироғи хира ёниб турган бу кунга тескари уйга бир сидра кўз югуртди: тўрдаги тоқчанинг бир тарафида юқоридан сўл бурчаги синган ва ўша ерга бир тутам исириқ қистириб қўйилган тошойна, иккинчи тарафида эса алмисоқи руҳ самовар, ўн-йигирмага яқин чинни, сопол косалар териб қўйилган; тоқчанинг ўнг ёнидаги тахмонда устига уч-тўртта увада кўрпа, кўрпача, икки-учта шапарақ ёстиқ йиғилган сандик, чап ёнидаги деворда қозиқ лунги, битта катта умумий рамкага солинган ҳар турли майда-чуйда суратлар; ҳовлига қараган яккатавақа дераза тагида чўян печь, унинг устидаги қурум босган кўк човғум ҳализамон қайнаб қолишини дараклаб шифиллайди, дераза тирқишидаги мўридан ҳовлига тутун ўрлайди. Беморнинг олдида — икки буклаб ёзилган эски бўз дастурхонда сут, қатиқ, муолажа учун беш-олти хил дори, яримта ёпган нон, тунука чойнак, чети чатнаган пиёла; оёқ тарафида дастшў, обдаста, ундан берида — эшикка яқин ерда заруратга мўлжаллаб қурилган махсус курси — хонани файзли ва файзсиз қилаётган бор жиҳозлар мана шулар. Содир аканинг бош томонида, сочиқ устида турган қизил духоба жилдли Қуръонгина бу хонадаги жиҳозлар орасида ажралиб туради, қолган барчаси тўшакка қадалган уй соҳибининг ётиш аҳволига ярашиқдек эса-да, ёлғиз ана шу Қуръонгина бундан мустасно.

— Аямбой оламдан ўтибди-да, Аппон, — деди Содир ака ўта заиф, ингроқи бир овозда. Ошнасининг исмини тилга олганда ранги янада оқариб, бутун борлиғига чумоли ўрмалагандай бўлди.

— Шундай бўлди, Содир ака. Дадамни ҳам бериб қўйдик. Дадам ҳам раҳматли бўп кетдилар, — деди Аппон маънос билан қиёфада, хаёлидан шу он: «Ҳеч банди мўминни мана бундай ётқизгулик қилмасин-да! Омонатини елдек келиб, селдек олгани маъқул!» деган ўй ўтди, ўтдию Дадам раҳматли шундай дердилар — ниятлари холис экан, бир кунам кўрпа-тўшак қилганлари йўғ-а! Намоз ўқиб туриб бандаликни бажо келтирибдилар! Лекин... лекин, — дедию «лекин»дан сўнг калласига ҳеч бир сўз келавермади, Содир акага айтаётган гапини ниҳоясига етказиб: — Мана бугун роппа-роса қирқ кун бўлди, бугун «қирқ ушатди»ларини ўтказдик, — деди.

Содир ака шифтнинг бир нуқтасига тикилган кўйи анчагача жим қолди. Юз-кўзларида жуда аянчли бир вазиятга тушган одамнинг ҳолатини эслатувчи ўзгариш зоҳир бўлди. Бу ўзгариш гуноҳкор одамнинг ўз гуноҳини бўйнига олишга қийналаётганини ҳам ёдга соларди.

Содир ака ортиқ чидолмади чоғи, ётган ерида ажриққа ағанагандек бўлиб у ён-бу ён чайқалди-да, тутила-тутила сўз бошлади:

— Аям... Аямбой... ўлмасидан беш-олти кун бурун уни кўргани боргандим...

Аппоннинг юраги орзиқиб кетди. Худди ана шундай ҳол боя — Қобил уни бобоси йўқлаётганини дараклаганда ҳам юз берганди, аммо унда нега бундай бўлганига тушуниб етмаганди — ҳозир эса тушуниб етди. Отасининг ўлимидан беш-олти кун бурун ғалати аҳволга тушиб қолганига Содир аканинг алоқаси бордай кўрина-верди. (Ҳали ҳам кўнглидан худди шундай ўй ўтганди, аммо Аппон уни шу қадар тез калласидан чиқариб юборгандики, бундай хаёлга борганини эслаб қолишга

улгурмаганди, шунинг учун ҳам боши айланиб кетганди.) Бунга агар ўша кун Аппон Содир аканинг исмини тилга олиб: «Яхшиям бахтимизга Содир ака бор экан, шу ҳолимиздан хабар олиб турди, укасига қўшиб мени Бекободга ишга жўнатди», деган жумласидан кейинги отасида юз берган ўзгаришни қўша, мазкур шубҳаси янада асосли экани яққол кўриниб қоларди. У янада даҳшатга тушди. Манглайини майда тер босди, айна пайтда бадани қизиш ўрнига музлаб кетаётгандек бўлаверди. У пўстинининг барига пешанасини артди.

— Аямбойдан авф этишини сўраб борувдим... — Содир ака анчадан сўнг яна тилга кирди, тилга кириши ҳамона томоғига балғам текилиб, хириллаб қолди, орқасидан қаттиқ йўталди, йўталга қўшиб ўқчиди. Ёстигининг тагини тимирскилиб рўмолчасини олди-да, оғзибурнини артди, сарғайган юзи чироқнинг нурсиз шуъласида кўкариб кетгандай кўринди. — Ортиқ чидолмаганим учун боргандим, — деди у яна гап бошлаб. — Ёшлигимда билинмасди, билинмасди эмас, жудаям билинардику-я, унда бақувват эканман, чидаб келгандим, қариганимда чидолмадим... Унга қилган хиёнатим учун охириги пайтларда туну кун азобланиб чиқадиған бўп қолдим... ҳа, ҳа, туну кун ич-этимни бир нарса кемиришини қўймасди, бир нарса тинчимни ўғирлаганди... ухлолмайдиган бўп қолгандим, ухлашга муваффақ бўлганимда эса, аллакимлар мени дўппослашар, тоза пўстагимни қоқишар, охири азобдан додлаб уйғониб кетардим...

Аппоннинг ранги қув ўчди: қандай хиёнатни назарда тутяпти? Тезроқ гапирса-чи? Нега пайсалга солади? Наҳотки? Наҳотки?..

Содир ака титроқи қўллари билан кўкраги аралаш томирлари ўқлоғидек бўртиган халта томоғини мижилади, аммо фойдаси бўлмади. У ён-бу ёнга тебраниди — минг афсух унинг азобига бу тўлғаниши ҳам малҳам бўлмади. Охири Аппонга юзланиб:

— Озроқ сув бер! Ичимга ўт тушиб кетяпти, ичим ёниб кетяпти, озроқ сув бер! — деб ёлборди, у узатган чойни ютоқиб силқарди, «яна, яна» деб Аппонга илтижо қилгандай қаради, у чойнақдаги бор чойни сиркитиб қўйиб бергач, унисини ҳам симириб, пиёлани дастурхон четига қўйди. Не азобда боз ҳикоясини давом эттириб: — Уни... Аямбойни қамалиб кетишига мен сабабчман, — деди, Аппон ёқасидан олишидан кўрқиб ўзини орқага ташлади. — Аямбой ишхонада «Ҳукумат илмли одамларни «халқ душмани» деб қамаб тўғри иш қилмаяпти. Худогаям бу иши хуш келмайди», деб қолувди. Бу гапни гапирганида мандан бошқа яна уч-тўрт киши ҳам бор эди. Буни ана шулардан битта-яримтаси етказишидан кўрқиб ўзим бориб етказдим. Уни опкетишади, унинг ошнаси бўлганим учун мениям қўшиб опкетишади, деб кўрқиб кетганим учун ҳам НКВДга бориб еткардим. «Туркий, арабий китоблар ўқиб юради. Жулқунбойга ўхшаган миллатчи шоирлар, Порсига ўхшаган Шўрога қарши бўлган ўғрилар билан ошначилиги бор, улар билан «гап» еган», деб айтдим, — деди, Аппон унинг сўзларини бўлиб қўядигандай ҳовлиқди, сўнг эса юзини кафтлари кўмагида тўсиб олиб инграшга тушди, йиғи қила бошлади.

Аппон Содир акага анграйиб қараб қолди, девордай қотиб қараб қолди. Отаннинг ошнасман, деб юрган мана шу одам унинг умрига, на фақат унинг, онасининг ҳам умрига зомин бўлганини дилдан чуқур англаб етган эса-да, шу дамда нима қилишини, унга нима дейишини билмай гарангланиб турарди.

— Узимниям опкетиб қолишларидан кўрқдим. Нима қилай, бола-чақали одамман, Аямбойга қўшиб олиб кетишса уларнинг ҳоли нима кечади, деган хаёлга бор-

дим, — ҳадеганда бир жумлани қайтараверди Содир ака, қайтарган сайин аъзойи баданидаги титроғи кучаяверди.

— Ахир... ахир... — Аппоннинг тили айланмади, бу ҳодиса баайни тушида содир бўлаётгандек туюлаверди, ҳа, ҳа, тушида содир бўлаётгандек. Мана бу ўлим тўшагида ётган одамни ҳам, агар уни одам дейиш мумкин бўлса, тушида кўраётгандек эди. У пастки лабини аямасдан тишлаганди, ўша ери қаттиқ оғриди, демак туш эмас экан, демак бу воқеа ўнгида рўй бераётган экан. Вужудининг тубсиз еридан дардли бир нидо отилиб чиқди: — Худонинг қаҳридан кўрқмадингизми, Содир ака?!

— Худо эсга келмаганди, Аппон!

— Худониям унутиб бўларканми?!

— Уша пайтлар, ўша пайтлар одам ҳамма нарсасини унутиб юборганди! У пайтлар шундай эди!..

— Дадамда нима гуноҳ? Айби тўғри гапни айтганими?!

— ...

— Дадам нима ёмонлик қилганди сизга, Содир ака?

— Аямдан ёмонлик кўрмаганман. Фақат... фақат... муқовалаш цехида айтган гапидан кўрқиб кетиб... ҳаммасига кўрқоқлигим сабаб... ҳаммасига бадбинлигим сабаб...

— Унинг тагига етган сиз экансиз-да!

— Нима қилай, яширолмадим. Ушанда кўзим очиқлигида айтаман, оёқларини ялаб бўлсам айтаман: ошначилигимизга хиёнат қилганимни ўзига айтаман, айбимга иқрор бўламан, тавба-тазаррулар қиламан, деб кўнглимга тугиб қўйиб эдим...

— Ойим бечораям сиз туфайли ўлиб кетдилар! Ойимниям ўлимида сиз айбдорсиз!..

Содир ака энди ҳеч бир мулоҳаза, андиша қилмай сўзлар, энди бояги кўрқувидан асар қолмаган, ичини бўшатиб олаётганига, юрагида фасод боғлаб ётган дардидан фориг бўлаётганига ич-ичдан қувонар ва бу қувонч ташқи авзойида ҳам зуҳур этиб турарди.

— Сениям Бекободга атайдан жўнатганман, Аппон... Аямбойни қаматганимни билиб қолишларингдан чўчиб шундай қилганман. Тошкандан олисроқда юрсанг тинчроқ яшарман деб ўйловдим... Ойинг икковинг ҳар қадамимда таъқиб этаётгандек бўлиб кўринаверардинглар...


— Нега айтяпсиз бу гапларни, нега?! — дея қулоқларини беркитишга тутинди Аппон. Кўрпасини кўкрагига довр ёпиб олган Содир акага жирканиб боқди, кўзлари ғазаб ўтида ёнаётганидан косасидан чиқиб кетгудай бўлди.

— Айтмасам бўлмайди! Айтмасам ёрилиб ўламан!.. Ортиқ яширолмайман!.. — у ётган ерида башарасини бужмайтириб йиғи қила бошлади, аммо ич-ичига кириб кетган қисик кўзларидан ёш оқмади, тўғрироғи дийдаси қуриб кетганди, кўзларига ёш келмади, фақатгина йиғлаганга солди ўзини.

Давоми келгуси сонда



Тил сандиғи



Жалойир уруғи ўзбек халқининг тарихий шаклланиш жараёнида катта роль ўйнаган. Ўрта Осиёда барлос, қовчин, арлот уруғлари билан биргаликда улкан Темурийлар давлатининг шаклланишида иштирок этган. Жалойирийлар давлати—1338—1432 йилларда Ироқ, Озарбойжон, Эрон территориясини ўз ичига олган. Машҳур шоир Шайх Камол Хўжандий ҳамкорлик қилган йирик феодал давлати бўлган. Тарихда Аҳмад Жалойирий, Шайх Ҳасан Жалойирий, Шайх Мурод Жалойир, шоир Туфайли каби бир қатор сиёсат ва маданият арбобларини етиштирган.


Жалойир — Ватанни тарк айлаганлар деган маънони англатади. Чунки, бу уруғ ўзининг кўп сонли қабилалари билан Олтой ва Бойкўлдан Ўрта Осиёга келган.

Жалойир шеваси асрлар давомида қўлланиш жараёнида тожик ва араб тилининг ҳам таъсирига учраган. Қуйида фақат жонли сўзлашувдан олинган айрим сўзларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

БАРНО ЭШПУЛАТОВ,
Навой ноҳияси, Жалойир қишлоғи

бисратмоқ — қойиллатмоқ
ямашмоқ — кўмаклашмоқ
ийпаламоқ — пайҳон қилиш
зинғитмоқ — отмоқ
куллуҳламоқ — ҳайвон оёғини боғлаш
хўсилламоқ — куйманиш
мисилламоқ — секин юриш қилмоқ
чатимоқ — булғаш, рангни булғаш
яйламоқ — қўйларни яйловга ҳайдамоқ
идрамоқ — бўшашиш
жилдирва — ариқча
жик — сергап одам
житир — қизғанчиқ
сув момо — сувчечак
дагалак — хода
газар — ахта эшак
йўрма — жияк
қуруқ оёқ — хосиятсиз
мажюки — эзма

маслуқ — танбал
пот — ясан-тусан
катон — танноз
шамак — сув ўти
лух — қамишсимон ўсимлик
лачак — аёлларнинг бош либоси
нукча — мозорда ёқиладиган шам
қайиш — шилпилдоқ
ториксалот — жонига теккан
коччи — ун овқат
олон — ташландиқ жой
бувалак — йирик ҳашорат
пичча — соч фарқи
мўмисақ — қўлтиқ ости
чағат — адир
дарғот — даҳана, сувнинг боши
чинқай — меҳнаткаш
оқай — букри
лаванг — ландовур
путос — эски
чош — тўда
ғўлва — труба
галдир — найнов
бўстихона — остона
обло — калтабақай
сопи — текис майдон
қартачи — фирибгар
аккол — чиллак ўйини
чатаноқ — оёғини кериб юрадиган одам
дўнна — семиз аёл
эмгак — меҳнат
жаложин — ялмоғиз
кўкбола — чақалоқ
патрак — қалин майса
ажғиж — зарпечак
шавалак — жулдурвоқи
суяк — қориндош, авлод
хўса — гумроҳ
юмро — ўғри табиат
сила — тўлар-тўлмас
юм — қилғилик, гуноҳ
мағал — жанжал
ўлаҳат — текислик жойлар
кодак — сандалнинг томонлари
шамолўғри — чаққон
тиркиш — ориқ одам
ўсмасак — бўйи ўсмай қолган одам
қирриқ — ингичка, майда
найни — оч-сарик
хулбўйи — ялпиз
бичак — сомса
тўқишоқ — чалишиб юрадиган одам
шишак — икки йиллик қўчқор
чурри — тўрт йиллик қўчқор
сувай — туғмаган қўй
ҳилиски — тамагир
чатма — қўшилиб кетган
шапак нон — нон тури
това — эгат
пиррик — тез юрадиган бола



ЎШЛИК



НИГОҲ



ЖАҲОНГАШТА ҚЎШИҚЛАР

Қўшиқ — инсоният умрининг ҳамроҳи, қалблар ҳамрози. У қадим-қадимдан дилдан-дилларга кўчиб турли жилоси, мағнавий қудрати билан ҳаёт дарёсини тўлқинлантириб келган Қўшиқчининг хуш овозига, шоирнинг шеърига сингдирилган муҳаббат — бу қўшиқ.

Яхши қўшиққа берилган баҳо қўшиқчига берилган баҳодир. Бу баҳо тобора юксалиб ижрочиға бўлган муҳаббатга айланади. Шундай бахтга муяссар бўлган хонанда СССР халқ артисти Жўрабек Муродовдир. У фақат тожик халқининггина эмас, бутун Урта Осиё халқларининг сеvimли қўшиқчисидир. Унинг қўшиқлари инсоният орзу-умидини бир ўзанга йўллагувчи ирмоқдир. Қўшиқ репертуари эса турфа гуллардай баравж ва ранг-баранг. Жўрабек Муродов ижро этган қўшиқлар қувонч, сеvги, умид элчиси бўлиб қалбларга йўл тополган. Уни бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам сеvиб тинглайди, қадрлайди.

Жаҳонгашта қўшиқчи Жўрабек Муродов республикаimizда кўп бор гастролларда бўлган. Ўзбекнинг дилидан қўшиқлари билан жой олган. Унга янги ижодий парвозлар тилаймиз.

Жўрабек Муродов



Абдуқаҳҳор
Иброҳимов

Езувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов Тошкент шаҳрининг Оқилон маҳалласида туғилган. Яқин кунгача у «Зўлдор», «Биринчи бўса» сингари элга манзур драмаларнинг муаллифи сифатида танилган эди. Драматургнинг кўпгина асарлари ўнлаб қардош тилларга таржима қилинган. Сўнгги пайтларда А. Иброҳимов ҳаётнинг ўткир муаммолари қаламга олинган публицистик мақолалари билан ҳам эътибор қозонмоқда. «Инсоф», «Умид ва ўйлар», «Турмуш тўлқинлари» каби мақолалари ҳароратли сўзлар билан битилган. Шунинг учун ҳам биз учун қимматли.

Бугун эллик ёшга тўлган адибнинг осори атиқалар ва тарихимиз билан боғлиқ муаммолар хусусидаги эссесини ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз. Бу сизда фикр қўзғатиши шубҳасиз. Бу масалаларга қандай қарашингиз эса бизни лоқайд қолдирмайди. Ўйлаимизки, фикр-мулоҳазаларингизни хат орқали бизга маълум қиласизлар.

ЎТМИШНИ УНУТГАННИНГ
КЕЛАЖАГИ БЎЛМАЙДИ

Шарқ эллари орасида «Ўзбек бойиса том солар» деган гап юради. Бу гапнинг ростлигига неча минг йиллик тарих гувоҳ. Биргина Алишер Навоий қурдирган олий иморатларнинг ўзи 150 дан ошади. Булар мадраса, масжид, хонақо, шифохона, карвонсарой, работ ва шу кабилардир.

Ўзбек иморатсозлигининг ўзига хос ва нодир фазилатларидан бири шуки, унда эъзозланаётган туйғу ўзининг такрорланмас ва энг юксак чўққисини топади. Олам олам бўлиб, одам одам бўлиб яралгандан буён ҳеч бир шоир Аҳмад Яссавийдек улкан ва буюк мақбара билан қадрланмаган бўлса керак. Бу Амир Темура томонидан шоир умрининг охирларида Ясси шаҳрида қурилган обидадир. Инсоният ишқу вафо, садоқату хотирот туйғуларига ошно бўлганидан бери

ҳеч ким суюкли рафиқа Мумтоз Маҳалдек ёри томонидан қурилган садоқат рамзи бўлмиш тенги йўқ ёдгорликка муносиб кўрилмаган. Бу Бобур авлодларидан бўлмиш Шоҳ Жаҳон қурдирган машҳур Тож Маҳалдир. Умуман, иморат қуриш ва қурдириш ўзбекка йўрғакда теккан одат. Қизиқ бир факт: ҳаттоки фаолиятдан то шу пайтга қадар фақат нуқсон қидириб келинаётган Бухоронинг сўнгги подшоҳи Амир Олимхон ҳам замонаси ўта нотинч бўлишига қарамай, Бухорода мадраса, шаҳар яқинида ва Қаршида саройлар, Петербургда эса жоме масжиди қурдиришга улгурган. XIV асрнинг биринчи ярмида яшган машҳур араб сайёҳи ибн Баттута ва унинг замондоши Ал-Умарий ҳам аждодларимизнинг шу фазилатларини кўкларга кўтариб мақтаганлар. Масалан, Ал-Умарий маво-

рауннаҳрлик, яъни туркистонлик давлатманд ва ўзига тўқ кишилар пулларини асосан мадрасалар, работлар, йўллар қуришга, вақфлар белгилашга сарфлайдилар, деб ёзади. Шу фазилат туфайликим, жумладан Туркистондан, яъни Ўрта Осиё ва Қозоғистон тупроғида асрлар давомида минглаб осори-атиқалар қад кўтарган. Биргина Тошкентни олиб кўрайлик. 1911 йилги маълумотга кўра, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 333та, янги шаҳар қисмида 16та мечит бўлган. Турли сабабларга кўра, асосан, шахсга сифиниш йилларида ўтмиш маданиятига ленинча муносабат принциплари кўпол равишда бузилиши оқибатида Тошкентнинг кўп мечитлари қаровсиз қолган, бузиб ташланган. Бахтли тасодифлар туфайли сақланиб қолган мечитларнинг аҳволи ҳам ночор. Кўк-

ча даҳасининг ёбу Назир маҳалласидаги мачитга қандолатпазлик це- хи жойлашган. Мачит ёнидаги кўча йил бўйи сув босиб, кўлмак бўлиб, захи мачит деворларию минораси- гача кўтарилиб боряпти-ю, на қан- долатпазлар, на маҳалла аҳли бун- га парво қилмайди. Тошкентнинг бош масжиди — Хўжа Аҳрор Жо- ме масжидида илгари «Қизил олов» заводи жойлашган бўлиб, бу ерда чўян қуюларди, XV асрда ку- рилган бу бионинг шимолий де- вори қисман қулатилди, юк маши- налари масжид ҳовлисига бемалол кириб-чиқиб турарди. Уқувчилик йилларимизда муаллимларимиз бизни шу «масжид-завод»га саё- ҳатга олиб келардилар. Ушанда унинг нураб бораётганига лоқайд қараганмиз. Тўғри, бизлар бола эдик, лекин ўқитувчиларимиз олий маълумотли одамлар эди-ку. Демак, гап дипломда эмас экан. Эндиликда, ўқувчилик ва талабалик йилларимиз аллақачон ортда қо- либ кетган ҳозирги кунда ўтмиш ёдгорликларига муносабатимизни ўзгартирганмизми, йўқми? Афсу- си, ўзгариш сезилмайди. Эски Тош- кентнинг нақ киндигида қад кўтар- ган Хўжа Аҳрор Жоме масжиди, гарчи завод кўчи кетган бўлса-да, ҳамон таъмир-талаб бўлиб ётибди. Сақичмон маҳалласидаги Тўхтабек Жоме масжидини ҳам тезда таъ- мирлаш зарур.

Хўш, асримиз бошларида Тош- кент қиёфасини белгилаб турган ўша 349 масжиду 17 мадрасадан бугунги кунгача келиб нечтаси сақ- ланиб қолган экан? Мадрасалардан фақат учтаси бор: булар — Кўкал- дош, Бароқхон ва Абулқосим мад- расалари. Масжидларнинг атиги 5 фоизи қолибди, холос. Яқинда шаҳар кезиб, айрим масжидларни кўздан кечирдик. Чиғатой дарвоза (ҳозирги Форобий) кўчаси билан Сағбон кўчаси бошланадиган жой Хожид Малик маҳалласи дейилади. Ана шу ердан Сағбон кўчаси бўй- лаб шимол томон икки юз қадамча юрсангиз, Ҳофиз маҳалласига ета- сиз. Кўча ёқасидаги ғиштин мас- жиднинг ярми йўлини кенгайтириш баҳонасида бузиб ташланган, худ- ди дарахтни кесишгани каби ўр- тасидан тиккасига «арралашган». «Арра» теккан — чопилган мустаҳ- кам ғиштарга синчиклаб қарасан- гиз, уларнинг оралиқларидан гўё кўз ёши силқиб чиқаётгандек тую- лади. Бу осори-атиқаларнинг — ўт- миш асрларнинг кўз ёшларидир. «Йиғлаётган масжид»дан шимолга эллик метрча юрсангиз, Сағбон кў- часи билан Олча кўчаси туташган

ерда яна бир масжидга кўзингиз тушади. Унга қандайдир корхона- нинг филиали жойлашган. Дастгоҳ- лар дастидан масжид деворлари зириллагани-зириллаган. Олтмиш- етмиш метр нарида, кўчанинг ўнг тарафида яна бир масжид бор. Илгари бу иморатга 24-мактабнинг кутубхонаси жойлашган эди. Ўзбек алломалари Яҳё Фуломов, Обид Содиқов, Собир Юнусов, Карим Аҳмедов, Ҳамдам Усмонов, СССР халқ артисти Малик Қаюмов, шарқ- шунос Лазиз Азиззода каби таниқ- ли кишилар шу ерда кўп мутлоа қилишган. Ҳозир у қаровсиз ётиб- ди. Яна юз эллик метр шимолда, Қўштут гузаридидаги каттакон мас- жидга ҳам бир корхона жойлашган.

Қўштут марказидан чапда, Енгиш кўчасидаги масжидлардан бирига корхона, иккинчисига болалар боғчаси жойлашган. Кайковус ари- ғи ёқасидаги ғиштин масжид ом- бор, Қумлоқ маҳалласидаги мас- жид эса дорихона, Ҳамза кўчаси- да — Биринчи ва Иккинчи Зарқай- нар маҳаллаларидаги масжидлар эса илгари ётоқхона эди, эндиликда қаровсиз. Собир Раҳимов ва Ҳамза кўчалари туташган ердаги ғиштин бино Хотинмасжид деб аталади. Унинг номланиш тарихи бошқача- роқ. Бир ишбилармон бой киши навқирон ёшида тўсатдан вафот этиб, ундан кўп ер-сув, мол-мулк гўзал хотинига мерос қолади. Ша- ҳарнинг казо-казолари бевага сов- чилар юборишади. Уртага дин ар- боблари ҳам тушадилар. Аёл би- лардики, харидорларини фақат- гина ҳусну одоби эмас, балки бой- ликлар ҳам мафтун этарди. Кўз очиб кўрган эрига бир умр содиқ бўлиб қолган бу аёл шундай тэд- бир қўллайди. Бутун мол-мулкни масжид қуришга сарфлаш, ер-сув- ларини масжид вақфига бағишлаш ниятини юрт катталарига билди- ради. Уша кезлари нафақат Тош- кентда, балки бутун Турон мам- лакатида Масжид қуриш ғоясини тўхтатиб қўя оладиган куч йўқ эди. Шу тариқа Хотинмасжид бун- ёд бўлади. Мен бунда аёл ва- фодорлигининг ёрқин бир дали- лини кўраман. Уни кўркамликда эмас, балки инсон Хотирасини эъзозлаш борасида буюқ Тоғ Ма- ҳалга тенглаш мумкин.

Шайхонтовур (Шайх Ҳовонд То- хур)лик Гадобек деган киши кур- дирган икки масжид ҳақида ҳам албатта гапириб лозим. Қариялар- нинг ҳикоя қилишларича, Гадобек- нинг ҳам жуфти ҳалоли ёшлигида оғир дардга учраб дунёдан кўз юмади. Ундан фарзанд қолмайди.

Лекин хотинига вафодор Гадобек бошқа уйланмайди, мол-мулкни бева-бечораларга ҳадя қилиш би- лан ҳам кўнгли таскин топмайди. Суюкли марҳума хотини хотира- сини абадийлаштириш мақсадида ўз маҳалласида баланд ва гўзал бир бино — масжид курдиради. Халқ кўринарли ва кўнгай ерга қурилган иморатнинг баландлиги- га урғу бериб, уни баландмасжид деб атайди. Бора-бора бутун ма- ҳалла ҳам Баландмасжид деб юри- тила бошлайди. Мазкур маҳалла ҳозирги Навоий кўчасида, Ҳадра майдони билан Марказий телеграф бекати оралиғида, кўчанинг шимол тарафида жойлашган эди.

Ўттизинчи йилларда динга қарши кураш никоби остида кўҳна осори- атиқаларни бузиш бошланиб, нав- бат албатта Баландмасжидга ҳам етиб қолган эди. Лекин ёлғиз суян- чиғи — суюкли завжаси сиймосини эслатувчи масжиди бор эди, холос. Уни шу суянчиғидан ҳам маҳрум этишмоқчи. Агар масжид ҳам йўқ қилинса, дунёдан ҳеч бир ном- нишонсиз ўтиб кетаркан-да. Изсиз ўтишни била туриб, дунёдан кўз юмиш даҳшат. Уйлаб-ўйлаб, охири йўлини топади: Баландмасжидни сақлаб қолишнинг бирдан-бир чо- раси атеизм билан «шуғулланиш» эди. Гадобек жумҳурият ҳукумати раиси Файзулла Хўжаев қабулига ёзилади. «Атеизм билан шуғул- ланиш мақсадида ҳукумат раиси билан маслаҳатлашмоқчиман», де- ганини эшитиб, қабулхона ходим- лари Гадобекни тезда раис ҳузури- га қўйиб юбора қоладилар.

«Камина баландмасжидлик Га- добек бўламан. Уша масжидни қурдирган ғариб кимсаман. Шу масжиддан бўлак суянчиғим, бе- вақт мени ёлғиз ташлаб кетган завжамни эслатувчи шу иморатдан бўлак бойлигим йўқ. Масжидни биронта мих ишлатмай қурдирган- ман. Камина масжид қурилишига фақат ускунаю озиқ-овқат сарф этганман, холос. Қолган ҳаммасини халқнинг ўзи бажарган. Масжид Катта кўчани (Навоий кўчаси илгари Катта кўча деб юритилган) кенгай- тириш мақсадида бузилар экан. Уни бошқа жойга олиб бориб, қайта курсак ва унда... атеизм му- зейини очсак...»

Файзулла Хўжаев гап нимада эканини англаб етади-да, истисно тариқасида Баландмасжидни бош- қа жойга кўчириб, қайтадан қуриш- га рухсат беради, бу нозик юмуш- ни Гадобекнинг зиммасига юклай- ди.

Бундан руҳланиб кетган Гадобек

енг шимариб ишга киришади. Яна бутун шаҳар бўйича ҳашар эълон қилинади. Кимки савобталаб бўлса, белбоғига емишини тугиб, Баландмасжид тамон келади ва ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, бу масжидни худди ўз шаклу шамойилида Бешёғоч майдонига элтиб ўрнатадилар. Ҳозир бу меъморий ёдгорликка атеизм музейи жойлашган. Энг муҳими, Гадобек номи билан боғлиқ халқимиз тарихининг бир ёдгорлиги сақланиб қолганлигидир.

Кўҳна Туркистонда жойларнинг номи масжидларга нисбат берилиб, Оқмасжид кишлоғи, Сирлимасжид маҳалласи каби атилишини биламиз. Бош универсал магазиннинг орқасидаги эски маҳалла масжиди, айтишларича, чиндан ҳам сирли бўлган. Масжиднинг сирийўғон ва баланд устунларнинг остидagi олис эллардан келтирилган кўк мраммар тошларда экан. Улардан тараладиган ёқимли ҳидлар шифобахш бўлиб, турли аллергик касалликларга, жумладан, кўк-йўталга даво.

Аждодларимиз учун шифо маскани ҳам бўлган бу «Сирлимасжид» ҳалигача қаровсиз ётибди. Меъморий ёдгорликларнинг бундай ачинарли ҳолда ётиши учун фақат мутасадди ташкилотлар ва уларнинг ойлик олиб, оила боқадиган масъул раҳбарларигина эмас, балки ҳаммамиз айбдормиз. Аждодларимиз наҳотки биздан шунки кутишган? Чиғатой чақиридаги масжидга дастлаб лаборатория жойлашди, дарвозахонасида эса керосин сотилди. Ҳозир у ҳам ташландиқ ҳолда диний бошқарма қароргоҳи бўлган Бароқхон мадрасасининг жанубий катта залидан ҳам керосин дўкони сифатида фойдаланишарди (ҳозир бу ер диний бошқарма раҳбарининг иш кабинетидир) десам, ўз кўзи билан кўрмаганлар гапимга ишонмасликлари мумкин. Ахир, кўп асрлик халқ тарихининг кўзгуси бўлмиш мадрасадан керосин дўкони сифатида фойдаланишганда бефарқ қараб турганлар ҳам бошқалар эмас, ўзимиз эдик. Тўғри, ўша кезлари менинг тенгдошларим бошланғич синф ўқувчилари эдилар, ҳали аклимиз кўп насага етмасди. Хўш, катталар-чи, улар қаёққа қарашарди, нимани ўйлашарди? Менимча, эллигинчи йилларнинг бошлари бўлгани учун, ҳали уруш касофати кучли бўлгани учун ўтин-кўмир камёб эди, катталар, аввало, навбатда туриб, керосин олиб, бир амаллаб қорақозонни қайнатиш

ўйида эдилар. Демак, моддий қашшоқлик маънавий таназулуга олиб келар экан. Лекин ҳозир-чи?

Меъморий ёдгорликларимизга беписанд қараш иллатининг илдизлари сталинчилик йиллари касофатларига бориб тақалади. Бу сиёсат халқни аввало замондан узоқлаштириб, моддий қашшоқлаштирди, кейин маънавий гадо ва басир қилди. 30-йиллар бошидаги қаҳатчиликда одамлар аввало қорин тўйғазиш, яъни жисман тирик қолиш ташвиши билан яшашга мажбур бўлдилар. Шу сабабли ўттизинчи йиллар ўрталарида бутун мамлакат бўйлаб меъморий ва маънавий бойликларга қарши қирғин бошланганида, одамлар бунга қарши кураша олмадилар. Бугунги оммавий лоқайдлик ва фикрий қашшоқлик илдизлари пахта яққаҳоқимлиги касридан юртимиз иқтисодий ҳаётига етган ўнгламиз зарарга бориб тақалади.

Мақсадимиз жумҳурият жамоатчилигининг диққатини нураб бораётган улар масжидми, мадрасами, хонақоҳми, саройми, бундан қатъи назар — тарихий биноларга жалб этишдир. Барча таъмирталаб бўлиб, қаровсиз ётган иморатлар ўз эгаларига—ўша ёдгорликлар атрофида яшовчи аҳоли ихтиёрига топширилса, айна муддаодир. Биринчидан, бу омманинг меъморий ёдгорликларга бўлган ватанпарварлик муносабатини кучайтиради. Иккинчидан эса, меъморий ёдгорликларга умумий, яъни мавҳум эғалик барҳам топади.

Мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар моддий эмас, маънавий бойлик масканлари бўлиб келган. Улардан корхона, омборхона сифатида фойдаланишга қатъий чек қўйиш пайти етди. Айрим ёдгорликлардан қироатхона ёки кутубхона сифатида фойдаланган маъқул.

Яна бир таклиф шуки, ёдгорликларнинг ҳар бирида унинг ким томонидан ва қачон қурилгани, меъморий кимлиги, унга кимларнинг қадами етгани ва шу кабилар ҳақида маълумот ёзилган лавҳалар осииш лозим. Масалан, Самарқанднинг бош майдонидаги Улуғбек мадрасасида Муҳаммад Тарафай-Кўрагоний — Мирзо Улуғбек ҳақида, шу жойга майдон қиёфасини бериб турган Шердор ва Тиллакори мадрасаларига бу салобатли ва шуқуҳли олий иморатларни қурдирган буюк ўзбек фарзандларидан бири Самарқанд ҳокими, атоқли лашкарбоши ва тенги йўқ қурувчи Ялангтўшбек баҳодир ҳақида

икки оғизгина сўз ёзилган мармар лавҳа қўйилса, бу ёшларни ўтмишга ҳурмат кўрсатиш руҳида тарбиялашга ҳисса қўшган бўларди. Ялангтўшбек баҳодирга ўхшаш буюк боболари ўтганини ўзбек ёшлари, иттифоқдош жумҳуриятлар ва чет эллик сайёҳлар ҳам билиб қўйсалар ёмон бўлмасди. Самарқанд, Бухоро, Хивада жойлашган сайёҳлик идораларида ишлаётган йўлбошловчи ходимларнинг билими, қарашли, гап-сўзларига ёзувчи, журналист ва олимларимиз жиддий эътибор бериб, вилоят ва жумҳурият матбуоти орқали ҳолис фикр билдирсалар, аждодларимиз руҳини шод этган бўлардилар. Ўзбекнинг бой ва кўпқиррали тарихидан беҳабар минглаб сайёҳларни айрим йўлбошловчилар кўп чалғитишади. Шахсан ўзим самарқандлик гидларнинг «Амир Темур Буюк мўғуллар салтанатининг асосчиси Бобурнинг катта бобоси бўлган» деганга ўхшаш нотўғри гапларига тузатиш киритганман. Аждодларимизга бизнинг мақтов сўзларимиз даркор эмас. Улар бусиз ҳам ўз вазифаларини ўтаб қўйганлар — буюк ва бой меъморий ёдгорликлар қолдирганлар. Бирдан-бир ўтинчлари шу бўлса керакки, улар қолдирган мерос ҳақида рост сўзлайлик ва эъзозлаб, ўзимиздан кейинги авлодга ҳам етказайлик. Бу энг аввало ўзимизга керак. Зеро, ўтмиш ҳақида ёлгон сўзлаганининг, ўтмишини унутганининг келажаги бўлмайди.

Жой номлари ҳам тарихий бойлик, халқнинг маънавий мероси ҳисобланади. Улар халқни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда алоҳида ўрин тутади. Маълумки, эски Тошкентнинг ўн иккита дарвозаси бўлган, ҳар бирида кираверишда ўзига хос Оқтепалар бўлган: Кўкча Оқтепа, Чиғатой Оқтепа, Чилонзор Оқтепа ва ҳоказо. Бу Оқтепалар аслида ҳарбий истехкомлардир. Ҳар тунда Оқтепаларда соқчилар гулхан ёқиб қоровулик қилганлар, агар душман аскарлари келаётгани сезилгудек бўлса, дарров гулханни ўчирганлар. Буни шаҳар дарвозаси тепасидан кузатиб турган қўриқчилар дарров сезиб, тегишли чора-тадбирлар кўрганлар. Ҳамма куч ҳужум кутилаётган дарвоза мудофаасига қаратилган. Оқтепаларнинг бундай вазифа бажарганидан беҳабар кишилар уларни ер билан яқсон қилиб, текислаб юбормоқдалар. Ҳозир фақат Чиғатой Оқтепаси қолибди, холос. Буни жисман йўқ қилиш деймиз, чунки тарихий номни йўқо-

тишнинг икки усули бор. Бири ҳеч бир сабабсиз тарихий номни янги ном билан алмаштиришдир. Буни маънавий ўлдириш деса ҳам бўлади. Қатортол кўчасининг номи асоссиз ўзгартирилди, Чирчиқ бўйидаги икки районга Коммунистик ва Ғалаба деб ном берилди. Хўш, нега? Агар, 1945 йили Ғалаба номи берилганда, буни урушдаги ғалаба шарафига йўйиш мумкин эди. Турғунлик йилларида районга Ғалаба деб от қўйиш мантиқсиздир. Еки бўлмаса, қадимги Бектемир шаҳрига Наримонов номини беришни нима билан изоҳлаш мумкин? Ахир, Тошкент музофотида рўй берган кўпгина тарихий воқеалар Бектемир номи билан боғлиқ-ку. Бектемир илмий ва тирихий асарлар, бадиий китобларда ҳам тилга олинган. Эндиликда уларни ўқийдиган китобхонлар, Бектемир қарера бўлдийкин, деб қийналишлари турган гап. Россияда ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун яхши ишлар қилиняпти. Масалан, Ижевск шаҳри яна ўз номи билан атала бошланди. Ўзбекистонда ҳам шундай тадбирларни амалга ошириш лозим.

Тарихий жой номларини ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Бу худди туғилганида Алпомиш деб от қўйилган болага йигит бўлгач, Альберт деб ном беришдек бўлмағур ишдир. Жой номлари дахлсиз бўлиши ва худди моддий, маданий ёдгорликлардек, давлат томонидан муҳофаза этилиши керак. Республика маданият ёдгорликларини сақлаш Жамияти кенгайтирилиб, маданий ёдгорликлар ва жой номларини муҳофаза этиш жамияти, деб атилишини таклиф қиламан. Иттифоқдош республикалар Фанлар академияларида бўлгани каби Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошида ҳам этнография илмий-тадқиқот институтини очиш, топонимика масалалари билан шуғулланувчи олимлар сифини кенгайтириш ва фаолиятини кучайтириш лозим.

Республикамизда йил сайин кўп-лаб янги-янги турар жойлар, кўчалар, майдонлар, шаҳар ва қишлоқлар бунёд бўлаётир. Буларга ном беришда ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиби иш тутиш лозим. Улар ўз номлари билан ҳам Ўзбекистонга, ўзбек халқига тегишли эканлиги сезилиб турсин.

Матбуот саҳифаларида бу хусусда ажойиб гаплар айтилмоқда. Лекин, «Правда Востока» ва бошқа газеталарда айрим чалқаш фикрлар ҳам учраб қолаётир. Айрим

муаллифларнинг пала-партиш мақолалари газета саҳифаларига чиқиб кетмоқда. Шоир Муҳаммад Алининг «Ёш ленинчи» газетасида босилган мақоласини танқид қиламан деб, Р. Собиров деган шахс ўз билимсизлигини фош этиб қўйди. Унинг «мақола»си аввало, бирор мутахассисга кўрсатилиб, кейин «Ёш ленинчи»нинг ўзида босилса, ақлли иш қилинган бўлур эди.

«Правда Востока»даги пала-партишликларни М. Ваҳобов бошлаб берган бўлса, А. Аъзамхўжаев давом эттирди, Г. Ҳидоятлов эса жуда авжига чиқарди. Ҳатто у ўзбек халқига Темурнинг ҳеч бир алоқаси йўқ дейишгача бориб етди. У лоақал Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»ини ёки Шарафиддин Али-Яздийнинг «Зафарнома» асарини ўқиган бўлганида бу фикрдан қайтар эди. Профессор, фан доктори бўлмиш Г. Ҳидоятлов талабалар олдига ўзбек халқи тарихи, яъни ўз тарихи бўйича билими ноетук эканлигини исботлади-қўйди. Қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонов таъбири билан айтганда, тарихда қоралама бўлмайди, тарих бир марта ёзилади. Ҳеч бир одам ўз таржиман ҳолидан воз кеча олмаганидек, ҳеч бир халқ ҳам ўз ўтмишини қочиб кетолмайди. Чунки ўтмиш яшаб ўтилган кунлардир. Олим одамнинг иши эса Темур бизники ёки бизники эмас дейиш эмас, балки марксизм-ленинизм нуктаи назаридан Темурга холис баҳо беришдир. Ваҳоланки, Темур ҳақида Иброҳим Мўминовнинг бир кичик рисоласидан бўлак ҳеч нарса чоп этилмаган. Марҳум Маҳкам Абдураимовнинг «Темур ва Тўхтамиш» деган монографияси ўн йиллардан буён босилмай ётибди. Г. Ҳидоятловга айтадиган икки оғиз сўзим бор. Агар Темур турк бўлмаганида юртимизни мўғул босқинчиларидан тозалаш учун жонжаҳди билан киришмас, Самарқанд тахтини эгаллаб тинчлана қоларди. Иккинчидан, ўзи Чингизхон авлодидан Амир Хусайнинг синглисига уйланиб, Кўрагоний лақабини олишга, тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзони Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг неварасига уйлантириб, унга ҳам Кўрагоний лақабини олиб беришга интилмас, бунга ҳожат ҳам бўлмасди. Айтиш керакки, Бобурийлар сулоласининг Буюк мўғуллар деб нотўғри атилишига ҳам чек қўйиш пайти келди.

«Правда Востока»да ўтган йили М. Ваҳобов бошлаб берган кампания бошқа матбуот органларига

ҳам ўтди. «Тошкент оқшоми» газетасида (12 ноябрь, 1988 йил) Ш. Шомухамедов билан Фирдавсий «Шоҳнома»си ҳақидаги суҳбати босилди. («Тошкент оқшоми»). Ш. Шомухамедов баён қилишича, «Фаридун катта ўғлига саломатлик, соғлом маъносидан Салм исмини беради, ўртанчасига ҳўки маъносини берувчи Тур исмини қўяди, ҳам оқил, ҳам меҳрибон, олижаноб ва жасур бўлган кенжа ўғлига олижаноб эроний маъносидан Эраж номини беради». (Таъкидлар бизники — А. И.) Гап нимадалигини илғаб олгандирсиз. Суҳбат билан танишишда давом этамиз: «Фаридун кексалик заифликларини сеза бошлагач, мамлакатни уч ўғлига тақсим қилди. Мамлакатнинг ғарбий қисмидаги Рум вилояти Салмга, Чин билан бирга шарқий қисми Турга тегади. Марказий Эрон ерларини эса Эражга беради ва уни валиахд эълон қилади.

...Аммо ҳасад олови ақл кўзини кўр қилган акалар Эраж кўксига ханжар урадилар... Шундан бошлаб Эрон ва Турон орасида адоватли урушлар...»

Ривоят шу ерга етганда суҳбатни олиб бораётган мухбир ортиқча чидаб туролмаган бўлса керак, илк бор савол беради:

—...«Турон» Туркистон маъносини англатмайди?

— Турон... Тур қўли остидагилар, Турга қарашли фуқаро маъносини англатади.

Профессор одамнинг «илмий» жавоби мана шу.

Профессор тушмағур пардали қилиб, «Турга қарашли фуқаро» деб атабди. Лекин мўғтабар матбуот минбаридан шундай номақбул гапларнинг айтилиши таажжубланарлидир. Биз ҳалигача ҳеч бир манбада бундай фикрни учратганимиз йўқ. Ш. Шомухамедов «тур» сўзига кўплик аффикс «он»ни қўшиб, кашфиёт қилдим, деб ўйласа керак-да. Ш. Шомухамедов ва у қабиларнинг ғайри илмий, ғайри тарихий гапларига йўл берувчилар қаттиқ янглишадилар.

Эрон форслар диёри, Турон турклар юрти. Алишер Навоий таъкидлаганидек, араб ғайри арабни Ажам дейди. Ажам эса, Эрон ва Турондан иборатдир. (Шу ўринда халқ куйи — «Ажам»ни бир эсланг.) Эрон билан Турон оралиғида ҳаммиша талаш бўлиб келган мамлакат Хуросондир. Чиндан ҳам агар тарихни varaқласак, Хуросонда гоҳ турклар, гоҳ форслар ҳукумат тузганлар. (Масалан, Хусайн

Бойқаро, Шоҳруҳ ва бошқалар) Ҳозир ўша Хуросон уч қисмга бўлинган бўлиб, Эрон, Афғонистон ва СССРга тегишлидир. Фирдавсий ўша қадим Хуросонда туғилган. «Шоҳнома»сини ўша даврдаги юрт эгаси Султон Маҳмудга бағишлаган. Лекин минг афсуслар бўлсинки, Ш. Шомухамедов ўз суҳбатида туркий сулолалар ва уларнинг вакилларини нафрат билан тилга олади, уларга нисбатан «пасткаш», «хасис», «зоти паст», «тахтга нолийқ» каби ҳақоратли сўзлар ишлатади. Бағдод халифаларига озодлик учун бош кўтарган исёнкорларнинг калласини юбориб турган сомонийларга ён босади. Бу ҳол ўқувчида таажжублайғотиши турган гап. Чунки, биринчидан, олим одам кечмиш кунларга, барча сулолаларга, гарчи улар сомонийларми, чингизийларми, теурийларми, сафавийларми, ким бўлишидан қатъи назар, ҳолис баҳо бериши, марксизм-ленинизмнинг синфийлик позициясидан туриб ёндашиши зарур. Тарих ҳақида сўз кетганда, тарихий шахс ҳақида гап борганда тарафқашлик қилмайлик, чунки тарих қайтмайди, уни бошқатдан яратиш мумкин эмас, тарихий шахс қайта қурилмайди, оқ қора, қора оқ бўлмайди ҳам.

Шуни билиб қўйиш керакки, биз истаимизми-истамаймизми қатъий назар, тарихий асарларда, демакким, аждодларимиз муомаласида турк эллари юртининг номи сифатида ишлатилган Турон Туркистон сўзлари илмий-бадий китоблардан мустаҳкам ўрин олган, жуғрофий термин сифатида қўлланилган. (Масалан, Турон пасттекислиги.)

Асримизнинг бошларида, 1905—1907 йилларда биринчи рус революцияси эпкинидан мадад олган Туркистонимизда илк ўйғониш уч-

қунлари кўринди. Ўша йиллари Шарқда инқилобий марказ бўлмиш Тошкентда ва юртимизнинг бўлак ерларида «Турон» театрларининг вужудга келиши, «Турон» газетасининг чиқиши, «Турон» кутубхонасининг очилиши, бу эзгу ишларга Авлоний, Беҳбудий каби Турон ўғлонларининг бош бўлишлари бежиз эмас, албатта.

Турон ва Туркистон бир маънони билдирувчи сўзлардир. Туркистон атамаси ҳам кўп асрлардан бери Турон каби ишлатиб келинган. Афсуски, ҳозир бу сўз ўрнига нимагадир «Ўрта Осиё» ишлатиляпти, лекин бу, бизнингча, хато. Ахир «Туркистон» — бу Эрон, Ҳиндистон, Хитой сингари мамлакат номи. «Ўрта Осиё» эса бу — Яқин Шарқ, Узоқ Шарқ каби жуғрофий атамалар. Дохий В. И. Ленин ҳамма вақт Туркистон сўзини ишлатган. Масалан, у бир хатини «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» деб атайди. Ҳозирги кунда фақат бир киши — Чингиз Айтматов Туркистон сўзини ишлатади, «Ўрта Осиё республикалари» эмас, балки «Туркистон республикалари» деб атайди. Бу ҳам адибнинг ўз тарихига, аждодлари хотирасига фарзандлик ҳурматиридир.

Ш. Шомухамедовнинг ўзи ҳам таъкидлаганидек, «асар бошдан-оёқ эроний шоҳлар ҳақидадир». У урғуни ана шу ёққа — шоҳлар тарихига, шахзодалар низосига буриб юборган, лекин шахзодалар низоси бу халқлар низоси эмаслигини унутиб қўйган. У худди шу нуқтада янглишган. Қош қўяман деб кўз чиқарган — туронлик, яъни туркистонлик ворисларни «жасорати зўр, аммо ақлу тadbиркорлик етишмас»ликда айблаган. Мумтозлик талаб қилиш, бир халқдан иккинчи халқни устун қўйиш, гинакудратлар сандиғидан низо кел-

тириб чиқариши мумкин бўлган гапларни топиш бизнинг мафкурамизга мутлақо ётдир. Тарихимизнинг ҳамма соҳалари ва барча қирраларида ҳам ибрат олса, бугунги кунга татбиқ этса арзийдиган нурли нуқталар кўп. Буни қарангки, халқимиз қабристон учун жой танлашда ҳам эзгу мақсадни кўзлар экан. Тошкент ўтмиши ҳақида мақола ёзиш ниятида кўпдан бери изланиб келаман. Бир куни ўрта асрлардаги Тошкент қиёфасини хаёлан кўз олдимга келтириш мақсадида шаҳарнинг эндиликда номи бору ўзи йўқ бўлиб кетган ўн икки дарвозасидан «Тошкентга кириб» ва «Тошкентдан ташқарига чиқиб кўрдим». Шунда шаҳардан чиқаётиб ҳам, шаҳарга кираётиб ҳам кўзим тушган биринчи нарса... қабристон бўлди. Ун икки дарвоза ташқарисида ўн иккита қабристон: Кўкча дарвозасида Шайх Зайниддин қабристони, Чигатоё дарвозасида Қўшчи ота қабристони, Камолон дарвозасида Хўжа Аламбардор қабристони ва бошқалар. Хўш, нима учун қабристонлар шундай жойлаштилган? Ёмон ният билан шаҳар томонга отланган йўловчи қабристонга кўзи тушиб, дуненинг ўткинчилигини ёдига келтириб, фақат эзгу ишлар билан яхши от қолдириши мумкинлигини ўйлаган. Ёмон ниятидан қайтиб шаҳарга эзгу ният билан қадам қўйган. Ёмон ният билан шаҳардан ташқарига чиққан киши ҳам охир-оқибат борадиган ерига — қабристонга кўзи тушиб қароридан қайтиб, яхши ишга бел боғлаган. Балки бу гаплар ривоятни эслатар. Лекин ҳар ҳолда эзгуликка хизмат қилади-ку! Ўтмишимизнинг нурли нуқталаридан фойдалана билайлик, эъзозлайлик ва тарғиб этайлик. Зеро, такрор айтамикки, ўтмишини унутганинг келажаги бўлмайди.





Вера Панова, Юрий Вахтин



«Муҳаммад умрининг ўттиз саккизинчи баҳорини қаршилаган эди. Бойлик орттириш нияти уни аллақачон тарк этган, эндиликда мол-дунёга муносабати бутунлай ўзгарган, моддий бойликлар унинг маънавий камолоти йўлида ўзига хос бир тўсиққа айланиб, Муҳаммад ҳар доим:

— Эй тангрим! Мени умрим охиригача фақирликда асрагин, менга бир камбағал кишининг ўлимини ато этгин, — дея ўтиниши мумкин бўлган бир кайфиятда яшар эди. Унинг феъл-атворида ўрта даражадаги зоҳидликка мойил руҳ мустаҳкамланиб борарди. Бу ҳолни ҳаёт кечиришнинг инсон учун жуда фойдали тарзи деб ҳисобларди Муҳаммад. У қатъий бир ҳулосага келган эди: ортиқча еб-ичиш юракдаги эзгу туйғуларни ўлдирди.

Маида савдогарлик билан шуғулланиш ҳам бора-бора уни жуда кам қизиқтирадиган бўлди. Хадичанинг сарф-харажатларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам Муҳаммаднинг оиласида моддий таъминот танқислиги, пулга эҳтиёж деярли сезилмас эди. Савдо билан шуғулланиш энди улар учун рамзий ва маънавий аҳамият касб этарди холос. Муҳаммаднинг фикрича, меҳнат — улуғ инсоний бурч, одамлар ҳамиша роҳат-фароғатда эмас, балки фойдали, эзгу меҳнат билан банд бўлмоқлари лозим.

Тўйдан кейинги йилларда у нимагаки эришган бўлса, барчаси жуда аҳил ва мустаҳкам оила ҳаётида ўз аксини топган эди. Аммо Хадича кексайиб борарди. Ўғил фарзанд кўриш орзулигича қолди, қизлар эса буй етиб, бирин-кетин уйни тарк айладилар. Йиллар ўтиб, Фотима ҳам, Али ҳам, Зайд ҳам шундай хайрлашадилар. Кун келиб, вафодор ва суюкли Хадича ҳам у билан видолашади. Уйи ҳувиллаб қолади. Оила ҳам, ҳовли-жой ҳам ном-нишонсиз йўқликка юз тутди. Сўнгра эса, кексалик ва ўлим ташриф буюради, Муҳаммаднинг сабр-қаноат ва эзгуликка эш, қандайдир чуқур ва салмоқли моҳият, юксак ва руҳлантирувчи мақсадга эга бўлган ҳаёти ҳам охирайди...

Муҳаммад аста-секин, аммо мунтазам қатъият билан, Хадичага уйланиши ва оила ташвишлари оқибатида узилиб қолган худоизловчилик борасидаги қизиқишлари оламига қайтди. У шоир Лобиднинг «Худодан бошқа барчаси зерикарлидир» деган сўзлари жуда соз ва аниқ айтилганига тобора пухта ишонч ҳосил қилар эди. Дин томонга бу галги бурилиш ҳал қилувчи, унинг бутун сўнги ҳаётини белгиловчи қадам бўлди.

Макка шаҳрида ҳукмдор ҳам, қолаверса, ҳукуматнинг ўзи ҳам йўқ эди. Шаҳар қурайшийларнинг улуғ қабиласи бўлиниб кетган жамоа-уруғлар федерациясини ўзида мужассам этган-

ди. Жуда қаттиқ йўсинда тартиб сақланар, ҳар бир уруғ ўз ички муаммоларини ўзича ҳал этар, аммо умумшаҳар аҳамиятига молик масалаларни барча уруғнинг бошлиқлари шундай Қазбанинг яқингинасида жойлашган Мажлислар уйига тўпланишиб, ҳамкорликда муҳокама этишарди. Аммо ҳар бир киши ўз қабилаларини қақриб тўплаш ҳуқуқига ҳам эга эди. Кўпинча қандайдир фавқуллода муҳим воқеа ҳақда бутун шаҳарни хабардор этиш зарурати туғилганида, масалан, шаҳар чеккаларида тўсатдан пайдо бўлган талончи тўдалар ҳақида ҳаммани оғоҳлантириш учун бундай ҳуқуқдан фойдаланишар эди.

Муҳаммад ҳам ўзининг ислом дини тарғиботи йўлида энг биринчи оммавий ваъз-хутбасини ўқиш, одамларни динга даъват этиш учун худди ана шу ҳуқуқдан фойдаланишга қарор қилди.

Эрта тонгда, ҳали шаҳар аҳли эндигина уйғонаётган чоқ, ҳали қурайшийлар ўз ишларига отланмасидан, Муҳаммад шаҳар марказидаги унча баланд бўлмаган Сафа тепалигига чиқиб, умумий ялпи мажлис учун анъанавий қақриқини такрорлай бошлади:

— Эй Абдул Муталлиб ўғиллари! Эй Абд Манаф фарзандлари! Эй Ҳошим ўғиллари! — Муҳаммад Сафа тепалигига туриб шундай кучли ҳайқирардики, овози тонги сукунатда бутун шаҳарга ёйиларди. У барча жамоа-уруғлар номини санаб чиқди ва ҳеч нарса кутмай, ҳеч нарсдан шубҳа-хавотирга бормай тинч яшаётган маккаликларнинг ҳайрат-ҳаяжонига, бесаранжомлигига сабаб бўлди.

Қурайшийлар шошилиб уйларида чиқа бошладилар, айримлар қўлга яроғ олдилар ва йўл-йўлакай белларига шамширларини тақдилар. Эраклар билан бирга Сафа тепалигига кўпгина аёллар ҳам чиқиб келишди.

Фавқуллода муҳим хабар воситасида худонинг элчиси бутун қурайшийлар қабиласи олдиди ваъз ўқиб, уларни янги динга даъват қилмоқчи эканини Муҳаммаднинг яқин маслакдош дўстларигина билар эдилар. Шу билан бирга улар ушбу тарихий кунда Оллоҳнинг ёрдами билан мўъжиза юз беради, Макка аҳлининг жаҳолат ва бутпарастликда тошдай қотган кўнгиллари тозаланади, одамлар шу ернинг ўзиде, Сафа тепалиги пойида ўзларининг инон-ихтиёрини ягона тангрига топширадилар ва мусулмон бўладилар, деб ишонар эдилар. Тўпланаётган халойиқ тепалик устида Муҳаммаднинг кўриб, шаҳарга ҳеч қандай хавф-хатар кутку солмаётгани, гап бошқа мавзуда бўлишини дарҳол англаб етди. Аммо йиғилганлар Муҳаммаднинг узоқ вақтгача диққат билан тингладилар.

Муҳаммад якка, ягона тангри хусусида гапирди. Уни ҳамма нарсага қодир худо, Оллоҳ деб атади. Бу ном қурайшийларга олдиндан яхши маълум эди. Улар ҳатто бошқа худолар қатори Оллоҳга ҳам сиғинар эдилар. Улар олдиндан Қазбани маълум маънода, Оллоҳнинг ҳам уни деб билишар, жумладан денгиз саёҳати олдидан унга ибодат қилиш фойдадан холи эмас, деб ҳисоблашарди. Муҳаммад ягона тангрини, шунингдек, Раҳмон — раҳм-шафқат қилувчи деб ҳам атади. Бу сўз қурайшийларга мутлақо нотаниш эди. «Раҳмон нима дегани ўзи?» — ҳайратланиб сўрашарди улар бир-бирларидан. Умуман олганда, Муҳаммад қурайшийларга тангри ҳақида, Қиёмат кунини ҳақида, ўлгандан сўнг, қабрда қайта тирилиш ва нариги дунёдаги мангу ҳаёт тўғрисида гапирди. Булар бари кутилмаган янгилик бўлмай, нимаси биландир сабийлар таълимотини, яна нимаси биландир насронийлик ва яҳудийликни эслатарди. Бошқа ҳар хил динлар билан юзаки бўлса-да, бирмунча кенг таниш бўлган қурайшийлар Муҳаммаднинг биру бор Оллоҳ ҳақидаги сўзларида катта янгилик кўрмадилар.

Муҳаммад ваъз ўқиб бошлаш биланоқ оломоннинг унга эътибори сусая бошлади, халойиқ орасидан турли дарғазаб овозлар янгради, шундай ваъзхонлик учун ялпи хавф-хатар белгиси билан қақришганидан айримлар норози эди. Муҳаммад қурайшийларга, оломон шов-шувини тўхтатиб, ўзини қодир Оллоҳнинг элчиси ва пайғамбари эканини айтганида, одамлар яна ҳам газабланишга тушдилар, Муҳаммадга турли пичинглар ота бошладилар, ҳуштак чалиб, ҳатто уни ҳақорат қила кетдилар, қий-чувда Муҳаммаднинг овози эшитилмай қолди.

Қурайшийларнинг хавф-хатар баҳонасида ваъзхонликка қақришганидан дарғазаб бўлишлари табиий ҳол эди. Аммо шунини ҳам айтиш керакки, халқнинг бундай газабланиши, айни пайтда, ўз-ўзидан, стихияли равишда туғилгани ҳам йўқ. Макканинг бой-бадавлат савдогарлари бу соқингина ваъздан сўнг,

улар учун асло бефарқ бўлмаган — умумий тенглик ва одамларнинг бир-бирларига дўст-биродарлиги, фақирлиқни мадҳ этиш, улуглаш, янги динга кирган қулларни озоқ қилиш тўғрисида талабномалар, раҳм-шафқат, саховат кўрсатиш, яъни очлар ва қашшоқлар учун маълум миқдорда хайр-эхсон қилиш ва шу қабилар борасида гаплар бўлишини яхши билишар эди. Ва бу бойлар Муҳаммаднинг шундоқ ҳам нохуш қаршилаган оломонни унга қарши йўналтириш учун қўлларидан нима келса, барини амалга оширишга интилдилар. Нақл қилишларича, ўша кунини Муҳаммаднинг бадавлат амакиси, димоғдор Абдул Узда, айниқса, қаттиқ газабланган. У ўз хотини Ум Жамил билан бирга оломоннинг сершовқин қўллаб-қувватлаши остида Муҳаммад номига аччиқ тақбир ва ҳақоратлар ёғдира бошлаган. Ваъзни тўхтатишга мажбур бўлган Муҳаммад ҳам уни қўрқитишга ўтган. Муҳаммад Абдул Уздага дўзахнинг мангу ва чидаб бўлмас азоб-уқубатларини ваъда қилган — дўзахда уни тириклигин гулханда ёқадилар, суюкли хотини Ум Жамил эса ўз қўллари билан гулханга ўтин ташлаб туради. Шунинг учун ҳам мусулмонлар Абдул Уздага «Олов отаси» — Абу Лаҳаб деб лақаб қўйдилар.

Ҳеч қандай мўъжиза юз бермади, тошдай қотиб кетган, дағал ва қўрс мажусий юракларга ҳақиқат йўл топа олмади, мусулмонлар худонинг элчиси ва пайғамбарини бутпарастлар кўзи олдига халойиқ ҳақорат этганини кўриб, кўнгилларида ҳасрат ва газаб ўти билан тарқалишдилар.

Муҳаммаднинг ўзи ҳам гарчи бундай мағлубиятни кутма-да, биринчи қадамдаёқ ютуққа эришувига унчалик ишонмас эди. Соғлом фикр, Муҳаммадга ваҳий орқали келаётган буйруқлар қатъият ва матонат билан курашни давом эттиришини талаб қиларди.

— Урнингдан тур ва панд-насиҳат қил! Тинмай даъват эт! — талаб қиларди Муҳаммаднинг қодир, раҳмдил ва ғазабкор худоси. Ўзининг энг яқин, туғишган қариндошларининг насиҳат қилгини, сенга эргашганларнинг кўзларини ҳақиқат нури билан равшан эт!

Муҳаммад ўзини кўп кишилик мажлисларда ваъз ўқишдан, тарғиб қилишининг синалган усулларига қайтармоқчи бўлган тарафдорларига: Худонинг айтганларини бажармасам, у мени жазолайди, деб узил-кесил жавоб берад эди.

Муҳаммад анчадан буён қизиқиб, ҳаваскор бўлиб юрган воизлик санъатини қурайшийлар билар ва яхши кўрар эдилар. Муҳаммад илк бор очиқ осмон, жазирама қуёшнинг нурлари остида, бундан ташқари, тасодиф билан тўпланган, тайёрланмаган оломон олдига ваъз ўқиб, хато қилгани, ўз куч-имкониятини юқори баҳолаганини англаган эди. Шунинг учун бундан буён кўпчилик йиғилган катта мажлисларда ваъз ўқиш фикридан қайтди ва бутпараст қабилалари билан навбатдаги учрашувини анча-мунча қулай шароитларда ўтказишга қарор қилди. У кўп ўтмай ўз жамоасининг обрўли вакилларига таклифномалар тарқатди. Маълум даражада камбағаллашган, илгариги обрў-эътиборини ҳам қўлдан бой берган, қадимда Олижаноб дўстлар Иттифоқининг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлган ҳошимийлар эндиликда Макканинг юқори доиралари билан кучли келишмовчиликка киришган эдилар. Шунинг учун Муҳаммад уларни нафақат яккахудочиликнинг мажусийликдан афзаллигига, балки қабилаларини ўзи бошлаган улуг ишга бош қўшиш учун рози қилишга ҳам умид боғлаган эди.

Ҳошимийлар жамоасининг барча эътиборли эрлари — ҳаммаси бўлиб, қирқ нафарга яқин киши таклифга кўра Муҳаммаднинг уйига ташриф буюрдилар. Улар орасида Муҳаммаднинг амакилари — Абу Толиб, Аббос, ҳамда ҳамда душманлик кайфиятида юрган Абу Лаҳаб ҳам бор эди.

Дастлаб меҳмонлар ва мезбон иш ва ташвишлар ҳақида сўз очишмади, ўзаро анъанавий қутлов сўзлари, бир-бировга тинчлик ва омад тилашлар анчага чўзилди. Шундан сўнг Али бошқариб борган тўкин-сочин зиёфат бошланди. Муҳаммад дастурхон атрофида йиғилганларни олқишлаб, миннатдорчилик изҳор этиб, уларга ҳурмат белгиси сифатида пиширилган кўй гўштининг каттагина бўлагини бир тишлаб, қолганини жамоадосларининг олдига қўйди.

Ана шундай сахийларча зиёфатдан сўнггина Муҳаммад нима учун ўз қариндошларини уйига қақиргани ҳақда сўз бошлади. Аммо қаҳрли ва такаббур Абу Лаҳаб яна дарҳол унинг сўзини бўлди.

— Мезбонимиз бизни ҳийла билан авраётир, — деди у хо-

шимийларга ва унинг бир ишорасига кўра, барчаси Муҳаммад билан хайрлашиб, уэр айтиб, уй-уйларига жўнаб кетдилар.

Тез орада Муҳаммад хошимийларни иккинчи бор уйига тақлиф қилди ва яна аввалгидай сахийларча зиёфат берди. Лаззатли таомлар ейилди, хушбўй ичимликлар ичилди. Шундан сўнг Муҳаммад ўзига Оллоҳ томонидан очилган янги дин моҳияти, худонинг элчиси ва пайғамбари сифатида ўзи бажариши лозим бўлган вазифалар ҳақида гапирди хошимийларга. Улуғ ва раҳмдил тангрининг назари олдида кимки Муҳаммаднинг йўлидан юрса, у нафақат нариги дунёда, балки тирикликда, шу ернинг ўзида ҳам ҳар қандай юксак мукофотларга лойиқдир. Муҳаммад учун хошимийлар ер юзида энг яқин, жонажон кишилардир. Пайғамбарнинг айнан шу хошимийлар орасидан танлангани ҳам жуда катта омад, илоҳий бир ҳодисадир, агарда улар Муҳаммадга эргашсалар, пайғамбарнинг ва янги диннинг галабаси ва шон-шухрати хошимийларнинг ҳам тантанаси ва шон-шухрати бўлиб қолади.

Хошимийлар Муҳаммаднинг илҳомбахш, тўла ишонч ва чуқур самимият уфуриб турган нуқтини диққат билан тингладилар. Аммо тангрининг келгучи ваҳийлар, Муҳаммаднинг эса пайғамбар эканига улар ишонмадилар. Аммо бу пайтга келиб, Муҳаммаднинг бир неча ўнлаб издошлари бор эди, кўпчилиги эркаклар бўлиб, бутун хошимийлар жамоасида қанча эркак бўлса, уларнинг ҳам сони шунга тенглашиб қолган эди. Бу эса энди озмунча куч эмасди, албатта. Муҳаммад бошлаган ҳаракат очикдан-очик Макканинг юқори доираларига, хошимийлар ва улар иттифоқчиларининг азалий душманларига қарши қаратилган эди. Шу маънода Муҳаммад бошлаган иш қандай фожиалар билан тугамасин, у хошимийларга айтарли зарар келтирмайди. Аммо улар қаттиқ ишонар эдиларки Муҳаммаднинг пайғамбарлик салоҳияти гарчи маълум доирадаги одамлар орасида фавуқлодда эътибор топган бўлса ҳам, албатта бир кун фўжиа билан якун топади. Шунгай экан, улар очикчасига Муҳаммад томонига ўтсалар, унинг муқаррар ҳалокати хошимийлар учун ҳам оғир, ўнганмас фожиа бўлади.

Нақл қилишларича, Муҳаммад ўша зиёфат чоғи ўз сўзини шундай якунлаган:

— Тангри сизларни ҳақиқат йўлига чақиришни менга топширди. Қани, орангизда ким менга издош бўла олади, ким менинг чинакам оғам, менинг васий ва меросхўрим бўлишга қодир?

Хошимийлар Муҳаммаднинг бу чақириғига оғир сукут билан жавоб бердилар. Улардан ҳеч бири ўз тақдирини Муҳаммад бошлаган диний ҳаракат тақдирини билан боғлашни истамас эди. Шунда Абу Толибнинг ўғли, ўтирганлар орасида энг навқирони Али олдинга сурилди ва жўшқинлик билан ҳайқирди:

— Эй оллоҳнинг пайғамбари! Мен сенинг кўмақдошинг бўламан!

Муҳаммад уни маҳкам қучоқлади ва ўтирганларга қарата шундай деди:

— Мана, менинг оғам, менинг васий ва меросхўрим! Уни қадрланглар, унга итоат этинглар!

Муҳаммаднинг хошимийлар билан иккинчи учрашуви, айтишларича, шундай якунланган. Айтиб ўтиш керакки, бу сўнгги учрашу эди. Кўпинча муҳим воқеаларнинг уч маротаба такрорланиши аънанасига иштиёқ қанчалик кучли бўлмасин, Муҳаммаднинг ўз жамоадoshiлари билан учинчи учрашуви ҳақида ҳеч бир манбада маълумот берилмайди. Меҳмонлар тарқалишар экан, Абу Толибнинг устидан кулар эдилар: у энди фақат хиянига эмас, балки ўзининг ёшгина ўғлига ҳам итоат этиши кераклигини англадимикан?..

Шунга қарамасдан, бу учрашу Муҳаммад учун муҳим ва кўнгилли оқибатларга олиб келди. Хошимийлар Муҳаммаднинг тарғибот ишлари ўз жамоаларига зарар келтирмаслигига ишонч ҳосил қилдилар ва уни ўзларининг ҳоимийлигидан жудо этмасликка ваъда бердилар. Бу ҳақда унга амакиси Абу Толиб хабар етказди. Шундай қилиб, Муҳаммаднинг шахсий хавфсизлиги таъминланди, у ўз жамоасининг орқаворотдан, аммо фавуқлодда ҳаракатчан ва жуда керакли мададига муяссар бўлди. Энди у ўз рақиблари билан муносабатларини иккиланмай, ҳеч қўрқмасдан кескинлаштириши мумкин эди.

Чиндан ҳам, дастлабки пайтларда янги диннинг очикдан-очик тарғиб қилиниши қурайшийларнинг асло ғазабини қўзғатгани йўқ. Чунки Маккада ҳар хил динлар амал қилар, одамлар бир-бирларининг эътиқодлари, динларига тоқат қила олар эдилар. Шунинг учун яккахудочиликка чорлов, даъват этишлар

ҳам ҳеч ким учун таъқиқланмаган эди. Муҳаммад ҳар нарсага қодир ва раҳмдил худони улуғлаб, қурайшийларни бутпарастликни ташлашга, йўқотишга чақирди. У қурайишларга худо томонидан унга буюрилган тарзда «панд-насихат» қилди, бутпарастларни нариги дунёда қандай оғир, чексиз азоб ва қийноқлар кутаётганидан ҳалойиқни тинмай оғоҳ этиб борди. Фақат бутпарастларни эмас, балки ибодат қилиш, хайр-садақа бериш, бир-бирларига оғаларча хурмат-эътибор, муҳаббат билан муносабатда бўлиш, адолатпарварлик ва гуноҳли иллатлардан покланишдан бош тортган ҳар бир одамни ана шундай азоб-уқубатлар кутиши муқаррар.

Муҳаммад ваъзлар учун керакли маънавий кучларни турли хил манбалардан — қадимги араб афсоналари, насронийларнинг муқаддаслаштирилган ҳамда черков тан олмайдиган битикларида, қадимги аҳд ривоятлари, зардуштийлар руҳига яқин бўлган форс дostonларидан олар эди. Аммо, кўпинча, Муҳаммад бундай ранг-баранг манбалардан олинган билимларни таниб бўлмас даражада қайта мушоҳада қилиб тушунирар, улар орасида ўзи ишлаб чиққан диний системаси учун мос ва мувофиқ ҳамда фойдали нарсаларнигина ўзлаштирар эди. Бу ваъз ва хутбаларнинг бош ўзгагини эса ваҳий орқали олинган тангрининг ўз сўзлари, кетма-кет келиб турган, юксак шеърый ва илҳомбахш руҳга эга парчалар ташкил этади.

Оммавий тарғибот бошлангандан сўнг ўтган бир неча йил, шубҳасиз, ижодий юксалиш йиллари бўлди. Ана шу йиллар мобайнида Муҳаммад ҳаммаси бўлиб, юксак назмий ва кўтаринки руҳдаги 30 дан ортиқ сураларни яратди.

Биз «яратди» деб айтаемиз, аммо пайғамбар инсон ақл-идрокига сиғмайдиган олам билан алоқа боғлаш онлари деб тушунган гаройиб психик ва жисмоний тушунарси ҳолатларда тўсатдан қуйилиб келадиган ва англашладиган соф шеърый ҳамда назмий-насрий парчалар Муҳаммаднинг ўзи учун унинг шахсий меҳнати мевалари бўлмаганини ҳам унутмаслик керак. Муҳаммад қаттиқ ишонардики, бу парчаларнинг яратилишида ўзининг ҳеч ҳиссаси йўқ. У билардики, булар бари худонинг ўзи ёзган муқаддас китоб — қуръон сўзларидир. Шунинг учун бу парчаларда ҳар доим фақат тангрининг ёлғиз ўзи гапирарди. Бу эса яҳудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам муқаддас китобларида учрамайдиган янгилик, новаторлик эди. Ҳар бир нарсанинг баёни, изоҳи фақат Оллоҳ номидан изҳор этилади. Ҳеч бир ўринда тангри сўзларини Муҳаммаднинг даъвати бўлиб, тўхтатиб қўймайди. Бундай адабий услуб албатта, жуда катта қийинчиликлар туғдирар эди. Аммо шундай қилинса, тангринга ишонувчиларнинг у ҳақда ва унинг тартиб-қоидалари, қонунлари ҳақида маълумот олишлари осонлашарди. Муҳаммаднинг айтишича, бу билимлар сира бузиб-бежалмасдан, соф араб тилида битилган, кимнингки ақли ва кўнгида ёвузликка, гуноҳ ишларга заррача мойиллик йўқ экан, унга муқаддас китобнинг бундай парчалари ойдаи равшан ва тушунарлидир. Қуръоннинг шундай «равшан ва тушунарли» сатрлари устида барча мамлакатларнинг обрўли арабшунослари, мусулмон илоҳиётчилари тинмай бош қотирадилар. Лекин, афсуслар бўлсинки, жуда кўп ўринлар қоронғу ва тушунарсиздир. Бундай ўринлар яратилган лаҳзадаёқ жуда кўп, хилма-хил талқинларга озиқ бера оладиган даражада сирли-синоатли бўлишган.

Қуръоннинг илк суралари яратилган йиллари Муҳаммаднинг қўлида ҳеч қандай ҳокимият йўқ, у ҳеч кимни ўзига мажбуран ишонтира олмас, фақатгина рост сўзлари, адолатли ишлари, ҳақиқатгўйлиги билан бошқалар ишончини қозона олиши мумкин эди. Шунинг учун ўша давр яралган сураларда худонинг мурожаатлари ҳам тингловчилар; ҳатто душманлик кайфиятидаги одамларнинг-да ишонч-эътиборини қозониш истаги билан лиммо-лимди. Одамларни ўзига ишонтириш мақсадида худо кўтаринки ва қўрқинчи қасмлар ичади, шу йўл билан ўзининг мавжудлиги ва янги диннинг асосий йўл-йўриқларини тасдиқлайди.

«Кўёш» қарвондай саф тортган тепаликлар ортдан чиқиб кўкиш-кўнғир тусли Оход тоғининг ўнг томондаги қоялари устига қўтарилганда, хурмо дарахтларининг патли шох-шаббалари орасидан минглаб нур толарига айлиб ўтган ёғдулар Муҳаммаднинг уинни ҳам ёритади. Кўёш нурлари хонадон соҳибини ҳар тонг бедорликда учратишади. Доимий одатига кўра Муҳаммад таҳорат қилиб, эрталабки намозни ўқиш учун ҳар кун эрта саҳарда уйкудан турарди. Эрта уйғониш ва кеч-қурунлари узоқ қўзиладиган ибодат унинг ушлаш вақтин

4 соатгина қилиб қўйган, ammo кундуз пешиндан сўнг ҳам дам оладиган Муҳаммад учун шу кифоа эди.

Ҳақатгина эрта тонг пайти Муҳаммад бир оз вақт ёлғиз, осойишталикда бўла оларди, холос.

Кўп ўтмай фақир, сўққабош, кексайиб қолган мусулмон одамлар — ўзларининг бутун бўш фурсатларини пайғамбар ҳовлисида ўтказувчи «девоналар» кириб келишарди. Уларда бўш вақт истаганча топиларди, зеро улар ҳеч иш билан шуғулланишмас эдилар. Муҳаммад билан ёнма-ён ҳамнафас бўлиш, уни кўриш, тинглаш, у билан суҳбатлашиш — улар шундан бошқасини исташмас эди.

«Ансорлар эрта тонгда ўз боғ-роғларига, далаларига жўнадилар, муҳожирлар савдо-сотикни бошлаш учун бозорларга шошилдилар, биз эса пайғамбаримиз дастурхонидаги таом билан қаноатландик ва кун бўйи у билан ҳамсуҳбат, ҳамдам бўлдик» — эслаб юришарди орадан кўп йиллар ўтгандан сўнг ҳам девоналар.

Улар меҳнат ва урушларнинг бебақолигини англаган, кўпинча пайғамбарнинг ваҳий келган пайтлардаги ғаройиб ҳолатларининг гувоҳи бўлган, қодир худонинг сўзлари — Куръоннинг ўлмас сатрлари юракларига муҳрланган файласуфлар эдилар.

Худо билган қисқа муддатли сўзлашиш, тўғрироғи уни тинглаш насиб этадиган бундай пайтлардан бошқа ҳолларда ҳам кўпинча пайғамбарга оддий одамларга каби муносабатда бўлиш учун руҳсат этилмасди. Тобора кенг ва тез тарқалаётган ишончли хабарларга қараганда; кўпинча, кундалик ҳаётда ҳам пайғамбарнинг сўзлаши, хатти-ҳаракатларини зимдан, атрофдагиларга сездирмай, Оллоҳнинг ўзи бошқариб турар экан... Бундай чоқлар у айтган сўзлар, амалга оширган ишлар вақт ўтиб, бошқалар учун ўрнак, тақлид қилиш, яхши ва ёмонни, мумкин ва мумкин бўлмаган амалларни, гуноҳ ва савобни ажратishi намунаси бўлиб қолиши керак эди.

Пайғамбар билан тўғридан-тўғри, ҳеч бир дабдабасиз «оғайниларча» муомала қилувчи девоналарнинг бундай доимий ҳамдамлиги йиллар ўтиши билан унга оғир кела бошлади.

Исломга кирган одамлар турли маслаҳатлар олиш, янгиликлардан хабардор бўлиш ёки кўнгиллари тусанган чоғи шунчаки пайғамбар билан суҳбат қуриш учун ҳеч қандай тақлифни кутиб ўтирмасдан, у бандми ёки дам олаётирми, бундан қатъи назар Муҳаммаднинг уйига кириб келаверишарди эди.

— Муҳаммад! — бор овозда қичқирарди улар пайғамбар уйининг эшиги олдида ва унинг ўзи пешвоз чиқмагунча қичқирини давом эттираверишарди.

Муҳаммадга эса энди ёлғизлик ва осойишталик керак эди. Маккада у ибодат қилиш, ўйга толиб, режалар тузиш, тахайюлга берилиш мақсадида вақти-вақти билан Хира тоғи этакларига чиқиб кетарди. Унинг Маккадаги уйи — Хадичаниннг ҳовлисида ҳам тартиб ва сукунат ҳукм сурарди. Уша йиллари Муҳаммад ҳали улкан бир воҳаниннг ҳукмдори ҳам бўлмаган, қозилик ҳам қилмас, ҳарбий саркардаликни эса ҳаёлига ҳам келтирмаган эди.

Мадинадаги уйда Муҳаммад ёлғиз қолиш, осойишталик учун имкон тополмас, теварак-атрофдаги саҳроларга чиқиб кетиши эса мутлақо мумкин эмас — ҳаддан ташқари кўп иш-ташвишлар унинг зиммасида турар, уни ўлдириш учун қасам ичган душманлари ҳам жуда кўпайган, ҳар ерда изғиб юришарди. Ёлғиз қолиш истагида у масжидга кетар, масжид ҳовлиси ўртасида унга чодир текиб беришган, ана шу чодирда Муҳаммад икки-уч кун давомида ёлғиз ибодат қилар, рўза тутиб, тахайюлга берилар эди. Бундай кунларда уни майда-чуйда нарсалар учун безовта қилишмасди.

Оход тоғи яқинидаги жангдан олдин ва кейинги даврларга келиб, Муҳаммаднинг оиласи моддий таъминотда қийинчилик сезмай қолган эди — ҳарбий ўлжалар, ислом йўлига кирганларнинг кўнгилли хайр-эҳсонлари пайғамбарнинг камтарона эҳтиёжларини ошиғи билан қоплар эди. Мадина атрофларидаги яйловларда Муҳаммадга тегишли бўлган туялар уюри ўтлаб юрар, ўзига қимматбаҳо қурол-ароғ сотиб олган, суюқлиси Ойшага марварид маржон совға қилган, Муҳаммаднинг адолатли одам эканини ва оиласидаги тинчликни жуда яхши қадр-қилишини ҳисобга олсак, бошқа хотинлари ҳам пайғамбардан қимматбаҳо ҳадялар қабул қилганлар, дейиш мумкин. Лекин Муҳаммад ҳамойилгаригидек турмуш тарзини сақлаб қолган, зоҳидликка яқин бўлган фақирона тарзда кун кечирар эди. Аввалгидек оддий кийимлар кийиб юрар, ейиш-ичиши ҳам

пайғамбарликнинг илк йилларидаги каби қаноатга асосланган, оддий таомлар танавул этарди, холос. Унинг оиласи Маккадан кўчиб келганларида сўнг қурилган паҳса деворли кулбаларга ўрнашган эди. Бу кулбалар йиллар ўтса ҳам қайта қурилмади, кенгайтирилмади, янги тушган хотинларига ҳам худди шундай — нисбатан кенгроқ «меҳмонхона» ва торгина ётоқжойдан иборат уйлар қуриб беришди.

Муҳаммаднинг тўрт нафар хотини борлиги туфайли анча мураккаблаган оилавий ҳаёти пайғамбар томонидан ҳам, хотинлари тарафидан ҳам қонун каби эътироф этиладиган қатъий тартибга буйсундирилган, маълум регламентга солинган эди. Агар Муҳаммад узоқроқ сафарга отланса, хотинларидан бирортаси йўлдош бўлар эди. Уни туя ўрқачлари устига ўрнатилган тахтиравонда элтишардилар. Сафарда ким пайғамбарга йўлдош бўлишни эса хотинларнинг ўзлари қуръа ташлашиб аниқлашарди — бу борада Муҳаммаднинг фикри, истак-хоҳиши эътиборга олинмас эди.

Сўзсиз турли норозиликлар, жанжалларга сабаб бўлувчи ноз-таманнолар, ўжарлик ва ўзбошимчаликка мутлақо ўрин қолдирмайдиган бундай қатъий тартиб кўпникоҳли оилаларнинг асрлар давомида пухталанган тажрибасига асосланар эди. Шу билан бирга Муҳаммад оллоҳ томонидан буюрилгани каби маънавий ва моддий фаровонлик борасида хотинларнинг ҳар қайсисига мутлақо тенг ғамхўрлик кўрсатилишини талаб этувчи адолатли оилавий муносабатларни тиклашга эришган эди. Бу борада пайғамбарнинг оиладаги кундалик турмуш тарзи диндорлар учун ҳар томонлама ўрнак, намуна бўла оларди.

Аmmo кўпйиллик маънавий камолот йўлини босиб ўтган, қудратли ўз-ўзини ишонтириш қобилиятини эгаллаган пайғамбар ҳам ўзининг барча хотинларига нисбатан бир хилдаги ички, ҳиссий муносабатни шакллантира олмади. Йиллар ўтиши билан у шундай хулосага келдики, эркак киши барча хотинларини, ўз эрлик бурчи талаб қилганидек, бир хил даражада яхши кўришга мажбурлай олмас экан. Бу эса албатта адолат йўлидан оғиш бўлиб, ўз навбатида, эртами-кечми, каттами-кичикми бирор масалада ўзини кўрсатади ва ўша заҳотиёқ тинч оилавий ҳдет оқимини ларзага солиши мумкин.

Ҳамма нарсани кўриб-билиб турувчи Оллоҳнинг ушбу сўзлари навбатдаги ваҳий келган пайтда Муҳаммаднинг аччиқ шахсий кечирмишлари хулосасида яшанганлари:

— Сиз, гарчи буни жуда-жуда истасангиз ҳам, хотинлар ўртасида адолатли бўлишга асло қодир эмассиз...

Эвоҳ, бу фоний ҳаётда муносабатларнинг тўла уйғунлигига эришиб бўлмас экан, Муҳаммад ҳам буни англади, тан берди. Унинг айтишига кўра, ҳатто энг одил, тақволи инсонлар ҳам, Оллоҳ уларнинг қалбини ҳар хил ярамас ғуборлардан халос этганидан сўнггина жаннатга кира оладилар.

МУХТАСАР МАЪЛУМОТЛАР МАККА

Арабистон ярим оролининг жанубида жойлашган бу шаҳар арабларнинг жуда қадимий маданият, тижорат ва диний марказларидан ҳисобланади, бутун дунё мусулмонлари томонидан муқаддас шаҳар сифатида қадрланади. Мусулмонларнинг асосий ибодатгоҳи Каъба худди шу шаҳардадир. Дунёнинг қайси бир бурчагида бўлмасин ҳар бир мусулмон одам ибодат чоғи Макка томонга юзланиб, сажда қилади. Худонинг марҳамати ёйилган шаҳар, шаҳарларнинг онаси, деб улуғлашади уни диндорлар. Ҳар йили муқаддас зиёрат ойида 500 минг аҳоли яшайдиган Макка бутун ер юзидан келган бир ярим миллион зиёратчиларни қабул қилади.

«Макка» сўзи ҳам аллақачон ибодат қилиш, муқаддаслик рамзига айланиб кетган. Бугун исломга алоқаси бўлмаган одамлардан ҳам «Бу мениннг Маккам», «Ҳар кимнинг ўз Маккаси бор» каби сўзларни эшитиш мумкин.

Макка ўз тарихининг турли даврларида Ғарбий Арабистонда ҳокимият ўрнатган ҳар хил мусулмон ҳукмдорларининг қўл

остида бўлди. 1925 йилда эса у Саудия Арабистони территориясига киритилди.

Муқаддас шаҳар ўртасида яна бир муқаддас майдон — тоғлар билан қуршалган пастқамликда Каъба жойлашган. Уни Ҳарам уш-Шариф ёки Байтуллоҳ, яъни Оллоҳнинг уйи деб ҳам атайдилар. Бундан ташқари унинг «Ал масжид ал-Ҳарам» — Дахлсиз масжид деган номи ҳам бор. Бир неча қатор саф тортган, учлари найзасимон услубда бирлаштирилган мрамар, гранит ва тош устунлар Каъбада ўраб туради. Жуда кўп дарвозалари бор. Бош дарвоза — шарқ томондаги кириш жойи араб дунёсининг энг моҳир усталари томонидан яқинда қайтадан қурилган эди. Каъбанинг дарвозалари энг сифатли ва қимматбаҳо қора ёғочдан ясалиб, олтин билан безакли ишлов берилган.

Маккада фақат мусулмонлар яшайдилар. Бу шаҳар территориясида бошқа диндаги ёки даҳрий одамнинг ҳатто вақтинчалик бўлса ҳам кун кечириши қатъий таъқиқлангандир.

КАЪБА

Бу сўз арабчадан таржима этилганда «куб» деган маънони билдиради. Чиндан ҳам мусулмонларнинг бу асосий муқаддас ибодатгоҳи тўғри бурчакли шаклга эга бўлиб, унинг томи — яссидир. У қўнғир тусли тош бўлақларидан тикланган. Адабиётларда кўпинча унинг катталигини 10×12 метр, баландлигини эса 15 метр атрофида (айрим манбаларда — 12 метр) деб ёзилади. Каъбанинг деразалари йўқ. Кумушдан сайқал берилган ягона эшиги тахминан ердан 2 метр баландликка ўрнатилган. Ичкарисида ҳеч қандай жиҳоз ва безаклар йўқ, фақат жуда кўп чироқлар осилган бўлиб, уларнинг ёғдуси деворлардаги Қуръондан олинган кўчирмаларни ёритиб туради. Ибодатгоҳ саҳнига мрамартош ётқизилган.

Каъбанинг муқаддаслиги ўлчов билмасдир, ундаги энг муқаддас нарса — ибодатгоҳнинг шимолий-шарқий томонида, деворда махсус ўйилган жойга қўйилган ва кумуш билан ҳошияланган қора тошдир. У чўзиқроқ тухумсимон шаклда бўлиб, диаметри 17,5 сантиметр келади. Каъба ҳақида ҳам, бу қора тош тўғрисида ҳам жуда кўп афсоналар тўқилган. Мусулмонлар ишонадиларки, Каъба дунё яралган ондан буён мавжуд, уни Одам ота қурган, сўнгра эса сув тошқини бузган. Шимолий арабларнинг аждоди Иброҳим ва унинг ўғли Исмоил ибодатгоҳни қайта тиклаганлар. Ушандан буён Каъба мана шу жойида турибди. Нақл қилишларича, шу ерга, саждагоҳнинг шимолий-шарқий девори яқинига Исмоил ва унинг онаси Ҳожар (Библияда — Агарь) дафн этилган эмиш. Каъбанинг неча ёшда экани номаълум, Макка территориясида илмий излашлар олиб бориш ҳам таъқиқланган. Нима бўлганда ҳам, Каъба Муҳаммад пайғамбар таваллудидан жуда илгари ҳам бор бўлган ва унда турли бут-санамлар — араб қабилаларининг худолари яшашган. Каъбани зиёрат қилиш анъанаси ҳам Арабистонда ислом пайдо бўлишдан кўп олдин шаклланган эди. Бут ва санамлар биру бор тангрининг пайғамбари Муҳаммад томонидан 628 йилда Каъбадан қувилди, аммо зиёрат этиш одати сақланиб қолди.

Ислом дини шаклланаётган даврларда яратилган афсоналарда айтиладики, бу қора тош Одамга Оллоҳ томонидан совға қилинган экан. Ушанда у оппоқ тусда бўлиб, кейинчалик одамларнинг гуноҳ ишлари боис қорайиб кетибди. Тошнинг метеорит парчаси эканини таъкидловчи афсоналар ҳам бор. Унинг таркибий қисми улкан осмоний жисм қулаётганда ҳосил бўлувчи юқори температурада эриган кремний экани тўғрисида ҳам тахминлар юради.

Каъба ҳамда қора тошнинг тарихида айрим фожиали дақиқалар бўлиб ўтган. 683 йилда масжидга ёнғин тушиши оқибатида тош парчаланган ва шундан буён елимланган бир неча бўлақлардан иборат бўлиб қолган. 930 йилда эса ислом бидъатчилари — карматлар Маккани қўлга киритишди, қора тошни девордаги ўрнидан чиқаришиб, ўз пойтахтлари Хуфуф шаҳрига олиб кетишди, Каъба 20 йил давомида қора тошсиз қолди. Ниҳоят, у катта бойлик эвазига «имонсизлардан» қайтариб олинди ва ўзининг эски жойига қўйилди.

Халифа Умар даврида (634—644) Каъба атрофидаги майдон 30 минг квадрат метрни ташкил этган бўлса, бугунга келиб у деярли 6 марта кенгайган. Ҳозир бу майдонда бир вақтнинг ўзига 300 минг одам намоз ўқиши мумкин.

Каъбани пойдеворигача ўртасида бир йўл Қуръондан кўчирмалар ёзилган қора ёпинчиқ билан ўраб қўйишади. Бу ёпинчиқ зиёрат ойда оппоқ қоплама билан алмаштирилади. Каъба эшигининг рўпарасида қачонлардир Ҳожар ва унинг ўғли Исмоилни ўлим чанқоғидан қутқариб қолган Замзам қудуғи бор. Сал нарироқда эса — оёқ изи муҳрланиб қолган оппоқ тош турибди. Ривоятга кўра Каъбани қураётганида Иброҳим шу тош устига чиққан экан.

ЖОҲИЛИЯ

Араблар Муҳаммад пайғамбар дунёга келиши ва уларга «ҳақиқат нури»ни сочишдан олдинги даврлардаги ҳаётини шундай аташади. Бу сўзма-сўз таржимада «сўқирлик» маъносини англатади. Араблар фикрича, ислом уларни ана шундай фожиали аҳволдан қутқариб қолди. Тўғри йўлни тополмаган одам бетартиб ҳаёт кечиради, ўз эҳтиросларининг қули бўлиб қолади ва уни, албатта фожиа кутади. Бугунги кунда мусулмонлар бу сўз орқали ахлоқсиз юриш-туриш, одоб нормаларининг бузилиши каби салбий ҳолатларни ифодалайдилар.

Каъбанинг эшиги бир йилда икки марта — ҳаж бошланишидан олдин ва якунланиш маросимида очилади. Ибодатгоҳни саранжом-саришта қилиш йиллари бошланади. Бунда Саудия Арабистонининг қироли шахсан иштирок этади. У муқаддас шаҳарларнинг ҳимоячиси фахрий унвонига эгадир.

МАДИНА

622 йилда ислом динини қабул этмаган маккаликлар Муҳаммад пайғамбарни Маккадан шимолдаги бепоён воҳада жойлашган бу шаҳарга қувғин этмагунларигача унинг номи Ясриб эди. Сўнгра уни Мадина ан-наби — пайғамбар шаҳри ёки оддийгина қилиб, Мадина деб атай бошладилар. Мусулмонлар уни нур таратувчи шаҳар дея улуғладилар. У муқаддасликда Маккадан озроқ ортда қолади. Бу шаҳарда биринчи мусулмонлар жамоаси ташкил топган, Муҳаммад пайғамбар Оллоҳдан ваҳий-муждалар олишни давом эттирган, бу шаҳарда у ўз умрининг охиригача яшаган, 632 йилда шу ерда дафн этилган. Унинг қабрига бош эгиш катта ҳаж зиёратларининг мажбурий босқичи ҳисобланади. Муҳаммаднинг қизи, пайғамбар авлодининг ёлғиз давомчилари Ҳасан ва Ҳусанларнинг онаси Фотима ҳам Мадинада дафн этилган. Муҳаммаднинг саҳобалари Абу Бакр, Умар ва Усмонларнинг ҳам қабрлари Мадинага келувчи мусулмонлар учун улуғ зиёратгоҳлардир. Ҳозир бу шаҳарда 200 мингдан зиёд аҳоли яшайди ва асосан деҳқончилик билан шуғулланади.

Мадина мусулмонлар таъбирича «икки ёпиқ» муқаддас шаҳар — «ал-ҳарамейн»лардан биридир. Маккадаги каби Мадина кўчаларида ҳам фақат ислом динига эътиқод қилувчи одамларгина юришлари мумкин.

«Наука и религия» журналининг 1989 йил 1-сонидан таржима

Давоми бор





Оқил Иброҳимов

ИҶҚИРОЗ

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб келаётган қайта қуриш нафаси композиторларимиз зиммасига янги ижодий вазифалар юкларига. Эндиликда улардан алоҳида ижтимоий-ижодий фаоллик талаб қилинмоқда. Зеро, мусиқа — улкан ишни адо этишга киришган халқнинг буюк маънавий қудратидир. Бироқ, очиғини айтиш керак, ҳозирги масъулиятли дамларда композиторларимиз овози деярли эшитилмаяпти. Ваҳоланки, қайта қуришни биз Ҳоҳияти жиҳатидан инқилобга тенглаштираётган эканмиз, шу жараёнда мусиқа санъатининг ижтимоий роли ҳар қачонгидан кўра юксакроқ бўлиши керак. Афсуски, бугунги умумхалқ курашида композиторларимиз бундай олижаноб миссияни тўлатқис бажара олмаяптилар. Бу, айниқса, ёш композиторларимизга бевосита тааллуқлидир.

Композиторларимиз яратаётган асарларнинг кўпчилиги халқнинг маънавий эҳтиёжларига тўла мос келмаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Санъаткор ва халқ ўртасида кўринмас «хитой девори» пайдо бўлгани ва у кун сайин ўсиб бораётганлиги ташвишлидир. Ўзилаётган асарларга эса, асосан, мутахассис (аксарият композитор ва музикашунос)лардан иборат тор доирадаги кишилар гуруҳи касбий зарурат юзасидан қизиқиш билдираётганликлари ҳам эндиликда одат тусига кириб қолди. «Агарда кўпчилик одамлар мусанниф зўр бераётган ижодга бепарво бўлсалар, бу ижодий кучнинг сўлиб бораётганлигидан далолат беради», — деб таъкидлаган эди академик Б. В. Асафьев. Таассуфки, айрим ёш композиторларимиз

мутахассис ва умуман, тингловчиларга манзур бўлмаётган ўз асарларининг «порлоқ келажаги ҳали олдинда» эканлигига, «келгуси авлод вакиллари бу асарлар устидан адолатли ҳукм чиқаришларига» самимий ишонадилар. Машҳур композитор А. И. Хачатурян бундай ширин хаёллар оғушида юрган композиторларга қарата: «Ижодимнинг қадрига узоқ келажакда етишади, деб даъво қилувчиларни сира тушунмайман. Чинакам санъат асари доимо ўз замонасида ўзига йўл топа олади. Бунинг учун келгуси асрни кутиш шарт эмас», — деб ҳақиқатни айтган эди. Бу фикрга қўшилмай илож йўқ, чунки мусиқа тарихи шундан далолат беради. Истеъдодли асарлар яратган композиторнинг овози замондошлари томонидан мутлақо эшитилмай қолганлиги тўғрисида ўтмишдан бирон-бир арзигулик мисол топиш қийин.

Менинчга, ҳозирги кунда профессионал мусиқамиз бошидан кечираётган мушкул вазиятни бир сўз билан «инкироз» деб характерлаш тўғрироқ бўлса керак. Хўш, нима учун шундай аҳвол юзага келди? Ахир композиторларимизнинг 50, 60- ва 70-йиллар бошларида эришган ютуқлари жамоатчиликка маълум эди-ку? Назаримда, юзага келган инкирознинг қатор сабаблари бор. Гап шундаки, ёш мусаннифлар мусиқа яратишнинг сир-асрорларини, композиторлик санъатидаги турли услубларни, жумладан, энг замонавий ифода йўлларини эгаллашган бўлишларига қарамай, ҳаётдан орқада қолмоқдалар. Бу ўринда Тошкент Давлат консерваторияси узоқ йиллардан буён ўзининг айнан «консерватор»¹

эканлигини тасдиқлаб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Мазкур даргоҳнинг мусиқа ижодкорлари етиштиришдаги ролини камситмаган ҳолда шуни айтмоқчиманки, бу ерда сабоқ олаётган талаба-мусаннифлар, асосан, Оврупа, рус ва совет композиторлари ижод намуналари руҳида тарбия кўришади. Бироқ ўзбек ва умуман, шарқ мусиқаси анъаналарини, айниқса, халқ ижодиёти жараёнини ўрганишга етарли даражада эътибор берилмайди. Натижада консерваторияни битириб чиқаётган аксарият композиторлар мусиқа ёзиш маҳоратини ўзлаштирганларига қарамай, энг муҳим нарсани — замонга ҳамнафас халқчил куйлар (мелодия маъносида) яратишни қиёмига етказма олмаяптилар. Адолат юзасидан бу жиҳатдан болалар мусиқаси соҳасида аҳвол бир мунча қониқарли эканлигини айтиб ўтиш керак. Н. Норхўжаев, А. Мансуров, О. Азимова ва Д. Омонуллаеваларнинг айрим асарлари ҳамда А. Эргашевнинг «Балли, улоқча» музикали спектаклидаги кўшиқ номерлари бунга мисол бўла олади. Йирик жанрларда ҳам оз бўлса-да, ҳар ҳолда диққатга сазовор уринишлар борлигини ва бу ўринда Н. Фиёсовнинг «Туйғулар» симфонияси билан «Рақсона жилолар» туркумини, Б. Лутфуллаевнинг «2-Симфония»сини, Д. Қодированинг «Сайёра» балетини қайд этиш мумкин.

Ҳозирги аксарият ёш композиторлар ижодига характерли бўлиб қолаётган бир тенденция ҳам борки, унинг замирида «куй» ва «куйчанлик» (мелодизм) тушунчаларига тубдан янгича «тус» бериш ётади. Мен баъзан «куй» деб таклиф қилинаётган, аслида эса маълум товушлар қоришмасидан иборат санъат «мўъжизаларини» назарда тутяпман. Одатда бундай «мўъжи-

¹ «Консерватория» сўзи латинча «conservare» негиздан олинган бўлиб, «сақланиш» маъносини англатади.

за»нинг асосий ғоясини тараннум этувчи куй-мавуларни овозда ҳиргойи қилиб кўрилса, ундан арзигулик мазмун-маъно чиқмайди. Чунки у куйдан кўра кўпроқ илдизини йўқотган манкуртсифат парда-товушлар йиғиндисидан тузилган «ғала-говур»ни эслатади. Тўғри, ёшлар янгиликка интилади, асарлари оригиналлик касб этишини хоҳлайдилар. Бу табиий ҳол. Лекин оригиналликка эришиш учун албатта, мелодизмдан воз кечиш шартмикин? Фикримни асослаш учун А. Хачатуряндан яна бир иқтибос келтираман: «Агарда ёш мусанниф мазмундор ва тароватли куй (мелодия) ва унга монанд гармония яратиш қобилиятига эга бўлса, у оригинал ижодкор бўлиши мумкин». Қолаверса, таниқли мусанниф Фикрат Амиров айтганидек, Шарқда «халқ куйлари шарбати ила сугорилган, мазмунли ва жозибатор, самимий ва куйчан мусиқа афзал кўрилади». Хуллас, гапнинг индаллоси — биз ёш композиторларимиз тингловчи қалбини ҳаяжонлантирувчи, руҳан миллий бўлган асарлар (бу хоҳ операми, симфониями, концертми, қайси жанрда бўлишидан қатъи назар) яратишларини, бошқача айтганда, уларнинг ўзбек халқи мусиқа тафаккурининг энг нодир фазилати — куйчанликнинг (мелодизмнинг) ҳаққоний ворислари бўлишларини истаимиз.

Демак, ҳозирги кунда ёш композиторлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири — халқчил куйлар яратиш, янада аниқроқ қилиб айтганда, мусиқада халқчил услубга эришиш деб белгилаш мумкин. Албатта, бу вазифани ҳал этишда ёш композитор ўз истеъдоди кўламида ҳаракат қилади. Гарчанд шундай бўлса-да, мен куйида ана шу жараёнга объектив таъсир ўтказа оладиган тўртта ўзаро алоқадор омилга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи омил. Ўзбек мусиқаси ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлган ижодкор биринчи гада ўзбек тилини мукамал билиши шарт. Бу менинг шунчаки ҳозирги тил муаммолари таъсирида шаклланган қарашларга «мода» сифатида қўшилиш истагим эмас. Гап шундаки, композиторнинг мусиқадаги фикрлаш интонацияси унинг лисоний-фикрлаш интонацияси билан узвий равишда боғланган бўлади. Шу туфайли композитор қайси тилда муомала юритиши ва фикрлаши пировард-натижада унинг мусиқа оҳангларида ўз акси-

ни топади. Тўғри, сўз ва мусиқа интонациялари айнан тенг тушунчалар эмас. Мусиқий оҳанг нисбатан умумлашган ва ифодаланиш доираси бой бўлиб, унинг ривожланиш диапозони ҳам ниҳоятда кенглиги билан характерланади. «Сўз ўз кучини йўқотган жойда мусиқа бошланади» дейишлари ҳам шу маънода бежиз эмас. Афсуски, консерваториянинг талаба-композиторларига ўзбек тили, адабиёти ва шеърияти бўйича махсус дарслар ўқитилмайди. Бунга зарурат борлиги эса кундай аён. Маълумки, шеърият ва мусиқа ўзаро яқин санъат турлари ҳисобланади. Аксарият шоирлар мусиқа сирларини яхши билганликлари ва ўз навбатида мусиқа аҳли шеърият қондаларидан яқиндан хабардор бўлганликларига оид Шарқ маданияти тарихидан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Одат тусига кирган бу ҳол шеърдаги кайфиятни мусиқага кўчиришда ҳамда шеъриятга мусиқий куйчанлик бағишлашда яқиндан хизмат қилган. Маданиятимиз хазинасининг гултожи бўлмиш «Шашмақом» сўз ва мусиқий оҳанглари юксак даражада уйғунлаштиришнинг бекиёс намунасидир.

Композиторларимизнинг она тилини теран билишлари, сўз санъати, шеърият қонун-қондаларидан воқиф бўлишлари ҳанузгача мусиқада ўзининг чинакам талқинини топмаган замонавий шеърият (Муҳаммад Солиҳ, Азим Суён, Усмон Азим, Йўлдош Эшбек каби шоирлар ижоди) намуналарини муносиб куйлашда муҳим роль ўйнаши шак-шубҳасиздир.

Иккинчи омил. Консерваторияни композиторлик соҳаси бўйича тугаллаган мутахассис ўзини «музиканинг ҳаққоний ижодкори» деб билади ва албатта, бундай ўйлашга у расман ҳақлидир. Аммо консерваторияда олинган сабоқлар ижоднинг чексиз уфқларини, айниқса, халқ ижодиётининг серқирра ва сержило кўринишларини ўз ичига қамраб ололмайди. Ҳолбуки, халқ мусиқаси ҳар қандай профессионал музиканинг сарчашмаси ва илҳомлантирувчи кучи эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Менингча, ҳозирги ёш композиторлар ижодида кучайиб бораётган «индивидуализм» ва «субъективизм» кайфиятлари уларнинг халқ мусиқасидан йироқлашиб бораётганликлари билан ҳам боғлиқдир. Бу эса композиторни халқ руҳидан тобора бегоналашишига олиб келиши муқаррар.

Шундан халос бўлишни, мусиқада миллийлик ва халқчилликка эришишни кўзлаган композиторлар одатда онгли равишда халқ мусиқасини атрофлича ўрганишга киришадилар: халқ куйларини йиғиб, тўпламлар тузишади, асарларида улардан иқтибос сифатида фойдаланишади, халқ куйларини қайта ишлаш услубини кенг қўллашади.

Консерваториянинг ўқув планида халқ мусиқасини йиғиш, яъни Ўзбекистон бўйлаб музикавий-фольклор экспедициялари уюштирилиши кўзда тутилган. Афсуски, бу иш мунтазам ва изчиллик билан амалга оширилмайди, шунчаки ўлда-жўлда ўтказилади, холос. Фақатгина айрим мутахассислар — Ф. М. Кароматов, Р. С. Абдуллаев, Т. Б. Фафурбеков сингари фидойи музикашунослар бу иш билан шугўлланганини бурчлари деб биладилар. Лекин бу фаолият композитор учун фавқуллодда муҳим ва фойдали амалиётдир. Шунинг ҳисобга олган ҳолда улар иложи борица ўз ташаббуслари билан музикавий экспедицияларда қатнашишлари керак. Зотан, халқ мусиқасини ноталар воситасида тўла тасаввур этиб бўлмайди. Жонли ижроларни тинглаш орқалигина халқнинг қалб ҳароратини, тирик пардаларию ритм-ҳаракатларини чуқур фаҳмлаш ва хотирага муҳрлаш мумкин. Аминманки, шундай қилинсагина композитор ўз интонацион базасини халқчил оҳанглари билан бойитиши, айни чоғда кенг тингловчилар оммасининг мусиқа мафқурасига мос келмаётган субъектив услубини демократиклаштиришга муваффақ бўлиши мумкин. Ажойиб венгер композитори Бела Барток бир қанча халқлар мусиқасини шу тарзда ўзлаштириш йўли билан ўзининг субъективлашиб ва бениҳоя мураккаблашиб кетган услубини ойдинлаштиришга эришган эди. Жаҳон мусиқа маданиятида бунга ўхшаш мисоллар кўплаб учрайди.

Мусиқадаги чинакам миллийлик эса айни вақтда байналмилаллик касб этади. Озарбойжон классик композитори Узеир Ҳожибековнинг машҳур «Кўрўғли» операси ўзга халқлар орасида кенг эътибор қозонганлиги мазкур операнинг теран миллийлиги билан изоҳланади. Улуғ санъаткорнинг ўз ижодидан хулоса ясаб, композиторларни «ўз ижодий вазифаларига субъектив ёндошмасликка, халқни унутмасдан унга хизмат қилишга» даъват этиши бежиз эмас, албатта.

Учинчи омил тариқасида «компо-

зитор-бастакор» муносабатига эътибор берайлик. Бизнинг маҳаллий матбуотимиз саҳифаларида баъзан «композитор» атамасининг синоними сифатида «бастакор» сўзи ишлатилиб, маънавий хатога йўл қўйилади. Шундай бўлса-да, аслида бу мантиқан тўғри фикр юритишдан келиб чиқади: ахир бизнинг музика ижодкорларимиз биринчи галда қадимдан анъана бўлиб келаётган бастакорликка асосланишлари керак эмасми? Бироқ ҳозирги шароитда композиторлик ва бастакорлик соҳалари бир-бирларидан узоқлашиб кетган ва алоҳида-алоҳида икки мустақил ижод тармоғини ташкил этмоқда. Буни ҳатто шундан ҳам билса бўладики, Ўзбекистон композиторлар союзига бастакорлар қабул қилинмайди, балки расмий ҳужжати композитор (ҳамда музикашунос) бўлганларгина аъзо бўлиш ҳуқуқларига эгадирлар. Очигини айтиш керак, халқ маънавий эҳтиёжини кенг миқёсда бастакорлар қондириб келмоқдалар. Бу, тасодифий эмас, албатта. Чунки бастакорлар, бир томондан, миллий музика анъаналарининг бевосита давомчилари бўлсалар, иккинчидан — замонавий халқ музикаси ижодиёти билан узвий мулоқотдадирлар. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, композиторлар етиштиришда хорижий оврупа санъатининг ўзигина асосий мезон бўлиб қолмасдан, балки бастакорлик анъанаси ҳам назардан четда қолмаслиги даркор. Бинобарин, бугунги кунда Толибжон Содиқов, Дони Зокиров, Мутаваккил Бурҳонов, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Султон Ҳайитбоев, Матниёз Юсупов, Сайфи Жалил сингари атоқли композиторларимизнинг талайгина асарлари халқимиз онгига сингиб кетган экан, уларнинг бу ютуқларида

бастакорлик услубларини билганликлари самарали бўлган, деб ўйлашга асослимиз.

Тўртинчи омил. Ҳозирги юзага келган вазиятда ёш композиторлар қўшиқ жанрига кўпроқ эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, бу қўшиққа бўлган социал эҳтиёж (буюртма)нинг тобора ортиб бораётганлигига жавоб бўлса, иккинчидан эса, қўшиқ яратиш жараёни халқчил оҳанг муаммосининг ижобий ечимида композитор учун ҳақиқий ижод лабораторияси бўла олади. Буни кўпчилик мутахассислар тан олишган.

Маълумки, қўшиқ оммавий тингловчига мўлжалланганлиги учун муаллифдан лўнда ва ёрқин куй яратишни, бу йўлда тинмай изланишни талаб этади. Демак, куйчанликни кўзлаган композитор музика меросимиздаги мелодизмни чуқур ўзлаштирган бўлиши билан бир қаторда халқ онгида яшаётган оҳанг хазиналарини эгаллашга интилиши лозим. Кўшиқчиликнинг композиторлар ижодидан мустаҳкам ўрин олиши эса бу ижодкорларни халқ ҳаётига яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Зеро, қўшиқ — энг демократик музика жанри сифатида халқ ва ижодкор ўртасида ўрнатиладиган қудратли мулоқот воситаси ҳамдир. Буни ҳозирги кундаги анъанавий қўшиқчилик яна бир қарра тасдиқлаб турибди.

Модомики, қўшиқчилик санъати халқ руҳини бадий ифода эта олишда ва миллий куйлар яратишда қимматли мактаб вазифасини ўтаркан, бу йўлдаги изланишлар, шубҳасиз, композиторларнинг халқчил услубда асарлар яратишларига ҳам муҳим замин ҳозирлайди. Зотан, композиторлар яратаётган барча ижод намуналари замон-

дошларимиз онгида ва руҳида жўш ураётган оҳанглар билан уйғунлашган ҳолдагина ўз тингловчиларини топа олади, дейишга ҳақлимиз.

Мақола якунида «музика танқидчилиги ҳақида қисқача сўз юритмоқчимиз. Ўзбек совет музикашунослиги композиторлар ижодини тадқиқ этишда ўзининг кўп йиллик анъаналарига эга. Шундай бўлиши билан бирга унинг танқидчилик тармоғи эндигина шаклланиб келмоқда десак, тўғрироқ бўлади. Бироқ у ўз вазифасини «шараф билан бажаряпти», — деб тўлиқ ишонч билан айтаолмаймиз. Чунки танқидчиликда ҳукм суриб келган мадҳиябозлик, бадийий қиймати арзигулик бўлмаган ижод намуналаридан «гўзаллик қонуниятларини» сохта-ясама йўллар билан ахтариб «топиш», баъзан илк бор ижро этилаётган симфония, опера ва ҳоказо асарларни асоссиз равишда «ҳаётимиздаги энг муҳим воқеа» деб оламга жар солиш каби иллатлар пировард-натижада композиторлик ривожига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Танқидчилик композиторлар ижодидаги нуқсонларни иложи борица суваб-сийпаб келди, кўриб-кўрмасликка олди, баъзан эса унинг акси қилиб талқин қилди. Эндиликда эса холисона ва соғлом танқид композитор ижодига ўз ижобий кучини ўтказа олиши осонликча кечмайди. «Ўз асарларидаги камчиликларни кўришни истамай қўйган композитор ўсишдан қолади ва ниҳоят, жойида депсина бошлайди», — деб башорат қилган эди замонамизнинг буюк санъаткори Д. Д. Шостакович. Уйлаймизки, ёш композиторларимиз соғлом танқидий назарни вужудларига жо қилган ҳолда, камолот сари илдам борадилар.

Оқил ИБРОҲИМОВ. 1956 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1979 йил Тошкент Давлат Консерваториясининг музика тарихи ва назарияси факультетини тугатган. Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг катта илмий ходими. Санъатшунослик номзоди. Фарғона-Тошкент мақомлари, халқ музика ижодиёти билан шуғулланади.



Ҳамид Жалил



Қайда бобонг қурган дарвоза?

* * *

Елкамнинг чуқури жудаям чуқур,
Болаларим тушиб кетгандир унга.
Билмайман бу чоҳдан қандоқ чиқилур,
Сарғайди улар қўл чўзишиб менга.

Елкамнинг чуқури жудаям чуқур,
Тубида қон ютар ғамбода юрак.
Шўрликни сап-сариқ чаёнлар чақур,
Чаёнлар бошини янчмоғим керак.

Елкамнинг чуқури зардобга тўлди,
Мен қачон бу дардга бўлдим мубтало?
Серчуқур оламда қолдимиз ўзи
Елкамнинг чуқури кўрмаган бало?

Елкамнинг чуқури лиммо-лим бўлди,
Тошмоқда-ку ундан пешонам шўри.
Ана, ўт сочмоқда, тошлар отмоқда
Вулқонга ўхшайди елкам чуқури...

* * *

Боғлардан ўтмоқда вақт деган дарё.
Тебраниб, оҳиста бонг урар ноқлар.
Фурсатнинг ортидан чопади гўё
Олисга шох отган бу чайир тоқлар.

Недандир қизармиш олмаининг бети,
Шўх чинор тобора унга яқинлар.
Эгилиб,
ненидир излайди беҳи
Қўйнидан тўкилар
қуйма олтинлар!

Оғзини очганча кулади анор,
Тишининг оқини кўрсатар бодом.
Саховат сандиғин очибди такрор,
Беқасам чопонли куз деган Ҳотам.

* * *

Сукунатнинг бағрини чоклаб
Сузиб юрар маъюс бир наво.
Беҳаловат тунни қучоқлаб
Майсаларга йиғлайди ҳаво.
Ҳавога оғир...
Арвоҳ каби безовта кезар.
Ҳаво оғир дард билан оғир,
Ҳаво оғир кулфатни сезар...

* * *

Навбатни тақдир деб билгай фуқаро,
У тақдир арқонин узун ташлади.
Бозорлар, кўчалар, йўлақлар аро
Бир умр навбатда туриб яшади.

Қай куни навбатдан кетди у бирдан,
Бемалол узатди оёқ-қўлини.
Дунё бозорининг қаторларидан
Навбатсиз олди у фақат ўлимни...

Сен уни...

Сен уни жуда ҳам яхши кўрасан,
Бахтиёр юзига тўймай боқасан.
Қошида шодумон, мамнун турасан,
Сен унга жуда ҳам, жуда ёқасан.

У девни енгиш-чун чиқмас сафарга,
Борса келардадир борар манзили.
Арзанда жонини қўймас хатарга,
Таваккал ишлардан холидир дили.

Унинг қаршисидан мушук ўтмайди,
Минг тумор осиеглиқ кошонасига.
Унинг қарвонини ҳеч ким тўсмайди,
Михлар қоқилмаган остонасига.

Дуч келган сўқмоқда қолдирмас изин,
Ем берар чўп олса қўйнинг оғзидан.
Олувчи,
Чўзувчи қўллари узун,
Сира панд емаган бирор қозидан.

Ана у кўзгудан боқмоқда мамнун,
Шодумон илжаяр, қисар кўзини.
У шунчалар мамнун, ўзига мафтун,
Ҳеч кимса сенчалик севмас ўзини!



АМИР ТЕМУРНИНГ МУХРИ

Улуғ Темур авлодидан
Гар бўлсамда озари,
Табаррукдир, зиёратгоҳ
Менга онинг мазори.
Улуғбекнинг пойин излаб
Зарафшондан ўтганман,
Самарқанднинг тарихини
Юрагимга битганман.

Мақсуд Шайхзода

Бу кўҳна дунё юртларни бузган, элатларни қирган қанчадан-қанча жаҳонгирларни билади: Искандару Доро, Муовияю Қутайба, Чингизу Боту, Наполеон ва, ниҳоят, Гитлер... Баъзи илмий фаразларга кўра, башариятнинг кейинги уч минг йиллик тарихида жами 2600 йил урушлар билан кечган экан.

Ўтмиш муаррихлари инсоният тарихига ўзгартиришлар киритган жаҳонгирлар табиат тақозасига кўра аҳён-аҳёнда туғилишини қайд этганлар. Мунажжимлар Чингизхон, амир Темур ва Абдуллахонларнинг (XVI аср) соҳибқирон бўлиб турилганлигини каромат қилганлар. Айтишларича, Чингизхон ўнг қўлининг кафтида қон чангаллаб туғилганлиги унинг кейинчалик қонхўр бўлишига ишора экан. Илми нужум далолатага кўра, икки бахт сайёраси — Нохид (Венера) ва Муштарий (Юпитер) бир-бири билан яқинлашган вақтда туғилган бола соҳибқирон бўлар эмиш. Соҳибқиронлики табиат ҳодисаларига аниқроғи, юлдузлар ҳолатига боғлаш қанчалик ҳақиқатга тўғри келади, бу тўғрида бирон нарса дейиш қийин, аммо соҳибқиронларнинг қон тўкиб, юрт олиши бобида ўтмиш олимлари янглишмаганлар.

Амир Темур тарихан ўта мураккаб вазиятда сиёсат майдонига кирди. XIII асрнинг биринчи чорагида босиб олинган, асоратга солинган Мовароуннаҳр ва Хуросон, қолаверса, бепоён рус тупроғида ҳамон мўғуллар истибодиди давом этаётган эди. Мовароуннаҳр Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойнинг суюрғол мулкига айлантирилиб, қарийб бир ярим асрдан буён унинг уруғ-аймоқлари бу ўлканинг қонини зулукдек сўрмоқда эдилар. Чигатой улуси Еттисувдан то жанубий Хоразм ерларини қамровчи улкан сарҳадга ёйилган бўлиб, маълум муддат (1318—1347) унинг пойтахти Насаф — Қарши шаҳри бўлиб турди.

XIV асрнинг 60-йилларида, яъни Темур сиёсат саҳнасига кириб келганда босқинчи мўғул ҳукмдорларидан путур кета бошлаганди. Насафни пойтахтга айлантирган Кебекхон (1318—1326) мажусий эди. Кебекхонни ўлдириб, ҳокимият тепасига чиққан Тармаширин (1326—1334) мусулмон динини қабул қилади. Мўғул ҳукмдорининг маҳаллий аҳоли динига кириши шунчаки юмшоққўнғиллик оқибати эмасди, албатта. Агар Тармаширин мусулмон бўлиб, «Алоуддин» — дин улуги унвонини олган бўлса, унинг ўрнига тахтга чиққан Бўзан мўғул феодалларининг исломни қабул қилишига чек қўяди.

Чингизхон вафотидан кейин жуда иноқ, босиб олинган ўлкаларни баҳамжиҳатлик билан идора қилиб келаётган унинг авлодлари XIV асрнинг иккинчи чорагидан эътиборан бир-бири билан жиққамушт бўла бошлади. Ҳокимият учун кураш борган сари авж олди. Бўзанни ўлдириб, ҳокимиятни қўлга олган Қозонхон ибн Ясавир ўғлон яна қароргоҳни Қарши шаҳрига (Бўзан уни Илига кўчирган эди) олиб келади. Қозонхон ҳам уруғ-аймоғи билан бўлган ўзаро курашларга дош беролмади. Унинг кушандаси амир Қозоғон бўлди. Ҳирот яқинидаги Дари занги деган жойда бўлган жангда гарчи Қозонхоннинг қўли балад келган бўлса-да, кўзига ёй ўқи тегиб, ногирон бўлиб қолади. 1347 йилда Қозоғон билан бўлган иккинчи жангда унинг қуни битади. Қозоғон тахтга Дошмандчи ўғлонни (у Чингизнинг ўғли Угедай насабидан эди) чиқаради. Бир йилга етар-етмас Дошмандчи ўғлон ҳам фитнанинг қурбони бўлади.

Амир Қозоғон Балхда кучли қўшинга эга эди. Бу сафар ҳам Мовароуннаҳр тахтига ўз одами Воёнқулини қўйишга эришади. Қозоғоннинг ўғли Абдуллоҳ ҳам босқинчилик бобида отасидан қолишмас, мулк чегараларини кенгайтиришга интиларди. Жумладан, у 1353 йилда Хоразмга босқин килади ва талайди. 1357 йилга келиб, ўзаро жангларнинг бирида мўғул амири Қутлуг Темур Бўлдай амир Қозоғонни ясоққа етказди. Отаси ўрнига тахтга чиққан Абдуллоҳ саройида фиску фужур зўради. Масалан, у Воёнқулини хотини билан бўлган ишқий можаро туфайли қатл этади. Мўғул феодалларининг жирканч маиший ҳаёт тарзи, ҳокимият учун тубан талашишлари одатдаги бир ҳол бўлиб қолган эди.

Кебекхон давридаёқ бўлиниб кета бошлаган мўғуллар Мовароуннаҳр тупроғида заифлашиб қолганди. Хуросонда ҳам аҳвол шундай эди. Шу боисдан Хуросонда мўғул босқинчиларига қарши ҳаёт-мамонт жангига киришган сарбадорлар 1337 йилдан то 1381 йилга қадар, яъни ҳокимиятни амир Темурга ихтиёрий топширгунга қадар мустақил давлат тузишга муваффақ бўлган эдилар. Сарбадорлик ҳаракати Мовароуннаҳрда ҳам ёйла бошлаган, Самарқанд унинг марказига айланганди. Лекин ҳали сарбадорлик бу ўлкада очиқ курашга ўтмаганди.

Вазиятни ҳисобга олган, мўғулларга қарши халқ кайфиятини яхши билган маҳаллий турк феодаллари ҳам у ёки бу мўғул амири тарафида туриб, ҳокимият учун бўлган курашларда қатнаша бошлайдилар. Масалан, XV аср тарихчиси

Фосиқ Аҳмад Хавофийнинг «Мужмал-и Фосихий» (1441) асарига олимларимиз назаридан четда қолган бир далил бор. Унда таъкидлашнича, 1358 йилда амир Қозогоннинг ўғли Абдуллоҳга қарши кураш бошлаган мўғул амири Баён Сўлдуз ёнида Ҳожи Барлос ҳам бўлган. Улар амир Абдуллоҳга қарши иттифоқ бўлиб, қўлга киритилган вилоятларни ўзаро тақсимлаб олиш шарти билан курашганлар. Ҳожи Барлос, бу ўша — Кеш (Шаҳрисабз) вилоятининг ҳокими, ўзбекининг барлос уруғидан бўлган, амир Темурнинг амакиси эди.

Айрим тарихий асарларда, хусусан, академик В. В. Бартольднинг илмий ишларида ҳам XIV асрда маҳаллий феодалларнинг ҳоким мўғуллар билан муносабати қандай бўлганлиги маълум эмас, дейилади. Маҳаллий феодаллар, жумладан, барлос беклари мўғул амирлари билан яхши алоқада бўлган. Давр тақозасига кўра мўғул амирлари ҳам энг қамада маҳаллий феодаллар фикри билан ҳисоблашадиган бўлиб қолган.

Амир Абдуллоҳни энгиб, уни Андараб томонга қочиб кетишга мажбур қилган Баён Сўлдуз ва Ҳожи Барлос Мовароуннахрнинг бир қисмини қўлга киритадилар, уни ўзаро бўлиб олиб идора қила бошлайдилар. Ҳожи Барлосга Кеш вилояти тегади. Бу воқеа 1358 йилда рўй берди. Шу тариқа Мовароуннахрда ҳокимият қарийб бир ярим асрдан сўнг маҳаллий аҳоли вакили қўлга ўтади.

Тарих дарсликларимиздаги яна бир қусур шундаки, XIV асрнинг 30-йилларига келиб Хуросонда маҳаллий аҳолининг ватанпарвар ва илгор қисми бўлган сарбадорлар ҳукмрон мўғуллардан кичик бир территорияни озод қилиб, пойтахти Сабзавор шаҳри бўлган мустақил сарбадорлар давлати тузганлиги айтилади. Бироқ, Шаҳрисабз вилоятининг Мовароуннахрда биринчи бўлиб (бундан кейин, 1361—1362 йил ораллигида Самарқандда ҳам сарбадорлар ҳокимиятни қўлга киритадилар), 140 йил давом этган мўғул ҳукмронлигидан сўнг озодликни қўлга киритганлиги ҳақида лом-мим дейилмайди. Тўғри, дарсликларда ҳокимият маҳаллий феодал Ҳожи Барлос қўлга ўтганлиги ҳақида бир жумла келтирилади-ю, мўғул асоратидан қутилиш, ўша замонда халқимизнинг озодликка эришгани ҳақида айтиш негадир, «унутилади».

Тарихий фактларни ҳаққоний таҳлил этиш, замонга нисбат бериб шарҳлаш жуда муҳим. Бу халқимизнинг мўғул босқинчиларига қарши бир ярим аср давомида олиб борган озодлик кураши саҳифаларини ойдинлаштиришда беқисс аҳамиятга эга бўлган жиҳатлардан биридир. Зеро, XIV асрнинг 50-йилларига келиб, Самарқандда, шунингдек, унга қўшни бўлган Шаҳрисабз ва Қаршида босқинчиларга қарши кураш тобора алангаланаятган эди. Бу эса Ҳожи Барлоснинг гарчи мустақил бўлмасда, Баён Сўлдуз билан биргаликда олиб борган курашида маълум даражада акс этади. Бу жанг натижасида Шаҳрисабз вилояти қўлга киритилдики, бу энгиб бўлмас деб қаралган мўғулларга қарши озодлик курашининг илк самараси эди. Ҳолбуки, Маҳмуд Торобийдан кейин тўлиқ бир аср ўтган бўлса-да, босқинчиларга қарши қўзғалишга ҳеч ким ботина олмаганди. Шаҳрисабз ва Хуросонда ҳокимиятни қўлга олган (албатта, кичик территорияда) сарбадорлар довуғи ёйилган, бунга навкарлар ва ёшларнинг катта бир қисми қизиқиш билан қарарди. Самарқанд сарбадорлари билан зимдан тил бириктирган, озодлик курашига бош қўшганлар сафида Ҳожи Барлоснинг амакиваччаси Темур ибн Тарағай ҳам бўлган дейишга баъзи асослар бор. Бу амир Темурнинг кейинги фаолиятида яққол кўринади.

Мўғулистонда 1348 йилда ҳокимиятга эришган Тўқлуг Темур Мовароуннахрда — бобоси Чигатой улусида юз бераётган воқеаларга бефарқ қараб туролмайди. Тўқлуг Темур Чигатойнинг набираси Дувахоннинг ўғли Эминхўжанинг ўғли бўлиб, амир Пўлдорчи томонидан 18 ёшида хонликка кўтарилган эди. Йигирма тўрт ёшида исломни қабул қилган Тўқлуг Темур Мовароуннахрни босиб олишга ўзини шаръан ҳам ҳақли ҳисобларди. Кейинги пайтда бу юртда маҳаллий аҳоли вакилларининг ҳокимиятни тортиб олиш пайига тушиб қолганликлари, унинг азалий режасини амалга оширишга туртки бўлади. У 1359 йилда катта қўшин тортиб Мовароуннахрга — Кеш вилоятига йўл олади.

Шаҳрисабз вилоятини қисқа вақт идора қилиб турган

Ҳожи Барлос мўғул хонининг йўл-йўлакай эришаётган галабаларидан ваҳимага тушиб қолади. Оз сонли йигитлар билан Тўқлуг Темурга қарши туриб бўлмайди, ён-атрофдаги амирлардан нажот йўқ, ҳаммаси мўғуллар... Амир Ҳожи Барлос Тўқлуг Темурнинг асосий зарбаси ўзига қаратилганини яхши англаб, Хуросонга қочиб кетишдан бўлак чора тополмайди. Ҳожи Барлос бу қарорга осонликча келмаган, албатта. Оғир дамда юртни ташлаб кетиш ўзи учун қанчалик қимматга тушишини у яхши билган. Хуллас, Ҳожи Барлос ўзига содиқ кишилар кузатувида Амударё бўйига етиб келади. Уни қўриқлаб келганлар орасида амакиваччаси Темур ҳам бор эди. Ҳожи Барлос унга ишонар, Хуросонда, мусофирликда юрганимда таянч бўлар, деб умид қиларди. Қутилмаганда, Темур Шаҳрисабзга қайтажагини айтади. Амакисига: «Сиз бораверинг, кийин кунда мен эл ичида бўлишини керак», дейди. Унда орият, ҳамият кучли бўлган. Амакисини Темур қаттиқ ҳурмат қилган (бунга ҳали ишонч ҳосил қиламиз), Ҳожи Барлос нима бўлганда ҳам, мўғуллардан вилоятини мустақил қилиб олган биринчи киши эди-да. Лекин, унинг бу кетиши... Ҳожи Барлос Тўқлуг Темурга бўйсуниб, молу мулк тўлаб, амалида қолиши мумкин эмасмиди? Йўқ, бўлмас эди. Чунки, Ҳожи Барлос ҳокимиятни куч билан олганди, Чингиз авлодига қўл кўтарган киши асло кечирилмаган. Энди, Темурнинг орияти масаласига келсак, юрт тинч вақтда Ҳожи Барлос (ва унинг яқинлари, жумладан, Тарағай оиласи ҳам) фароғатда яшарди. Эл бошига қузғун ёпирилганда, нонинг гулини еган Ҳожи Барлос жонини қутқаришга тушиб қолди, хиёнат йўлига кирди. Жўмардлик руҳида тарбияланган Темур бу йўлни қабул қилолмайди. Ҳожи Барлоснинг яқин қариндоши сифатида исноднинг олдини олишга шошилади. Иккинчидан, Шаҳрисабз вилояти беэга, Тўқлуг Темур бўлса ҳали йўлда. Ҳокимиятни олиш учун бундан қулай фурсат бўлиши мумкинми?!

Йигирма тўрт ёшли Темурнинг мўр-малахдек душман бостириб келаётган Шаҳрисабзга қайтиш ҳақидаги аҳди ўлим ва ҳаёт гарови эди. Наҳотки, шундай қалтис вақтда у ҳокимиятга интилган бўлса? Темур, кейинчалик қурултойларда, ҳарбий кўриқларда амир ва навкарларига бир нақлни такрор-такрор айтар экан: Икки сайёҳ бири араб, бири эрони, беҳудуд саҳрода адашиб қолибди. Қуёшнинг оловли тафти йўловчиларни ҳолдан тойдирибди. Эрони сувни аллақачон ичиб тугатган, арабнинг кўзачасида бир ичим сув қолган. Сувсизликдан лаблари қовжираб, сулайиб бораётган эрони ҳамроҳи арабга айтибди: «Араб халқи олижаноб бўлади деб эшитганим бор, шу рост бўлса, сувингни менга беру, халқининг олижаноблигини кўрсат». Араб сувни унга берса, шаксиз ўлишини билса ҳам «арабларнинг олижаноблиги олдида менинг ўлимим ҳеч нарса эмас, мен халқим удумига шак келтирмайман», деб сувни унга беради. Иттифоқо, бу икки сайёҳ омон қолиб, Темур лашкарига қўшилган. Амир Темур уларни беҳад сийлаган экан.

Тўқлуг Темур «олса мол, олмас жон» қабилида олдига чиққан Темурга Кеш вилоятини инъом қилади. Афсуски, тарихий манбалар унинг бунга қандай эришганлигини ёритмайди. Табиийки, бу сулҳ ва вассаллик катта тавон ва ҳар йили тўлаб туриладиган молу ашё эвазига бўлган. Бу воқеа 1360 йилда рўй беради. Тўқлуг Темур изига қайтади. Мовароуннахрда осойиш юз бергач, қочиб кетган амир Ҳожи Барлос Шаҳрисабзга қайтади. Бир йилга яқин Кеш ҳокими бўлиб турган Темур, Фасиқ Хавофий айтганидек, «ҳокимиятни бошқариш учун келган»* амакисига жойин бўшатиб беради. Юзи шувит Ҳожи Барлосни дарвозадан киритмаслик ўрнига, тахтни унга топширади. Хўш, бун қандай баҳолаш керак? Ҳокимият учун ота болани аямаган даврда бу қандай жўмардлик эди? Табиийки, саволлар кўп. Бизга маълум манбалар эса бу сўроқлар қаршиида ожиз.

Темур ўзига садоқатли йигитлар билан Балхга, амир Ҳусайн ибн Мусаллаб олдига кетади. Бу Ҳожи Барлосга нисбатан норозилик белгиси эмасмикин, бирон нарса дейиш қийин. Воқеаларнинг кейинги ривожини ўқувчиларга яхши маълум. Ҳусайн хизматига кирган Темур ўзини тутиб олади, атрофига аксар жангари, ҳеч нарсадан қайтмайдиган

* Қаранг: «Муджмал-и Фасихи», 89-бет.

катта қўши тўплайди. Ниҳоят, 1370 йилнинг 10 апрелида Балхда амир Ҳусайнни енгиб, Мовароуннаҳр тахтини қўлга киритади.

Амир Темур 736 сичқон йилида, шаъбон ойининг 25 кунда (9 апрель 1336 йил) Шаҳрисабдан ўн уч чақирим бўлган Хўжа Илғор қишлоғида туғилган. Ҳозир бу қишлоқ Яккабоғ районига қарашли. Академик Бартольднинг шаҳодат беришича, асримиз бошларида қишлоқ аҳолиси унга амир Темурнинг шу қишлоқда туғилганини сўзлаб берган эканлар. Темурнинг отаси Тарағай Муҳаммад, онаси Тегина хотун бўлган. Қорача — Тарағай ва Ҳожи Барлосга тўртинчи бобо бўлган. Тарағай барлос уруғининг нуфузли бекларидан ҳисобланган. Унинг мўғуллар билан ҳам борди-келдиси бўлиб, жумладан, амир Ҳамиднинг отаси билан дўст тутинган. Тарағай Муҳаммад такводор киши сифатида, шайхлар билан яхши муносабатга киришган.

Ислоннинг нуфузли шайхлари билан яқин алоқалар боғлаш ҳам маълум мақсадни кўзда тутганга ўхшайди. Масалан, Темур ёшлиғида Қашқа воҳасининг таниқли руҳонийси шайх Шамсиддин Кулол ҳузурига боради. Бу пайт шайх ибодат билан машғул бўлган. Еш беқзода уни сабртоқат билан кутиб туради. Узоқ чўзилган зикру ибодатдан сўнг, шайх уни жуда яхши қабул қилади, сабр-матонатни учун алқаб, дуо қилади. Темур, кейинчалик, ўзининг ғалабаларини шу фотиҳага боғлагани маълум. Бундан чиқадиги, Темур ёшлиғидаёқ курашишни мақсад қилиб қўйган. Кимга қарши курашиш масаласи ҳам ўша пайтлардаёқ аниқ қилиб қўйилган кўринади. Буни Темурнинг муҳри (печати) билан боғлаб тушутириш мумкин. Демак, эндиги гап амир Темурнинг муҳри ҳақида.

Амир Темур 1370 йилдан то 1402 йилгача, Карл Марк таъбири билан айтадиган бўлсак, ўз салтанатини Шарқда то Хитой деворига қадар, Шимолда — Москвага қадар, Ғарбда — Урта Ер денгизи қирғоқларига қадар, Жанубда — Миср чегараларига қадар кенгайтиради. Бунга 18 уруш натижасида эришади. Фосих Хавофийнинг «Мужмал-и Фосихий» асарида берилган хронология асосида ҳисоблаб чиқилганда, амир Темурнинг 1370 йилдан то сўнгги нафасига қадар 30 мартадан зиёд ҳарбий юришлар қилганлиги маълум бўлади. У қарийб 25 йил давомида, асосан, мўғул босқинчиларига қарши курашди. Уз ҳокимиятини мустақамлаб олгач, босқинчилик юришларини амалга оширди, Эронни, Ироқни, Туркия ва Ҳиндистонни ишғол этди.

Бениҳоя катта империяга эга бўлган Темур ўзини хон атамаган. Аксинча, Чингизхон уруғидан бўлган кишилардан қўғирчоқ хонлар (масалан, Қобулшоҳ, Суюрғатмиш, Султон Маҳмудхон) қўйиб, фармонларни улар номидан эълон қилган. Табиийки, бу фармонларда амир Темурнинг бодоми муҳри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Фармонларда шу муҳр бўлгандагина у кучга кирган.

Академик В. В. Бартольднинг тарихий манбаларга асосланиб ёзишича, амир Темурнинг муҳрида (шунингдек, узугида ҳам) иккита сўз бор экан: «Рости ва расти». «Форсча — русча луғат»нинг Москва, 1983) биринчи жилдида «рости — адолат, ҳақиқат», «расти — қутилиш, озодлик» (707; 721-бетлар) деб изоҳланган. Бинобарин, амир Темурнинг муҳридаги сўзлар «озодлик ва адолат» маъносини англайди.

Академик Иброҳим Мўминов «Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» номли ажойиб рисолида, бу сўзларни Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотига асосланиб, «Рости — дурусти» (ҳақиқат — сиҳатлик) деб келтириб ўтади. Темур муҳридаги бу икки сўзни яна бошқача ўқиш ҳоллари ҳам бор. Жумладан, Г. Вамбери «Бу-хоро тарихи» асарида бу сўзларни «Расти-русти» (Ҳақиқат ва халоскорлик) деб ўғирган экан. Фикримизча, XV асрнинг биринчи манбалари билан иш кўрган, Урта Осиё, хусусан, Темурийлар тарихини мукаммал билган академик В. В. Бартольднинг шарҳи тўғри. Шунингдек, Г. Вамбери ҳам сўзларни асл маъносига жуда яқин изоҳлаган. «Рости» ва «Расти» сўзларининг синонимлари адолат, ҳақиқат, қутилиш, халоскорлик маъноларида келади. Бу «форсча-русча луғат»да ҳам, «Тожикча-русча луғат»да (Москва, 1969) ҳам акс этган.

Йигитлик чоғларидаёқ Темурнинг шюрига айланган бу икки сўзни ҳиротлик шайх Зайниддин Абу Бакр ат Таъбодий

айтганлиги манбалардан маълум. Лекин шу ўринда бир аниқлик зарурга ўхшайди. Чунки бу икки сўзни Темур 21 ёшида ўз фаолияти учун шюр қилиб олади. Шундай экан, бу сўзларни унга шайх Зайниддин Таъбодийнинг айтганлиги шубҳа туғдиради. Амир Темур 1481 йилда Ҳирирудга яқин Кўҳсангдаги Таъбод қишлоғида яшовчи шайх Зайниддин Таъбодий билан учрашган. Бу пайтда у 45 ёшга кирган бўлиб, Мовароуннаҳрни мўғуллардан тозалаб, Хуросонни ҳам бирин-кетин босқинчилардан тортиб олаётган эди. Шундай экан, унинг муҳридаги сўзлар Зайниддин Таъбодий томонидан эмас, балки ундан анча олдин, яъни 24 йил муқаддам қаршилиқ шайх Шамсуддин Кулол томонидан айтилган бўлади. Бундан чиқадиган маъно шуки, Қашқа воҳасидаги ватанпарвар дин арбоблари ҳам мўғулларга қарши кайфиятда бўлганлар. Юқорида зикр этганимиз мўғул хони Тармаширин мусулмончиликни қабул қилиши ҳам ўлкада катта куч бўлган исломга ён беришнинг оқибати эди.

Амир Темурнинг ўз муҳрига туширилган сўзларга қанчалик амал қилганлиги тарихдан яхши маълум. Унинг сиёсий жаҳонгирлик фаолияти икки даврга бўлиниши ҳам бежиз эмас. 1370 йилдан то 1386 йилга қадар Темур ўз давлатини мустақкамлаш, Мовароуннаҳрдан мўғулларни қувиб юбориш, муҳрига туширилганидек, қутилиш, озодлик ишлари билан шуғулланди. 1386 йилдан бошлаб эса унинг тарихда машҳур уч, беш ва етти йиллик жаҳонгирлик юришлари амалга оширилди. Темур империясида 800 минг кишилик қўшин мавжуд бўлганлиги қайд этилган. У, масалан, Ҳиндистонга, Туркия султони Воязид ва Тўхтамишхон устига 200 минг лашкар тортиб боргани маълум. Темур қўшинида темир интизом ўрнатган, ҳар бир туман (ўн минглик) учун алоҳида рангдаги бош кийимлари жорий қилган. Академик В. В. Бартольд Темур жангчиларининг рицарлик руҳида тарбия олганликларини айтади. Темурнинг ўзи ҳам шижоатли, доврақ киши бўлган. 1362 йилда Сейистонда бўлган жангда ўнг қўлини тирсағидан камон ўқи яралайди. Шунда ҳам у жанг майдонини ташлаб кетмайди. Ваҳоланки, шу ўқ заҳми йиллар давомида унинг майиб бўлиб қолишига сабаб бўлган, ўнг қўли ва ўнг оёғида суяк сили авж олиб, оёғи букилмайдиган бўлиб қолади. Амир Темур ўч олишни ҳам яхши билган. Орадан ўн бир йил ўтиб, 1383 йилда Сейистонни забт этишда, бир вақтлар уни камон ўқи билан яралаган киши қўлга тушади. Темур уни ҳам камондан отиб ўлдиришга буйруқ беради. Еки Хоразм амири Юсуф Сўфи Темурни яккама-якка жангга чорлайди-ю, ўзи бунга ботина олмайди. Бу воқеа 1379 йилда, Урганч қамалида содир бўлган. Қирқ уч ёшли Темур шартлашилган жойга келади, аммо Юсуф Сўфи қўрқоқлик қилиб, ўз шартини бузади.

Ҳақиқатан ҳам Темур, академик Бартольд айтганидек, энг аввало ҳарбий, сўнг ҳукмдор, энг охирида эса мусулмон эди. Унинг ўз пойтахти Самарқандда бир йилга яқин тинч ўтиргани маълум эмас. Ҳар олти ойга қолмай гоҳ Мўғулистонга, гоҳ Хоразмга, гоҳ Эронга, гоҳ Ҳиндистонга, гоҳ Туркияга қўшин тортади. Шунга қарамай, Темур Самарқандда истироҳат боғлари, қасрлар қурдирганки, буларда Темур бўлмаган вақтда камбағал ҳам, бой ҳам бемалол сайр қилиб юрган. Яна академик Бартольд таъбири билан айтганда, Темур қасрлари ва боғларининг қулфи ҳам, девори ҳам бўлмаган.

Темурни тушуниш ниҳоятда қийин, жаҳонгирлар ичида у каби мураккаби ўтмаган бўлса керак. Масалан, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида шундай бир воқеа келтирилади. Кейинчалик Темурнинг ишончли саркардаси даражасига қўтарилган амир Шоҳ Малик (XVI асрда яшаган шюр Муҳаммад Солихнинг бобоси) ёшлиғида юз берган бир ҳодисани сўзлаб берган экан: «*Бир кун онҳазрат (Темур) мени хос хилватга чақириб, буюрди: «Амирлар фалон подшоҳнинг қонидан ўтишимни сўрадилар, мен уларнинг сўзларига қулоқ солмадим. Улар бунни яна арзга етакзадилар, мен эса ман қиламан. Сен эса шундай қилишинг керак: мен уларнинг сўзига қулоқ солмай турган вақтимида ўрнингдан туриб орқага чекинасан-у, аммо яна шу ҳақда сўз очилганда, қўрқмасдан олдинга чиқиб тез чўқасан. Шундай қилиб, амир Шоҳ Малик бир неча бор тиз чўқиб, илтижо қилгач, онҳазрат: «Амирлар айтган бу сўзларга мен илтифот кўргазмаган эдим, энди азар бу гўдакнинг сўзини эшитмасам,*

дили оғрийдди ва ўз тенгқурлари орасида шарманда бўлади», — деди ва унинг талаб-илтимосини қабул қилди»*.

Чиндан ҳам, бундай воқеалар анчагина бўлган. Фосих Хавофий ўз асарларида ана шундай гуноҳидан ўтилганлардан бир нечасини тилга олади. Масалан, 1388 йилда амир Темур Хоразмга, Тўхтамиш устига юриш қилганда асирга тушган Айди Берди Бахши ҳукмдан озод этилган.

Амир Темур ўзига бўйин эгнани сиёлаган, олдига совға салом, пешкаш билан чиққан шаҳар ҳокимларини ўз ўрнида қолдирган. Аксинча, халққа зулм ўтказувчи ҳокимларни аёвсиз жазолаган. Ҳокимиятни эндигина қўлга олган кезларида мўғулларга қарши курашда уни қўлламаган жалойирларни кириб, қолганини Хўжанд атрофидан тарикдек тиркиратиб юборади. Олтин Урдага майли бўлган Хоразмни неча бор қон-қақшатиб, охири Урганччи ер билан яксон қилиб, аҳолисининг бир қисмини Самарқандга ҳайдаб келади.

1403 йилда Шероз ҳокими Қутбиддин садрнинг ўз халқига ҳаддан зиёд зулм ўтказибгани хабари етиб келади. Амир Темур Қутбиддин садрни тутдириб, оёқ-қўлини михлатиб ташлайди. Халққа садрдан ўтган жафони бартараф қилиш учун махсус одам тайинлайди.

Кишини ҳайратга соладиган нарса шундаки, танг вазиятларда ҳам Темур ўз фикрини, қарашларини ўзгартирмаган. Унинг сарбадорлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиши йигирма ёшларида юз берган. Самарқандда сарбадорлар мўғул хони Илёсхўжага қарши курашиб, 1362 йилда шаҳарни тузоққа илинтиради. Жуда кўпчилик ўлдириб юборилади.

Уша пайтлар ҳокимиятга эришган Темур амир Ҳусайнни бир амаллаб кўндириб, мадраса талабаси, ўз тенгқури, оташин ноиқ Мавлонозода ҳаётини сақлаб қолади. 1366 йилда амир Ҳусайн Самарқандда Темурнинг дўстларини исёнда гумон қилиб, ҳибсга олади. Темур бисотидаги бор нарсаларни, жумладан хотини, амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Турконнинг қулоғидаги олтин сирғани тавонга қўшиб тўлаб, уларни қутқариб олади. Бу сирғани амир Ҳусайн тўй кунлари синглисига ўзи совға қилган эди.

Айниқса, бу жиҳатдан Тўхтамишга кўрсатилган муруват эътиборга лойиқ. 1376 йилда Темур ҳузурига панох истаб келган Манқишлоқ ҳокими Тўйхўжанинг (Тўйхўжа ўзбек эди) ўғли Тўхтамишни Темур фарзанд ўрнида кўриб, унга Утрор ва Саброн вилоятларини беради. Сўнг, Темур қўллаб-қувватлаши туфайли, Тўхтамиш катта қўшин билан ўз душмани Ўрусхон устига отланади (Ўрусхон отасини ўлдирган эди). Жангда Ўрусхоннинг ўғли Қулдуг бўга ўлдирилади. Дарғазаб бўлган Ўрусхон амир Темурга дўқ-пўписали мактуб ёзиб, ўғлининг хуни учун Тўхтамишни беришини сўрайди. Амир Темур унинг ғазабнок хатини келтирган элчига шундай жавоб берган экан:

Бор ва айтғил мендан Ўрусхонга:
«Дарё қушин ёмғир билан қуркутма».

Темур ўзи иштирок этган жангда Ўрусхон ҳам шаҳид бўлади, шу воқеадан кўп ўтмай Тўхтамиш Дашти Қипчқонинг (Волгадан Днепрчага бўлган ерлар) ҳукмдори қилиб тайинланади. Тўхтамиш хусусида Темур қаттиқ янглишганди. У Темурнинг тузини оқламади. Темур Тўхтамишга қарши бир неча бор шиддатли жанглар олиб борди ва охирида уни мағлуб қилишга эришди. Бу жуда кўп вақт ва жуда кўп кучни олди, қонларнинг дарё бўлиб оқишига сабаб бўлди.

Фосих Хавофий 1381—1382 йил воқеалари солномасини ёзар экан, амир Темурнинг Хуросондаги Худошод қишлоғи аҳолисини қирганини тилга олади. Бу қирғиннинг сабаби, қишлоқ аҳли Ҳожии Барлосни ўлдирганликлари эди. Демак, 1363 йилда амир Ҳусайн ва Темур Шаҳрисабзни босиб олганларида Ҳожии барлос иккинчи марта Хуросонга қочган ва Худошод деган жойда ўрнашган экан. Амакисига Шаҳрисабзни бўшатиб берган, айна вақтда унга ҳужум уюштирган, Ҳожии Барлоснинг вилоятдан чиқиб кетишига сабаб бўлган Темур, орадан ўн саккиз йил ўтказиб, унинг қасоси учун қишлоқ аҳлини қириб ташлайди. Куёви Абулфатх

* А. Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажман баҳрайн. «Фан». Т. 1969. 343-бет.

хиёнат учун қатл этилади-ю, Туркияда султон Боязид билан бўлган жангларда душман томонига ўтиб курашган, сотқин набираси Ҳусайн шаҳзодалик кийимларини алмаштириш билан қутилиб қолади.

Амир Темурнинг оилавий ҳаёти ҳам чигал ва мураккаб. Уша даврлар адумига кўра, Темур ҳам эрта уйланган. 1362 йилда амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғани олгунга қадар Темурнинг икки ўғли бўлган: булар 1354 йилда туғилган Умаршайх ва 1356 йилда туғилган Жаҳонгир. Жаҳонгирнинг онаси Нурмиш оға бўлган. Бу икки шаҳзода бир онадан туғилганми-йўқми аниқ эмас.

Темур хотинларига муруватли бўлган. Уларга атаб қасрлар, боғлар барпо этган. «Воғи беҳишт» Туман оғога аталган бўлса, «кичик малика» — Тўкал хоним учун «Воғи Дилқушо» обод қилинган. Тўкал хоним тўйи тараддуди узоқ чўзилган. Мўғул хони Хизрхўжанинг қизи бўлган Тўкал хонимни олиш учун жуда кўп дипломатик куч ишлатишга тўғри келган. Ниҳоят, 1397 йилда у Мўғулистондан келаётган маликани кутиб олиш учун йўлга чиқади. Йўл-йўлакай Оҳангаронда тўхтаб ҳордиқ олади. Сўнг Ясса шаҳрига қараб йўлга чиқади. Тўкал хонимни кутиб олиш баҳонасида Аҳмад Яссавий қабри устига улкан мақбара қурдиради. Бу унинг дин аҳлига кўрсатган биринчи ошқора саховати эди.

1370 йилда Темур амир Ҳусайнни энгиб, Мовароуннаҳр тахтини қўлга киритгач, унинг ҳарамига ҳамда тўрттала хотинига эга бўлади. Амир Ҳусайн хотинлари орасида Сарой Мулк хоним унга маъқул қолади, қолганларини ўз амир-амалдорларига улашиб юборади, масалан, Тармаширининг қизини жалойир беги Баҳромга беради. Сарой Мулк хоним оқила аёл бўлган. Темурдан беш ёш кичик бўлган Сарой Мулк хоним Қозонхоннинг қизи бўлиб, отаси Қаршида турганда, 1441 йилда туғилади. «Биби хоним» деб улуғланган бу малика Темурдан фарзанд кўрмаган. Айрим манбаларда унинг Шоҳрухнинг онаси эканлиги айтилади. Бу тўғри эмас. Шоҳрухнинг онаси Темурнинг канизакларидан бири Тоғай Туркон оғадир.

Темурнинг хотинлари орасида гўзал Чўлпон Мулкнинг тақдирини фожиали кечган. Мўғул амира Ҳожибекнинг қизи бўлган Чўлпон Мулк хўсн-тароватда бекиёб эди. У Темурнинг 1391, 1393 йилги юришларида бирга бўлган. Жаҳонгир бу сулув, шаддо, эркак талпинган маликани аёвсиз қатл эттиради. Элас етиб келган хабарларга кўра, у соҳибқирон кўнглига шубҳа туширган, садоқат чегарасини оузган.

Тарихий манбаларда Темурнинг тўрт ўғли (Умаршайх, Жаҳонгир — булар отаси тириклигида ҳалок бўлган, Мироншоҳ ва Шоҳрух) ва қизлари бўлганлиги айтилади. Қизларидан бири Султон Бахт бегим амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғадан туғилган. Султон Бахт бегим эркак табиатли, жанговар қиз бўлган. Кўпинча, сипохи либосида, ҳатто жанг майдонларида ҳам пайдо бўлган. Турмушга ҳам анча кечкичи чиққан. Академик Бартольд, тарихий манбаларга асосланиб, Темурнинг зиёфат ва базмларида малика ва маликазодаларнинг эркин, очиқ ўтиришганини қайд қилади.

Амир Темур 1404 йилда Хитойни босиб олиш учун қўшин тортиб, Оқсулот деган жойга тушади. Бу ерда 28 кун турган амир 1404 йилнинг 25 декабрида Утрорга етиб келади. Утрорда қирқ кун ором олади, шаҳарни кўздан кечириди, шахмат ва нард ўйнаш билан кунларни ўтказида. Шаҳар ҳокими Бердибекнинг уйи унинг сўнгги манзили бўлиб қолади. Шунча мамлакатни олган жаҳонгирга ўз-уйида, пойтахтда ўлиш ҳам насиб этмади. Бердибек амир Темурнинг энг ишончли вазири шайх Нуриддиннинг укаси эди.

Совуқ тушиб қолгани учун Темур қўшин бошлиқларини, амирларини қишлаш учун Тошкентга жўнатиб юборади. Унинг ёнида фақат амир Шоҳ Малик, шайх Нуриддин ва Хожа Юсуфларгина қолади.

1405 йилнинг 5 феввали куни амир Темур ўзини лоҳас сезади. Шу куни унинг қовоғи солиқ, шахматга ҳам қўли бормайди. Амирнинг шахсий табиби Фазлуллоҳ Табризий ҳар қанча муолажа қилса-да, наф қилмайди, аксинча, касаллик зўрайиб, бирининг орқасидан иккинчисини етаклаб кела бошлайди. Бир томони кекаслик (ёш ҳам 70 га бориб қолган эди), иккинчи томони ўттиз беш йиллик жангу жадал, тинимсиз қон кечиш, қувҳа-қув ўз кучини кўрсатаётган эди. Жаҳонгир ёғиб қолганининг ўнинчи ёки ўн биринчи ку-

ни шахзодаларни, амир ва вазирларини ёнига чорлаб, бемажоллидан, ёинки, одатий қувлиқдан бўлса керак, бармоқлари билан ишора қилади. Аввал бир бармоғини, сўнг иккинчи бармоғини кўтаради. «Нима демоқчиман» деб кўзи билан имо қилади. Тўплаганлар саросимага тушиб, шивиршивир қилишади. Ниҳоят, улар бамааслаҳат: «Онҳазрат, сиз даволашнинг яна битта-иккитта усули қолди, шуни ҳам ўйлаб кўринглар демоқчисиз», дейишади. Бор кучини тилига тўплаган амир, зўрга: «Яна бир-икки кундан сўнг ораларингда бўлмайман, демоқчи эдим», дейди. Ҳақиқатан ҳам, у янглишмаган эди. Қасалликнинг ўн учинчи куни — 18 февралда оламини титратган амир Темур вафот этади. Темур касал бўлиб ётганда, кўп май ичиш асар қилдимикан, деган шубҳалар ҳам бўлган. Амир Темур бунга қатъиян рад ётган ва умрида ичкиликни ҳўпламаганлигини зикр қилган.

Амир Темур вафот ётганда унинг авлоди — ўғил ва набиралари 36 киши эди. Ўттиз олти нафар тахт даъвогарини учи-қуйруғи йўқ мулкларни бўлиб олиш учун Хуросону Мовароуннахр бўйлаб от қўйдилар. Ҳаш-паш дегунча, улкан империя тўзғиб кетди. Темурнинг садоқатли вазирлари ҳам бу курашларда четда қолмадилар. Шайх Нуриддин Темурнинг қабри совумасдан унинг суюкли хотини Туман оғани хотинликка олди. Биби хоним ва Тўқал хонимлар эса заҳарлаб ўлдирилди...

Яна амир Темурнинг муҳрини эсга оламиз. Ундаги «озодлик» ва «адолат» сўзларини кишини қаттиқ ўйлантиради. Амир Темур даврида адолат кучлининг кучсиз устидан ўт-

казадиган сўёсатига асосланган. Масалан, Темур Эронга қилинган беш йиллик юришдан голиб бўлган, катта бойлик билан қайтгач, Самарқанд аҳолисини уч йиллик солиқдан озод қилган. Энди, муҳрдаги биринчи сўзга — қўтилиш, озодликка келсак, буни ҳам ҳаққонийроқ баҳолашимизга тўғри келади. Йигирма бир ёшидаёқ мўғулларни ўлкадан ҳайдаб чиқаришни аҳд қилган, Мовароуннахрни, Хуросонни ва рус тупроғини бир ярим асрдан зиёд давом ётган мўғул-татар зулмидан холос қилди. Йирик рус совет тарихнавислари В. Д. Греков ва А. Ю. Якубовскийлар жуда тўғри таъкидлаганидек, Темурнинг 1395 йилда Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси нафақат Ўрта Осиё учун, балки жанубий-шарқий Европа ва Рус учун ҳам катта аҳамият касб ётди. Рязань ерларини талаган Темур, айна вақтда, ўзи ҳаёлига келтирмагани ҳолда рус ерларига озодликка чиқишда ёрдам кўрсатди.

Очигини айтиш керакки, Темур муҳридаги «Озодлик» ва «Адолат» сўзларини ҳали муфассал шарҳлаш, вазоҳатли амир шахсидаги икки Темурни фарқлаб кўрсатиш лозим бўлади.

Поён РАВШАНОВ,

Ҳамид Олимжон номидаги Қарши Давлат педагогика институтини ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди



Салом ҳурматли редакция!

Севимли журналимиз «Ёшлик» саҳифасида чоп этилган профессор О. Тоғаевнинг «Исбнми ёки жиноятми» мақола-сиде айна куннинг долзарб масаласига эътибор қаратилган.

Мақолани ўқир эканман, муаллиф гўё менинг кечинмаларимни ифода ётгандай бўлди.

Хизмат юзасидан республиканинг турли областларида, асосан қишлоқларда бўлиб, у ерда яшовчи кишиларнинг ҳаёти, турмуш тарзини ўрганар эканмиз, турли хил тақдирлар, турли кечинмаларнинг гувоҳи бўламиз. Урни келганда айтиб ўтишим керакки, УзССР ФА Тарих институтининг этнография бўлими илмий ходимлари «Ўзбек халқи этнографияси» номли икки жилдик китоб устида ишламоқдалар. Китобда оила — бола туғилиши, тарбияси, тўймаърака маросимлари, маданий ва маиший ҳаёт, урф-одатлар — барчаси ўз аксини топиши керак. Шу сабаб ҳам биз оилаларда бўлиб, уларни чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Кейинги вақтда матбуотда ўзига ўт қўйган аёллар ҳақида гапирилаёттир. Ҳамиша улар билан ҳамнафас йигитлар-

чи? Уларнинг ҳаётдан тўйишлари-чи, курашнинг энг осон «усули» — ўлимни тан олишларига нима дейсиз? Йигитларни бу муҳиш йўлга нима мажбур қилапти?

Пойтахт область районларидан бирида уч йигитнинг (уларнинг бири никоҳ кечасининг эртасигаёқ) ўзини осиб ўлдирганликларини айтиб беришди.

Профессор ёзганидек, қизлар ўзларини ёқишининг бош сабабларидан бири — ифатини сақлай олмаганлик бўлса, йигитларнинг ўзини ўлдиришини қандай изоҳлаш мумкин?

Халқимиз, Ватанимизнинг таянчи, ишончи, ғурури, посбони бўлган йигитларнинг бу айни ҳолатга тушишларига нима дейсиз?

Энди журналда кўтарилган масалага қайтсак. Яширишнинг ҳожати йўқ, қишлоқлардаги оилаларнинг қозони ҳафта-лаб, ойлаб гўшт кўрмайди. Узок йиллар «Қишлоқ — шаҳарга» деган шиор остида яшаб келдик. Аммо тун-кун даладан чиқмай тер тўккан заҳматкаш деҳқонни нима еб, нима ичиб, нима кийиши ҳақида ўйламай қўйдик. Бир дугонам гўштни шаҳардан қишлоққа олиб кетади, сарёғни ҳам, ҳарна арзонроқ деб. Бошқа бир ҳамкасбимиз унга «қишлоқда сўйилган гўшт ширин бўлади-ку, нега музлаган гўшт олиб кетасан», дейди. Дугонам қизариб ўзини зўрлаб қулади. Ахир колхозчи ишлаб топган 60—70 сўм пулга 10—12 фарзандини боқсинми, кийинтирсинми, ёки ярми чарви тортилган 5 сўмлик гўшт билан оиласини тебратсинми?

Сиз деҳқоннинг тушлик қилишини кузатганмисиз? Нон, чой. Топилса — қанд. У ҳам ҳозир камёб матоҳга айланган.

Нонуштани, тушликни шундай ва фақат кечқурунгина иссиқ овқат истеъмол қилган аёл камқонлик ва бошқа хасталикларга дучор бўлмайди деб ким қафолат беради?

Қишлоқда яшовчи ва ишловчи аёлларга ҳеч қандай тузук шароит йўқ. Буни очикдан-очик тан олишимиз лозим. Эрта тонгдан то қоронгу кечга қадар кетмон чолиб бели, қўли толиққан аёл уйга келиб сигир соғсинми, овқатга уринсинми, боласига қарасинми, ё эрига? Қай бирига ва қачон? Узига қараш тўғрисида гап бориши ҳам мумкин эмас. Агар эр ичадиган, бадфеъл бўлса-чи, ана унда шўрлик аёлнинг ҳолига вой...

Фориш районида бўлганимда ленин-ободлик артистларнинг энг узок тоғ қишлоқларида концерт бераётганининг гувоҳи бўлдим. Бизнинг машхур хонандаю созандаларимиз эса қишлоқ йўлларини мутлақо билмайдилар десам хато қилмайман.

Ҳаёт инсонга бир бора бериладиган табиат эҳсони экан, биз ҳеч қачон инсон тақдирига бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқ.

Истардимки, партия ва совет раҳбарлари, зиёлилар, санъаткорлар ва шоиру ёзувчилар кўпроқ халқ орасида бўлиб уларга имкони борича маънавий мадад берсалар, эҳтимол, шунда айрим муаммолар юқоридан туриб эмас, жойларда ҳал этилар. Ана шунда оддий халқ «қорни оч билан қорни тўқнинг нима иши бор?» деган иборани камроқ ишлатади.

Тожинисо АҲМЕДОВА,
этнограф



ҒИШТ

Ваҳобиддин Мамадалиев

Якшанба биз студентлар учун худо ярлақан кун. Қани эди календарда ҳафтанинг уч кунгинаси қизил билан ёзилиб, дам олиш куни деб эълон қилинса. Афсуски, бу орзу ушалмаслигини билиб, зориқиб якшанбани кутишдан бошқа чорамиз йўқ.

Шу тугайли ҳар шанба охириги пара тугаши биланоқ ҳаммамиз уйга ошиқамиз, чунки ўша кунга келиб иқтисодий жиҳатдан чўнтакнинг стрелкаси ноль атрофида туги қолади.

Шанбаларнинг бирида тушликка чиқиб, кетиш учун йўлқирани ажратиб чап чўнтакка солдим-да, қолгани билан ҳузур қилиб овқатланиб тургандим, курсдошимиз Саноқул шошиб келиб қолди.

— Еқубжон, сиёсий иқтисоддан қарзингиз бор-а? — деди.

Саноқулнинг домлалар билан тил топишида суяги йўқ эди. Шу тугайли ҳаммавақт ошиғи олчи бўлиб юрарди. Аммо сиёсий иқтисоддан унинг ҳам қарзи бор эди. Шу фандан кирадиган Сафаров домла эса таниш-билишни жини суймасди. Шу тугайли у ҳам ўзимиз қатори қарздор бўлиб қолди.

— Ҳа, нимаиди, — дедим энсам қотиб.

— Йўли топилди, — деди Саноқул ва ташқарига қараб имлади. Сўнг қироат билан гап бошлади.

— Так, оғайни, гап бундай, эртага Сафаров домлани озроқ иши бор экан. Шуниникимиз тўғрилаб берсак, ишимиз беш бўлади. Кейин бу домланинг ҳам дарсидан қўрмай юраверамиз, — деб савол назари билан менга қаради.

Рости, шу домлани дарсидан ўлгудек қўрқардим. Қўйиб берадиган битта учини ҳам шунақа эзиб-эзиб қўярдики, шу фандан уч баҳо олган студент иккита беш олганчалик қувонарди. Саноқулга таҳсинлар ўқиб, боришга рози бўлдим.

Дардан сўнг квартирага келиб, энди чўзилмоқчи бўлиб турувдим, Саноқул келиб қолди.

— Ҳа, — дедим хавотирланиб, — домла айнаб қолдимми?

— Йўғ-э, кетдик, ҳозироқ бориб ишга киришамиз, — деди.

Саноқул қарздан мендан ҳам баттар қўрқиб қолибди деб, нима иш қилишимизни суриштирмай унга эргашдим.

Домланикига борсак, у киши йўқ, биздан сал олдин қишлоғига кетибди.

— Иш буюриб, ўзи уйда бўлмаса, жуда қизиқ-ку, — дегандим, Саноқул бўлса бепарвогина қўл силтади:

— Ишингиз бўлмасин, домла буюргани йўқ, келинойим илтимос қилувди. Домла келинойимни чизган чизғидан четга чиқмайди. Мабодо чиққудек бўлса борми, ҳолига маймунлар хўнграб юборади.

Домланинг рафиқалари бирам меҳмондўст экан, ишдан олдин чой ичиб олинглар деб туриб олди. Чой қайнагунча бўлмай дастурхонни шипшидам қилиб қўйдик. Шу пайт домламизнинг бир эркатой ўғли кела солиб бошимдаги дўппимга ёпишди. Сочим сийрақроқлиги учун дўппимни ҳеч қачон бошимдан қўймасдим. Қўй-қўй қилаётгандим, Саноқул қулоғимга шивирлади:

— Дўстим, дўппи топилади, лекин имтиҳонни ўйланг, кичкина бола хафа бўлса, дарров дадасига айтиб беради, кейин ишимиз бир пул бўлади.

Бу гапни эшитиб, дўппимни оёғига кийиб чопса ҳам, бир бурчини тешиб, ип ўтказиб, ичига қум солиб машина қилиб судраса ҳам ўзимни кўрмаганга солиб тура бердим. Бояги омон бўлгур ўйнаб-ўйнаб зерикди шекилли, кела солиб:

— От бўясиз, — деб туриб олди.

— Бу бекорга от бўлинг дегани

йўқ, ҳозир домла бўлганда албатта у кишини от қилиб минарди. Демак, кўнгли сизни тусабдим, на-чора, домла қилган ишни сиз қилсангиз ҳеч қандай уяти йўқ.

— Бўлмаса ўзингиз от бўлақолинг дегандим, «сиз бўясиз», — деди бояги тирранча.

Ноилож от бўлиб миндириб ҳавлини бир айлантриб келдим. Қарасам, ҳали-бери тушадиган нияти йўқ. Саноқул бўлса тиржайиб чой ичиб ўтирибди. Устимдан домланинг эркатойини тушириб, Саноқулни олдига етаклаб бориб: «Энди мана шу акангни миниб тур, даданг ўз ўрнига шу акангни тайинлаб кетган», дейишим билан Саноқул ўрнидан туриб:

— Қани бўлмаса кетдик, навбат ишга, — деб ўрнидан қўзғалди.

Шу куни ярим кечагача ўлиб-тирилиб ғишт қўйдик. Эртасига Сафаров домла:

— Қодиров, — деди Саноқулга юзланиб, — дардан сўнг Жўраев билан менга учрашиб кетинглар!

— Оҳ, мана, йўлини топса бўларкану, хотиннинг зўри — эркакнинг шўри деб машойхларимиз топиб айтган экан-да, деб синов дафтарчани силаб-сийпаб Саноқулга тутқаздим.

Кирсак, домланинг авзойи бузук. Чўнтагини ковлаб иккита ўнталикни чиқариб:

— Мана кечаги меҳнатларинг ҳақи. Эртага дардан сўнг икковингдан имтиҳон оламан, яхшилаб тайёрланиб келинглар, — деб ташқарига чиқиб кетди. Шу пайт кўзимга домланинг бояги тирранча ўғли кўринди. Эссизгина қирқ беш сўмлик дўппим-а!

Мен, йиғламоқдан бери бўлиб Саноқулга юзландим. У бўлса чуқур бир хўрсиниб, синов дафтарчамни узатаркан, қўймаб қўйди:

— Хотинидан қўрқмаган эркакни биринчи кўришим.



НАСР

Зоҳир АЪЛАМ. Оғриқ. Ҳикоялар	12
Фарида ҚОРАҚУЛОВА. Қора гуруҳ. Сарғу- зашт-қисса	21
Аббос САИДОВ. Райҳон иси тутган ҳовли. Қисса	39



НАЗМ

Йўлдош ЭШБЕК.	6
ОЛЛОЕР	20
Ҳамид ЖАЛИЛ	73



ПУБЛИЦИСТИКА

Келажак умиди. Ўзбекистон ССР Халқ ёзувчиси МИРМУҲСИН билан суҳбат.	2
Ғайрат УСМОНХУҲАЕВ. Комсомол инқи- розга юз тутмоқдами?	9
Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ. Ўтмишни унут- ганнинг келажаги бўлмайди	60
Вера ПАНОВА, Юрий ВАХТИН. Муҳам- мад пайғамбар ҳаёти. Давоми	65
Поён РАВШАНОВ. Амир Темурнинг муҳри	74



ГУЛЧАМБАР

Анна АХМАТОВА. Сайр этаман оқшомги соат	10
------------------------------------------------------	----



САНЪАТ

Оқил ИБРОҲИМОВ. Инқироз	70
Тил сандиғи	57



НИГОҲ

Жўрабек МУРОДОВ	58
---------------------------	----



ЕЛПИҒИЧ

Ваҳобиддин МАМАДАЛИЕВ. Ғишт. Ҳажвия	79
--------------------------------------------------	----



ҒШЛИК

«Молодость»
ежемесячный
литературно-художественный,
общественно-политический журнал
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ
Мусаҳҳих: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:
700113, Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси,
60-уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир: —78-94-05
Бош муҳаррир ўринбосари —78-49-83
Масъул котиб —78-97-07
Наср бўлими —78-97-58
Назм бўлими —78-77-16
Публицистика, адабий танқид ва санъат
бўлими —78-17-47
Фотомуҳбир —78-97-58

Редакция ҳажми 12 босма табақдан ортиқ ро-
ман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар қўлёз-
масини қабул қилмайди.
Ҳажми бир босма табақча бўлган асарлар
муаллифларига қайтарилмайди. Редакция ўз
тавсиясига кўра амалга оширилган таржима
асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади.
Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»-
дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 24.08.89 да туширилди.
Босишга 29.09.89 да рухсат берилди.
Р—15210. Офсет босма, 1-офсет қоғози.
Қоғоз формати 84×108^{1/16}.
Қоғоз ҳажми 5,25 босма табақ.
Шартли босма табақ — 8,82.
Нашриёт табақ ҳисоби 12,6.
Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76.
Тиражи 296. 892 нусха.
Буюртма № 1354
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли
босмаҳонаси.

«Ёшлик», № 10, 1989.